67.4

# ЎЗБЕКИСТОНДА НОТАРИАТ

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

"АДОЛАТ"

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

# ЎЗБЕКИСТОНДА НОТАРИАТ

Тошкент
«Адолат»
1998

У-29
ББК 67.99(5У)92

Ўзбекистон судьялари Ассоциациясининг раиси А. К. ТЎХТАШЕВнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида.

Муаллифлар: Ф. ҲАМИДОВ,
С. ТОҒАЕВ

Тўплам нотариуслар, судьялар, адлия бошқармаларининг ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқ маслаҳатчилари, шаҳарчалар, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари), қонун доирасида нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларга, кўчмас мулклар савдолари билан шуғулланувчи фирмалар ходимларига, юридик институтлари студентларига ва ўзининг мулкий ҳуқуқларини тўғри амалга оширишни истаган ҳар бир фуқарога мўлжалланган.

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI Ahborot-resurs markazi
908

У $\frac{1203050000-001}{(04)-98}$ — 28 — 98

© «Адолат», 1998 й.

# СЎЗБОШИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат қуришнинг асосий таомилларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан эълон қилинган қонун устуворлиги тамойилидир.

Қонун устуворлигини таъминлашда нотариусларнинг, шу жумладан айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳам уз ўрни бор.

Ўзбекистон Республикасининг Нотариат туғрисидаги Қонунининг 1-моддасида таъкидланганидек, «Узбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир».

Нотариусларнинг ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа шахсларнинг (шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари, даволаш муассасаларининг, госпитал, қариялар ва ногиронлар уйларининг раҳбарлари, экспедиция бошлиқлари, ҳарбий қисм командирлари ва бошқалар) нотариал фаолиятни амалга оширишда қонун-қоидаларга қатъий риоя қилишлари фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳак-ҳуқукларини ҳимоя қилишгагина эмас, балки мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Мустақиллик шарофати билан бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодиётни барқарорлаштириш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳукукий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида кейинги йилларда қабул қилинган катор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар нотариуслар фаолиятини янада кенгайтиришга олиб келмоқда. Бу ўз навбатида нотариал фаолиятни ҳукуқий жиҳатдан янада мукаммалроқ тартибга солишни талаб қилади.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди. Адлия вазирлиги томонидан эса нотариал фаолиятнинг барча жабҳаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар — қўлланмалар ва Низомлар ишлаб чиқилиб, ҳайъат қарори билан тасдиқланди. Қонунчилик нотариал фаолиятни демократлаштириш йўналишида ривожланмокда. Чунончи, Ўзбе-

кистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонунига кўра нотариал фаолият нафақат давлат нотариуслари, балки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан ҳам амалга ошириладиган бўлди.

Нотариуслик лавозимини эгаллаш белгиланган тартибда лицензия олган шахслар орасида танлов ўтказиш асосида амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Шу нарсани эътироф этиш керакки, нотариал фаолиятни амалга ошириш тартибларини, қайси ҳолатларда шартнома ёки бошқа битимларни албатта нотариал тартибда расмийлаштириш лозимлигини кўпчилик, шу жумладан баъзи юристлар ҳам билмайди.

Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимини ошириш борасида қатор вазифалар қаторида аҳолига қонунлар моҳиятини чуқур англаб етишга ҳар томонлама кўмаклашиш вазифаси қўйилган. Қўлингиздаги тўплам шу вазифаларни бажариш йўлида қўйилган дастлабки қадамлардан биридир.

Ўз ичига Нотариат тўғрисидаги Қонунни, нотариал фаолиятни тартибга солувчи бошқа қонунлардан кўчирмалар ва меъёрий ҳужжатларни ҳамда нотариал ҳаракатлардан намуналарни қамраб олган ўзбек тилида биринчи бор нашр қилинаётган бу тўплам кенг китобхонлар оммасининг нотариат тўғрисидаги билимларини оширишга хизмат қилади деб умид қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири С. МИРСАФОЕВ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ НОТАРИАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ

## I БЎЛИМ

## НОТАРИАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

### *1- боб.* Асосий қоидалар

1- м о д д а. Ўзбекистон Республикасида нотариат

Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни ушбу Қонунга мувофиқ давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади.

Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идораларининг реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юритади.

Нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) амалга оширади.

Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари амалга оширади.

2- м о д д а. Ўзбекистон Республикасида нотариус

Ўзбекистон Республикасида нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади. Бу талаб ушбу Қонуннинг 1-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган мансабдор шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Нотариуснинг олий юридик маълумотли стажёри ва ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Тегишли давлат нотариал идорасига стажёр ва ёрдамчини ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари (бундан буён матнда адлия бошқармалари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар орасидан стажёрни, шунингдек, ёрдамчини мустақил тарзда ишга қабул қилишга ҳақлидир.

Юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган шахслар учун стажировка муддати тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори билан камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда стажировка муддати олти ойдан кам бўлмаслиги керак. Стажировкадан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашидан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланишидан қатъи назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эгадир. Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга.

### 3- м о д д а. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия

Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади. Лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилади. Лицензия бериш рад этилганлиги устидан судга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори олинган кундан бошлаб бир ой ичида шикоят қилиш мумкин.

Лицензия олган, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаронинг малака имтиҳонини қайта топширганидан кейингина нотариус лавозимида ишлашига йўл қуйилади.

4-м о д д а. Малака ва апелляция комиссиялари

Стажировкадан ўтган ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш тўғрисида белгиланган тартибда ариза берган шахслар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари қошида ташкил этиладиган малака комиссиясига имтиҳон топширадилар.

Малака комиссиясининг қарори устидан шикоятлар ушбу комиссиянинг қарори манфаатдор шахснинг қўлига топширилган кундан бошлаб бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссиясига берилади.

Малака комиссиясининг имтиҳонидан ўта олмаган шахслар ушбу комиссия қарори чиққан кундан бошлаб камида бир йилдан сўнг қайта имтиҳон топширишга қўйилади.

Малака ва апелляция комиссиялари тўғрисидаги низомларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасдиқлайди.

5- м о д д а. Нотариуснинг мустақиллиги

Нотариус ўз фаолиятида мустақил бўлиб, бу фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилади.

6- м о д д а. Нотариал ҳаракатларнинг махфийлиги

Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратуранинг, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Фуқаролар мулкига

утаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

7- м о д д а. Нотариус фаолиятидаги чеклашлар

Нотариус:

илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари, тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланишга;

шартномалар тузишда воситачилик хизмати кўрсатишга ҳақли эмас.

8- м о д д а. Давлат нотариал идораси. Нотариусларнинг махсус унвонлари

Давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан очилади ва тугатилади.

Давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариусларга қонун ҳужжатларига биноан махсус унвонлар — мансаб даражалари берилади.

9- м о д д а. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус юридик шахсдир. У ўз идорасига эга бўлиш, банкда ҳисобкитоб варағи ва бошқа ҳисобварақлар очиш, мулкий ҳамда шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни тўхтатиш, тушган даромадни тасарруф этиш, судда ўз номидан қатнашиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунда белгиланган тартибда тузиладиган нотариал палатага бирлашишлари мумкин.

Нотариус таътилга чиқиш ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларнинг барча турини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Нотариусга давлат ижтимоий

суғуртаси бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш ҳамда унинг давлат пенсияси таъминоти амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### 10- м о д д а. Нотариал иш юритиш ва ҳисобдорлик

Нотариуслар нотариал ишларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасдиқлайдиган қоидаларга мувофиқ юритадилар.

Давлат нотариал идораларининг нотариуслари, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар белгиланган бухгалтерлик ва статистика ҳисоботларини юритадилар, молия ва солиқ органларига бюджетга тўланадиган солиқларни ҳисоблаш ва уларни тўлаш билан боғлиқ маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этадилар.

### 11- м о д д а. Нотариал ҳаракатлар амалга ошириладиган тил

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади.

Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи шахс томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

### 12- м о д д а. Нотариуснинг муҳри, штамплари, иш қоғозлари

Нотариус Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби акс эттирилган, нотариус исми-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими ва жойлашган манзили ёки давлат нотариал идорасининг номи кўрсатилган шахсий муҳри, тасдиқловчи ёзувлар битилган штамплари, шахсий иш қоғозлари ёки давлат нотариал идорасининг иш қоғозларига эга бўлади.

### 13- м о д д а. Нотариусларнинг касбий мажбуриятларини бажариш устидан назорат

Нотариусларнинг ўз касбий мажбуриятларини бажариши устидан назоратни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари амалга оширади.

## *2- боб.* Нотариал идоралар тармоғи, нотариус лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш

### 14- м о д д а. Давлат нотариал идоралари тармоғи ва штатлари

Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари тармоғи, уларнинг штатлари давлат нотариал идоралари учун белгиланган штатлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида мансаб окладлари чизмасига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Икки нафар ва ундан ортик нотариус ишлайдиган давлат нотариал идораларида нотариуслардан бири катта давлат нотариуси этиб тайинланади ва унинг зиммасига ушбу нотариал идоранинг маъмурий-ташкилий ишларини назорат қилиш вазифаси юклатилади.

### 15- м о д д а. Нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш тартиби. Нотариус ваколатларини бериш ва уларни бекор қилиш

Нотариус лавозими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади.

Нотариал округдаги нотариуслар лавозимининг сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариусга муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг топшириғига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси томонидан лицензияси бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайди.

Давлат нотариал идорасида ишлаётган нотариус билан меҳнат шартномасини бекор қилиш меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз хоҳиши билан зиммасидаги ваколатларни соқит қилади ёки унинг ваколатлари қуйидаги холларда суднинг нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида бекор қилинади:

касддан жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган тақдирда — ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг;

қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланган ёки муомала лаёқатига эга эмас деб топилган тақдирда;

қонун ҳужжатларини бузган, носоғлиги туфайли (тиббий хулоса бўлса) касбий мажбуриятларини бажаришининг имконияти бўлмаган тақдирда ва қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда лицензия берган органнинг илтимосномасига биноан.

Нотариуснинг ваколатлари бекор қилинган тақдирда, тегишли адлия органи унда сақланаётган ҳужжатларни бошқа нотариусга топшириш тўғрисида қарор чиқаради.

### 16- м о д д а. Нотариуснинг фаолият курсатиш ҳудуди (нотариал округ)

Нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди (нотариал округ) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ белгиланади. Туманларга бўлинган шаҳарларда тегишли шаҳарнинг бутун ҳудуди нотариал хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси содир этилиш жойи қонун ҳужжатларида белгиланган нотариал ҳаракатларни бажариш юзасидан нотариус ўз вазифаларини амалга оширишга ҳақли бўлган ҳудудни белгилаб беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаси аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, нотариуснинг ваколатлари амал қиладиган ҳудудни ўзгартириши мумкин. Кўрсатилган ҳудуд доирасида нотариуснинг ўз иш жойи бўлиши шарт.

Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир, ушбу Қонуннинг 37, 44, 51, 52, 59, 62, 63, 74, 82 ва 93-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Нотариуснинг нотариал ҳаракатни белгиланган фаолият ҳудудидан ташқарида амалга ошириши бу ҳаракатни ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлмайди.

Нотариус мавжуд бўлмаган ҳудуддаги васият қилувчи огир касал бўлган ҳолларда васиятномани тасдиқлаш учун нотариус ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуддан ташқарига чиқишга ҳақлидир.

## *3- боб.* Нотариуснинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

### 17- м о д д а. Нотариуснинг ҳуқуқлари

Нотариус қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига мурожаат қилган барча шахслар учун ушбу Қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно;

битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлаш, шунингдек нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

### 18- м о д д а. Нотариуснинг мажбуриятлари

Нотариус:

жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши;

томонлар тақдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириш;

юридик жиҳатдан бехабарлик жисмоний ва юридик шахслар зарарига фойдаланилмаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантириши;

қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши;

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда мерос ёки ҳадя тартибида ўтаётган мол-мулкдан ундириладиган

солиқни ҳисоблаб чиқиш учун фуқароларнинг мулкига айланаётган мол-мулкнинг қиймати тўғрисида солиқ органига маълумотнома бериши шарт.

### 19- м о д д а. Нотариуснинг жавобгарлиги

Давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус қонун ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этса, шунингдек, ушбу Қонун 18-моддасининг еттинчи хатбошисида назарда тутилган ахборотни солиқ органларига тақдим этмаса, белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус амалга оширилган нотариал ҳаракат ҳақидаги маълумотларни қасддан ошкор қилган бўлса ёки қонун ҳужжатларига зид бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширган бўлса, бунинг оқибатида етказилган зиённи суд қарорига биноан қоплаши шарт.

### 20- м о д д а. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини суғурта қилиш

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолиятини суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Нотариус суғурта шартномасини тузмасдан ўз мажбуриятларини бажаришга ҳақли эмас.

Суғурта суммаси белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан кам бўлмаслиги керак.

## *4-боб.* Нотариуслар фаолиятининг молиявий таъминоти

### 21- м о д д а. Нотариал ҳаракатлар ва нотариуслар томонидан кўрсатилган бошқа хизматлар учун ҳақ тўлаш

Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик ҳамда ҳужжатлардан нусха (дубликат) берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундиради.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида нотариал шаклда

бўлиши мажбурий қилиб қўйилган ҳаракатларни бажарганлик учун худди шу ҳаракатларни давлат нотариал идораларида бажарганлик учун олиниши назарда тутилган давлат божи миқдорларига мувофиқ тарифлар бўйича ҳақ ундиради.

Давлат божи ҳақидаги қонун ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахслар учун назарда тутилган имтиёзлар давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар ҳам, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам нотариал ҳаракатларни бажарганларида, ҳужжатлар лойиҳаларини тузғанларида, ҳужжатларнинг нусхаларини берганларида ва бошқа техник ишларни бажарганларида мазкур шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Нотариус нотариал ҳаракатни бажариш учун ўз иш жойидан ташқарига чиққанида манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар унинг амалдаги транспорт харажатларини қоплайдилар.

Нотариусга мурожаат қилган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар билан нотариус ўртасидаги келишувга мувофиқ нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча хизматлар кўрсатилганлиги учун ҳақ ундирилиши мумкин.

### 22- м о д д а. Нотариал фаолиятни маблаг билан таъминлаш

Давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги хизматлар кўрсатганлик учун олган пул маблағлари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа молиявий тушумлари унинг фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбаи ҳисобланади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус томонидан олинган пул маблағлари давлат бюджетига солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин нотариуснинг мулкига ўтади.

Депозит ҳисобварақларда турган пул маблағлари хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг даромади ҳисобланмайди.

# II БЎЛИМ

## НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ

### *5-боб.* Нотариал ҳаракатлар

**23- м о д д а. Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар амалга oширадиган нотариал ҳаракатлар**

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1) битимларни тасдиқлайди;

2) васиятномаларни тасдиқлайди;

3) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;

4) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади;

5) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;

6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;

7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;

8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;

9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;

10) кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;

11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;

12) фуқаронинг муайян жойда эканлиги актини тасдиқлайди;

13) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;

14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;

16) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;

17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;

18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;

19) ижро хатларини ёзади;

20) вексelларнинг протестларини амалга оширади;

21) денгиз протестларини амалга оширади;

22) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**24- м о д д а. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ушбу Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга оширади, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини кўриш бундан мустасно.

**25- м о д д а. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар**

Аҳоли пунктида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1) васиятномаларни тасдиқлайди;

2) ишончномаларни тасдиқлайди, автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

3) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;

4) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно;

5) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 26- м о д д а. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномалар

Қуйидагилар нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилади:

касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаётган фуқароларнинг ушбу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассаларининг бош шифокорлари, уларнинг тиббиёт бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ва бош шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юрган кемаларда сафарда бўлган фуқароларнинг шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедицияларида ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар жойлашган, нотариуслар бўлмаган пунктларда эса, шу қисмларда ишловчи ҳарбий хизматчи бўлмаган шахсларнинг, улар оила аъзоларининг ҳамда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари;

озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ёки қамоқдаги шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари.

Васиятномалар ва ишончномаларни ушбу моддада айтиб ўтилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқлаш Ўзбекистонда Республика Адлия вазирлиги белгилаб қўядиган тартибда амалга оширилади.

### 27- м о д д а. Мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномаларни давлат нотариал идорасига бериш

Ушбу Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ўзлари тасдиқлаган васиятномаларнинг биттадан нусхасини васият қилувчи доимий яшайдиган жой-

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Ahborot-resurs markazi



908

даги давлат нотариал идорасига сақлаш учун кечиктирмай юборишлари шарт.

Агар васият қилувчининг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлмаса ёки унинг яшаш жойи номаълум бўлса, васиятнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайдиган давлат нотариал идорасига юборилади.

Давлат нотариуси сақлаш учун келиб тушган васиятномани текшириб кўриши ва унинг қонунга номувофиқлиги аниқланган тақдирда, бу хусусда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши шарт.

### 28- м о д д а. Консуллар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно;

2) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;

3) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;

4) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;

5) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

6) мерос мол-мулкнинг қўрикланишига доир чора-тадбирлар кўради;

7) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради;

8) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради;

9) ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмалар тўғрилигини шаҳодатлайди;

10) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;

11) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;

12) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;

13) сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади;

14) ижро хатларини ёзади;

15) денгиз протестларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 29- м о д д а. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби

Нотариусларнинг, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахсларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қуйилади.

## *6-боб.* Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш қоидалари

### 30- м о д д а. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жойи

Нотариал ҳаракатлар нотариал идора ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи жойлашган бинода амалга оширилади.

Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариал идорасига, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурига бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг ҳамда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг биноларидан ташқарида амалга ошириладиган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

### 31- м о д д а. Нотариал ҳаракатни амалга ошириш ва тўхтатиб туриш муддатлари

Нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганида кечиктирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда, кечиктирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган, шахснинг талабига кўра унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақидаги қарор берилади.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлгунига қадар тўхтатиб турилади.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечиктириш ва тўхтатиб туришнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

### 32- м о д д а. **Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишининг шахсини аниқлаш**

Нотариуслар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишиларнинг шахсини аниқлайди.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишининг шахси унинг шахсига нисбатан ҳар қандай шубҳаларни истисно этадиган паспорти ёки бошқа ҳужжатларига асосан аниқланиши керак.

### 33- м о д д а. **Битимларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқатини ва юридик шахсларининг ҳуқуқ лаёқатини текшириш**

Битимлар тасдиқлаб берилаётганида уларда иштирок

этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда унинг ваколати ҳам текширилади.

### 34- м о д д а. Нотариал тасдиқланадиган битимлар, шунингдек, аризалар ва бошқа ҳужжатларни имзолаш тартиби

Нотариал тасдиқланадиган битимлар, шунингдек, аризалар ва бошқа ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланади.

Агар фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса, битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ёзиб қўйилиши лозим.

Башарти нотариал идоранинг йиғмажилдларида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг ваколатлари текширилганлиги ҳақида маълумотлар, имзоларининг шахсан мурожаат қилинган вақтда олинган намунаси бўлса ва уларнинг имзолари ҳақиқийлигига шубҳа туғилмайдиган бўлса, нотариус бу мансабдор шахсларнинг ўзлари келишини талаб қилмаслиги мумкин.

### 35- м о д д а. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйиладиган талаблар

Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган ҳужжатларни, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатларни қабул қилмайди.

Нотариал тасдиқланадиган битимларнинг матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши керак, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, юридик шахсларнинг номлари эса — улар органларининг манзилларини кўрсатган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми,

отасининг исми тўлиқ ёзилиб, яшаш жойи кўрсатилган бўлиши керак.

Бир варақдан ортиқ бўлган ҳужжат ип ўтказиб тикилган, варақлари рақамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак.

### 36- м о д д а. Тасдиқловчи ёзувларни ёзиш ва гувоҳномалар бериш

Битимларни тасдиқлашда, ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга қилинган таржимаси тўғрилигини тасдиқлашда, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлашда тегишли ҳужжатларга тасдиқловчи ёзувлар ёзилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ, мулк ҳуқуқи тасдиқланганда, фуқаронинг тирик эканлиги ва муайян жойда эканлиги фактлари, фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлиги тасдиқланганда, сақлаш учун ҳужжатлар қабул қилиб олинганида тегишли гувоҳномалар берилади.

### 37-м о д д а. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини чеклашлар

Нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан, шунингдек, мазкур давлат нотариал идорасининг ходимлари ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг қўлида ишловчи шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

### 38- м о д д а. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш

Нотариус қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади, агар:

бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса;

бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;

юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда нотариал ҳаракати амалга оширишни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

### 39-м о д д а. Нотариал ҳаракат устидан, нотариал ҳаракатни кечиктириш ёки уни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш

Амалга оширилган нотариал ҳаракатни, нотариал ҳаракатни кечиктириш ёки нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарорни нотўғри деб ҳисоблаган манфаатдор шахс бу хусусда давлат нотариал идораси, ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус турган жойдаги судга шикоят қилишга ҳақлидир.

### 40-м о д д а. Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш

Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар реестрда рўйхатга олинади. Ҳар бир нотариал ҳаракат алоҳида тартиб рақами билан рўйхатга олинади.

Нотариуслар ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахсларнинг ёзма аризасига биноан нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш регистрларидан кўчирмалар беради.

**41-м о д д а. Нотариал ҳаракатларни, нотариал гувоҳномаларни, тасдиқловчи ёзувларни рўйхатга олиш реестрларининг шакллари**

Нотариал ҳаракатларни, нотариал гувоҳномаларни, битимлар ва тасдиқланувчи ҳужжатлардаги тасдиқловчи ёзувларни рўйхатга олиш реестрларининг шакллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланди.

**42-м о д д а. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини бериш**

Нотариус томонидан тасдиқланган ёки берилган, нусхалари нотариал идоранинг йиғмажилдларида сақланаётган ҳужжатлар йўқолган тақдирда номидан ёхуд топшириғига биноан нотариал ҳаракатлар бажарилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ёки улар қонуний вакилларининг ёзма аризасига кўра йўқолган ҳужжатларнинг дубликатлари берилади.

Дубликатларни бериш ушбу Қонуннинг 6 ва 40-моддалари талабларига риоя этган ҳолда бажарилади.

## *7-боб.* Битимларни тасдиқлаш

**43-м о д д а. Нотариал тартибда тасдиқланадиган битимлар**

Нотариуслар қонун ҳужжатларига биноан нотариал шаклда тасдиқланиши мажбурий қилиб қўйилган битимларни тасдиқлайди. Томонларнинг хоҳишига кўра нотариус бошқа битимларни ҳам тасдиқлаши мумкин.

**44-м о д д а. Рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш**

Рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаровга қўйилаётган мол-мулкка мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин.

Уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражни, шунингдек, бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланади. Бундан уларнинг бошқа шахсга ўтказувчига тегишлилиги, бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилади. Тақиқ мавжуд бўлган ҳолларда кўрсатиб ўтилган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим кредитор билан олувчи шахс қарзни олувчининг ҳисобига ўтказишга рози бўлганлари тақдирдагина тасдиқланиши мумкин.

45-м о д д а. Васиятномаларни тасдиқлаш

Нотариуслар муомалага лаёқатли фуқароларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган ва уларнинг ўзлари нотариусга шахсан тақдим этган васиятларини тасдиқлайди. Васиятномаларни вакиллар орқали тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Васиятномани тасдиқлаб беришда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб қилинмайди.

46-м о д д а. Васиятномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

Нотариуслар васиятномани бекор қилиш тўғрисида ариза олинган тақдирда, шунингдек, васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинган тақдирда васиятноманинг нотариусда сақланаётган нусхасига ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига бу хусусда белги қўяди. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзо нотариал шаҳодатланиши лозим.

47-м о д д а. Ишончномаларни тасдиқлаш

Нотариуслар бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ёзилган ишончномаларни тасдиқлайди.

Ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибида берилган ишончнома шундай ишониб топшириш ҳуқуқи кўрсатиб қўйилган асосий ишончнома тақдим этилганидан кейин ёки асосий ишончнома бўйича вакил ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя

қилиш учун вазият тақозоси билан шундай иш тутишга мажбур бўлганлиги ҳақида далиллар тақдим этганидан кейин нотариал тасдиқланиши керак. Ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибида берилган ишончнома асосий ишончнома бўйича берилганидан кўпроқ ҳуқуқни қамраб олмаслиги керак. Ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибида берилган ишончноманинг амал қилиш муддати бу ишончномани беришга асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

### 48-м о д д а. Битим мазмуни баён этилган ҳужжат нусхаларининг сони

Нотариал тартибда тасдиқланадиган битим мазмуни баён этилган ҳужжат нусхаларининг сони нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахслар томонидан белгиланади, лекин у битимда қатнашувчи томонлар миқдоридан ошиб кетмаслиги керак. Бироқ васиятномалари ва мол-мулкни гаровга қўйиш, турар жойни ва бошқа кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар нотариусга камида икки нусхада тақдим этилади, улардан биттаси нотариал идоранинг йиғмажилдларида қолади.

## *8-боб.* Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш

### 49-м о д д а. Меросхўрларни мерос очилганлиги ҳақида хабардор қилиш

Нотариус мерос очилганлиги ҳақидаги хабарни олгач, бу ҳақда турар жойи ва иш жойи ўзига маълум бўлган меросхўрларни хабардор қилиши шарт.

Нотариус бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ошкора маълум қилиш ёки хабар бериш йўли билан ҳам меросхўрларни чақириши мумкин.

### 50-м о д д а. Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш

Мерос очилган жойдаги нотариус қонун ҳужжатларига мувофиқ меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш

ҳақидаги аризаларни қабул қилади. Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризалар ёзма равишда берилиши керак.

51-м о д д а. **Мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилиш**

Мерос очилган жойдаги нотариус қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилади. Даъволар ёзма равишда баён этилиши шарт.

52-м о д д а. **Мерос мол-мулкни қўриқлаш**

Мерос очилган жойдаги нотариус, башарти меросхўрларнинг, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг қуриқланишига доир чора-тадбирлар кўради.

53-м о д д а. **Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топшириқ бериш**

Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки унинг бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақда мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинининг раисига (оқсоқолига) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топшириқ юборади.

Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрган нотариус ёки фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) мерос очилган жойдаги нотариал идорага курилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади ва мерос мол-мулк рўйхатининг нусхасини юборади.

54-м о д д а. **Мерос мол-мулкни рўйхатга олиш ва уни сақлаш учун топшириш**

Мерос, мол-мулкнинг қўриқланиши учун нотариуслар бу мол-мулкни рўйхатга олади ва мол-мулкни сақлаш учун меросхўрларга ёки бошқа шахсларга топширади.

Мерос таркибида бошқаришни талаб этадиган мол-мулк бўлса, шунингдек, мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар меросни қабул қилиб олгунга қадар даъво кўзғатган ҳолларда нотариус мерос бошқарувчисини тайинлайди. Давлат нотариал идораси бўлмаган жойларда фуқароларнинг тегишли ўзини-ўзи бошқариш органи юқорида кўрсатилган ҳолларда мерос мол-мулк устидан мерос бошқарувчисини тайинлайди.

Мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк саклаш учун топширилган бошқа шахслар мерос мол-мулкни талон-торож қилганлик, бошқа шахсга берганлик ёки яширганлик учун ва меросхўрларга зарар етказганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

### 55-м о д д а. Мерос мол-мулкни сақлаганлик учун тақдирлаш

Мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқа шахслар, агар меросхўр бўлмасалар, мерос мол-мулкни сақлаганлик учун меросхўрлардан ҳақ олишга ҳақлидир. Кўрсатиб ўтилган шахсларнинг мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун қилган зарур харажатлари ҳам қопланади, бунда мол-мулкдан фойдаланиш ҳисобига амалда олинган фойда чегириб ташланади.

### 56-м о д д а. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирларни тўхтатиш

Мерос мол-мулкни қўриқлаш меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунга қадар, агар мерос улар томонидан қабул қилиб олинмаган бўлса, қонунда белгилаб қўйилган меросни қабул қилиб олиш муддати ўтгунга қадар давом этади.

Мерос очилган жойдаги нотариус мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар тўхтатилиши ҳақида меросхўрларни, агар мол-мулк ворислик ҳуқуқи бўйича давлатга ўтса, тегишли давлат органини олдиндан хабардор қилиши шарт.

### 57-м о д д а. Мерос мол-мулк ҳисобидан харажатларни тўлаш

Нотариус меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунига қадар, агар мерос қабул қилиб олинмаган

бўлса, давлатга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилгунига қадар мерос мол-мулк ҳисобидан:

мерос қолдирувчи касал бўлган вақт мобайнида унга қараб туриш, шунингдек вафот этган тақдирда уни дафн этиш ва қабрини обод қилиш;

мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган фуқароларни таъминлаш;

иш ҳақи бўйича даъволарни ва уларга тенглаштирилган даъволарни қаноатлантириш;

мерос мол-мулкни қўриқлаш ва уни бошқариш, шунингдек, меросхўрларни чақириш ҳақидаги хабарни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни тўплаш тўғрисида фармойиш беради.

Қонунларда мерос мол-мулк ҳисобидан харажатларни қоплашнинг бошқа ҳоллари ҳам белгиланиши мумкин.

### 58-м о д д а. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш жойи ва муддатлари

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради.

Гувоҳномалар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда берилади.

### 59-м о д д а. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш тартиби

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросни қабул қилиб олган меросхўрларга қонун ҳужжатларига мувофиқ берилади.

Меросни қабул қилиб олиш муддатини ўтказиб юборган меросхўрлар меросни қабул қилиб олган бошқа барча меросхўрларнинг розилиги билан меросни қабул қилиб олган меросхўрлар қаторига киритилиши мумкин. Бу розилик меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилгунига қадар ёзма равишда билдирилиши керак.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига боғлиқ равишда ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин.

Нотариуслар вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз меросхўрларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш учун уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганлиги ҳақида меросхўрлар яшаётган

жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қилади.

Мол-мулк ворислик ҳуқуқи бўйича давлатга ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтган тақдирда меросга бўлган ҳуқуқ тўгрисидаги гувоҳнома тегишли давлат органига ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига берилади.

### 60-м о д д а. Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришнинг шартлари

Нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чогида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жой ва вақтни, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб ариза топширган шахсларнинг мерос қолдирувчи билган қонун буйича ворисликка чақириш учун асос бўладиган муносабатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини, мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини текшириб кўради.

Агар қонун буйича меросхўрларнинг бири ёки бир нечаси ворисликка чақиришга асос буладиган муносабатлар мавжудлиғини исботлайдиган ҳужжатларни тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса, улар меросни қабул қилиб олган ва тегишли исботларни тақдим этган бошқа барча меросхурларнинг ёзма розилиги билан меросга бўлган ҳуқуқ туғрисидаги гувоҳномага киритилиши мумкин.

### 61-м о д д а. Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш шартлари

Нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, васиятноманинг бор-йўқлигини, мерос очилган вақт ва жойни, мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини текширади.

Нотариус меросдан шак-шубҳасиз улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини ҳам аниқлайди.

## *9-боб.* Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш

### 62-м о д д а. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш

Нотариус эр-хотиннинг ёзма аризасига мувофиқ улардан бирига ёки ҳар иккисига никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради.

Уй-жойга (уй-жойнинг бир қисмига), квартирага, дала ҳовлига, боғ ҳовлига, гаражга, шунингдек, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома шу мол-мулклар жойлашган ердаги нотариус томонидан берилади.

### 63-м о д д а. Марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) аризасига кўра умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш

Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма аризасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, меросни қабул қилиб олган меросхўрлар бу хусусда хабардор қилинади.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотинга (эрга) никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкнинг ярмиси учун берилиши мумкин.

Меросни қабул қилиб олган меросхўрларнинг ёзма аризасига кўра ва марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) розилиги билан мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада вафот этган эрнинг (хотиннинг) ҳам умумий мол-мулкдаги улуши белгиланиши мумкин.

### 64-м о д д а. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш

Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш қонунларда белгиланган шартларда ва тартибда амалга оширилади.

## *10-боб.* Ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, имзонинг ҳақиқийлигини ва таржиманинг тўғрилигини шаҳодатлаш

### 65-м о д д а. Ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш

Нотариуслар жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини ушбу ҳужжатлар қонунга зид бўлмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамда уларнинг нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш қонун билан тақиқланмаган ҳолдагина шаҳодатлайди.

Кўчирма олинаётган ҳужжатда ўзаро боғлиқ бўлмаган бир нечта алоҳида масалаларга оид қарорлар бўлган тақдирдагина кўчирманинг тўғрилиги шаҳодатланиши мумкин. Кўчирма ҳужжатнинг муайян масалага доир қисмининг тўла матнини акс эттириши керак.

Фуқаронинг ҳужжатдаги имзоси ҳақиқийлиги унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги нотариус ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан шаҳодатланган ҳолларда нотариус фуқаро берган ҳужжатнинг нусхаси тўғрилигини шаҳодатлайди.

### 66-м о д д а. Ҳужжат нусхасидан кўчирилган нусханинг тўғрилигини шаҳодатлаш

Ҳужжат нусхасидан кўчирилган нусханинг тўғрилигини нотариуслар, башарти аввалги нусханинг тўғрилиги нотариал тартибда шаҳодатланган бўлса ёки ҳужжатнинг нусхаси унинг асл нусхаси тайёрланган корхона, муассаса, ташкилот томонидан берилган бўлса, шаҳодатлайди. Кейинги ҳолатда ҳужжатнинг нусхаси маз-

кур юридик шахснинг иш қоғозида баён этилган, муҳр босиб тасдиқланган ва унда шу ҳужжатнинг асли мазкур корхона, муассаса, ташкилотда эканлиги ёзиб қўйилган бўлиши керак.

### 67-м о д д а. Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш

Нотариус мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Нотариус имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки фақат имзонинг муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайди.

### 68-м о д д а. Таржиманинг тўғрилигини шаҳодатлаш

Нотариус, башарти у тегишли тилларни билса, бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима килинганлигини шаҳодатлайди.

Агар нотариус тегишли тилларни билмаса, таржима таржимон томонидан қилиниши мумкин, нотариус унинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

## *11-боб.* Фактларни тасдиқлаш

### 69-м о д д а. Фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш

Нотариус фуқаронинг тирик эканлиги фактини унинг шахсий илтимосига кўра ва унинг иштирокида тасдиқлайди.

Вояга етмаган шахснинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уни ўз ҳомийлигига олган муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосига кўра амалга оширилади.

### 70-м о д д а. Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш

Нотариус фуқаронинг илтимосига кўра унинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди.

2 — 1813

Вояга етмаган шахснинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, хомийлар), шунингдек, уни уз ҳомийлигига олган муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосига кўра амалга оширилади.

71-м о д д а. Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш

Нотариус фуқаро тақдим этган фотосуратдаги шахс шу фуқаронинг айнан ўзи эканлигини тасдиқлайди.

72-м о д д а. Ҳужжатларни тақдим этган вақтни тасдиқлаш

Нотариус узига ҳужжат тақдим этилган вақтни тасдиқлайди.

*12-боб.* Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини топшириш. Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олиш

73-м о д д а. Аризаларни топшириш

Нотариус жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини олиб бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади. Аризалар топширилганлигини маълум қилиш шарти билан почта орқали юборилади ёки бевосита тегишли шахсларга имзо чектириб топширилади. Аризалар телефакс, компьютер тармоқлари ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб ҳам узатилиши мумкин. Аризаларни узатиш учун техник воситалардан фойдаланишга кетган харажатларни нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраган шахс тулайди.

Ариза берган шахснинг илтимосига кўра унга аризанинг топширилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

74-м о д д а. Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш

Нотариус қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда кредиторга топшириш учун қарздордан депозитга пул суммалари ва қимматли қоғозларни қабул қилади.

Нотариус пул суммалари ва қимматли қоғозлар келиб

тушганлиги ҳақида кредиторга хабар қилади ҳамда унинг талаби бўйича унга тегишли пул суммалари ва қимматли қоғозларни топширади.

Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга мажбурият бажариладиган жойдаги нотариус қабул қилади.

75-м о д д а. Пул суммалари ва қимматли қоғозларнинг уларни депозитга топширган шахсга қайтарилиши

Пул суммалари ва қимматли қоғозларнинг уларни депозитга топширган шахсга қайтарилишига тўлов кимнинг фойдасига амалга оширилган бўлса, ўша шахснинг ёзма розилиги билан ёки суд қарорига биноан йўл қўйилади.

## *13-боб.* Ижро хатлари ёзиш

76-м о д д а. Қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш

Қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун нотариус қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзади.

77-м о д д а. Қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати

Ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

78-м о д д а. Ижро хатларини ёзиш шартлари

Ижро хатлари қуйидаги ҳолларда ёзилади:

тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундириб олувчидан қарздор эканлиги ёки бошқа мажбуриятни шубҳасиз тасдиқласа;

даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб ўтган вақт уч йилдан ортиқ бўлмаса.

Агар ижро хати бериш ҳақидаги талаб учун қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлса, ижро хати шу муддат ичида берилади.

79-м о д д а. **Ижро хатининг мазмуни**

Ижро хатида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

ижро хатини ёзаётган нотариус исм-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими;

ундириб олувчининг номи ва манзили;

қарздорнинг номи ва манзили;

ундириб олиш амалга ошириладиган муддат;

ундириб олиш керак бўлган суммалар ёки талаб қилиб олиниши керак бўлган нарсалар, шу жумладан, тўланиши керак бўлган пеня, фоизлар;

ундириб олувчи тўлаган ёки қарздордан ундирилиши керак бўлган давлат божи ёки тариф суммалари;

ижро хати ёзилган сана (йил, ой, кун);

ижро хатининг реестрда қайд этилган тартиб рақами;

ижро хатини ёзган нотариуснинг имзоси;

нотариуснинг муҳри.

80-м о д д а. **Ижро хатини тақдим этиш муддатлари ва ижро хати бўйича ундириб олиш тартиби**

Ижро хати, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, у ёзилган кундан бошлаб уч йил муддат ичида мажбурий ижро учун тақдим этилиши мумкин.

Ижро хатини тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини, шунингдек, ижро хати бўйича ундиришни тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## *14-боб.* Векселни протест қилиш. Чекни тўловга тақдим этиш ва чекнинг тўланмаганлигини тасдиқлаш

81-м о д д а. **Векселни протест қилиш**

Нотариус пули тўланмаган, акцепт қилинмаган ва акцепт санаси кўрсатилмаган векселни қонун ҳужжатларига мувофиқ протест қилади.

82-м о д д а. **Чекни тўловга тақдим этиш ва чекнинг тўланмаганлигини тасдиқлаш**

Тўловчининг турар жойидаги нотариус тўловга тақдим этилган чекни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда қабул қилиб олади.

Чек тўланмаган тақдирда нотариус чекнинг тўланмаганлигини унга ёзиб қўйиш йўли билан тасдиқлайди ва буни реестрда қайд этади. Чекка ёзиш билан бирга чек берувчига унинг чекини банк тўламаганлиги ва бу хусусда чекка ёзиб қўйилганлиги ҳақида билдириш хати юборилади.

Чек тўланмаган тақдирда нотариус чек сақловчининг илтимосига кўра ижро хатини ёзади.

## *15-боб.* Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олиш ва уларни қайтариб бериш

### 83-м о д д а. Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олиш

Нотариус ҳужжатларни сақлаш учун рўйхат бўйича қабул қилиб олади. Рўйхатнинг бир нусхаси нотариусда қолади, бошқа нусхаси ҳужжатларни сақлаш учун топширган шахсга берилади.

Агар ҳужжатлар лозим тарзда ўраб жойлаштирилган бўлса, шахснинг илтимосига кўра нотариус уларни рўйхатсиз ҳам қабул қилиб олиши мумкин. Ҳужжатлар ўрамига нотариуснинг муҳри қўйилади ҳамда у нотариус ва ҳужжатларни топширган шахс томонидан имзоланади. Бундай ҳолларда нотариус ҳужжатлар ўрамининг бут сақланиши учун жавоб беради.

Ҳужжатларни сақлаш учун топширган шахсга гувоҳнома берилади.

### 84-м о д д а. Сақлаш учун қабул қилинган ҳужжатларни қайтариш

Сақлаш учун қабул қилинган ҳужжатлар уларни сақлаш учун топширган шахсга ёки унинг қонуний вакилига гувоҳнома ва рўйхатни тақдим этганидан кейин ёхуд суднинг қарори бўйича қайтариб берилади.

## *16-боб.* Денгиз протестларини амалга ошириш

### 85-м о д д а. Денгиз протестлари ҳақидаги ариза

Нотариус кема эгасининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун далил-исботларни таъминлаш мақсадида кема капитанининг кема сузиб бораётганда

ёки у тўхтаб турган жойда содир бўлган ҳамда кема эгасининг олдига мулкий талаблар қўйиш учун асос бўлиши мумкин бўлган ҳодиса тўғрисидаги аризасини қабул қилади.

Денгиз протести ҳақидаги аризада юз берган ҳодиса тафсилотлари ва капитаннинг ўзига ишониб топширилган мулкнинг бут сақланишини таъминлаш юзасидан кўрган чора-тадбирлари баён этилган бўлиши керак.

Денгиз протести тўғрисидаги аризада баён этилган ҳолатларнинг тасдиғи сифатида кема капитани ариза билан бир вақтда ёки кема портга кирган кундан бошлаб, агар ҳодиса портда юз берган бўлса, у юз бергандан сўнг етти кундан кечиктирмай нотариусга кўздан кечириш учун кема дафтарини ва кема дафтаридан олиниб, капитан томонидан тасдиқланган кўчирмани тақдим этиши шарт.

### 86-м о д д а. Денгиз протестлари ҳақида ариза бериш муддатлари

Денгиз протести ҳақидаги ариза кема портга кирган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида берилади. Агар денгиз протести ҳақида ариза бериш зарурaтини келтириб чиқарган ҳодиса портда юз берган бўлса, протест ҳодиса юз берган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида берилиши керак.

Протестни белгиланган муддатда беришнинг имкони бўлмаган тақдирда, бунинг сабаблари денгиз протести ҳақидаги аризада кўрсатилиши керак.

### 87-м о д д а. Денгиз протести ҳақида далолатнома тузиш

Нотариус капитаннинг аризаси, кема дафтаридаги маълумотлар, шунингдек, капитаннинг ўзи ҳамда кема қўмондонлиги таркибидан камида икки гувоҳни ва кема командаси таркибидан икки гувоҳни сўроқ қилиш асосида денгиз протести ҳақида далолатнома тузади ва уни ўз имзоси ҳамда гербли муҳр билан тасдиқлайди. Денгиз протести ҳақидаги далолатноманинг бир нусхаси капитанга ёки вакил қилинган шахсга берилади.

## *17-боб.* Чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши. Халқаро шартномалар

### 88-м о д д а. Нотариус томонидан чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши

Нотариус Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, халқаро шартномаларга мувофиқ чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллайди.

Нотариус халқаро шартномалар талабларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қилиб олади, шунингдек, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига зид келмаса, уларга бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклда тасдиқловчи устхатлар ёзади.

### 89-м о д д а. Мерос мол-мулкни қўриқлаш ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш

Чет эл фуқароси вафотидан кейин унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қолган мол-мулкини қўриқлаш ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси вафот этганидан кейин чет эл фуқаросига тегишли бўлган мол-мулкни қўриқлаш, шунингдек, бундай мол-мулк хусусида меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳномалар бериш билан боғлиқ ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### 90-м о д д а. Чет элда амал қилишга мўлжалланган ишончномалар

Нотариус томонидан тасдиқланган, чет элда амал қилишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончномалар уларни берган шахс томонидан бекор қилингунга қадар ўз кучида қолади.

### 91-м о д д а. Нотариуснинг чет элда тузилган ҳужжатларни қабул қилиши

Чет элда бошқа давлатлар ваколатли органларининг мансабдор шахслари иштирокида тузилган ёки улардан келаётган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги органи расмийлаштирган тақдирдагина нотариус томонидан қабул қилинади.

Бундай ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда расмийлаштирилмаган ҳолида нотариус томонидан қабул қилинади.

92-м о д д а. Нотариуснинг бошқа давлатлар адлия органлари билан ўзаро муносабатлари

Нотариуснинг бошқа давлатлар адлия органлари билан ўзаро муносабатлари тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

93-м о д д а. Халқаро шартнома

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида нотариал ҳаракатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси нотариусга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган нотариал ҳаракатни амалга ошириш ваколатини берса, нотариус бу нотариал ҳаракатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти — И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 декабрь

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ
## *(КЎЧИРМАЛАР)*

8-м о д д а. **Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиш асослари**

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек, фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларини келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қуйидагилардан вужудга келади:

1) қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан;

2) қонунда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат бошқарув органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан;

3) суднинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган қароридан;

4) қонун йўл қўядиган асосларда мол-мулк олиш натижасида;

5) фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиролар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида;

6) бошқа шахсга зарар етказиш натижасида;

7) асоссиз бойиб кетиш натижасида;

8) фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида;

9) қонун ҳужжатлари фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, унга бўлган тегишли ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

9-м о д д а. **Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш**

Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади.

Фуқаро ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса — иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари керак.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, суд шахсга қарашли ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиши мумкин.

17-м о д д а. **Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати**

Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

18-м о д д а. **Фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни**

Фуқаролар:

мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари, мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари, банкда жамғармаларга эга бўлишлари, тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда

тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари, ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари, юридик шахслар ташкил этишлари, битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари, етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари, машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари, фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролар бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

22-м о д д а. **Фуқаронинг муомала лаёқати**

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

27-м о д д а. **Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача булган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати**

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг, у ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийлари-

нинг розилигисиз қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;

2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;

3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

4) ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш;

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ўзлари тузган битимлар бўйича мустақил равишда мулкий жавобгар бўладилар. Бундай вояга етмаганлар ўзлари етказган зарар учун ушбу Кодексга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин, бундай вояга етмаган шахс ушбу Кодекс 22-моддасининг иккинчи қисмига ёки 28-моддасига мувофиқ тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлган ҳоллар бундан мустасно

### 28-м о д д а. Эмансипация

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса, ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг, ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипа-

ция қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

29-м о д д а. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати

Ун тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

майда маиший битимлар;

текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;

қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар;

Кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан узи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийи, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йуқлигини исботлай олмасалар, мулкий жавобгар бўладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар бўладилар.

41-м о д д а. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати

Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш якунланган пайтдан эътиборан тугатилади

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми, ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

101-м о д д а. Битимлар тушунчаси

Битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, узгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади.

102-м о д д а. Битим турлари

Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин

Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади.

Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак

105-м о д д а. Битимларнинг шакли

Битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади.

Сукут сақлаш қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоҳиш-ироданинг ифодаси ҳисобланади.

107-м о д д а. Битимнинг ёзма шакли

Ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг қонуний вакиллари имзолаши керак.

Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланишига йўл қўйилади.

Икки тарафлама битимлар ҳар бирини бераётган тараф имзолайдиган ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш йўли билан тузилиши мумкин.

Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетай-

нограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш идорасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади.

Қонун ҳужжатларида ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин.

Агар фуқаро жисмоний камчилиги, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли битимни шахсан ўзи имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан битимни бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бошқа фуқаронинг имзоси нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан гувоҳлантирилиб, битим тузувчи уни шахсан ўзи имзолай олмаслигининг сабаблари кўрсатилиши шарт.

Ёзма шаклда тузилган битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижрони тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишга ҳақли. Оғзаки тадбиркорлик битимини бажарган тараф ҳам ана шундай ҳуқуққа эга, тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битимлар бундан мустасно.

### 110-м о д д а. Битимларни нотариал тасдиқлаш

Битимни нотариал тасдиқлаш ушбу Кодекснинг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;

2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

### 111-м о д д а. Битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мол-мулк хусусида тузилган битимларни

рўйхатдан ўтказиш ва тегишли реестрларни юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонун ҳужжатларида муайян турдаги кўчар мол-мулк хусусида тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилиши мумкин.

### 112-м о д д а. Битимнинг нотариал шаклига ва уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмасликнинг оқибатлари

Битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса — битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир.

Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош тортаётган тараф битимни тузиш кечиктирилганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

### 129-м о д д а. Вакиллик

Ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Ўз характерига кўра фақат шахсан тузилиши мумкин бўлган битимни, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа битимларни вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди.

Вакил ўзига ваколат берган шахс номидан шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айни бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас, тижорат вакиллиги бўлган ҳоллар бундан мустасно.

### 134-м о д д а. Ишончнома

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

### 135-м о д д а. Ишончноманинг шакли

Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, ушбу Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар ва қонун ҳужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бунда мустасно.

### 136-м о д д а. Нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар

Қуйидагилар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади:

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса — ишчи

ва хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қушилма, муассаса ва укув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари;

озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишочномалари.

138-м о д д а. **Юридик шахснинг ишончномаси**

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак. Банкда операцияларни амалга оширишга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қуйилади.

139-м о д д а. **Ишончноманинг муддати**

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

140-м о д д а. **Ишончнома бўйича ваколатларни бошқа шахсга бериш (бошқа шахсга ўтказиш)**

Ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, ушбу Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Ваколатларини бошқага берган шахс ишончнома берган шахсга буни маълум қилиши ҳамда мазкур шахс ва унинг яшаш жойи тўғрисидаги зарур маълумотларни хабар қилиши керак. Мазкур бурчлар бажарилмаса, ўз ваколатларини бошқага берган шахс ундан ваколат олган шахснинг ҳаракатлари учун худди ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

### 141-м о д д а. Ишончноманинг бекор бўлиши

Ишончноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1) ишончнома муддатининг тамом бўлиши;

2) ишончнома берган шахснинг уни бекор қилиши;

3) ишончнома берилган шахснинг бош тортиши;

4) номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;

5) номига ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;

6) ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши;

7) ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомалага лаеқати чекланган ёки бедарак йуқолган деб хисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши.

Ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса— ундан воз кечиши мумкин. Бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақидаги битим ҳақиқий эмас.

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлиши билан уни бошқа шахсга ўтказиш ҳам ўз кучини йўқотади.

### 185-м о д д а. Шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш пайти

Шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи,

агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Агар мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқланиши керак бўлса, мол-мулкни олувчида мулк ҳуқуқи шартнома рўйхатдан ўтказилган ёки тасдиқланган пайтдан бошлаб, шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш зарур бўлганида эса — рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

### 210-м о д д а. Уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқининг вужудга келиш тартиби

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилаётган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан қурилаётган уй-жой қурилиш тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Давлатга қарашли уй-жой (квартирага)га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбоққа ва бошқа биноларга мулк ҳуқуқи кооператив аъзоси пай бадалларини батамом тўлаб бўлганидан кейин вужудга келади.

### 211-м о д д а. Кўп квартирали уйдаги квартира эгаларининг мол-мулки

Уйнинг бир неча квартираларга хизмат қиладиган умумий хоналари, хусусан устун ва тўсинлар, механик, электр, санитария-техника ва квартира ташқарисидаги ёки ичкарисидаги ўзга қурилмалари кўп квартирали уйдаги квартира эгаларига улушли мулк ҳуқуқи тарзида тегишлидир.

Уйнинг умумий мол-мулкига эгалик ҳуқуқидаги квартира эгалари улушининг миқдори ҳамда мазкур мол-мулкни сақлаш ва асраш бўйича ҳаракатларни мулкдорлар ўртасида тақсимлаш тартиби уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Квартира эгаси уй-жой умумий мол-мулкига эгалик

ҳуқуқидаги ўз улушини тасарруфдан чиқаришга, шунингдек бу улушнинг квартирага бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда бошқа шахсга ўтишига олиб келувчи ўзга ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

### 216-м о д д а. Умумий мулк тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Умумий мулк бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, қонунда бу мол-мулкнинг биргаликдаги мулкни ташкил этиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади.

Тақсимланадиган мол-мулкнинг умумий биргаликдаги мулклиги қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда вужудга келади.

Биргаликдаги мулк иштирокчиларининг келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса — суднинг қарорига мувофиқ умумий мол-мулк бу шахсларнинг улушли мулки қилиб белгилаб қўйилиши мумкин.

### 222-м о д д а. Умумий мулк ҳуқуқидаги улушнинг шартнома бўйича олувчига ўтиш пайти

Умумий мулк ҳуқуқидаги улуш шартнома бўйича олувчига, агар тарафларнинг келишуви билан бошқача тартиб назада тутилган бўлмаса, шартнома тузилган пайтдан бошлаб ўтади.

Умумий мулк ҳуқуқидаги улушнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган шартнома бўйича бошқа шахсга ўтиш пайти ушбу Кодекс 185-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

224-м о д д а. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи

Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотиладиган нархда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар, ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно.

Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт.

Агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса — ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади.

Улуш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бузган ҳолда сотилган тақдирда, бошқа мулкдорлар уч ой мобайнида сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар.

Улушни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

Давлат органи ёки бошқа юридик шахс умумий мулк бўлган уй-жой (хонадон)даги ўз улушини сотган вақтида уйнинг (хонадоннинг) тегишли қисмида ижарага олувчилар сифатида яшаётган шахслар ушбу модда қоидалари асосида имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар, улар бу ҳуқуқдан воз кечсалар ёки уни амалга оширмасалар — бошқа мулкдорлар бу ҳуқуққа эга бўладилар.

Ушбу модданинг қоидалари айирбошлаш шартномаси бўйича улушни бошқа шахсга бериш чоғида ҳам қўлланилади.

249-м о д д а. Қарзни депозитга қўйиш йўли билан мажбуриятни бажариш

Қарздор ўзи тўлаши лозим бўлган пул ёки қимматли қоғозларни нотариуснинг депозитига, қонунда белгиланган ҳолларда эса — суднинг депозитига қўйишга ҳақли, башарти мажбурият қарздор томонидан қуйидагилар туфайли бажарилиши мумкин бўлмаса:

1) мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олиш учун у вакил қилган шахс бўлмаса;

2) кредитор муомалага лаёқатсиз бўлса ва унинг вакили бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса;

3) мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги хусусида аниқлик йуқлиги кўриниб турган бўлса, хусусан бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан;

4) кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан.

Пул суммасини ёки қимматли қоғозларни нотариус ёхуд суднинг депозитига қўйиш мажбуриятни бажариш ҳисобланади.

Депозитига пул ёки қимматли қоғозлар қўйилган нотариус ёхуд суд кредиторни бундан хабардор қилади.

### 264-м о д д а. Гаров тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига, қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин, ҳақли бўлади.

Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотганлик ёки унга зиён етказганлик учун суғурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига сугурта қилинган бўлишидан қатъий назар, ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли, башарти мол-мулкни йўқотиш ёки унга зиён етказиш гаровга олувчи жавобгар бўлган сабабларга кўра юз берган бўлмаса.

Гаров шартнома ёки қонун асосида амалда юзага келади.

### 265-м о д д а. Гаров турлари

Гаров закалат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат деб ҳисобланади.

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.

266-м о д д а. Гаровга қўювчи

Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Ашёнинг мулкдори ашёни гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган ҳуқуқнинг эгаси бўлган шахс ҳуқуқни гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

270-м о д д а. Гаров ҳуқуқининг вудудга келиши

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд, башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса — нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса — у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Башарти, гаров нарсаси қонунга ёки шартномага асосан гаровга қўювчида бўлиши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаси берилган пайтдан, башарти бундай топшириш шартнома тузилишидан аввал амалга ошган бўлса— шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

271-м о д д а. Гаров тўғрисидаги шартнома, унинг шакли ва шартномани рўйхатдан ўтказиш

Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарсаси ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт.

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк

ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларидаги қоидаларга риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

280-м о д д а. Ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тартиби

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган кўчар мол-мулк ҳисобидан суд қарорига мувофиқ қондирилади. Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ундирув гаровга олувчига топширилган гаров нарсасига гаров тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда қаратилиши мумкин.

Ундирув гаров нарсасига қуйидаги ҳолларда фақат суднинг қарорига мувофиқ қаратилиши мумкин:

1) гаров тўғрисида шартнома тузиш учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинганида;

2) гаров нарсаси жамият учун тарихий, бадиий ёки ўзга маданий аҳамиятга эга мол-мулк бўлса;

3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

356-м о д д а. Баҳо

Шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга

соладиган баҳолар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва ҳ.к.) қўлланилади.

Шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

Ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

366-м о д д а. Шартноманинг шакли

Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиш мумкин.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса — шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Агар шартнома тузиш ҳақидаги ёзма таклиф ушбу Кодекс 370 моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибда олинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

479-м о д д а. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участка-

си, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кучмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни (ушбу Кодекснинг 83-моддаси) ўз зиммасига олади.

Корхоналарни сотишга нисбатан, башарти корхонани сотиш шартномаси тўғрисидаги қоидаларда (ушбу Кодекснинг 489- 496-моддалари) бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграф қоидалари қўлланади.

480-м о д д а. **Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шакли**

Кучмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади (ушбу Кодекс 366-моддасининг тўртинчи қисми)

Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

481-м о д д а. **Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш**

Кучмас мулкни сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка булган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк хуқуки бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан утказилгунга қадар тарафларнинг кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариши уларнинг учинчи шахслар билан муносабатларини ўзгартириши учун асос бўлмайди.

Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан утказишдан буйин товласа, бошқа тарафнинг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бўйин товлаётган тараф бошқа тарафнинг рўйхатидан ўтказиш кечикканлиги туфайли кўрган зарарини қоплаши шарт.

484-м о д д а. **Кучмас мулкни сотиш шартномасида шартнома нарсасини белгилаш**

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома буйича сотиб олувчига топширилиши лозим булган кучмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маъ-

лумотлар, шу жумладан кучмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Шартномада бундай маълумотлар бўлмаса, бошқа шахсга топширилиши лозим бўлган кўчмас мулк тўғрисидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, тегишли шартнома эса, тузилмаган ҳисобланади.

### 485-м о д д а. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида баҳо

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида ана шу мулкнинг баҳоси назарда тутилган бўлиши лозим.

Шартномада тарафлар ёзма равишда келишган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, уни сотиш тўғрисидаги шартнома тузилмаган ҳисобланади. Бунда ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган баҳо белгилаш қоидаси қўлланмайди.

Агар қонунда ёки кўчмас мулкни сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ер участкасида жойлашган бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкнинг шартномада белгиланган баҳоси ана шу кўчмас мулк билан бирга топширилаётган ер участкаси тегишли қисмининг баҳосини ёки унга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида кўчмас мулкнинг баҳоси унинг майдон бирлигига ёки бошқа миқдор кўрсаткичига қараб белгиланган бўлса, бундай кўчмас мулкнинг тўланиши лозим бўлган умумий баҳоси сотувчига топширилган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдорига асосланган ҳолда белгиланади.

### 488-м о д д а. Уй-жой биноларини сотишнинг хусусиятлари

Сотувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини узида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шарти бу шахсларнинг рўйхатини сотилаетган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

## 489-м о д д а. Корхонани сотиш шартномаси

Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулкий мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар корхонани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига ўтади.

Сотувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиш учун берилган махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани сотиб олувчига берилмайди. Шартнома бўйича топшириладиган корхона таркибига махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмагани туфайли сотиб олувчи бажара олмайдиган мажбуриятларни киритиш сотувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди. Бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун сотувчи ва сотиб олувчи кредиторлар олдида солидар жавобгар бўладилар.

## 490-м о д д а. Корхонани сотиш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш

Корхонани сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилиб, унга ушбу Кодекснинг 491-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар албатта илова қилинади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади, уни бажаришга йўл қўйилмайди ва унга нисбатан ушбу Кодекс 112-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилмайди.

### 491-м о д д а. Сотиладиган корхона таркибини аниқлаш ва қийматини баҳолаш

Сотиладиган корхона таркиби ва унинг қиймати корхонани сотиш шартномасида инвентаризациялашнинг белгиланган қоидаларига мувофиқ ўтказиладиган корхонани тулиқ инвентаризациялаш асосида аникланади.

Корхонани сотиш шартномаси имзолангунга қадар инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосасини, шунингдек кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган холда корхона таркибига киритиладиган барча қарз (мажбурият)лар рўйхатини тарафлар тузган ва кўриб чиққан бўлиши керак. Номлари айтиб ўтилган ҳужжатларда кўрсатилган мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, агар ушбу Кодекснинг 489-моддасидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ҳамда у корхонани сотиш шартномасида белгиланган бўлмаса, сотувчи томонидан сотиб олувчига топширилиши лозим.

### 492-м о д д а. Корхонани сотишда кредиторларнинг ҳуқуқлари

Сотиладиган корхона таркибига киритилган мажбуриятлар бўйича кредиторлар корхона сотиб олувчига топширилгунга қадар сотувчи томонидан унинг сотилиши тўгрисида ёзма равишда хабардор қилинишлари лозим.

Қарзнинг бошқа шахсга утказилишига розилигини сотувчига ёзма равишда билдирмаган кредитор корхона сотилиши туғрисида билдириш хати олган кундан бошлаб уч ой мобайнида ё мажбуриятни бажаришни тўхтатишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва сотувчи томонидан зарар қопланишини, ё бўлмаса корхонани сотиш шартномасини бутунлай ёхуд унинг тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Корхонанинг сотилиши тўғрисида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда хабардор қилинмаган кредитор сотувчи корхонани сотиб олувчига топширгани тўғрисида хабар топган ёки хабар топиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил мобайнида ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларни қондириш ҳақида даъво қўзғатиш мумкин.

Корхона сотиб олувчига топширилганидан сўнг сотув-

чи ва сотиб олувчи топширилган корхона таркибига киритилган, сотиб олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

### 497-м о д д а. Айирбошлаш шартномаси

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

Айирбошлаш шартномасига нисбатан тегишинча олди сотди тўғрисидаги қоидалар қўлланади, башарти бу ушбу боб қоидаларига ва айирбошлаш моҳиятига зид келмаса. Бунда ҳар қайси тараф алмаштириш йўли билан топшириш мажбуриятини олган товарни сотувчи ва қабул қилиш мажбуриятини олган товарни сотиб олувчи ҳисобланади.

### 498-м о д д а. Айирбошлаш шартномаси бўйича баҳо ва харажатлар

Агар айирбошлаш шартномасидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, айирбошланадиган товарлар тенг қийматли деб тахмин қилинади, уларни топшириш ва қабул қилиш харажатларини эса ҳар бир ҳолда тегишли мажбуриятларни бажарадиган тараф амалга оширади.

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинган тақдирда баҳоси айирбошлашга тақдим қилинаётган товар баҳосидан паст бўлган товарни топшириши лозим бўлган тараф, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, товар ёки товарни тасарруф қилиш ҳужжатлари топширилгандан сўнг кечиктирмасдан баҳолардаги фарқни тўлаши лозим.

Агар айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинса, бироқ уларнинг баҳоларидаги фарқ айирбошлаш шартномасида назарда тутилган бўлмаса ва шартнома шартларига қараб белгиланиши мумкин бўлмаса, нархлардаги фарқ ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ аниқланади.

### 502-м о д д а. Ҳадя шартномаси

Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб

беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд, унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёйинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳадя деб тан олинмайди. Бундай шартномага нисбатан ушбу Кодекс 124-моддасининг иккинчи қисми қоидалари қўлланади.

Бирон бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси деб тан олинади.

Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарсасини аниқ курсатмасдан ўзининг мол-мулкини ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳадя этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай ҳадяга нисбатан ушбу Кодекснинг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланади.

504-м о д д а. Ҳадя шартномасининг шакли

Ҳадя қилиш, айни пайтда ҳадяни ҳадя олувчига топшириш оғзаки амалга оширилиши мумкин, ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳадяни топшириш уни тақдим қилиш, рамзий топшириш (калит ва ҳоказоларни тақдим қилиш) ёки ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Кўчар мулкни ҳадя қилиш шартномаси:

ҳадя қилувчи юридик шахс бўлганида;

фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммага шартнома тузилаётганда;

шартномада келажакда ҳадя этиш ваъда қилинган ҳолларда оддий ёзма шаклда тузилиши лозим.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда оғзаки тузилган ҳадя шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

### 511-модда. Хайр-эҳсон

Умумфойдали мақсадларда қилинган ҳадя хайр-эҳсон ҳисобланади.

Хайр-эҳсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя муассасаларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга, хайрия илмий ва ўқув муассасаларига, фондларга, музейлар ва бошқа маданият муассасаларига, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга, шунингдек давлатга ва бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қилиниши мумкин.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Хайр-эҳсон қилувчи мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилганида бу мол-мулкдан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим, юридик шахсларга хайр-эҳсон қилганда эса бу шартни қўйиши мумкин. Бундай шарт бўлмаганида мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилиш оддий ҳадя деб ҳисобланади, қолган ҳолларда эса хайр-эҳсон қилинган мол-мулкдан ҳадя олувчи унинг вазифасига мувофиқ фойдаланади.

Аниқ мақсадда фойдаланишга мўлжалланган хайр-эҳсонни қабул қилиб олаётган юридик шахс хайр-эҳсон қилинган мулкдан фойдаланиш буйича амалга оширилган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиши лозим.

Агар хайр-эҳсон қилинган мулкдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадда фойдаланиш вазият ўзгарганлиги туфайли мумкин бўлмай қолса, мулкдан бошқа мақсадда фақат хайр-эҳсон қилувчининг розилиги билан, мол-мулкни хайр-эҳсон қилган фуқаро вафот этган бўлса, ёки мулкни хайр-эҳсон қилган юридик шахс қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса — суд қарорига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Хайр-эҳсон қилинган мулкдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадга зид ҳолда фойдаланиш ёки ушбу мақсадни мазкур модда олтинчи қисмининг қоидаларини бузган ҳолда ўзгартириш хайр-эҳсон қилувчига, унинг меросхўрларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига хайр-эҳсонни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Ушбу Кодекс 507- ва 510- моддаларининг қоидалари хайр-эҳсонга нисбатан қўлланмайди.

512-модда. Рента шартномаси

Рента шартномасига мувофиқ бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) беради, рента тўловчи эса олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул суммаси ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади.

Рента шартномасига мувофиқ рентани муддатсиз (доимий рента) ёки рента олувчи ҳаёт бўлган муддат мобайнида тўлаш (умрбод рента) мажбуриятини белгилашга йўл қўйилади. Умрбод рента фуқарони ўз қарамоғига олган ҳолда умрбод таъминлаш шарти билан белгиланиши мумкин.

513-модда. Рента шартномасининг шакли

Рента шартномаси нотариал тасдиқланиши, кўчмас мол-мулкни рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга беришни назарда тутадиган шартнома эса бундан ташқари давлат рўйхатидан ҳам ўтказилиши лозим.

518-модда. Доимий рентани олувчи

Доимий рентани фақат фуқаролар ва нотижорат ташкилотлари олишлари мумкин, башарти, бу ҳол қонунга зид келмаса ва уларнинг фаолият мақсадига мос бўлса.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, доимий рента шартномаси бўйича рента олувчининг ҳуқуқлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга талабдан воз кечиш йўли билан топширилиши ва ворислик бўйича ёки юридик шахслар қайта ташкил қилинганда бошқа шахсларга ўтиши мумкин.

519-модда. Доимий рента шакли ва миқдори

Доимий рента пул билан тўланиб, рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкка ўхшаш мол-мулкни ижарага беришда қўлланиладиган мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг ўртача ставкаси доирасида шартнома билан белгиланадиган миқдорда, рента тўлаш шарти билан пул суммаси топширилганда эса ушбу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган банк фоизининг тегишли даражада жорий этилган ставкаси доирасида бўлади.

Шартномада рентанинг пул суммасига тенг қийматдаги

ашёларни бериш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш йўли билан ҳам рента тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Агар доимий рента шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг тегишли ставкаси ёки банк фоизи ставкаси ўзгарса, тўланадиган рента миқдори ҳам мутаносиб равишда ўзгаради.

### 520-модда. Доимий рентани тўлаш муддатлари

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, доимий рента йилнинг ҳар бир календар чораги тугаши билан тўланади.

### 521-модда. Тўловчининг доимий рентани сотиб олиш ҳуқуқи

Доимий рентани тўловчи уни сотиб олиш йўли билан бундан буён рента тўлашдан бош тортишга ҳақли. Агар рента тўловчи рента тўлашдан бу тарзда бош тортишини рента тўлашни тўхтатишдан камида уч ой ёки шартномада назарда тутилганидек ундан ҳам аввалроқ ёзма равишда маълум қилган бўлса, бундай бош тортиш ҳақиқий ҳисобланади. Бунда рента тўлаш мажбурияти, агар шартномада сотиб олишнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, рента олувчи сотиб олиш суммасининг ҳаммасини олиб бўлгунга қадар тўхтатилмайди.

Шартноманинг доимий рента тўловчи уни сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечиши тўгрисидаги шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартномада доимий рентани сотиб олиш ҳуқуқини рента олувчи ҳаётлигида ёки шартнома тузилган пайтидан бошлаб ўттиз йилдан ошмайдиган муддат мобайнида амалга ошириб бўлмаслиги назарда тутилиши мумкин.

### 522-модда. Рента олувчининг талабига кўра доимий рентани сотиб олиш

Қуйидаги ҳолларда доимий рента олувчи тўловчидан рентани сотиб олишни талаб қилишга ҳақли:

агар шартномада бошқача муддат белгиланган бўлмаса, рента тўловчи уни тўлаш муддатини бир йилдан ортиқ кечиктириб юборган тақдирда;

рента тўловчи рентани тўлашни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бузган тақдирда;

рента тўловчи тўловга қодир эмас деб топилган ёки у рентани шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўламаслигини кўрсатадиган бошқа вазиятлар вужудга келган тақдирда;

рента тўлаш шарти билан топширилган кўчмас мулк умумий мулкка айланган ёки бир неча шахс ўртасида тақсимланган тақдирда;

шунингдек, шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда.

### 525-модда. Умрбод рента олувчилар

Умрбод рента мулкини рента тўлаш шарти билан топшираётган фуқаро ҳаёт бўлган даврга ёки у кўрсатган бошқа фуқаро ҳаёт бўлган даврга белгиланиши мумкин.

Умрбод рентани бир неча фуқаро фойдасига белгилашга йўл қўйилади, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рента олиш ҳуқуқида уларнинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рента олувчиларнинг бири вафот этган тақдирда унинг рента олиш ҳуқуқидаги улуши ундан кейин ҳаёт бўлган рента олувчиларга ўтади, охирги рента олувчи вафот этган тақдирда рента тўлаш мажбурияти бекор бўлади.

Шартнома тузилган пайтгача вафот этган фуқаро фойдасига умрбод рента белгилайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

### 526-модда. Умрбод рента миқдори

Умрбод рента шартномада олувчи ҳаёт бўлган даврда унга вақти-вақти билан тўланадиган пул суммаси сифатида белгиланади. Умрбод рентанинг шартномада белгиланадиган бир ойлик миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги керак, ушбу Кодекснинг 247-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса, оширилиши лозим.

### 527-модда. Умрбод рентани тўлаш муддатлари

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умрбод рента ҳар бир календар ой тугаши билан тўланади.

### 528-модда. Умрбод рента шартномасини рента олувчининг талаби билан бекор қилиш

Рента тўловчи умрбод рента шартномасини жиддий бузган ҳолларда рента олувчи рента тўловчидан рентани ушбу Кодекснинг 523-моддасида назарда тутилган шартларда сотиб олишни ёки шартномани бекор қилиш ва зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар умрбод рента тўлаш шарти билан текинга квартира, уй ёки бошқа мол-мулк топширилган бўлса, рента тўловчи шартноманинг муҳим шартларини жиддий бузган тақдирда рента олувчи бу мол-мулкни унинг қийматини сотиб олинадиган рента ҳисобига қўшган ҳолда қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 529-модда. Рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи

Умрбод рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши рента тўловчини рентани шартномада назарда тутилган шартларда тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

### 530-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

### 531-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасининг шакли ва шартлари

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни

бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Бериладиган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу Кодекс 110-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

### 532-модда. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, олувчи шартнома амал қилиб турган даврда бу уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сотиш, ҳадя қилиш, гаровга қўйишга ва уй (уйнинг бир қисми), квартирага мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бу уй (уйнинг бир қисми), квартирага олувчининг қарзлари бўйича ундириш қаратилмайди.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича бошқа шахсга берувчидан олинган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг тасодифан нобуд бўлиши олувчини шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди.

### 533-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш

Агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Агар олувчининг моддий аҳволи ўзига боғлиқ бўлмаган

сабабларга кўра бошқа шахсга берувчига шартлашилган таъминотни бера олмайдиган даражада ўзгарса ёки бошқа шахсга берувчи меҳнат қобилиятини тикласа, умрбод таъминлаш шарти билан уй- жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси олувчининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган тақдирда уй (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бошқа шахсга берувчининг талабига кўра бекор қилинган тақдирда олувчи шартнома амалда бўлган вақтда бошқа шахсга берувчини таъминлаш ва уйни, (уйнинг бир қисмини) квартирани сақлаб туришга қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

534-модда. **Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятларнинг ворисларга ўтиши**

Олувчи вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганида ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй- жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

535-модда. **Мулк ижараси шартномаси**

Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол- мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

539-модда. **Мулк ижараси шартномасининг шакли**

Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга

мўлжалланган бўлса, тарафлардан биронтаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Кучмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади.

549-модда. Тарафлар ўзгарганда мол-мулк ижараси шартномасининг ўз кучида қолиши

Ижарага топширилган мол-мулкка нисбатан мулк (хўжалик юритиш, оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш) ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулк ижараси шартномасининг ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши учун асос бўлмайди.

Кўчмас мулкни ижарага олган фуқаро вафот этган тақдирда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ушбу мол-мулкни ижарага топшириш шартномаси бўйича унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ворисга ўтади. Шартноманинг тузилиши ижарага олувчининг шахсий фазилатлари билан боғлиқ бўлган ҳоллардан ташқари ижарага берувчи бундай ворисning шартнома амал қилишининг қолган муддатида шартномага қўшилишини рад этишга ҳақли эмас.

556-модда. Ижарага олинган мол- мулкни сотиб олиш

Мулк ижараси шартномасида ижарага олинган молмулк ижара шартномасининг муддати тамом бўлганидан кейин ёки тамом бўлмасдан олдин ижарага олувчи шартномада келишилган сотиб олиш баҳосининг ҳаммасини тўлаган тақдирда унинг мулкига айланиши назарда тутилиши мумкин.

Агар ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш шарти шартномада назарда тутилмаган бўлса, у тарафларнинг қўшимча келишуви билан белгиланиши мумкин, бунда тарафлар мол-мулкдан фойдаланганлик учун илгари тўланган ҳақни харид нархига киритиш тўғрисида келишишга ҳақлидирлар.

Қонунларда ижарага олинган мол-мулкни сотиб олишни тақиқлаш ҳоллари белгилаб қўйилиши мумкин.

### 579-модда. Корхонани ижарага бериш шартномаси

Корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Ижарага берувчи ўз қарзларини ижарага олувчининг зиммасига ўтказиши ҳақида кредиторларини ёзма равишда огоҳлантириши шарт, кредиторлар бунга рози бўлмасалар, огоҳлантиришни олган вақтдан бошлаб уч ой давомида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар шу муддатда мазкур талаблардан биронтаси билдирилмаса, кредитор тегишли қарзнинг ижарачига ўтказилишига розилик берган деб ҳисобланади.

Ижарага берувчидан мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва зарарни қоплашни талаб қилган кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейингина корхона ижарачига топширилиши мумкин.

Корхона мулкий комплекс сифатида ижарага берилганидан кейин ижарага берувчи билан ижарага олувчи топширилган корхона таркибига киритилган ва ижарага олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари ижарага олувчига берилиши мумкин эмас. Ижарачи махсус рухсатнома (лицензия)си бўлмаганлиги сабабли бажара олмайдиган мажбуриятларни шартнома бўйича топширилаётган корхона таркибига киритиш ижарага берувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди.

### 580-модда. Корхонани ижарага бериш шартномасининг шакли

Корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Корхонани ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Корхонани ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

### 1112-модда. Ворислик асослари

Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек ушбу Кодексда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

### 1113-модда. Мерос таркиби

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар:

юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;

алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;

мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

### 1114-модда. Умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчисининг ўлими умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги унинг улушини

аниқлаш ва ушбу Кодекснинг 226-моддасида белгиланган тартибда умумий мол-мулкни тақсимлаш ёхуд ундан вафот этган иштирокчининг улушини ажратиш учун асос бўлади. Бу ҳолда мерос вафот этган иштирокчининг улушига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан очилади, мол-мулкни натура ҳолида тақсимлашнинг имкони бўлмаганида эса — бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади.

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиси умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги ўз улушини васият қилишга ҳақлидир, бу улуш унинг вафотидан кейин ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ аниқланади.

### 1115-модда. Деҳқон хўжалиги ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини мерос қилиб олиш

Деҳқон (фермер) хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини мерос қилиб олиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекс қоидалари билан тартибга солинади.

### 1116-модда. Мероснинг очилиши

Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар.

### 1117-модда. Мероснинг очилиш жойи

Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк

ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

### 1118-модда. Меросхўрлар

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

### 1119-модда. Нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзининг охирги хоҳиш-иродасини амалга оширишига қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар, шунингдек мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик билан боғлиқ мулкий оқибатларга

дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Ушбу модда қоидалари васият мажбуриятига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу модданинг қоидалари ҳар қандай меросхўрларга, шу жумладан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуқлидир.

### 1120-м о д д а. Умумий қоидалар

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтта келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бехор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни

муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

### 1121-м о д д а. Шартли васиятнома

Васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр хулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қуйишга ҳақли.

Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган ғайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди.

Васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ўз саломатлигининг аҳволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

### 1122-м о д д а. Ворисдан кейинги ворисларни тайинлаш

Васият қилувчи васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёхуд ундан воз кечиши ёки нолойиқ меросхўр сифатида ушбу Кодекснинг 1119-моддасида назарда тутилган тартибда мерос олишдан четлаштирилиши эҳтимолини, шунингдек васиятнома бўйича меросхўр мерос қолдирувчининг қонуний шартларини бажармаслиги эҳтимолини назарда тутган ҳолда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин.

Ушбу Кодексга мувофиқ меросхўр бўла оладиган ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис этиб тайинланиши мумкин.

Васиятнома бўйича меросхўрнинг ворисдан кейинги ворис зарарига меросдан воз кечишига йўл қўйилмайди.

### 1123-м о д д а. Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисмини мерос қилиб олиш

Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисми ушбу Кодекснинг 1134-1143-моддаларида назарда тутилган тартибда ворисликка чақириладиган қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Бу меросхўрлар жумласига мол-мулкнинг бошқа қисми васиятнома бўйича мерос қилиб қолдирилган қонун бўйича ворислар ҳам киради лар.

## 1124-м о д д а. Васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.

Қуйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

нотариал тасдиқланган васиятномалар;

нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Қуйидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;

васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

## 1125-м о д д а. Нотариал тасдиқланган васиятнома

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим.

Васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказолардан) фойдаланилиши мумкин.

Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият

қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади, бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан (махфий васиятнома) тасдиқланади.

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

### 1126-м о д д а. Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар

Қуйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади:

касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузиб юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспеди-

циялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган васиятномаларга нисбатан ушбу Кодекснинг 1125-моддаси қоидалари қўлланилади, васиятномани нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаб бундан мустасно.

### 1127-м о д д а. Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш

Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

### 1128-м о д д а. Васиятноманинг сир сақланиши

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васият-

номани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

1129-м о д д а. Васиятни талқин қилиш

Васиятнома нотариус, васиятни ижро этувчи ёки суд томонидан талқин қилинганида ундаги сўзлар ва ибораларнинг асл маъноси эътиборга олинади. Васиятномадаги бирон бир қоиданинг асл маъноси ноаниқ бўлса, у бошқа қоидалар ва умуман васиятноманинг мазмуни билан таққослаш орқали аниқланади.

1130-м о д д а. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги

Тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмас.

Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидаларга ҳам асосланади.

Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан мулкий оқибатларга эга бўладиган шахснинг даъвоси бўйича васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби бузилиши натижасида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги васиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди.

Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

1131-м о д д а. Васиятномани ижро этиш

Васият қилувчи васиятноманинг ижро этилишини ўзи васиятномада кўрсатган, меросхўр ҳисобланмайдиган шахсга (васиятномани ижро этувчига) топшириши мумкин. Бу шахснинг васиятноманинг ижро этувчиси бўлишга розилиги унинг ўз қўли билан васиятномага ёзган устхатида ёки васиятномага илова қилинган аризасида акс эттирилиши лозим.

Меросхўрлар ўзаро келишиб, васиятноманинг ижроси-

ни меросхўрлардан бирига ёхуд бошқа шахсга топширишга ҳақлидирлар. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, васиятномани ижро этувчи бир ёки бир неча меросхўрнинг талаби билан суд томонидан тайинланиши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи васиятнома бўйича меросхўрларни олдиндан хабардор қилган ҳолда васият қилувчи томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан истаган вақтда воз кечиш ҳуқуқига эга. Васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг аризасига биноан суднинг чиқарган қарори билан ҳам ўз мажбуриятларидан озод қилиниши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи:

меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши;

барча меросхўрларни ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларни мерос очилганлиги тўғрисида ҳамда улар фойдасига васият мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш учун имкон қадар барча чора-тадбирларни кўриши;

мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиши;

мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси ва қонунга мувофиқ меросхўрларга уларга тегишли мол-мулкни бериши;

меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятларини ижро этишларини таъминлаши;

васият мажбуриятларини бажариши ёхуд васиятнома буйича меросхўрлардан васият мажбуриятларини ижро этишларини талаб қилиши лозим.

Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ҳамда васиятномани ижро этиш билан боғлиқ суд ишларида ва бошқа ишларда ўз номидан қатнашишга ҳақли, шунингдек бундай ишларда иштирок этишга жалб этилиши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи ўз мажбуриятларини меросни қарзлардан ҳоли қилиш, мерос қолдирувчига тегишли суммаларни ундириш ва барча меросхўрларнинг меросга эгалик қилишга киришиши учун зарур бўлган оқилона муддат мобайнида амалга оширади.

Ҳар қандай ҳолда ҳам кўрсатилган муддат мерос очилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетмаслиги керак.

Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ва васиятномани ижро этиш бўйича зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эга. Васиятномада уни ижро этувчига мерос ҳисобидан ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Васиятнома ижро этиб бўлингач, васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг талабига биноан уларга ҳисобот тақдим этиши шарт.

1132-м о д д а. Васият мажбурияти

Васият қилувчи васият бўйича меросхўрнинг зиммасига бир ёки бир неча шахс (васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар) фойдасига бирон-бир мажбуриятни (васият мажбуриятини) мерос ҳисобидан бажаришни юклашга ҳақли бўлиб, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар васият мажбурияти бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини оладилар.

Қонун бўйича ворислар жумласига кирадиган, шунингдек кирмайдиган шахслар ҳам васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар бўлишлари мумкин.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига мерос таркибига кирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ қилиб бериш, мерос таркибига кирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун муайян ишни бажариш, унга муайян хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар васият мажбурияти нарсаси бўлиши мумкин.

Васият қилувчи томонидан зиммасига васият мажбуриятини бажариш вазифаси юклатилган меросхўр бу вазифани ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажариши лозим.

Агар зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлса, унинг васият мажбуриятини бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ бўлган қисми билан чегараланади.

Васият мажбурияти барча ёки бир неча меросхўр зиммасига юклатилган ҳолларда, агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳар бири васият мажбуриятини меросдаги ўз улушига мутаносиб равишда бажаради.

Васият қилувчи мерос сифатида уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни оладиган меросхўр зиммасига турар жойни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи кейинчалик

бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, ўзгага берилмайди ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг меросхўрларига ўтмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига берилган турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи агар васиятномада бошқача тартиб кўрсатилган бўлмаса, унинг оила аъзолари мазкур турар жойда яшаши учун асос ҳисобланмайди.

Зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр вафот этган ёки у меросни қабул қилиб олмаган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ёхуд, агар мол-мулк эгасиз бўлиб қолса, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтади.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос очилгунга қадар ёки мерос очилгандан кейин, аммо васиятнома бўйича меросхўр васият мажбуриятини қабул қилиб олишга улгурган пайтга қадар вафот этган тақдирда васият мажбурияти бажарилмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар бўлмайди.

### 1133-м о д д а. Мажбурият юклаш

Васият қилувчи васият бўйича меросхўр зиммасига бирон бир ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаб, бу мажбуриятни бажаришни кредитор сифатида талаб қилиш ҳуқуқини ҳеч кимга бермаслиги мумкин. Умумий фойдали мақсадни амалга ошириш учун васиятномани ижро этувчининг зиммасига худди шундай мажбурият юклатилиб, бу мажбуриятни бажариш учун мерос қолдирувчи томонидан мол-мулкнинг бир қисми ажратилиши мумкин.

Мулкий хусусиятга эга бўлган хатти-ҳаракатни содир этишдан иборат мажбуриятга нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1132-моддасида баён этилган қоидалар қўлланилади.

Агар ушбу Кодексга мувофиқ мажбуриятни бажариш зиммасида бўлган меросхўрга тегишли лозим бўлган ёки унга қарашли бўлган мерос улуши бошқа меросхўрга ўтса, мажбуриятни бажариш бекор бўлади.

1134-м о д д а. Умумий қоидалар

Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка ушбу Кодекснинг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида чақириладилар.

Қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан туғишган қариндошларга тенглаштириладилар.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

1135-м о д д а. Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар

Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

1136-м о д д а. Қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик

Мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

1137-м о д д а. Қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик

Мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси,

аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

1138-модда. Қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик

Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар, бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ворисликка чақириладиган тўртинчи навбатдаги ворислар тенг улушларда мерос оладилар.

1139-модда. Қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик

Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар ушбу Кодекснинг 1141-моддаси асосида мерос олмасалар, қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

1140-модда. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик

Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутади, бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Бола, невара, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади, ён қариндошлик бўйича меросхўрликда тақдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эга бўладилар.

1141-модда. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари

Мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир

йил унинг қарамоғида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига киради. Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, меҳнатга қобилиятсиз боқимлар ворисликка чақирилаётган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

Ушбу Кодекснинг 1136- 1138-моддаларида кўрсатилган қонун бўйича меросхўрлар жумласига мансуб бўлган, бироқ ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмайдиган меҳнатга қобилиятсиз шахслар, мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган-яшамаганликларидан қатъи назар, агар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида турган бўлсалар, ана шу ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, ушбу модда асосида ворисликка чақириладиган шахсларнинг ҳаммаси биргаликда кўпи билан мероснинг тўртдан бир қисмини мерос қилиб оладилар.

### 1142-м о д д а. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи

Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон бир асос буйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир.

### 1143-м о д д а. Мерос олишда эрнинг (хотиннинг) ҳуқуқи

Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли

бўлган ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулкий ҳуқуқларига, шу жумладан никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди.

Агар мерос қолдирувчи билан тузилган никоҳ мерос очилгунга қадар амалда бекор бўлган бўлса ва мерос очилгунга қадар камида беш йил мобайнида эр-хотин алоҳида-алоҳида яшаганликлари исботланса, суднинг қарори билан эр (хотин) қонун бўйича ворисликдан четлаштирилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 1142-моддаси асосида мерос олиш бундан мустасно.

### 1144-м о д д а. Қонун бўйича мерос олинганида меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш

Мол-мулкнинг бир қисми васиятнома бўйича мерос қилиб олинган тақдирда, мерос қолдирувчи томонидан тайинланган васиятнома ижрочиси бутун меросни, шу жумладан унинг қонун бўйича ворислик тартибида ўтадиган қисмини ҳам муҳофаза қилади ва бошқаради.

Ушбу Кодекснинг 1131-моддасига мувофиқ васиятнома бўйича меросхўрлар ёки суд томонидан тайинланган васиятнома ижрочиси, агар қонун бўйича меросхурлар мероснинг қонун бўйича ворислик қилиш тартибида ўтадиган қисмига нисбатан кўрсатилган мажбуриятларни ижро этиш учун мерос бошқарувчисини тайинлашни талаб қилмасалар, умуман бутун меросни муҳофаза қилиш ҳамда уни бошқариш мажбуриятларини амалга оширади.

Меросни бошқарувчи қонун бўйича меросхўрлардан бир ёки бир нечтасининг илтимосига биноан мерос очилган жойдаги нотариус томонидан тайинланади. Меросни бошқарувчи тайинланишига ёки бу иш учун танланган номзодга рози бўлмаган қонун бўйича меросхўр меросни бошқарувчи тайинланишига қарши судга мурожаат этишга ҳақли.

Агар қонун бўйича меросхўрлар бўлмаса ёки номаълум бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи меросни бошқарувчи тайинланишини сўраб нотариусга мурожаат этиши лозим. Қонун бўйича меросхўрлар ҳозир бўлганлари тақдирда, уларнинг талаби билан меросни бошқарувчи мерос ҳисобидан зарур бўлган харажатлар ва оқилона ҳақ тўланган ҳолда чақириб олиниши мумкин.

Меросни бошқарувчи ушбу Кодекснинг 1131-моддаси-

да назарда тутилган ваколатларни, агар қонун бўйича ворислик хусусиятларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, васиятномани ижро этишга нисбатан амалга оширади.

Меросни бошқарувчи меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқаришга доир зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш, агар меросхўрлар билан келишувида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳақ ҳам олиш ҳуқуқига эгадир.

### 1145-м о д д а. Умумий қоидалар

Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

### 1146-м о д д а. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

### 1147-м о д д а. Меросдан воз кечиш ҳуқуқи

Меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очил-

ган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади.

Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати махсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

Меросхўр меросдан воз кечиш учун ўзига берилган муддат ўтганидан кейин бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасиданоқ йўқотади.

### 1148-м о д д а. Меросдан воз кечиш ҳуқуқининг чекланиши

Агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка чақирилса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросхўр улушнинг ортиши ҳуқуқи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан, мероснинг қолган қисмиға ворисликдан қатъи назар, воз кечишга ҳақли.

Меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлмиш бошқа шахслар фойдасига воз кечаётганини кўрсатишга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳоллардан ташқари мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар билан ёки шартлар қўйиб воз кечилишига йўл қуйилмайди.

### 1149-м о д д а. Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш ҳуқуқи

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи васият мажбуриятидан воз кечишга ҳақли. Қисман воз кечишга, изоҳотлар билан, шартлар қўйиб ёки бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқ айни бир пайтнинг ўзида ҳам меросхўр, ҳам васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ҳисобланган шахснинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди.

Агар васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлса, зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр бу мажбуриятни бажаришдан озод бўлади.

### 1150-м о д д а. Мероснинг тақсимланиши

Меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталган бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли.

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд тартибида амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари барча мерос ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимлашга нисбатан қўлланилади.

### 1151-м о д д а. Ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқлари

Агар меросхўрлар орасида турган жойи номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар, васиятномани ижро этувчи (мерос бошқарувчиси) ва нотариус уларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни ворисликка чақириш юзасидан зарур чораларни кўришлари шарт.

Агар турган жойи аниқланиб, мерос олишга чақирилган-у, лекин ҳозир бўлмаган меросхўр ушбу Кодекснинг 1147-моддасида назарда тутилган муддат ичида меросдан воз кечмаган бўлса, қолган меросхўрлар меросни тақсимлаш ниятлари тўғрисида уни хабардор қилишлари шарт. Агар ҳозир бўлмаган меросхўр хабар қилинган пайтдан эътиборан уч ой ичида қолган меросхўрларни меросни тақсимлаш ҳақидаги келишувда иштирок этиш истаги тўғрисида хабардор қилмаса қолган меросхўрлар ҳозир бўлмаган меросхўрга тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Агар ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши тўғрисида маълумотлар бўлмаса, қолган меросхўрлар мерос тақсимотини

ушбу модданинг иккинчи қисми қоидалари бўйича амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Агар ҳомила ҳолида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик туғилса, қолган меросхўрлар унга тегишли бўлган мерос улушини ажратган ҳолдагина меросни тақсимлашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Мерос тақсимотида чақалоқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органининг вакили таклиф этилиши лозим.

### 1152-м о д д а. Корхонага ворислик

Агар мерос таркибига кирадиган корхонанинг меросни қабул қилиб олган барча меросхўрлари келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бундай мерос натура ҳолида тақсимланмайди ва меросхўрларга тегишли бўлган улушларга мувофиқ уларнинг умумий улушли мулкига айланади.

### 1153-м о д д а. Айрим меросхўрларнинг мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқи

Мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Мерос қолдирувчи билан мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан умумий мулк бўлган мол-мулкни асл ҳолида олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган имтиёзли ҳуқуқлар амалга оширилганда мерос тақсимотида қатнашаётган бошқа меросхўрларнинг мулкий манфаатларига риоя этилиши лозим. Агар мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида меросни ҳосил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларни бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулк товонини тўлаши лозим.

### 1154-м о д д а. Мерос улушларининг ортиши

Меросхўр меросдан воз кечган ёхуд ушбу Кодекснинг 1119-моддасида кўрсатилган ҳолатлар бўйича меросхўрлар орасидан чиқиб кетган тақдирда мероснинг унга тегадиган қисми ворисликка чақирилган қонун бўйича меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Агар мерос қолдирувчи барча мол-мулкни ўзи тайинлаган меросхўрларга васият қилган бўлса, мероснинг меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган меросхўрга тегишли бўлган қисми қолган васиятнома бўйига меросхўрларга ўтади ва, агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар ўртасида меросдан улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар:

агар воз кечган ёки меросхурлар қаторидан чиқиб кетган меросхўр ўрнига бошқа меросхўр тайинланган;

меросхўр меросдан муайян шахс фойдасига воз кечган;

қонун бўйича ворислик меросхўрнинг воз кечиши ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетиши ворисликка кейинги навбатдаги меросхўрларни чақиришга сабаб бўлган ҳолларда қўлланилмайди.

### 1155-м о д д а. Мерос ҳисобидан тўланиши лозим бўлган харажатлар

Мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин мерос қолдирувчининг вафоти олдидан хасталиги туфайли қилинган зарур харажатлар, мерос қолдирувчини дафн этиш харажатлари, меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозим. Бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан ипотека ёки бошқа гаров билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қондирилиши лозим.

1156-м о д д а. **Кредиторларнинг мерос қолдирувчининг қарзларини ундириб олиши**

Мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар.

1157-м од д а. Эгасиз қолган мол-мулк

Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтганидан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда, давлат мулкига ўтади.

Эгасиз мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш ушбу Кодекснинг 1144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

# НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ

# ҚЎЛЛАНМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳайъатининг
1997 йил «28» апрелдаги
33/1 сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

# Ўзбекистон Республикаси Давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида

# ҚЎЛЛАНМА

## I Б Ў Л И М

### Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ давлат нотариал идоралари нотариуслари қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширадилар:

1) Битимларни тасдиқлайдилар;

2) Васиятномаларни тасдиқлайди;

3) Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;

4) Мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади;

5) Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;

6) Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;

7) Ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;

8) Ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;

9) Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;

10) Кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;

11) Фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;

12) Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;

13) Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;

14) Ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

15) Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;

16) Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;

17) Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;

18) Пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;

19) Ижро хатларини ёзади;

20) Векселларнинг протестларини амалга оширади;

21) Денгиз протестларини амалга оширади;

22) Нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Нотариал идораларининг нотариуслари Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам бажарадилар.

2. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 24-моддасига асосан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар шу Қонуннинг 23-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни, қуйидаги истиснолардан ташқари амалга оширадилар, лекин улар:

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш;

Мерос мол-мулкини қўриқлаш чора-тадбирларини кўриш;

Мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмаслар.

3. Нотариал ҳаракатларни давлат нотариуслари (давлат катта нотариуслари) ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширадилар.

4. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддасига асосан: Нотариус ўз фаолиятини олиб боришда мустақилдир ва у бу фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномасини бекор қилганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади.

Васиятнома тўғрисидаги (Васиятноманинг мавжудлиги, унинг мазмуни ва ҳоказолар ҳақида) маълумотномалар васият қилувчига, унинг вафотидан кейин эса васият ва

қонун бўйича меросхўрларга вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилгандан кейин берилади.

Амалга оширилган нотариал ишлар тўғрисидаги маълумотномалар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Талаблар қарор ёки ажрим шаклида ҳаракатдаги қонунларга риоя қилган ҳолда расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида ўтаётган мол-мулкларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар солиқ органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда берилади.

Амалга оширилаётган (оширилган) нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган нотариуслар, шунингдек нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилганлиги хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан маълум бўлиб қолган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6. Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ нотариуслар:

— жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришга;

— томонлар тақдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмуни томонларининг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширишга;

— юридик жиҳатдан бехабарлик жисмоний ва юридик шахслар зарарига фойдаланилмаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантиришга;

— қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этишга;

— нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхоналар, муассаса-

лар, ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилишга;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда мерос ёки ҳадя тартибида ўтаётган мол-мулкдан ундириладиган солиқни ҳисоблаб чиқиш учун фуқароларнинг мулкига айланаётган мол-мулкнинг қиймати тўғрисида солиқ органига маълумотнома беришга мажбурдирлар.

Нотариуслар зарур ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида мурожаат қилган фуқаролар, давлат муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари, колхозлар ҳамда ширкат ва жамоат ташкилотларининг илтимосига мувофиқ битимлар ва аризаларнинг лойиҳаларини тузишлари, ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмаларни тайёрлашлари, шунингдек нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришлари керак. Бу ишни бажариш нотариал идораси штатида бўлган нотариуснинг ёрдамчиси ва стажерига ҳам топширилиши мумкин.

7. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг II-моддасига биноан нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Фуқароларнинг талабига асосан расмийлаштирилган ҳужжат матни нотариус ёки нотариал ҳаракатни амалга ошираётган шахс томонидан рус тилида ёхуд имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Агар мурожаат қилган шахснинг тушунмаган тилида нотариал ҳаракат бажарилса, унда матни нотариус ёки у таниган таржимон томонидан таржима қилиниши лозим ва бу ҳақда ҳужжатга матни таржима қилинганлиги ва мазмуни тушунтирилганлиги ҳақида белги қўйилиши ҳамда имзоланиши керак.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахс ҳужжат тузилган тилни билмаган тақдирда, у бу ҳужжатга ўзи биладиган тилда имзо чекиши мумкин.

## II БЎЛИМ

### Нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг асосий қоидалари

8. Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 37,

44, 51, 52, 59, 62, 63, 74, 82 ва 93-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9. Нотариал ҳаракатлар нотариал идора биносида амалга оширилади. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа узрли сабабларга кўра нотариал идорага кела олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар нотариал идорадан ташқарида амалга оширилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатлар нотариал идора биносидан ташқарида бажарилса, ҳужжатнинг гувоҳлантирувчи ёзувида ва нотариал ҳаракатларни қайд этиш реестрида нотариал ҳаракат амалга оширилган жой ёзилади ва манзилгоҳи кўрсатилади.

10. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ нотариал ҳаракатлар давлат божи тўлангандан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарурати бўлганда кечиктирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда, кечиктирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақидаги қарор берилади.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устидан даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечиктириш ва тўхтатишнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин (суд, прокуратура, тергов органлари ва бошқаларнинг қарорларига биноан).

11. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг, уларнинг вакилларининг ёки давлат муассасалари, корхоналари, ташкилотлари, жамоа хўжаликлари ҳамда бошқа ширкат ва жамоат

ташкилотлари вакилларининг шахсини аниқлайдилар. Фуқароларнинг шахси паспорт бўйича аниқланади. 16 ёшга тўлмаган балогатга етмаган фуқароларнинг шахси туғилиш гувоҳномаси бўйича аниқланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг шахси — шахсий гувоҳнома ёки ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган ҳарбий билет асосида аниқланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган кишиларнинг шахси истиқомат қилиш тури ёки ички ишлар органларида, ё бўлмаса шунга вакил қилинган бошқа органларида қайд этилганлиги тўғрисидаги белги қўйилган миллий паспорт бўйича аниқланади.

12. Битимлар тасдиқланиб берилаётганида уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Битимда иштирок этаётган вакилнинг муомала лаёқати аниқланиб, ваколати текширилади.

13. Нотариал гувоҳлантириладиган барча ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланади.

Фуқаро жисмоний ожизлиги, касаллиги ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа ҳужжатларни ўз қўли билан имзолай олмайдиган бўлса, унинг топшириғига мувофиқ, ўзи ва нотариус иштирокида битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни УзР ФКнинг 1124-моддаси талаблари асосида ўзга фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахс ҳужжатни шахсан имзолай олмаслиги сабабларини кўрсатиши лозим.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз ёки кўзи ожиз бўлса, нотариус унга ҳужжат матнини ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжатга ёзиб қўйилади.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган қулоғи кар, оғир, соқов ёки кар-соқов фуқаро саводсиз бўлса, нотариал ҳаракатни амалга ошириш чоғида шу киши билан муомала қила оладиган ва ўз имзоси билан битим, ариза ёки бошқа ҳужжатнинг мазмуни унда иштирок этаётган қулоғи оғир, соқов ёки гаранг-соқов кишининг иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан гувоҳлантирадиган саводли шахс бўлиши шарт.

14. Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ нотариус-

лар жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларини амалга ошириш учун зарур маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Тегишли маълумотлар ва ҳужжатлар нотариус кўрсатган муддатда тақдим этилиши керак. Бу муддат бир ойдан кўп бўлмаслиги лозим.

15. Нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, ўз эри ёки хотини номига ва уларнинг номидан, уларнинг ва ўз қариндош уруғлари (ота-она, болалар, набиралар, ака-укалар, опа-сингиллар) улар билан ҳомийлик ва васийлик туфайли боғлиқ бўлган шахслар номига ва улар номидан, шунингдек мазкур нотариал идора ходимлари номига ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ва уларнинг ходимлари ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмасдирлар.

Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатлар бошқа нотариал идорасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ нотариал ҳаракатлар муайян нотариал идорасида бажарилиши керак бўлган ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти Адлия бошқармалари томонидан белгиланади.

Мазкур банддаги кўрсатмаларни бузган ҳолда амалга оширилган нотариал ҳаракатлар амалдаги Қонунга биноан ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

16. Нотариуслар изоҳ берилмаган тузатишлар, қўшимчалар киритилган, сўзлари ўчирилган ва кўзда тутилмаган бошқа ўзгартириш бўлган ҳужжатларни, шунингдек қаламда ёзилган ҳужжатларни нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қабул қилмайдилар.

Бир неча саҳифаларда баён этилиб, саҳифалари рақамланмаган ва ип ўтказилиб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган давлат муассасаси, корхонаси, ташкилоти, жамоа хўжалиги ҳамда бошқа ширкат ва жамоат ташкилоти мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатлар ҳам қабул қилинмайди.

Нотариал тасдиқланадиган битимларнинг матни аниқ ва равшан ёзилиши керак, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар жуда бўлмаганда бир марта сўз билан, юридик шахсларнинг номлари уларнинг органлари манзилгоҳи кўрсатилган ҳолда қисқартишларсиз ёзилиши, зарур ҳолларда эса банк бўлимидаги жорий (ҳисоб) рақами кўрсатилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси,

исми ва отасининг исми, уларнинг яшаш жойи кўрсатилган ҳолда тўла ёзилиши керак. Чет эл фуқаролари номидан битимларни тасдиқлашда уларнинг фуқаролиги ҳам кўрсатиб ўтилади.

Ҳужжатдаги охиригача тўлдирилмаган сатрлар ва бошқа бўш жойларга чизиқ тортиб қўйилади. Чет элда амал қиладиган ҳужжатлар бундан мустаснодир, чунки уларда чизиқ тортишларга йўл қўйилмайди. Қўшимча ва тузатишлар тегишли шахслар (битимларнинг қатнашчилари ва битимни, аризани ва шу сингариларни имзолаган бошқа шахслар)нинг имзоси олдидан изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзув охирида такрорланиши лозим. Бунда тузатишлар шундай қилиниши керакки, хато ёзилган, ундан кейин ўчирилган барча сўзларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлсин.

Ҳужжат матнига киритилиб, томонлар имзоламайдиган ҳужжатлардаги тузатишлар тасдиқловчи ёзув охирида фақат нотариус томонидангина изоҳланади.

Нотариал тасдиқланадиган ёки шаҳодатлантириладиган ҳужжат нотўғри ёки саводсиз ёзилган бўлса, давлат нотариуси мурожаат қилган шахсга уни тузатишни ёки янгисини ёзишни таклиф қилади.

Мурожаат қилувчининг илтимоси билан ҳужжат нотариус ёки нотариал идоранинг бошқа ходими томонидан тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланаётган ёки шаҳодатлантирилаётган ҳужжатлар бир неча алоҳида саҳифаларда баён этилган тақдирда, улар ип ўтказиб тикилади, саҳифалари эса рақамланади. Ип ўтказиб тикилган саҳифаларнинг сони нотариал идорасининг гербли муҳри қўйилган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланади.

17. Битимларни тасдиқлаш, ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмаларнинг гўғрилигини, ҳужжатнинг бир тилдан иккинчи тилга таржимаси тўғрилигини, ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлантириш чогида, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлашда тегишли ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган формалар бўйича гувоҳлантириладиган ёзувлар амалга оширилади ва нотариус томонидан имзоланиб, нотариал идорасининг гербли муҳри босилади.

Тасдиқловчи ёзувнинг матни ёзув машинкасида ёки қўлда, ўчирмасдан аниқ ёзилиши шарт, очиқ жойларга чизиқ тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар

ушбу қўлланманинг 16-бандидаги қоидалар асосида изоҳланиши керак.

18. Тасдиқловчи ёзувларни амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар ишлатилиши мумкин.

Гувоҳлантирувчи ёзув тегишли ҳужжатга сиғмаган тақдирда ёзув давом эттирилиши ёки ҳужжатга бириктириб қўйилган алоҳида қоғозда тўла баён этилиши мумкин. Бунда ҳужжат матни баён этилган саҳифалар ва гувоҳлантирадиган ёзув саҳифалари ип ўтказиб тикилади ва рақамланади, саҳифаларнинг сони нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, гербли муҳри босилади, шунингдек гувоҳлантирувчи ёзувни ёки унинг давомини баён этиш учун қоғозга бошқа варақ елимланиб, гербли муҳр босилади, бунда ёзувнинг бир қисми ҳужжатнинг елимлаб ёпиштирилган саҳифасида бўлиши зарур.

19. Меросга бўлган ҳуқуқ, мулкка эгалик ҳуқуқи тўғрисида, фуқаронинг тириклиги, муайян жойда эканлиги ҳолати, фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлиги ҳамда ҳужжатларни сақлашга қабул қилиб олинганлиги ҳақида тегишли гувоҳномалар берилади.

20. Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган барча нотариал ҳаракатлар нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш расмий рўйхат китобида (реестри) қайд этилади.

Ҳар бир нотариал ҳаракатга алоҳида тартиб рақами берилади, реестрда (расмий рўйхат китоби) қайд этилган нотариал ҳаракат рақами нотариус томонидан бериладиган ҳужжатларда ва гувоҳлантирувчи ёзувларда кўрсатилади.

Ҳужжатлар нусхаларини тўғрилиги шаҳодатлантирилганида ҳужжатнинг ҳар бир нусхасига алоҳида реестр рақами берилади. Шаҳодатлантирувчи ёзувда рақамлар шу тартибда кўрсатилади.

Нотариал ҳаракатлар рўйхатга олинадиган реестрдаги рақамлаш ҳар бир календарь йил бошида биринчи номердан (сон) бошланади.

Реестрлар ип ўтказиб тикилиши, уларнинг саҳифалари рақамланиши керак. Саҳифаларнинг сони Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Адлия бошқармаларининг бошлиғи томонидан ёки ваколатли ходими имзоси билан тасдиқланиши лозим.

Ходимнинг имзоси тегишли Адлия органининг муҳри билан тасдиқланади.

Нотариал томонидан тасдиқланиб ёки шаҳодатлан-

тирилиб бериладиган ҳужжат тегишли давлат божи (тариф бўйича ҳақ) тўланиб нотариус томонидан имзолангандан кейингина нотариус ёки нотариал идоранинг бошқа ходими томонидан реестрга қайд этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Адлия бошқармаларининг рухсати билан нотариал идораларида бир неча реестр тутилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳар бир реестрга мустақил индекс берилади. Ҳужжатлардаги рақамлар қуйидагича қўйилади: № 1—1, № 1—2, № 2—1 ва ҳоказо. Бунда биринчи рақам индекснинг номерини, иккинчиси — рақам эса ёзувнинг тартиб рақамини билдиради. Ҳар бир реестрни индекс рақами йил давомида ўзгартирилмай сақланади.

Нотариал ҳаракатларнинг муайян турлари ёзуви учун мустақил реестрлар юритилган тақдирда ҳар бир реестрнинг индексига тегишли нотариал ҳаракат номига мувофиқ ҳарф қўшилади. Масалан: № -1-Н, № 2-Н, № 3 И, № 4-М. Бу биринчи ва иккинчи реестрлар — ҳужжатларнинг нусхалари тўғрилигини шаҳодатлантирувчи ёзувларни, учинчиси — ижро ёзувларини, тўртинчиси эса меросхўрлик ҳуқуқи тўғрисидаги ва шу сингарилар ҳақида берилган гувоҳномаларни қайд этиш учун тутилганлигини билдиради.

Бундай реестрларга ёзилган ҳужжатларнинг рақамлари қуйидаги тарзда белгиланади: № 1-Н-1, №-1-Н-2 ва ҳоказо; №-2-Н-1, №2-Н-2 ва ҳоказо; №-3-И-2 ва ҳоказо; №-4-М-1, №-4-М-2, №-4-Н-3 ва ҳоказо.

21. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ нотариуслар фуқаролар топшириғига кўра ёки дахлдор нотариал ҳаракатлар бажарилган жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг ёзма аризасига, шунингдек ишлаб чиқаришида жиноий ёки фуқаролик ишлари бўлган суд, прокуратура ва тергов органларининг ёзма талабномаларига биноан нотариал ҳаракатлар қайд этиладиган реестрлардан кўчирмалар берадилар.

22. Нотариус томонидан гувоҳлантирилган ёки берилган ҳужжат йўқолган тақдирда фуқаронинг топшириғига асосан ёки дахлдор нотариал ҳаракатлар бажарилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма аризаси бўйича йўқолган ҳужжатнинг нусхаси (кўчирмаси, дубликати) берилади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 26, 28-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар томонидан нотариал идорага

юборилган васиятномалардан дубликатларини берадилар.

Ҳужжат дубликатида гувоҳлантирилган ва берилган ҳужжатнинг тўла матни бўлиши шарт.

Ҳужжат дубликатига белгиланган шаклдаги тасдиқловчи ёзув ёзилади.

Васиятнома *дубликати васият* қилувчига, у вафот этгандан кейин эса васиятда кўрсатилган меросхўрларга васият қилувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилгандан кейин берилади.

Васиятномада кўрсатилган меросхўрлар вафот этган тақдирда васиятнинг дубликати васият қилувчининг вафот этганлиги ва ўзларидан олдинги меросхўр ўлганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, зарур ҳолларда меросхўрларнинг меросни топширувчи билан қариндош-уруғчилик муносабатларини (агар бу ҳужжатлар илгари тақдим этилмаган бўлса) тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган меросхўрларга берилади.

Вафот этган фуқаронинг меросхўрлари, кўрсатиб ўтилган ана шу ҳужжатларни тақдим этганларидан кейин, мерос мулкининг мерос берувчига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ҳам берилиши мумкин.

23. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишга асос бўлган ҳужжатлар, битимнинг нотариал идорада қолдириладиган нусхасига, меросхўрлик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ва шу сингариларга қўшиб қўйилади.

Ҳужжатларнинг аслини (масалан: туғилганлик ҳақидаги, никоҳ тўғрисидаги, вафот этганлик ҳақидаги гувоҳномалар) уларни тақдим этган шахсларга қайтариб берилиши лозим бўлганда нотариал идорада ана шу ҳужжатларнинг нусхалари қолади, бу нусхалар манфаатдор шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан тақдим этилади. Ушбу ҳужжатларнинг нусхалари манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан нотариал идора ходими томонидан тайёрланиши ва лозим ҳолларда бу нусхалар нотариал тартибда шаҳодатлантирилиши мумкин. Бундай ҳолларда давлат божи нусхани шаҳодатлантирилганлиги учун *ундирилади* ҳамда нусха тайёрланганлиги учун «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига асосан қўшимча хизматлар кўрсатилганлиги учун ҳақ ундирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакилларининг шахсини гувоҳлантирадиган ҳужжат-

лар, реестрга ҳужжатнинг номи, унинг рақами, берилган куни ва шу ҳужжатни берган муассасанинг номи ёзиб қўйилгач қайтариб берилади. Шунингдек, қуйидаги ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари нотариал идорада қолдирилмайди:

— юридик шахсларнинг уставлари ва улар тўғрисидаги низомлар, шунингдек уларнинг вакилларининг ваколатлари тўғрисидаги ҳужжатлар (аниқ шартномани тузиш учун берилган ваколатномаларидан ташқари) юридик шахснинг номидан ёки юридик шахсларнинг номига шартномалар ва ваколатномаларини расмийлаштириш вақтида;

— фуқароларга шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонларидан муддатсиз фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларни гувоҳлантириш чоғида ердан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги давлат ҳужжати;

— фуқаронинг уй-жой (уйнинг бир қисми)га ёки якка тартибдаги қурувчилар уй-жой қурилиш жамоасининг кўп хонадонли уйидаги хонадонга бўлган шахсий мулки ҳуқуқини белгилайдиган — мулкдор ўзига қарашли уйни (уйнинг бир қисмини), хонадонни тўла топширмаган тақдирда, шунингдек мулкчилар уй (уйнинг бир қисмига, хонадонга умумий ҳужжатга эга бўлган улардан бири ўзига тегишли ҳиссани ёки ҳиссадан ҳиссани) топширган тақдирда, битимларни тасдиқлашда, қуриб битказилмаган уйни топшириш тўғрисидаги шартномани, уй-жой ҳиссасини белгилаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги шартномаларни гувоҳлантириш вақтидаги ҳужжатлар;

— фуқароларга шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонидан муддатсиз фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартномалар нотариал идорада қолдирилмайди. Мулкчи уй-жойни (унинг бир қисмини), хонадонни тўла топширган вақтида, шунингдек меросхўрлик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш вақтида ҳам шундай қилинади. Бундай ҳолларда якка тартибда уй-жой қуриш тўғрисида шартнома (иморатларни ер участкасида жойлаштириш плани ва уй қурилиши лойиҳаси билан бирга (топшириш) мерос олиш тўғрисидаги гувоҳномани бериш) тўғрисида белги қўйилган ҳолда уй-жойни (уйнинг бир қисмини) хонадонни сотиб олувчига (меросхўрга) берилади;

— эгалланган (бронланган) уй-жой майдонини шартнома бўйича ижарага олинганлигини гувоҳлантиришдаги— муҳофаза гувоҳномалари;

— автоулов воситаларига техникавий паспортлар улар-

ни тасарруф этиш шартномаларини гувоҳлантиришда, меросхўрлик ҳуқуқи тўғрисидаги ва эр-хотиннинг умумий мулкдаги ўз мулк ҳиссасини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш вақтида.

Кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлиги битимларнинг матнида, мулк ва мерос гувоҳномаларининг ва нотариал тасдиқланган бошқа ҳужжатларнинг матнларида кўрсатилади.

Мазкур ҳужжатларда ер майдони ёки уй-жой (уйнинг бир қисми) миқдори тўғрисидаги техник инвентаризация бюроси маълумотлари билан ана шу ҳужжатлардаги маълумотлар фарқ қилган тақдирда уй-жой (уйнинг бир қисми)га ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатларнинг нусхалари нотариал идорада қолдирилади.

24. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида фуқаролар ёки айрим мансабдор шахслар қонунни бузганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чоралар кўриш учун бу ҳақда тегишли муассаса, корхоналар, ташкилотлар ёки прокурорларга хабар қиладилар.

Тақдим этилган ҳужжатнинг айнанлиги шубҳа туғдирса, нотариус бу ҳужжатни ушлаб қолишга ва уни экспертизага юборишга ҳақлидир.

Нотариус ҳужжатни экспертизага юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Унда: — қарор чиқарилган кун, қарор чиқарган нотариуснинг исми ва фамилияси, нотариал идоранинг номи кўрсатилади; — ҳужжатнинг номи, у кимнинг номига берилганлиги;

— нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ҳужжат ким томонидан берилганлиги (фамилияси, исми, турар жойи);

— ҳужжатни экспертизага юбориш заруратини келтириб чиқарган ҳолатлар;

— ҳужжат экспертиза қилиш учун қаерга (қайси эксперт муассасасига) юборилаётганлиги;

— экспертиза ҳал этиши учун қўйилган саволлар.

25. Нотариуслар қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад қиладилар:

— агар бу хилдаги ҳаракатни амалга ошириш қонунга хилоф, яъни бундай ҳаракат нотариал органда бажарилмайдиган ёки бошқа нотариал органда амалга оширилиши керак бўлган, ёхуд нотариал ҳаракатни амалга оширишни ҳуқуқий лаёқатсиз шахс сўраб мурожаат қилган тақдирда;

— тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатларга

эга бўлмаган вакил шундай ҳаракатни амалга оширишни сўраб илтимос қилган тақдирда;

— юридик шахс номидан амалга оширилаётган битим унинг устави ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлган тақдирда;

— битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаган ёки давлат ва жамиятнинг манфаатларига атайлаб зид ҳолда амалга оширилаётган тақдирда;

— нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахс ҳуқуқий лаёқатли бўлсада, бироқ шу ҳаракат содир этилаётган пайтда ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуниб етмайдиган ва бу ҳаракатларни бошқара олмайдиган ҳолда бўлган тақдирда;

— нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этилган ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқ келмаган ёки унда фуқароларнинг қадр-қимматини ерга урадиган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда.

Нотариуслар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг илтимосига мувофиқ рад этиш сабабини ёзма тарзда баён этишлари ва унга шикоят қилиш тартибини тушунтириб беришлари лозим.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад қилиш нотариус томонидан уч кунлик муддатдан кечиктирмасдан қарор чиқариш йўли билан расмийлаштирилади.

Рад этиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

— қарор чиқарилган кун; қарор чиқарган нотариуснинг исм ва фамилияси ҳамда нотариал идоранинг номи;

— нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг исми, шарифи, турар жойи (ёки юридик шахснинг номи ва манзили);

мурожаат қилувчи қандай нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраганлиги;

нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этишга сабаб бўлган ҳолатлар (қонунга асосланган ҳолда);

шикоят қилиш тартиби ва муддати.

26. Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик ҳамда ҳужжатлардан нусха (дубликат) берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундиради.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида нотариал шаклда

бўлиши мажбурий қилиб қўйилган ҳаракатларни бажарганлик учун, худди шу ҳаракатларни давлат нотариал идораларида бажарганлик учун олиниши назарда тутилган давлат божи миқдорларига мувофиқ тарифлар бўйича ҳақ ундиради.

Давлат божи ҳақидаги қонун ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахслар учун назарда тутилган имтиёзлар давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар ҳам, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам нотариал ҳаракатларни бажарганларида, ҳужжатлар лойиҳаларини тузганларида, ҳужжатларнинг нусхаларини берганларида ва бошқа техник ишларни бажарганларида мазкур шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Нотариус нотариал ҳаракатни бажариш учун ўз иш жойидан ташқарига чиққанида манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар унинг амалдаги транспорт харажатларини қоплайдилар.

27. Нотариус йўл қўйган хато натижасида ўзи амалга оширган нотариал ҳаракатнинг нотўғрилигини билиб қолган тақдирда, у ана шу нотариал ҳаракатни белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш учун бу ҳақда прокурорни огоҳлантиришга мажбур. Нотариус прокурорни огоҳлантирганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирини, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Адлия бошқармаларининг бошлиқларини хабардор қилади.

Нотариус ўз ташаббуси билан ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра гувоҳлантирилган ёки берилган ҳужжатнинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни ёки аниқ арифметик хатоларнигина тузатиши мумкин.

## III Б У Л И М

## Нотариал ҳаракатларнинг айрим турларини амалга ошириш
## Қ о и д а л а р и

### *I-боб*

### Битимларни тасдиқлаш

#### Битимни тасдиқлашни умумий қоидалари

28. Нотариуслар қонун ҳужжатларига биноан нотариал тасдиқланиши мажбурий қилиб қўйилган битимларни тасдиқлайди.

Амалдаги қонунларга мувофиқ қуйидагилар албатта нотариал тарзда тасдиқланиши керак бўлган битимлар қаторига киради:— уй-жойни, квартирани (уларнинг бир қисмини) тасарруф этиш (олиш-сотиш, айрбошлаш, ҳадя) тўғрисидаги шартномалар, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномалар (ЎзР ФКнинг 488, 531-моддалари);

— корхоналарни олди-сотди шартномалари (ЎзР ФКнинг 490-моддаси);

— гаров, ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар (ЎзР ФКнинг 271-моддаси);

— якка тартибда шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жойлар қуриш учун ер майдонини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномалар;

— кўчмас мулкни хадя этиш шартномалари;

— рента шартномалари (ЎзР ФКнинг 513-моддаси);

— автоулов воситалари ва мотоциклларни ўзга шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномалар;

— васиятномалар (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1124-моддаси);

— нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончномалар, ЎзР ФКда ва қонун ҳужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно (ЎзР ФКнинг 135-моддаси);

— ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўладиган ишончномалар (ЎзР ФКнинг 140-моддаси).

Қонун билан албатта нотариал тасдиқланиши белгиланмаган бошқа битимлар ҳам томонларнинг истагига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланади.

29. Нотариуслар томонларга улар тақдим этаётган битимлар лойиҳалари мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини тушунтиришга ҳамда битимнинг мазмуни томонларнинг асил мақсадига мос келиш-келмаслигини текширишлари лозим (ЎзР Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 18-моддаси).

30. Рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ёки гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаровга

қуйилаётган мол-мулкка мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланади (Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 44 моддаси).

31. Нотариус битим қатнашчисининг муомала лаёқатини аниқлаш чоғида шу битим қатнашчисининг ёши кўрсатилган ҳужжатни талаб қилади (Қўлланманинг 11-бандига қаралсин).

Нотариусда битим қатнашчиларидан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб, ёки спиртли ичимликларни ёхуд наркотик моддаларни суистеъмол қилиш оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди, деб ҳисоблаш учун асоси бўлган, шу фуқаронинг эса муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилгани тўғрисида маълумотлар бўлмаган тақдирда, у битимни гувоҳлантиришни кечиктиради ва суднинг шу шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлиги тўғрисидаги қарори бор-йўқлигини аниқлайди.

Агар бундай масала суд томонидан кўтарилмаган бўлса, нотариус Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 284-моддасида кўрсатилган шахслардан ёки ташкилотлардан бирига ўзининг таклифи ҳақида хабар қилади ёхуд мустақил равишда мазкур шахснинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги масалани суд олдига қўяди.

Нотариус ўз хатида қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилишни сўрайди. Нотариус ана шу шахс (ташкилот) қабул қилган қарорга қараб ё битимни амалга оширади ёки ишнинг судда кўриб чиқилишигача нотариал ҳаракатни амалга оширишни тўхтатиб туради.

32. 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар номидан, шунингдек суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилган кишилар номидан битимларни уларнинг ота-оналари, боланикка олувчилари ёки ҳомийлари тузадилар (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 29-моддаси).

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар номидан, шунингдек суд тартибида муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар номидан битимлар уларнинг ота-оналари, боладикка олувчилари ёки ҳомийлари розилиги билан тузилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 27,31-моддалари).

Ота-оналар, болаликка олувчилар, ҳомийлик ва васийлик қилувчилар қандайдир сабабларга кўра (хизмат сафарида бўлиш, бошқа жойда истиқомат қилиш ва ҳоказо) битимни тасдиқлашга розилик бера олмасалар битим васийлик ва ҳомийлик орган вакилининг иштирокида тасдиқланиши мумкин.

Васий ўз васийлигидаги шахс номидан тузадиган қуйидаги битимларни тасдиқлашда нотариус васийлик ва ҳомийлик органининг розилигини олиши шарт:

— нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномаларни;

— васийликдаги шахснинг энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан ортиқ суммадаги мулкини бошқа кишига ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни;

васийликдаги шахсга тегишли бўлган мулкни тақсимлаш, гаровга қўйиш ёки бир йилдан кўпроқ муддатга ижарага бериш;

— васийликдаги шахс номидан мерос ва ҳадя олишдан воз кечиш;

— васийликдаги шахсга тегишли турар-жойни айирбошлаш ва унга тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз кечиш тўғрисидаги.

Васийликдаги шахс номидан ҳадя шартномасини тузишга йўл қўйилмайди. Бу қоидалар ота-оналар (болаликка олувчилар) томонидан ўзларининг вояга етмаган болаларига васийлик, ҳомийлик қилувчилар сифатида тузиладиган битимларга ҳам тегишлидир.

33. Нотариуслар битимда иштирок этаётган юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини текшириш чоғида юридик шахс Устави ёки бошқа таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқишга ҳамда Устав ёки бошқа таъсис ҳужжатлар асосида юридик шахсга берилган ҳуқуқлар амалга оширилаётган ҳаракатга мувофиқми ёки йўқлигини, шунингдек у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини текширишлари шарт.

Битим вакил томонидан амалга оширилган ҳолларда нотариуслар унинг ваколатини текширадилар.

Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ваколатнома билан тасдиқланади.

Нотариуслар низом ёки қоида бўйича битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсларнинг раҳбарларидан битимлар ва бошқа ҳаракатларни бажариш учун ваколатнома талаб қилмайдилар. Бундай ҳолларда уларнинг мансаб мавқеини тасдиқловчи ҳужжатгина талаб қилинади.

Юридик шахс сайлаб қўйиладиган орган томонидан бошқарилган тақдирда мансабдор шахсларни сайлаш тўғрисидаги ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ҳақидаги қарор талаб этилиши лозим.

34. Мулкни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш тўғрисидаги битим шартномага қушиб қўйиладиган алоҳида ҳужжат тузиш йўли билан ҳам, шунингдек томонлар имзолаган шартноманинг барча нусхаларига ёзиб қўйиш йўли билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Мулкни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш чоғида, агар бу шартнома тегишли идорада ҳали қайд этилмаган бўлса, нотариус томонларнинг аризаси асосида барча нусхаларга ва реестрга шартнома бекор қилинганлигини белгилаб қўяди.

Тегишли органда қайд этилган шартномани бекор қилиш тўғрисидаги келишув эса шу шартнома тузиш талабларига риоя қилган ҳолда тасдиқланади.

Нотариус суднинг шартнома ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги қарорни олган тақдирда бу ҳақда реестрга ва шартноманинг нотариал идорасида сақланадиган нусхаларига тегишли ёзув ёзиб қўяди.

Бундай ҳолда мулкни сотувчи (ҳадя этувчи)нинг талабига кўра нотариал идорада сақланаётган, бекор қилинаётган шартнома тузилгунга қадар эса сотувчи (ҳадя этувчи)нинг қўлида бўлган ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат (унинг дубликати) қайтарилади.

Илгари бож тўланган шартномалар бекор қилинган вақтда уларни тасдиқлаш учун томонлардан олинган давлат божи қайтарилмайди.

35. Махсус ҳисобдаги мулкни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги шартномалар, шунингдек шартномани бекор қилиш туғрисидаги келишув (тегишли органда қайд этилгандан кейин) шу мулк ҳисобга олинган жойда қайд этишга тақдим этилади, нотариус бу ҳақда гувоҳлантирувчи ёзувда кўрсатиб ўтади ва томонларга тушунтиради. Жумладан, шаҳардаги ёки шаҳар типидаги поселкадаги уй-жойни (уй-жойнинг бир қисми), якка тартибда иморат қурувчиларнинг уй-жой қурилиш жамоаси уйидаги хонадонни тасарруф этиш тўғрисидаги шартнома туман, шаҳар ҳокимиятларининг рўйхатга олиш билан шуғулланувчи бўлимлари (техник инвентаризация бюроси)да қайд этилиши керак.

Автоулов воситаларини тасарруф этиш тўғрисидаги

шартнома давлат автомобиль назорати бўлимида қайд этилади.

36. Битимларнинг матнида (тегишлилигига қараб): у қандай битим эканлиги (битим, шартноманинг номи); битим (шартномани) тасдиқлаган нотариал ҳудуд жойлашган жойнинг тўлиқ номи; битим (шартнома) тузилиб имзоланган сана сўзлар билан битим иштирокчиларининг фамилиялари, исмлари ва оталарининг исмлари, юридик шахсларнинг номлари ҳеч бўлмаганда бир маротаба тўлиқ ёзилиши ва яшаш ёки жойлашган манзиллари кўрсатилиши, ҳадя шартномаларида лозим бўлса томонларнинг қариндошлик томонлари кўрсатилиши мумкин;

— битим (шартнома)нинг предмети нимадан иборатлиги ва унинг таркиби ва лозим бўлса жойлашган манзили;

— битим (шартнома) предметини уни бошқа шахсга ўтказувчига нима асосда тегишли эканлиги ва бу ҳужжат(лар)нинг ким томонидан ва қачон берилганлиги (васиятномалар бундан мустасно);

— битим (шартнома) предметини бошқага ўтказилишига тақиқ ёки арест солинмаганлиги (васиятнома ва ишончномалар бундан мустасно);

— битим (шартнома) предметининг нархи ва томонлар уни қанчага баҳолаганликлари (васиятнома ва ишончномалар бундан мустасно);

— битим (шартнома) предмети учун ҳақ тўловининг шакли (ва лозим ҳолларда муддатлари) (васиятнома ва ишончномалар бундан мустасно);

— битим (шартнома) предметига нисбатан уни олувчида эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши (васиятнома ва ишончномалар бундан мустасно);

— битим (шартнома) предметига нисбатан мажбуриятларни олувчига ўтиши ёки бошқа ҳолатлар;

— битим (шартнома) предметига нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтиши муносабати билан қонунчилик талабларини тушунтирилганлиги битим (шартнома) неча нусха (экземплярда) тузилиб имзоланганлиги ва зарур ҳолларда (махсус рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мулкларни) рўйхатдан ўтказилиши шартлиги ва томонларнинг ўзаро келишувига кўра қонунчиликка зид келмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топиши керак.

Битим (шартнома)нинг барча нусха (экземплярлари)га томонлар (ёки уларнинг қонуний вакиллари) ўз қўллари билан фамилиялари, исмлари ва оталарининг исмларини ёзиб шахсий имзолари билан имзолайдилар.

Битим (шартнома)нинг барча нусха (экземплярлари)га нотариус тегишли тасдиқловчи ёзувни ёзиб, реестрга қайд қилинган рақамни, ундирилган давлат божи миқдорини кўрсатиб имзолайди ва муҳр билан мустаҳкамлайди.

Васиятномаларни тасдиқлаш тартиби ушбу қўлланманинг 18-бобида, ишончномаларни тасдиқлаш тартиби эса ушбу қўлланманинг 19-бобида баён этилган.

Битим қатнашчиларининг истагига мувофиқ уларнинг ҳар бирига битимнинг биттадан нусхаси (экземпляри) берилади. Битимларнинг ва битимларнинг мазмуни баён этилган бошқа нотариал тасдиқланадиган ҳужжатлар камида икки нусха (экземпляр)да тузилиб тасдиқланади ва бир нусхаси нотариал идорада қолдирилади.

*2-боб*

## Шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш

37. Шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномалар ер майдони ажратиб берилган жойдаги нотариал идораларда тасдиқланади.

Шаҳарларда ва шаҳар типидаги посёлкаларда мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонларини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш чоғида нотариуслар фуқароларнинг уй-жой қуришга бўлган ҳуқуқини йўлга солиб турувчи қонунларнинг талабига шартноманинг мувофиқлигини текширадилар. Бунда ер майдони қурувчига бириктириб берилганлиги тўғрисидаги давлат акти ёки ер берилганлиги ҳақидаги қарор ҳамда икки нусхада ер майдони режаси ва қурилиш лойиҳаси шартномаларнинг томонларга бериладиган нусхаларига тикиб қўйилади. Ер майдони режаси ва қурилиш лойиҳаси шартноманинг нотариал идорада қоладиган нусхага тикилмайди.

Шартномада шахсий мулк ҳуқуқи асосида якка тартибда уй қуриш учун ер майдонини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги намунавий шартномада кўзда тутилган барча зарур реквизитлар кўрсатилган ёки йўқлигини текшириш ҳам зарур.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари тақозоси билан фуқаролардан ер майдонлари олиб қўйилганлиги муноса-

бати билан уларга қарашли иморатларни кўчириш учун бошқа ер майдони бериш тўғрисидаги шартномаларни гувоҳлантиришда қурилиш лойиҳасини тақдим этиш талаб этилмайди.

38. Уй-жой қуриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномаларини гувоҳлантириш чоғида нотариуслар уй қурувчиларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 212-моддаси мазмунини тушунтирадилар, бу ҳақда томонларнинг шартнома матнидаги имзоси олдидан ёзиб қўйилади.

39. Уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги шартнома томонларнинг розилиги билан бекор қилинган тақдирда, нотариуслар шартноманинг нотариал идорада бўлган экземплярига ва реестрга унинг бекор қилинганлиги тўғрисида ёзиб қўяди.

40. Томонлар (тегишли ҳокимият бошқармаси (бўлими) ва уй-жой қурувчилар)нинг уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган шартноманинг шартларини ўзгартириш тўғрисидаги шартномаси нотариусга туман ёки шаҳар ҳокимиятларининг шартнома шартларини ўзгартириш тўғрисидаги қарори тақдим этгандан кейин тасдиқланиши мумкин.

Шартнома шартларини ўзгартириш, шартномани бекор қилиш ва унинг ўрнига янгисини тузиш билан ҳам, шунингдек шартнома шартларини ўзгартириш тўғрисидаги алоҳида битим тузиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳолда битим дастлабки шартноманинг нусхаларига тикиб қўйилади. Битим дастлабки шартноманинг барча нусхаларига ёзиб қўйиш билан ҳам баён этилиши мумкин. Битим ҳокимиятнинг тегишли бошқармаси (бўлими)нинг вакили, уй қурувчи томонидан имзоланиб, нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

## *3-боб*

## Кўчмас мулкларни тасарруфдан чиқариш ҳақидаги битимларини тасдиқлаш

41. Кўчмас мулкларни сотиш шартномалари ёзма равишда тарафлар томонидан имзоланган битта ҳужжат тузиш йўли билан амалга оширилади (ЎзР ФКнинг 366-моддасининг 4-қисми).

Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маъ-

лум бир шакл белгилаб қўйилмаган бўлса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда гузилиши мумкин.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлсада, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўчмас мулкка тааллуқли қуйидаги битимлар нотариал тасдиқланиши шарт:

— уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражни, шунингдек, бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар (ЎзР Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 44-моддаси).

— ижара, рента ва кўчмас мулкка кейинчалик ижарага олувчига эгалик ҳуқуқини ўтказиш кўзда тутилган ижара шартномалари, агар бундай мулкнинг олди-сотти шартномаси нотариат тартибда тасдиқланиши шарт бўлса (ЎзР ФКнинг 539-моддаси);

— кўчмас мулкни ишончли бошқариш шартномаси, агар бундай мулкларнинг олди-сотди шартномалари нотариал тартибда тасдиқланиши шарт бўлса (ЎзР ФКнинг 849—854-моддалари);

— Ўзбекистон Республикасининг Гаров тўғрисидаги Қонунига (36-модда) асосан, автоулов воситаларини тасарруфдан чиқариш шартномалари нотариал тасдиқланиши шарт.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар билан боғлиқ битимларни тузиш тартиби ЎзР ФКнинг 490, 504, 513, 539, 565, 580, 854-моддаларида ҳамда ЎзР Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 44-моддаларида баён этилган.

*4-боб*

## Уй-жойларни, квартира, уй-жойнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш

42. Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимлар мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорада тасдиқланади.

43. Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш тўғри-

сидаги битимларни нотариал тасдиқлашда нотариуслар бу мулкларни бошқа шахсга ўтказувчига тегишлилигини текширадилар.

Бошқа шахсга ўтказилаётган мулкга бўлган эгалик ҳуқуқи қуйидаги ҳужжатларнинг бири билан тасдиқланиши мумкин:

— шахсий мулк асосида уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги нотариал гувоҳлантирилган шартнома, шунингдек якка тартибда иморат қурувчилар уй-жой қурилиши жамоасига уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги шартнома;

— олиш-сотиш (шу жумладан сотувчини умрбод таъминлаш шарти билан), ҳадя, айирбошлаш тўғрисидаги нотариал гувоҳлантирилган шартнома;

— уй-жой (бошқа кўчмас мулк) очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисида нотариус томонидан берилган гувоҳнома;

— уйни (кўчмас мулкни) демуниципализация қилиш тўғрисидаги далолатнома;

— меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ворислик гувоҳномаси;

— эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳномаси;

— суднинг уйга (кўчмас мулкка) бўлган эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи қонуний кучга кирган қарори;

— уйнинг бўлинганлиги тўғрисидаги битим;

— ваколатли ҳокимиятнинг уй-жойга (бошқа кўчмас мулкка) бўлган шахсий мулк ҳуқуқи тан олинганлиги тўғрисидаги қарори;

— мулк ҳуқуқи уй-жойга ўтганлигини белгиловчи бошқа нотариал ҳужжатлар;

— давлат далолатномаси, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг қарори, корхона ва ташкилотлар маъмурияти ва касаба уюшмалари қўмиталарининг биргаликдаги қарори билан.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатларда улар ҳокимиятлар (техник инвентаризация бюроси)да қайд этилганлиги тўғрисидаги ёзув бўлиши керак. Нотариус уй-жойни (уйнинг бир қисмини) ёки хонадоннинг ўзгага топшириш ҳуқуқини белгилайдиган ҳужжатдан ташқари техник инвентаризация бюросининг маълумотномасини ҳам талаб қилади.

Агар ер майдонининг техник инвентаризация бюроси маълумотномасида кўрсатилган амалдаги майдони қонун

белгиловчи ҳужжатда кўрсатилганидан ошиқ бўлса, шунингдек маълумотномалардан уй-жойнинг эгаси (устки қават қурганлиги), қўшимча иморат қурганлиги ёки рухсатсиз яшаш хона бўлмаган қисмини қайта таъмирлаб, яшаш хонага ўзгартирса, нотариус туман, шаҳар ҳокимиятининг ер майдони миқдорини ўзгартиришга унга устки қават қуришга, ёнма-ён иморат қуриш ёки уйни қайта таъмирлашга рухсат берганлиги тўғрисидаги қарорини тақдим этишни талаб қилади.

Ҳокимиятнинг шундай қарори бўлмаган ҳолда ер майдони ва уй-жойнинг миқдори ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат буйича кўрсатилади.

ТИБ маълумотномасида ер майдонининг амалдаги ҳажми ёки уй-жой (квартира)нинг саҳни ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлардагидан кам бўлганда, бошқа шахсга ўтказиш тугрисидаги битимда уларнинг ҳажм майдони ТИБ маълумотномаси бўйича кўрсатилади.

44. Уй-жой (уй-жойнинг қисми), квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш чогида нотариус уйни (уйнинг қисми) квартирани бошқа шахсга утказишга тақиқ ёки арест бор-йўқлигини текширади.

ТИБ маълумотномасида тақиқ ёки арестнинг йўқлиги кўрсатилганлигидан қатъи назар нотариуслар ана шундай маълумотномаларни нотариал идора ҳужжатлари бўйича текширишга мажбурдирлар.

Тақиқ мавжуд бўлган тақдирда уй-жой (уй-жойнинг қисми) квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим кредитор билан харидор қарзни харидорга ўтказишга рози бўлган тақдирда, арест мавжуд бўлганда эса у олиб ташлангандан кейин тасдиқланади.

45. Никоҳ қайд этилгандан кейин сотиб олинган ва эр-хотиннинг умумий (биргаликдаги) мулки бўлган уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим улардан бошқасининг уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказишга ёзма розилиги бўлган тақдирдагина тасдиқланади.

Эр ёки хотиннинг уй-жой (уй-жойнинг бир қисми), хонадонни бошқа шахсга ўтказишга розилиги ҳақидаги аризасидаги имзосининг ҳақиқийлиги нотариус ёки шаҳар, қишлоқ ёки овул фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан шаҳодатлантирилади.

Эр ёки хотин уй-жойни (уй-жойнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга ўтказишга рози эканлиги тўғрисида

нотариусга шахсан келиб ариза берган тақдирда имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлантириш талаб этилмайди. Бу ҳолда нотариус унинг шахсини аниқлайди ва имзоси ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қуйиб, унда ҳужжатнинг номи, рақами, берилган вақти ва ҳужжатни берган муассасанинг номини ёзиб қуяди.

Эр ёки хотиннинг аризасида биргаликда олинган уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) квартирани шахсан кимга (фуқаронинг исми, шарифи, ташкилотнинг номи) сотишга ёки совга қилишга рози эканлиги ёки сотиш баҳоси ёхуд бошқа шартлар кўрсатилган тақдирда нотариус бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш чоғида унинг аризасида кўрсатилган шартларга риоя қилинганми ёки йўқлигини текшириб кўришга мажбурдир.

Уй-жой (уй-жойнинг бир қисми)га бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатда унинг сотиб олинган вақти ва асосини аниқлаш мумкин бўлмаганда, уй-жойни (унинг бир қисмини) бошқа шахсга ўтказаётган кишининг турмуш ўртоғи уй-жойни (уйнинг бир қисмини) бошқа шахсга ўтказишга ёзма равишда розилик беришдан бош тортган тақдирда, нотариус бир томон (эр ёки хотин)нинг илтимосига кўра иккинчи томон (эр ёки хотинга)га Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 73-моддасида кўзда тутилган тартибда, уй (уйнинг бир қисми)даги улушини ажратиб олиш учун нотариал идорасига келишни таклиф қилиб ёзган аризасини топшириши мумкин.

Агар у нотариал идорага белгиланган муддатда келмаса ва аризани олгандан кейин ўн кун давомида ўз эътирозларини ёзиб юбормаса, нотариус уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартира эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжати бўлган эр ёки хотин номидан уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаши мумкин.

Агар уй (уйнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказаётган фуқаро турмуш ўртоғи йўқлиги (бўйдоқ, бева эканлиги) тўғрисида ёзма ариза тақдим этган тақдирда, нотариус бу ҳақда битимнинг бошқа қатнашчисини хабардор қилади. У эса бу ҳол унга маълум эканлигини тасдиқлаб, аризага имзо қўяди.

Ушбу ариза кўрсатилган мулкни бошқа шахсга ўтказаётган кишининг шахсан ўзи, битим вакил орқали амалга оширилган тақдирда эса, вакил томонидан берилиши зарур.

46. Ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат ва никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда бошқа ҳужжатлардан уй (уйнинг бир қисми) ёки квартира умумий эмас, балки эр-хотиндан бирининг шахсий мулки эканлиги кўриниб турган тақдирда (эр-хотин никоҳига қадар сотиб олинган, мерос тариқасида ёки ҳадя шартномаси бўйича олинган, никоҳ давомида сотиб олинган уй тақсимлаб олинган тақдирда уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлашлик учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.

Эр-хотиндан бири шу уй жойлашган ерда истиқомат қилмаётган ва яшаш жойи номаълум бўлган ҳолларда уй (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим унинг розилиги талаб қилинмаган ҳолда тасдиқланиши мумкин. Бу ҳолат суднинг ана шу шахснинг бедарак йуқолган деб топишлик тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланиши керак.

47. Агар умумий улушли кўчмас мулкнинг қатнашчиларидан бири ўзига тегишли улушни бошқа шахсга сотган бўлса нотариус сотувчининг умумий улушли мулкнинг бошқа қатнашчиларини (шу жумладан юридик шахсни), ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти бўлганлиги тўғрисида, ҳиссанинг сотилиш баҳоси ва бошқа шартлари тўгрисида ёзма равишда хабардор қилганлигига ишонч ҳосил қилмоғи зарур (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 224-моддаси).

Нотариал идоранинг Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 73-моддаси тартибида умумий улушли мулк қатнашчиларига сотувчининг умумий уйдаги улуши сотилиши туғрисидаги аризасини топширганлиги ёки умумий улушли мулк қатнашчиларининг уйнинг сотилаётган улушни (бу улушни сотиш баҳосини ва бошқа шартларини кўрсатилган ҳолда) имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисидаги аризаси, улушли мулкнинг бошқа мулкдорлари хабардор қилинганини исботи бўла олади.

Умумий улушли мулк қатнашчилари аризаларидаги имзоларининг ҳақиқийлиги нотариус ёки шаҳар, қишлоқ, овул фуқаролари йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан шаҳодатлантирилади.

Умумий улушли мулк қатнашчилари нотариал идорага шахсан келиб мулкни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечиши тўғрисида ариза берган тақдирда уларнинг

имзоларининг ҳақиқийлигини шаҳодатлантириш талаб этилмайди.

Бундай ҳолда нотариус уларнинг шахсини аниқлайди, имзоларининг ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўйиб, ариза берувчининг шахсини гувоҳлантирувчи ҳужжатнинг номи, рақами, қачон берилганлиги, ҳужжатни берган муассасанинг номини кўрсатади.

Агар сотувчининг аризаси шартномани тасдиқлайдиган нотариал идораси томонидан умумий улушли мулк қатнашчисига топширилган бўлса, ариза топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нотариуснинг ариза топширилганлиги тўғрисидаги ёзуви билан уй-жой (унинг бир қисми), квартира олиш-сотиш битимининг нотариал идорада қоладиган нусхасига тикиб қўйилади.

Умумий улушли мулк қатнашчисидан жавоб олинган тақдирда бу жавоб ҳам шартноманинг кўрсатилган нусхасига тикиб қўйилади. Агар уй-жойдаги улуш умумий мулк қатнашчиларидан бирига сотиладиган бўлса, улушли мулкнинг бошқа қатнашчиларини бу ҳақда хабардор қилиш талаб этилмайди.

Уй-жойдаги улушни ҳадя қилиш ёки умрбод сақлаш шарти билан ўзга шахсга топшириш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш чоғида, шунингдек уйнинг бир қисми очиқ савдода сотилган тақдирда ёхуд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 223-моддасига мувофиқ уй-жойдан улушни ажратиш ёки уй-жойни тақсимлаш амалга оширилган ҳолларда мазкур банднинг қоидалари қўлланилмайди.

Агар умумий ҳиссали мулк қатнашчиси ўзининг улушини бошқа мулкка айирбошламоқчи бўлса Ўзбекистон Республикаси фуқаролик мажмуасининг 224-моддасига асосан умумий улушли мулкнинг бошқа қатнашчиларига шартлари кўрсатилган шундай айирбошлашни таклиф қилиши лозим.

48. Умумий улушли мулкнинг қолган қатнашчилари мулкни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечган ёки сотиш нияти ва шартлари тўғрисида хабарнома олганидан бошлаб бир ой давомида бу ҳуқуқни амалга оширмаган тақдирда нотариус уй-жойдан улушни бегона шахсга олиш-сотиш битимини тасдиқлайди.

Уй-жойдан улушни бегона шахсга олиш-сотиш тўғрисидаги битим умумий улушли мулкнинг бошқа қатнашчилари шу уй жойлашган ерда истиқомат қилмаган ва

уларнинг манзили маълум бўлмаган ҳолларда ҳам тасдиқланади. Бунинг исботи сифатида ички ишлар бошқармалари тармоғи бўлган манзилларни аниқлаш ва маълумотлар бюроси ҳужжати тақдим этилиши керак.

49. Вояга етмаган, шунингдек муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсга қарашли уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирани ёки шу мулклардаги улушни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлашда нотариус ушбу қўлланманинг 32-моддасига риоя қилади.

Агар васийлик ва ҳомийлик органлари, ота-оналар, васийлик ёки ҳомийлик қилувчилар зиммасига сотиладиган уй (уйнинг бир қисми) ёки квартира суммасини вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган кишилар номига банк бўлимига ўтказиш мажбуриятини юклаган бўлса, нотариус бу талабнинг бажарилишини текшириш ва шартнома матнида буни кўрсатиб ўтиши лозим.

50. Агар умумий улушли мулк қатнашчиси бир неча уй-жойлар (кўчмас мулк) жойлашган ер майдонига жойлашган ўзининг алоҳида уй-жой (кўчмас мулк)дан иборат улуши (улушнинг бир қисми)ни сотаётган бўлса, қатнашчиларнинг ҳаммасига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга эканликларини билдириши лозим (ЎзР ФКсининг 224-моддаси).

Умумий улушли мулк қатнашчиларидан бир нечаси сотилаётган улушни сотиб олиш истагини билдирсалар, харидорни танлаш ҳуқуқи сотувчига берилади (ЎзР ФКсининг 218-моддаси). Сотилаётган уй-жой, квартирадаги улуш бошқа шахсга ўтказилганлиги тўғрисида ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатга белгилаб қўйилади.

51. Уй-жойдаги улушнинг бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим матнида уйнинг аниқ қисмлари эмас, балки арифметик ҳиссалари кўрсатилади.

52. Уй эгаси томонидан уйнинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимда унинг аниқ қисмларидан фойдаланиш, шунингдек ер майдонидан фойдаланиш тартиби кўрсатилиши мумкин.

Умумий улушли мулк қатнашчиларидан бири уйнинг ўзига тегишли улушини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимда уйнинг аниқ қисмларидан фойдаланиш тартибини, умумий улушли мулкнинг қатнашчилари ўртасида уйдан фойдаланиш тартиби ҳақида тегишли шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина ёки уларнинг ёзма

равишда берган розилиги билан ёхуд суднинг уйнинг аниқ қисмларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги қарори мавжуд бўлган ҳолдагина кўрсатиб ўтиши мумкин.

Умумий улушли мулк қатнашчилари ўртасида умумий уйдан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги келишув уйнинг аниқ қисмлари (квартиралар, хоналар, қаватлар ва шу сингарилар) шунингдек ер майдонидан фойдаланиш тартиби кўрсатилган ҳолда, мустақил ҳужжат тузиш йўли билан расмийлаштирилиши мумкин.

Бундай битимларни тасдиқлашда ТИБнинг маълумотномаси ва кўздан кечириш учун уйга ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат талаб қилинади.

53. Уйга умумий мулк ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳолда ундаги улушни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш чоғида нотариус ана шу улушни сотиб олаётган шахсга, шу уйга бўлган умумий улушли мулк қатнашчилари ўртасида қатнашчилар улушларига мувофиқ уйнинг алоҳида биноларидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув нотариал тасдиқланган ва ҳокимиятда қайд этилган бўлса, бу шартнома ана шу умумий мулк асосидаги уйдаги улушни сотиб олаётган шахс учун ҳам мажбурий эканлигини тушунтиради (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 185, 222-моддалари).

54. Улушларнинг миқдорини белгилаш ҳақидаги ёки улушларнинг миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги келишув, агар уйга ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатдан улушларнинг миқдори кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган бўлса, мустақил шартнома тузиш йўли билан ҳам, шунингдек ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатларга тегишли ёзувлар ёзиш йўли билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Агар улушларнинг ўзгартирилиши умумий улушли мулк қатнашчилардан бири томонидан қўшимча қурилиш (ёнма-ён иморат қуриш, бино устига қават қуриш ва шу сингарилар) ёки уйнинг бир қисмининг бузилиши натижасида амалга оширилган тақдирда, нотариус ҳокимиятнинг қўшимча қурилишга ёки уйнинг қисмини бузилишига доир қарорини, ТИБ маълумотномасини ва кўздан кечириш учун ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатни талаб қилади.

Умумий улушли мулк қатнашчиси вафот этган тақдирда улушларнинг миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги келишув меросни қабул қилиб олган меросхўрлари иштирокида гувоҳлантирилиши мумкин.

Уй-жойнинг умумий улушли мулкка эга бўлган қатнашчилардан ҳар бирининг улушлари миқдорини белгилаш

тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш чоғида улуш миқдорини ўзгарганлиги тўғрисидаги шартномага бу шартнома ҳокимиятда қайд этилиши кераклиги тўғрисидаги гувоҳлантирувчи ёзув киритилади. Улушлар миқдорини белгилаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги келишув ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатга (ҳужжатларига) тикиб қўйилади.

55. Тарафларнинг истагига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган уй-жойларнинг, (уларнинг қисмларини) бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни нотариал тасдиқлашда битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари ва ЎзР ФКнинг 488-моддаси талабларига риоя қилинади.

Нотариус қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик ташкилотларига, корхоналарига ҳамда муассасаларига тегишли бўлган уй-жойлар, квартиралар, уй-жойларнинг ёки квартираларнинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда юқоридагидан ташқари:

— томорқа ер участкаси шу уйни сотиб олувчининг фойдаланишида тўлалигича ёки қисман қолдирилиши ҳақида, участка миқдори кўрсатилган ҳолда жамоа ташкилотининг юқори органи қарори, давлат қишлоқ хўжалик ёки ўрмон хўжалик ташкилотлари, корхоналари, муассасалари (уй-жой қишлоқ ёки ўрмон хўжалик ташкилотларига, корхоналарига ва муассасаларига тегишли ерда жойлашган бўлса) маъмуриятининг қарорини талаб қилиб олади. Бундай қарор посёлка, қишлоқ ва овул ўз-ўзини бошқариш органи (фуқаролар йиғини) томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Уй-жой, квартирани бошқа шахсга ўтказаётган шахсда уй-жой, квартирага эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи нотариал ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда (мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, уй-жой, квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома) бу ҳужжат нотариусга тақдим этилиши, шартномада эса бундай ҳужжатнинг мавжудлиги кўрсатилиши керак.

56. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги 1992 йил 3 июлда қабул қилинган қонунининг 11-моддасига мувофиқ деҳқон хўжалиги томонидан уй-жой, квартира ва ўзга кўчмас мулк бошқа шахсга ўтказилаётган ёки сотиб олинаётганда нотариусга қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Тегишли ҳокимиятда қайд этилган ерга доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки мерос қилиб қолдириш

ҳуқуқ берувчи давлат далолатномаси ёки бошқа ҳужжат (кўздан кечириш учун), деҳқон хўжалиги аъзоларининг ушбу сотиб олиш ёки бошқа шахсга ўтказиш ҳақида ўзаро келишганлиги тўғрисида қарор. Қарорни қабул қилиш пайтида ҳозир бўлмаган деҳқон хўжалиги аъзолари нотариуснинг ҳузурига шахсан келиб деҳқон хўжалиги аъзоларининг қарорига розилиги ҳақида ариза ташлаб кетиши ёки аризадаги имзосини нотариал тартибда шаҳодатлантирилган ҳолда бундай аризани жўнатиши мумкин.

Қуриб битказилмаган уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома ҳокимиятнинг рухсати мавжуд бўлган ҳолда тасдиқланиши мумкин.

Қуриб битказилмаган иморатлар ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлашда тегишли давлат вакиллик идораларнинг рухсати мавжуд бўлган ҳолда уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар талаб қилинади.

57. Тарафларнинг истагига мувофиқ уй-жойни бузиб олиш учун бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлашда уй-жойни жойида қолдириш билан бошқа шахсга ўтказиш шартномасини расмийлаштириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар талаб қилинади.

58. Уй-жой (уй-жойнинг қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказувчининг (боқиманданинг) уни умрбод таъминлаб туриш шарти билан бошқа шахсга ўтказиш шартномаси уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларни тасдиқлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинган ҳолда тасдиқланади. Кўрсатилган ана шу ҳужжатни тасдиқлаш чоғида уйни ёки квартирани бошқа шахсга ўтказувчи шахснинг (ёши ёки саломатлиги бўйича) меҳнатга лаёқатсизлиги текширилиб, бу ҳақда шартнома матнида кўрсатилиши керак.

Уй-жой, квартирани умрбод таъминлаб туриш шарти билан бошқа шахсга ўтказиш шартномасида уй-жойни бошқа шахсга ўтказувчига моддий таъминотнинг қандай турлари берилиши, уларни ойлик пуллик баҳоси ва уй-жой (унинг қисми) ёки квартиранинг қиймати кўрсатилган бўлиши керак.

Бошқа шахсга ўтказилаётган уй-жой (унинг қисми) ёки квартиранинг ва моддий таъминотнинг баҳоси тарафлар келишувига биноан белгиланади.

Шахс меҳнатга лаёқатсиз бўлсада, аммо вояга етмаган

булса у уй-жойни умрбод таъминлаб туриш шарти билан бошқа шахсга ўтказувчи бўла олмайди.

Уй-жойни бошқа шахсга ўтказувчини умрбод таъминлаб туриш шарти билан бошқа шахсга ўтказиш шартномаси матнида унга ЎзРФК 530—534-моддаларининг мазмуни тушунтирилганлиги кўрсатиб ўтилиши лозим. Умрбод таъминлаб туриш шарти билан уй-жой улушини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш чоғида ушбу Қўлланманинг 58-бандида баён этилган қоидалар қўлланилади.

59. Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган уй-жойларни давлат бюджетида турувчи давлат муассасалари ва корхоналари томонидан сотиб олишларида, тегишли вазирликлар ва идораларнинг уйларини сотиб олиш учун ажратилган капитал маблағлар ҳисобидан, уй-жой, хонадонларни сотиб олишга рухсат бўлган тақдирда олди-сотди шартномалари тасдиқланади.

Юқорида кўрсатилган уйларни, тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялаш шароитида ишловчи давлат муассасалари ва корхоналари, фуқаролардан шартнома баҳолари бўйича сотиб олишларида, нотариус сотиб олувчидан уй-жойни, хонадонни (уйнинг, хонадоннинг бир қисмини) шу корхона ва муассасаларнинг ўз даромадларидан ижтимоий ривожланишга ажратилган маблағи ҳисобига сотиб олинаётганлиги ҳақида (раҳбар ва бош ҳисобчи имзолаган) маълумотнома талаб қилиб олиши зарур.

Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган уй-жойларни ширкат ва жамоат ташкилотлари томонидан сотиб олишларида нотариус ушбу Қўлланманинг 33-банди талабларига амал қилади.

60. Давлат муассасалари ва корхоналари, давлат ҳокимияти маҳаллий органларига қарашли уйларни фуқаролар сотиб олиши билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаш чоғида:

— техник инвентаризация бюросининг маълумотномаси;

— сотилаётган уйни баҳолаш далолатномаси;

— молия бўлимининг уй ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

— ер участкасининг режаси, сотиб олувчи сотилаётган уйда ижарада турувчи эканлигини (агар уй маҳаллий ҳокимият томонидан сотилаётган бўлса) ёки уй сотаётган корхона, муассасанинг ходими бўлса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, уй дафтаридан кўчирма,

иш жойидан маълумотнома ва ҳоказолар) ҳам талаб қилинади.

Ер майдон режаси шартномаларнинг тарафларга бериладиган нусхаларига тикиб қўйилади. Нотариал идорасида қоладиган нусхага бу режа тикилмайди.

Агар баҳолаш комиссияларининг туман, шаҳар ҳокимияти қарори ёки вазирликларнинг буйруғи, фармойишлари билан тасдиқлаган баҳолаш актларида уй-жойнинг баҳоси, турар жой майдони, сотиб олувчи ижарачи ёки шу корхонанинг ходими эканлиги тўғрисида маълумотлар бўлса, нотариус шу билан кифояланиши мумкин.

Давлат ва жамоат уй-жой фондидан фуқароларга эгаллаб турган квартираларни сотиш, шунингдек реконструкция ва капитал таъмирлашга мўлжалланган бўш квартираларни фуқароларга сотиш «Давлат ва жамоат уй-жой фондидан фуқароларга квартираларни хусусий мулкка сотиш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ва уларни сақлаш харажатлари тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Министрлар Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмасининг 21 июнь 1989 йилдаги 203-сонли низоми асосида амалга оширилади.

61. Фуқароларга тегишли бўлган уй-жойларни маҳаллий ҳокимиятлар, давлат, ширкат ва жамоат ташкилотларига тегишли биноларга айирбошлаш шартномаси Ўзбекистон Республикасининг 27 декабрь 1996 йилги Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонунига асосан тасдиқланади.

62. Боғдорчилик ширкатлари ерларидаги боғ уйларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаш учун нотариус қуйидаги ҳужжатларни:

— тегишли ҳокимиятнинг бошқа шахсга ўтказувчи номига ер участкаси ажратилганлиги ҳақидаги қарори;

— қўлланмани 56-бандида баён этилган қоидалар бўйича расмийлаштирилган, топширувчининг турмуш ўртогининг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланган боғҳовлини бошқа шахсга ўтказишга розилиги тўғрисидаги аризаси ёки турмуш ўртоги йўқлиги ҳақидаги аризаси;

— ер майдонининг миқдори ва уйнинг таркиби ҳақида ТИБ маълумотномаси.

63. Кооператив ва бошқа шу каби ташкилотларга тегишли бўлган уй-жойларни фуқароларга сотиш ҳақидаги шартномалар агар шу кооперативларнинг Низомларида сотиш ҳуқуқи кўрсатилган бўлса тасдиқланади.

Бунда нотариус сотилаётган уй-жойнинг сотаётган

ташкилотга тегишлилиги ҳақидаги хужжатни, ТИБ маълумотномасини (инвентаризация ўтказилмаган жойларда эса баланс қиймати ҳақида маълумотнома), кооператив ташкилот аъзолари умумий мажлиси ёки раҳбар органнинг (агар устав ёки низомга асосан унга бу масалаларни ҳал этиш ҳуқуқи берилган бўлса) уй-жойни сотиш ҳақидаги қарорини талаб қилади.

64. Жамоа хўжаликларига тегишли бўлган уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим жамоа хужалигининг шу уйни баланс қиймати ҳақидаги маълумотномаси ва хўжалик аъзолари умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилишининг уйни сотиш тўғрисидаги қарори бўлгандагина тасдиқланади.

Жамоа хўжаликларига тегишли бўлган мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим хўжалик раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган шу мулкнинг баланс қиймати тўғрисидаги маълумотнома, хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар (жамоа хўжалиги аъзоларининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган) йиғилишининг сотиш нархи кўрсатилган қарори, иншоотлар режаси (кўздан кечириш учун), ҳамда ТИБ маълумотномаси бўлгандагина тасдиқланади.

65. Давлат ёки хусусий уй-жой фондига қарашли уйларнинг улушларига эгаликни тугатиш мақсадида фуқароларга сотиш билан боғлиқ шартномани тасдиқлаш чоғида қуйидагилар талаб қилинади:

— техник инвентаризация бюросининг маълумотномаси;

— уйнинг сотилаётган улушини баҳолаш далолатномаси ва сотиб олувчи сотилаётган уйнинг қисмида ижара ҳуқуқи асосида яшаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

— молия органининг уйнинг сотилаётган қисми ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси (давлатга қарашли уй-жойнинг қисмларини фуқароларга сотиш чоғида).

Уйнинг сотилаётган қисмида истиқомат қилиб, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар уйнинг улушини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечган ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан бир ой давомида амалга оширмаган тақдирда, бу улуш ҳар қандай бошқа шахсга сотилиши ва бу шартнома нотариал тасдиқланиши мумкин.

66. Сотувчи ва сотиб олувчига, шунингдек уй-жой (уй-жойнинг бир қисмини) ёки квартирани ҳадяга олувчига

Ўзбекистон Республикаси ФК 185-моддасининг мазмуни тушунтирилади.

Мазкур модда тушунтирилганлиги тўғрисида кўрсатиб ўтилган шартномаларнинг матнларига ёзиб қўйилади.

Давлат муассасалари ҳамда корхоналари, жамоат ташкилотларининг хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга қарашли уй-жойларнинг улушлари (қисмларини) сотиб олиш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш чоғида шу муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг вакилларига ЎзР ФК 222-моддасининг мазмуни тушунтирилади.

67. Қишлоқ хўжалик корхоналари, матлубот кооперацияси ташкилотларининг ўз ходимларига имтиёзли шартлар билан ҳовли иншоотларга эга бўлган қўрғон типидаги уйларни сотиши тўғрисидаги олди-сотди шартномаларини тасдиқлашда қуйидагилар талаб қилиниши лозим:

— қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбари, жамоа хўжалик ва матлубот кооперацияси бошқаруви касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда тасдиқланган уй-жой сотиб оладиган ходимларининг рўйхати (рўйхатнинг нусхаси ёки ундан кўчирма нотариал идорада қолдирилади);

— давлат қабул комиссиясининг қуриб битказилган уй-жойни белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилиб олиш акти ёки ТИБ маълумотномаси, уй инвентаризация ўтказилмаган ерда жойлашган бўлса — сотилаётган уйнинг баланс қиймати тўғрисидаги маълумотнома.

Қишлоқ хўжалик корхонасига бириктиб қўйилган ердаги қишлоқ аҳоли пунктида жойлашган уй-жойни, шунингдек қишлоқ хўжалик корхонасига бириктиб қўйилган ернинг шаҳар чегараси доирасида жойлашган уй-жойларни сотиш вақтида қўшимча қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

— жамоа хўжалик аъзолари умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши)нинг ёки давлат қишлоқ хўжалик корхонасининг уй-жой сотиб олувчига томорқа (ер майдони миқдорини кўрсатган ҳолда) бериш тўғрисидаги қарори.

Агар уй шаҳарда ёки ишчи посёлкасида қурилган бўлса, қўшимча равишда кўздан кечириш учун тегишли ҳокимиятнинг қонун талабларини ҳисобга олган ҳолда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарори ва ерга эгалик қилиш ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги давлат далолатномаси, шунингдек ер майдони режасининг икки нусхаси талаб қилинади, улар шартномаларнинг тарафларга бериладиган нусхаларига тикиб қўйилади.

68. Уйни (уйнинг қисмини), квартирани бошқа шахсга

ўтказиш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш ҳақидаги келишувни тасдиқлаш чоғида бу шартнома ТИБда рўйхатга олинганидан кейин ТИБнинг маълумотномаси талаб қилинади. Айни вақтда давлат нотариал идораси ҳужжатлари бўйича бошқа шахсга ўтказилишига тақиқ ёки арест қўйилган-қўйилмаганлиги текширилади.

Агар уй-жой эр-хотиннинг биргаликдаги мулки бўлса, нотариус уларнинг иккинчисининг шартномани бекор қилишга рози эканлик тўғрисидаги аризасини талаб қилади.

Сотувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шарти — бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир (ЎзР ФКнинг 488-моддаси).

Кўчмас мулкни олди-сотди (бошқа шахсга ўтказиш) шартномаси матнида мазкур қўлланманинг 36 бандига қўшимча тарзда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

— кўчмас мулк сотилганида (бошқа шахсга ўтказилганида) у жойлашган ер участкасидан фойдаланиш тартиби (ЎзР ФКнинг 482-моддаси);

— шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар.

Сотилаётган (бошқа шахсга ўтказилаётган) кўчмас мулкнинг баҳоси (ЎзР ФКнинг 485-моддаси).

Шартномада тарафлар ёзма равишда келишилган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, уни сотиш тўғрисидаги шартнома тузилмаган ҳисобланади.

## *5-Боб*

## Хусусийлаштирилган квартираларни ва бошқа кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномалар

69. Хусусийлаштирилган квартираларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномаларни гувоҳлантиришда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 апрелдаги 180-сонли Қарорига мувофиқ қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

— ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат;

— квартиранинг таркиби ва тақиқ, арест солинмаганлиги ҳақидаги ТИБ маълумотномаси;

— ўзгага ўтказувчининг оиласи таркиби ҳақида маълумотнома ёки уй дафтаридан кўчирма;

— квартирани бошқа шахсга ўтказувчи шахснинг хотини (ёки эрининг) розилиги, агар мазкур квартира никоҳ давомида орттирилган бўлса;

— квартирани бошқа шахсга ўтказувчи шахс оиласининг у билан бирга истиқомат қилувчи вояга етган аъзоларини розилиги (ушбу Қўлланманинг 56-бандига мувофиқ расмийлаштирилган ариза).

Хусусийлаштирилган квартирани (алоҳида уйни, уйнинг бир қисмини) сотиб олиш, сотиш, алмаштириш, ҳадя этиш битимлари амалга оширилганидан кейин унинг хусусийлаштирилганлик мақоми йўқолади.

Шунингдек, квартирани хусусийлаштирилган дейиш учун у Ўзбекистон Республикаси Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги 1993 йил 7 май Қонунининг 1-моддаси талабларига жавоб бериши лозим.

Хусусийлаштирилган уй-жойнинг эгаси ушбу уй-жойни ўз хоҳишига кўра ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга ёхуд кўчмас мулкка доир операцияларни амалга оширишга вакил қилинган органга сотиш, шунингдек, уни кўчмас мулк сотиладиган ким ошди савдосига қўйиш, хоҳлаган бошқа турар жойга ёки мулкка айирбошлаш ҳуқуқига эгадир.

Хусусийлаштирилган квартирани бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномани тасдиқлашда нотариус сотиб олувчининг Ўзбекистон Республикасида яшаётганлигини ва доимий пропискада турганлигини текшириши лозим.

70. Юридик ва жисмоний шахсларга қарашли хусусийлаштирилган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномаларни тасдиқлаш чоғида нотариус қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

— кўчмас мулкка ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат (ЎзР Давлат мулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи томонидан хусусийлаштирилган кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи техник инвентаризация бюроси ёки уй-жой инспекциясида қайд этилган давлат далолатномаси ёки

— мулкни хусусий деб топилганлиги ҳақида тегишли ҳокимиятни қарори ёхуд

— кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказилиши ҳақидаги нотариал тасдиқланган шартнома ёхуд

УзР ФК 481-моддасида белгиланган тартибда тегишли органларда қайд қилинган ЎзР ФК 223-моддасига мувофиқ тузилган юридик шахснинг мулкини бўлиш тўғрисидаги шартнома;

корхонанинг қонун билан белгиланган тартибда рўйхатга олинган Устави устав капиталининг улуши албатта курсатилган ҳолда таъсис шартномаси;

объектнинг баланс қиймати ҳақида раҳбар ва бош ҳисобчининг имзоси қўйилган маълумотнома;

юридик шахс ваколатли органининг Низомига мувофиқ қабул қилган қарори (таъсисчиларнинг ёки меҳнат жамоаси аъзоларининг умумий йиғилиши қарори, шунингдек маъмуриятнинг кўчмас мулкни сотиш, унинг қийматини белгилаш бўйича комиссия ташкил этиш ҳақидаги буйруғи);

маъмуриятнинг ишончли вакилининг шартномага имзо қўйиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги ваколатномаси;

– кўчмас мулкнинг нархи ва таркиби ҳақидаги ТИБ (кучмас мулк кадастр хизмати) маълумотномаси, инвентарь делоси;

– Бош архитектура лойиҳалаш Бошқармасининг объект жойлашган зонани бузиш-бузилмаслигига оид маълумотномаси.

Хусусийлаштирилган мулкни ким ошди ва биржа савдоларида сотиш чоғида ким ошди савдо натижалари ҳақидаги баённомаси ёки биржа савдосининг объектнинг дастлабки баҳоси ва сотилиш нархи кўрсатилган контракти талаб қилинади.

## *6-Боб*

## Айирбошлаш шартномаси

71. Айирбошлаш шартномасига айирбошлаш мазмунига зид келмайдиган олиш-сотиш шартномаси ҳақидаги тегишли қоидалар тадбиқ этилади. Бу ҳолда айирбошлашда қатнашувчиларнинг ҳар бири: айирбош учун нарса берган шахс-сотувчи, нарсани айирбошлаб олган шахс-сотиб олувчи бўлиб ҳисобланиб, тарафлар бир-бирларининг эгалигига маълум *ашёларни топшириш мажбуриятларини* оладилар.

Айирбошлаш шартномаси тасдиқлантирилаётганида тарафларга ЎзР ФКнинг 497—501-моддаларининг мазму-

ни тушунтирилиб, бу ҳақда шартнома матнида кўрсатиб ўтилади.

Шартноманинг предмети муомаладан олинган ёки муомалада бўлиши чеклангандан ташқари ҳаракатдаги ва кўчмас мулк ҳамда ҳар қандай буюмлар бўлиши мумкин.

Агар айирбошлаш шартномасида бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса айирбошланаётган товарлар тенг қимматли қилиб чамаланади.

Айирбошланаётган товарлар тенг баҳоли бўлмаса, айирбошлаш шартномасининг бир тарафга маълум бир пул миқдори кўринишида қушимча ҳақ тўлашга йўл қўйилади. Бундай қиймат жиҳатидан тенгсизлик тузилаётган шартномада кўрсатиб ўтилиши лозим.

## *7-Боб*

## Ҳадя шартномаси

72. Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ёки бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёйинки озод қилиш мажбуриятини олади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасининг 1-банди). Улуш ҳадя қилинаётганда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилмайди.

Ҳадя шартномаси ўзаро келишувга асосланган иккиёқлама битим ҳисобланади. Бундай келишув ҳадя олувчининг унга таклиф қилинган мулкий ҳуқуқни қабул қилишини назарда тутади.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай ҳадяга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланилади. Ҳадя мулкини ҳадя олувчига ҳадя қилинувчининг вафотидан кейин топшириш ҳақидаги фармойиш васиятнома шаклида расмийлаштирилади.

Ҳадя шартномасининг нарсаси ашёни келажакда бериш ёки мулкий ҳуқуқни бериш ёхуд ҳадя қилувчининг муайян бир ҳуқуқдан воз кечиши (мулкий мажбуриятдан озод қилиш) бўлса, ҳадя олувчи ҳадя қилувчига нисбатан мажбурият ҳуқуқига эга бўлади.

73. Шартномада ҳадя нарсаси аниқ кўрсатиб қўйилган бўлиши керак. Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарсасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкини ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳадя этишни ваъда қилиш ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмасдан ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддаси). Ҳадя олувчини мулкий мажбуриятдан (қарздан) озод қилиш ва ҳадя қилувчининг нияти аниқ белгиланган бўлиши лозим.

Ҳадянинг текинга берилиши ҳадя шартномасига хос хусусиятлардир. Ҳадя қилишнинг сабаблари (ҳадя олувчига нисбатан миннатдорчилик ҳиссиёти ёки бошқа шахсий кайфиятлар) аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун улар шартномада кўрсатилмаслиги ҳам мумкин.

74. Агар ҳадя қилувчи ашёдан фойдаланиш билан боғлиқ муайян мажбуриятларни ёки бошқа шартларни ҳадя олувчи зиммасига юклайдиган бўлса ҳадя шартномаси текин деб ҳисобланмайди. Ҳадя шартномаси, шу жумладан кўчмас мулкни ҳадя қилиш махсус равишда тайинланиши мумкин, масалан, келинга сеп ажратишда.

Ҳадя шартномасини бирор-бир шарт асосида тузиш ва тасдиқлаш ҳам мумкин. Бу шарт рағбатлантирувчи чора сифатида ҳадя олувчини муайян хатти-ҳаракатни содир этишга (масалан, ўқишни муваффақиятли тугатишга) ундайди ёки муайян шароитларга боғлиқ бўлади (масалан, тўй). Бундай шартлар ҳадя олувчи учун мажбурий ҳисобланади. Ушбу шартларнинг аҳамияти шундаки, улар ҳадя берувчи учун мажбуриятларнинг кучга киришига зарур шароит ҳисобланади.

Ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин.

Агар ҳадя қилиш шартлари қонунсиз бўлса, ҳадя шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

75. Ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномасини бекор қилиш ҳақидаги келишув ушбу Қўлланманинг 34-бандида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш йўли билан амалга оширилади, агар бекор қилинаётган ҳадя шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса.

Ҳадя шартномасини бекор қилиш ҳақидаги келишув

тегишли идорада рўйхатдан ўтказилганидан кейин нотариал тартибда тасдиқланади ва ўша идорада давлат рўйхатидан ўтказилади.

76. Умумфойдали мақсадларда кўчмас мулкни, ашёни ёки мулкий ҳуқуқни ҳадя қилиш хайр-эҳсон ҳисобланади. Умумфойдали мақсад хайр-эҳсоннинг фарқли белгиларидан ҳисобланади.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Кучмас мулк хайр-эҳсон қилинганда нотариус кўчмас мулкни, шу жумладан корхонани сотиш шартномасига нисбатан қўйиладиган талабларни бажариш лозим.

Нотариус тарафларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502—507-моддаларининг мазмунини тушунтириб, бу ҳақда хайр-эҳсон шартномасининг матнига ёзиб қўяди.

## *8-Боб*

## Корхонани сотиш

77. Корхонани сотиш ҳақидаги шартномани тасдиқлашда нотариус Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 489—496-моддалари ва ушбу шартномага тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига асосланади.

Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулкий мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, масалан, тегишли фаолият билан шуғулланиш учун берилган лицензия ва ҳоказолар бундан мустаснодир.

Корхонани сотиш шартномасида фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни унга хослигини кўрсатувчи бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари махсус равишда кўрсатиб ўтилади. Шартномада бу ҳуқуқларни сотиб олувчига ўтишининг бошқа шартлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Корхонани сотиш ҳақидаги шартнома мазкур корхонага жойлашган нотариал ҳудуддаги нотариус томонидан тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

78. Корхонани сотиш ҳақидаги шартномани тасдиқлашда нотариусга қуйидагилар тақдим этилади:

1) сотилаётган корхонанинг сотувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Сотилаётган корхонага сотувчининг мулк ҳуқуқи жумладан қуйидаги ҳужжатлардан бири билан тасдиқланади:

— сотиб олиш аризасига давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаси томонидан давлат тасарруфидан чиқариш белгиси қўйилган, асосий ва айланма маблаглар баҳоси кўрсатилган далолатнома илова қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат гувоҳномаси (ордер);

— корхонанинг нотариал тасдиқланган олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномаси;

— корхонанинг аукционда сотиб олинганлиги тўғрисидаги шартнома;

— корхонанинг очиқ савдода сотиб олинганлиги далолатномасининг нусхаси;

— корхонага берилган мулк ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳномаси;

— корхонага эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома; — корхонанинг ажратиб ва бўлиб олинганлиги шартномаси; — суднинг қонуний кучга кирган корхонага эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи қарори;

— ҳокимиятнинг корхонага эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи қарори.

Ушбу ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қонунларига асосан ўзгартирилиши мумкин. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларда тегишли давлат қайди белгиси ёки қайд гувоҳномаси бўлиши лозим.

2) Харидор ёки сотувчи коллегиал орган бўлганида ваколатли органнинг сотиш ёки сотиб олиш тўғрисида чиқарган қарори.

3) Томонларнинг корхонани олди-сотди шартномаси тузишга ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлари.

4) Сотилаётган корхонанинг белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилган, томонлар томонидан тузилган, кўриб чиқилган ва имзоланган таркиби тўлиқ инвентаризация қилинган баҳолаш далолатномаси.

5) Бухгалтерия баланси.

6) Корхонанинг нархи ва таркиби тўғрисидаги мустақил аудиторнинг хулосаси.

7) Корхона таркибига киритилган қарзлар (мажбуриятлар) рўйхати (қарздорлари, характери, миқдори ва талаб этиш муддати кўрсатилган ҳолат).

8) Техник инвентаризация бюроси (ёки давлат рўйхатидан ўтказувчи бошқа органнинг) кўчмас мулкни

унинг эгаси номига қайд этилганлиги тўғрисидаги техник маълумотномаси.

9) Архитектура-режалаштириш бошқармасининг ҳокимиятнинг иншоотларни бузиш ҳақида қарори йўқлиги ҳақидаги маълумотномаси.

10) Ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи давлат далолатномаси.

Юқорида қайд этилган сотилаётган корхонанинг қиймати ва таркибини белгиловчи ҳужжатлар шартномага илова қилиниши шарт. Шартнома имзолангунга қадар ушбу ҳужжатлар тарафлар томонидан тузилган, кўриб чиқилган ва келишилган бўлиши лозим, бу ҳақда ушбу ҳужжатларга ёзиб, ўз имзосини қўйиб ва имзолаш вақтини кўрсатиб ёзилиши ёхуд бу ҳақда далолатнома тузилиши мумкин.

Тарафлар шартномада харидорга топширилаётган корхона таркибидан алоҳида элементларни олиб ташлаш ҳуқуқига эгалар (алоҳида буюмлар, ҳуқуқ, мажбуриятлар).

79. Корхонани бошқа шахсга ўтказишда (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш), гаровга қўйишда, ижарага беришда нотариус корхона жойлашган нотариал округ идорасида, ТИБ, ПЖИ, ДАН ва бошқа тақиқлаш ҳисобини олиб борувчи ташкилотлар маълумотномасига асосан корхонага тақиқ ва арест қўйилган ёки йўқлигини текширади.

80. Сотилаётган корхона таркибига кирган мажбуриятлар бўйича кредитор ва олувчи сотувчи томонидан корхона олувчига топширилгунига қадар ёзма равишда хабардор қилинмоғи керак. Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 73-моддаси ва ушбу қўлланманинг 58-банди талабларига риоя қилинган ҳолда корхона сотилиши ҳақида кредитор ва харидорга хабар берилганда уларнинг хабар топган кунидан бошлаб бир ойлик муддат ичида қуйидаги ҳуқуқларга эга эканликлари тушунтирилади:

а) қарзнинг ўтказилишига ўз розилигини билдириш;

б) мажбуриятни муддатидан илгари ижро этилиши ёки тўхтатилиши ва зарарни қоплашни талаб этиши;

в) агар корхонани сотиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлса, шу шартномани бутунлай ёки тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топиш.

Хабарномада кредиторларга агар улар қарзни ўтказилишига норози бўлсалар, қарз шартномасидаги ўз талабларини қаноатлантирилишини сўраб, судга мурожаат қилишлари мумкинлиги тушунтирилади. Агар нотариус суддан кре-

диторнинг сотувчини корхонани сотиш ҳақидаги шартномани расмийлаштиришга қарз шартномаси бўйича мажбуриятларини бажаргунга қадар эътирози борлиги ҳақида ариза тушганлиги тўғрисида маълумот олса, корхонани олди-сотди шартномасини расмийлаштириш суд томонидан иш ҳал қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Барча кредиторларнинг қарзни ўтказишга ёзма розилиги олингандан кейин, шунингдек бошқа керакли ҳужжатлар бор бўлганда нотариус томонидан корхонани олди-сотди шартномаси тасдиқланиши мумкин.

Кредиторларнинг қарзни ўтказишга розилиги ҳақидаги аризаларидаги имзолари нотариал шаҳодатлантирилган бўлиши лозим. Агар кредиторлар қарзни ўтказишга розилиги тўғрисида нотариусга келиб ёзма ариза берган бўлсалар, бу ҳолда нотариус унинг шахсини аниқлайди ва имзоси ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўйиб, унда ҳужжатнинг номи, рақами, берилган вақти ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат берган муассасанинг номи кўрсатилади.

Корхонани олди-сотди шартномаси матнида қуйидагилар:

— шартномани тасдиқланган вақти ва жойи;

— томонларнинг тўлиқ номи, вакилларнинг исми-шарифи ва уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— сотилаётган корхонанинг таркиби ва баҳоси;

— унинг манзили;

— сотувчининг корхонага эгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— харидор томонидан ер участкасидан фойдаланиш қоидалари;

— тарафлар томонидан кўриб чиқилган ва тақдим этилган ҳужжатларга асосан корхонанинг нархи;

— корхонанинг тарафлар томонидан баҳоланиши;

— сотув баҳосини тўлаш тартиби;

— корхонанинг олди-сотди шартномасини давлат руй` идан ўтказиш зарурлиги ва унинг тартиби;

гопшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан корхонани топшириш тартиби;

— томонларнинг шартнома шартларини бузишдаги жавобгарлигини белгилаш;

— шартномадан келиб чиқадиган низоларни ечиш тартиби;

— шартномани ўзгартирилиши ва амал қилиш муддатини тўхтатилиши шартлари кўрсатиб ўтилиши зарур.

## *9-боб*

## Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш

82. Нотариуслар фуқаролар ўртасида, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда юридик шахслар ўртасида қайси мулк шаклида бўлишидан қатъи назар, тузиладиган автомототранспорт воситаларини ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмларни, уларнинг номерли агрегат ва прицепларини олиш-сотиш, айирбошлаш ва ҳадя қилиш ҳақидаги битимларни тасдиқлайдилар.

Бу шартномаларни нотариал тасдиқлаш жойи тарафлар томонидан танланади.

Фуқаролар ўртасида тузиладиган битимларни тасдиқлашда нотариус қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

а) эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (техник паспорти, прицеплар учун техник талон, кема билети, кема гувоҳномаси, номерли агрегат ва автомашина қисмлари учун ДАН ташкилоти томонидан берилган белгиланган формадаги маълумотномалар);

б) агар автотранспорт воситаси никоҳ давомида орттирилган бўлса турмуш ўртоғининг розилиги;

в) бу битимлар қариндош бўлган шахслар ўртасида тузилаётган бўлса, қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатлар;

г) давлат божини тўлаганлик ҳақида квитанция.

Давлат мулки асосида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар ўртасидаги битимларни тасдиқлашда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

а) эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

б) автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказишга юқори ташкилотнинг рухсатномаси;

в) маълум бир автомототранспорт воситасини баҳолаш ва бошқа шахсга ўтказиш ҳамда шартнома тузишга ваколат бериш ҳақида эгалик қилувчининг буйруғи;

г) шартнома тузишда тарафларнинг ваколатлари ҳақида ҳужжат;

д) давлат божини тўлаганлик ҳақида тўлов қоғози;

е) баланс қиймати тўғрисида маълумотнома.

Нодавлат мулк асосида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар ўртасида тузиладиган битимларни тасдиқлашда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

а) ваколатли органларнинг, уларнинг Устав ёки Низомларига мувофиқ равишда чиқарган автомототранспорт воситасини сотиш ва сотиб олиш ҳақидаги қарорлари;

б) тарафлар номидан қатнашувчи вакилнинг шартнома тузишга бўлган ваколатлари ҳақида ҳужжат;

в) бошқа шахсга ўтказилаётган автотранспорт воситасига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

г) давлат божини тўлаганлик ҳақида тўлов қоғози;

е) баланс қиймати тўғрисида маълумотнома.

Ногиронларнинг имтиёзли тартибда олган қўлда бошқарилувчи енгил автомобилларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларини тасдиқлашда Қорақалпоғистон Республикасининг Ижтимоий таъминот вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ижтимоий таъминот бошқармаларининг рухсати талаб қилинади.

## *10-боб*

## Кўчмас мулкларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномаларини тасдиқлаш

83. Кўчар мол-мулк ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома ёзма равишда тузилиши керак. Агарда олинадиган мажбурият нотариал тасдиқланиши лозим бўлса, бу тақдирда кўчар мол-мулк ёки ушбу мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Кўчмас мулкни (бинолар, иншоотлар, квартиралар, уй-жойлар, корхоналар ва транспорт воситалари) гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома яъни ипотека тўғрисидаги шартнома — шартнома суммасидан қатъи назар ана шу мулк жойлашган ердаги нотариус томонидан тасдиқланиши лозим.

84. Бундай шартномани нотариал тасдиқлаш чоғида нотариус гаровга қўйилаётган мулк гаровга қўйувчи шахсга тегишли эканлигини ва уни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлигини, арест солинмаганлиги, бошқа гаровга қўйилган қўйилмаганлиги, қарзлари йўқлигини текширади. Бундан ташқари гаровга олувчи ва гаровга қўйувчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатларини, жисмоний шахсларнинг ваколатларини аниқлайди.

85. Ипотека тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш учун нотариус гаровга қўйувчидан қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

— гаров предметига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжат (давлат ордери, ҳоким қарори, фармойиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган шартнома, мулк ёки мерос ҳуқуқи гувоҳномаларидан бири);

— ТИБ маълумотномаси, инвентаризация дафтари;

— давлат акциядорлик суғурта компанияларининг (Ўзбекинвест, «Ўзагросуғурта», «Кафолат») гаров мулкини мажбурий суғурта этиш ҳақидаги гувоҳномаси (суғурта полиси) ва суғурта шартномаси;

— мажбурият ҳақидаги шартномаси (кредит ёки қарз шартномаси, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, транспорт экспедицияси ва ҳоказо шартномалар);

— гаровга қўйилган кўчмас мулкнинг биргаликдаги тузилган баҳолаш далолатномаси ёки ушбу мулкни нархи юзасидан аудиторлик фирмасининг хулосаси;

— гаровга қўйилаётган мол-мулк умумий мол-мулкни ташкил этса барча эгаларининг розилиги (умумий йиғилиш қарори ёки ҳар бирининг алоҳида розилик аризаси), эр-хотиннинг биргаликдаги мулки бўлса эри ёки хотинининг биргаликдаги мулкларини гаровга қўйишга розилик аризаси, хусусийлаштирилган квартиралар гаровга қўйилганида шу квартирада рўйхатдан ўтиб яшовчи ва хусусийлаштиришга розилик берган барча вояга етган шахсларнинг розилиги;

— гаровга қўйувчи ва гаровга олувчи юридик шахсларнинг тегишли тартибда расмийлаштирилган Низомлари, шунингдек, вакилларнинг ваколатларини тасдиқловчи ваколатномалари.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан:

— эгаликни тасдиқловчи ҳужжат;

— инвентаризация дафтари;

— суғурта гувоҳномаси (суғурта полиси) ва суғурта шартномаси;

— мажбурият ҳақидаги шартнома;

— гаровга қўйувчи ва гаровга олувчиларнинг Низомларининг нусхалари нотариус томонидан гувоҳлантирилиб олиб қолинади, асл ҳужжатлар эса эгаларига қайтарилади.

86 Ипотека шартномаларини тасдиқлашда нотариус гаровга қўйилган кўчмас мулкни бошқага ўтказилишига тақиқ қўяди.

87 Ипотека шартномасининг мазмуни қуйидагилардан иборат:

— шартнома номи;

— шартнома гувоҳлантирилган маъмурий ҳудуднинг тўлиқ номи (вилоят, туман, шаҳар) ва шартнома тузилиб имзоланган сана, йил, ой ва куни сўзлар билан ёзилади;

— гаровга олувчи билан гаровга қўйувчининг жумладан юридик шахсларнинг тўлиқ номлари, манзилгоҳлари, ваколатли орган томонидан қайд этилган Низомларининг қачон, қаерда ва ким томонидан қайд этилганлиги ва қайд рақами, жисмоний шахсларнинг ваколатномалари (берилган санаси, рақами, ва ким томонидан берилганлиги) вакилларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, манзилгоҳлари ва паспорт белгилари тўлиқ кўрсатилади;

— мажбурият тури (кредит ёки қарз шартномаси, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, транспорт экспедицияси ва ҳоказо шартномалар) унинг санаси, рақами, томонларнинг номлари, мазмуни, миқдори ва бажариш муддати;

— ушбу мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун гаровга қўйилаётган кўчмас мулкнинг (ипотека предметининг) номи, тавсифномаси, миқдори, томонлар белгилаган баҳоси;

— гаровга қўйилаётган мулкни гаровга қўйувчига тегишлилигини тасдиқловчи эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатнинг номи, қачон ва ким томонидан берилганлиги, ТИБ маълумотномасининг рақами ва санаси;

— мажбурият кўрсатилган муддатда бажарилмаслигининг оқибатлари (Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 279, 280, 281-моддаларига биноан);

— ипотека предмети суғурта этилганлиги ҳақида маълумот ва суғурта гувоҳномасининг рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги;

— ипотека предметининг бошқа гаровга қўйилмаганлиги, тақиқ ва арест солинмаганлиги, гаровга қўйувчининг қарзлари йўқлиги ҳақида маълумот. Ипотека предметига тақиқ солинган бўлса, гаровга олувчининг бундан хабардорлиги ва розилиги ҳақидаги маълумот;

— ипотека предмети умумий мулк бўлган тақдирда барча эгаларининг розилиги олинганлиги ҳақида маълумот, эр ёки хотиннинг умумий мулки бўлган ипотека предмети эр ёки хотиннинг розилиги билан гаровга қўйилганлиги ҳақида маълумот;

— ипотека предметининг бошқа шахсга ўтказилишига нотариус томонидан тақиқ қўйилганлиги ҳақидаги маълумот (тақиқноманинг рақами ва санаси);

— ипотека предмети гаровга қўйувчида қолдирилиши тўғрисида маълумот;

— шартномани нотариал тасдиқлаш учун харажатлар кимнинг зиммасига қўйилганлиги;

— гаровга қўйувчи билан гаровга олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

— ипотека тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилганлигидан сўнг ҳақиқий кучга эгалиги ҳақида маълумот;

— шартнома нусхаларининг сони, томонларга берилганлиги, шунингдек нотариал идорада нусха қолганлиги ҳақида маълумот;

— вакилларнинг ўз қўллари билан фамилиялари, исмлари, оталарининг исмларини ёзиб шартномани имзолашлари;

— нотариуснинг шартномани тасдиқлаганлиги ҳақидаги тасдиқловчи ёзуви.

88. Ипотека тўғрисидаги шартнома барча тегишли ҳужжатлар ва давлат божи тўланганидан сўнг нотариус томонидан тасдиқланади.

89. Нотариус томонидан тасдиқланадиган гаров шартномалари махсус реестрда рўйхатга олинади.

90. Нотариал идорада гаров шартномаларини ҳисобга олиш учун алифбо китоби юритилиши лозим.

91. Ипотека тўгрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг гаровдан келиб чиққан мажбуриятнинг бажарилиши ёки ушбу мажбуриятларнинг бажарилиши муддатларини узайтирилиши ҳақидаги маълумотларни олган нотариус реестр китобида, алифбо дафтарига ва нотариал идорада қолган ипотека тўғрисидаги шартноманинг нусхасида ушбу ҳақда ёзиб қўяди.

## *11-боб*

## Мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш

92. Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

Агар қонун ёки мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида оладиган

маҳсулот, мева ва бошқа даромадлар унинг мулки ҳисобланади.

Ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида мулк ижарасига берилиши мумкин бўлмаган ёки чекланган корхоналар турлари (гуруҳлари) ва мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Мол-мулкини ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

93. Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади (ЎзР ФКнинг 539-моддаси). Бунда нотариус қуйидагиларни текширади:

а) шартномани тузишга тарафларнинг ваколати;

б) ижарачига мулкни эгалик ҳуқуқи асосида тегишлилигини (ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат) ёки ваколатини белгиловчи ҳужжат (эгасининг ишончномаси);

в) ижарага берилаётган мулкка нисбатан тақиқ ва арестнинг йўқлиги ҳақидаги маълумот;

г) никоҳ давомида биргаликда орттирилган мулкка нисбатан шартнома гувоҳлантирилаётганда мазкур қўлланманинг 56-бандида кўрсатилган талаблар бажарилади.

## *12-боб*

## Кўчмас мулклар ижараси шартномалари

94. Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган кўчмас мулкни (уй-жой, квартира ва бошқалар) ижарага берилишида, тарафларнинг истагига кўра ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда нотариус қуйидагиларни талаб қилади:

— ТИБ маълумотномасини ва кўчмас мулкни ижарага берувчига тегишли эканлигини белгиловчи ҳужжатни кўздан кечириш учун;

— уй-жойларни, квартираларни ижарага беришда уй эгасининг вояга етган оила аъзоларининг ва у билан бирга яшайдиган яшаш майдонига ҳақли бўлган бошқа шахсларнинг розилиги;

— ижарага берувчининг вояга етган оила аъзолари ва шу квартирада яшаш майдонига ҳақли бўлган барча шахслар ҳақида яшаш жойидан берилган маълумотнома.

Мулкни ижарага бериш шартномалари томонлар келишган муддатга тузилади.

Агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса — уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян муддатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

## *13-боб*

## Корхонанинг ижара шартномаси

95. Корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига бошқа шахсларга топширилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мустасно бўлган ҳолда корхонани бир бутун мулкий комплекс тариқасида ёки унинг маълум бир қисмини ҳақ бараварига вақтинча фойдаланиш ва унга вақтинча эгалик қилиш учун топшириш мажбуриятини олади. Ижара шартномаси бўйича топширилаётган корхоналар эгаликнинг турли шаклларида бўлиши мумкин (давлат, хусусий).

Ижарага берувчи қарзларнинг ижарага олувчига ўтказилганлиги ҳақида ўз кредиторларини, яъни қарз берувчиларини ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Бундай ўтказилишдан норози бўлган кредиторлар хабарномани олган кунларидан бошлаб уч ойлик муддат мобайнида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларнинг бекор қилинишини ёки муддатидан аввал ижро этилишини ва бу билан етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Белгиланган муддат мобайнида юқорида айтиб ўтилган талаблардан бирининг кўрсатилмаслиги қарз берувчиларнинг тегишли қарзларининг ижарага олувчига ўтказилишига рози эканликларидан далолат беради.

Корхонани ижарага бериш шартномасини тасдиқлаш чоғида нотариус ижарага берувчи ва ижарага олувчининг ижара шартномасини тузишга ваколати бор-йўқлигини текширади ва мазкур қўлланманинг 85-бандида кўрсатилган ҳужжатларни талаб қилади.

Нотариус томонидан ЎзР ФКнинг 579—586 моддаларининг мазмуни, шунингдек корхонани ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги тушунтирилади ва бу ҳақда шартнома матнида кўрсатилади.

*14-боб*

## Рента шартномалари доимий рента. Умрбод рента

96. Рента — бу шартномага асосан бир тарафнинг (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) бериб мунтазам равишда кафолатланган фойда олишидир.

Рента тўловчи олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул суммаси ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади.

Рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга бериладиган мол-мулк рента олувчи томонидан рента тўловчига ҳақ эвазига ёки текинга мулк қилиб берилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб ўрнатилмаган бўлса ва тузилаётган шартноманинг моҳиятига зид келмаса, рента шартномасида мол-мулкни ҳақ эвазига топшириш назарда тутилган тақдирда нотариус олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидаларга, бундай мол-мулк текинга берилган ҳолларда эса ҳадя шартномаси тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда шартномани тасдиқлайди.

Рента шартномаси кўчмас мулк жойлашган ердаги нотариал идорада тасдиқланади. Кўчар мулк рента шартномасини тасдиқлаш жойи тарафларнинг хоҳишига кўра белгиланади.

Рента шартномасига асосан нотариус мулкка тақиқ қўяди, мулкнинг ўзи эса рента тўловчи олган мажбуриятларни таъминлашда рента олувчи фойдасига гаровга қўйилган ҳисобланади.

Рента шартномасида ЎзР ФКнинг 516-моддасида кўрсатиб ўтилган кўчмас мулк, пул ва бошқа кўчар мулкка

тааллуқли рента тўловларини таъминлаш шартлари назарда тутилган бўлиши керак.

Рентанинг предмети пул суммаси ёки бошқа кўчириб бўладиган мулк бўлганида шартноманинг энг муҳим шартларидан бири, рента тўловчи олган мажбуриятларнинг ижросини қарздорнинг мулкини ушлаб қолиш йўли билан таъминлаш шарти (кафолат, банк кафолати, закалат ва бошқалар) ёки бу мажбуриятларнинг ижро этмаслик ёки керакли тарзда ижро этмаслиги хавфини рента олувчи фойдасига суғурта қилиш шартидир.

Шартнома матнида рента тўловларини ўтказиб юборганлик учун жавобгарлик тарафлар келишувига кўра белгиланади ёки рента тўловчи рента олувчига ЎР ФКнинг 327-моддасида кўзда тутилган фоизларни тўлаши ҳақида айтиб ўтилади.

97. Доимий рентани олувчи шахслар қаторига фуқаролар, юридик шахслардан эса фаолиятлари Қонунга зид келмайдиган, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган, бу борада уларнинг фаолиятлари мақсадларига мос келадиган, тижорат билан боғлиқ бўлмаган ташкилотларгина киради.

Доимий рента олувчи ўз ҳуқуқларини тўловчининг розилиги билан тегишли бошқа фуқаролар ёки тижоратчи бўлмаган ташкилотларга бериши, ёхуд шундай ҳуқуқнинг берилишига доимий рента шартномасида тақиқ қўйилиши мумкин, бу ҳолат эса ўз навбатида доимий рентанинг ўтказилишини имконсиз қилиб қўяди.

98. Агар доимий рента шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг тегишли ставкаси ёки банк фоизи ставкаси ўзгарса, тўланадиган рента миқдори ҳам мутаносиб равишда ўзгаради.

Агар шартномада тарафлар тўлов вақтлари ҳақидаги қоидаларни белгиламасалар, (масалан: ҳар ярим йил якунида ёки ҳар йилда бир маротаба) доимий рента йилнинг ҳар бир календар чораги тугаши билан тўланади.

Доимий рента шартномасини тасдиқлашда нотариус томонидан тўловчининг доимий рентани сотиб олишга бўлган ҳуқуқи ва рента олувчининг доимий рента тўловини талаб қилишга бўлган ҳуқуқи тушунтирилади (ЎзР ФКнинг 521-522-моддалари).

99. Доимий ҳақ тўланадиган рентанинг баҳосини шартномада тарафлар белгилайдилар. Рента тўлаш шарти билан мол-мулк ҳақ эвазига топширилган доимий рента

шартномасида сотиб олиш баҳоси тўғрисида шарт бўлмаганида сотиб олиш йиллик рента тўловлари суммасига мос баҳода амалга оширилади.

Агар мулк рента тўловчига текинга берилган бўлмай шартномада сотиб олиш баҳоси тўғрисида шарт бўлмаганида сотиб олиш баҳосига йиллик рента тўловларидан ташқари шу мулкнинг баҳоси ҳам киритилади.

Доимий рентани сотиб олиш баҳоси одатда ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳодан келиб чиқиб белгиланади (ЎзР ФКнинг 356-моддаси 4 қисми).

Доимий рента шартномасини тасдиқлашда нотариус мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи унинг бепул ёки пул эвазига олинганлигидан қатъи назар доимий рентани тўловчи зиммасида бўлишини тушунтиради, аммо қонун ва шартнома билан ўзгача ҳолат ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин, бу ҳақда шартнома матнида кўрсатиб ўтилади (ЎзР ФКнинг 524-моддаси).

100. Умрбод рентани олувчилар бўлиб мулкни рента тўлови эвазига топшираётган фуқаро томонидан шартномада кўрсатилган бир ёки бир неча шахс ҳисобланиши мумкин. Агар рента олувчилар бир нечта бўлса, шартномада тарафлар билан умрбод рентага ҳиссалар белгиланади, ҳар бир олувчи ҳиссасининг ўлчами кўрсатилмаган тақдирда, шартномада ўзгача кўрсатилмаган бўлса, уларнинг ҳиссалари тенг баробар деб ҳисобланади.

Умрбод бериладиган рента шартномасида бошқача кўрсатилмаган бўлса, бир ойда бир маротаба тўланиб, иш ҳақининг ўрнатилган энг кам миқдоридан кам бўлмаган пуллик сумма тариқасида белгиланади. Умрбод бериладиган рентанинг миқдори белгиланган энг кам иш ҳақининг ўсишига пропорционал равишда ошади.

Умрбод рента ҳақидаги шартномани тасдиқлашда нотариус тарафларга ЎзР ФКнинг 525—529 моддалари талабларини тушунтиради ва бу ҳақда шартнома матнида кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 513-моддасига асосан доимий рента, умрбод тузиладиган рента шартномалари нотариал тасдиқланганида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

## *15-боб*

## Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси

101. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарув муассаси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) маълум бир муддатга мол-мулкни ишончли бошқарувга топширади. Иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи)нинг манфаатини кўзлаган ҳолда шу мулкнинг бошқарувини амалга ошириш мажбуриятини олади.

Мол-мулкнинг ишончли бошқарувга берилиши мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтиб кетишини келтириб чиқармайди (ЎзР ФКнинг 849-моддаси).

Мулкни ишончли бошқариш шартномаси нотариал шаклда ва кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномалар учун назарда тутилган тартибда тузилади. Кўчмас мулкнинг ишончли бошқарувга топширилиши худди шу мулкка эгалик ҳуқуқининг ўтиши сингари давлат рўйхатидан ўтказилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган кўчмас мулкни ишончли бошқариш шартномасини тасдиқлаш шу мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорада амалга оширилади. Бунда кўчмас мулкнинг мулкни бошқарувнинг муассасига тегишлилиги ва шу мулкка тақиқ ва арестнинг йўқлиги текширилади.

Тақиқ бор бўлган тақдирда мулкни ишончли бошқариш шартномаси фақат кредиторнинг розилиги билан тасдиқланади.

Ишончли бошқариш шартномасини тасдиқлашда нотариус ЎзР ФКнинг 849—860-моддалари талабларининг мазмуни, шунингдек, шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлигини, шундай рўйхатлаштиришнинг бўлмаслиги натижасида келиб чиқадиган оқибатларни тушунтиради ва бу ҳақда шартноманинг матнида кўрсатилади.

## *16-боб*

## Юридик шахсларга тегишли бўлган мулкни тақсимлаш

102. Юридик шахсларга тегишли бўлган улушли (ҳиссали) мулкни тақсимлаш (бўлиш) тўғрисидаги шартномани тасдиқлашда нотариусга қуйидаги ҳужжатлар:

— тегишли тартибда давлат органларида қайд этилган Устав (низом);

— Устав фондидаги улуш (ҳисса)лар кўрсатилган таъсис шартнома;

— Уставга асосланган ҳолда қабул қилинган ваколатли бошқарув органининг қарори;

— тақсимланаётган мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат;

— ТИБнинг мулкнинг состави, баҳоси ҳақида ва кўчмас мулкка тақиқ йўқлиги ҳақида маълумоти;

— мулкнинг баланс баҳоси ҳақида баланс ведомостидан кўчирма тақдим этилади.

Ҳиссадан маълум бир қисми ажратилаётганда умумий ҳиссали мулк қатнашчилари қатнашчининг Устав фонди миқдори ҳақида раҳбар ва бош бухгалтернинг имзолари қўйилган маълумотномани беришлари лозим.

*17-боб*

## Қарз шартномаси

103. Қарз шартномаси тарафларнинг танловига биноан ҳар қандай нотариал идорада тасдиқланиши мумкин.

Қарз шартномасини тасдиқланаётганда нотариус тарафнинг ҳақиқий истакларини аниқлаши лозим. Шартномада қарзнинг қайтарилиш муддати ва жойи кўрсатилиши керак. Қарз ўз вақтида қайтарилмаган ҳолда қарз берувчи нотариал идора орқали қарз олувчини ёзма равишда қарзни қайтариш ҳақида хабардор қилади.

Қарз шартномаси бўйича фоизларни белгилаш юзасидан шартлар тарафлар билан ЎзР ФКнинг 734-моддасида кўрсатилган тартибда белгиланади.

Қарз шартномаси бўйича қарзни ундириш ҳақидаги ижро ёзуви мазкур Қўлланманинг 172, 181-бандларига асосан амалга оширилади.

*18-боб*

## Васиятномаларни тасдиқлаш

104. Нотариуслар муомала лаёқатига эга бўлган фуқаро нотариусга шахсан тақдим этган васиятномаларни тасдиқлайдилар. (ЎзР ФКнинг 22-моддаси).

Битта васиятномани бир неча шахс номидан, шунингдек вакил орқали расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Васиятнома ёзма равишда тузилиши, унинг тузилган жойи ва вақти кўрсатилиши ҳамда васият қилувчи томонидан ўз қўли билан имзоланиши керак (ЎзР ФКнинг 1124-моддаси).

Васият қилувчи жисмоний камчилик, касаллик ёки бошқа сабабларга кўра васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаган тақдирда бу васиятнома ушбу Қўлланманинг 13-бандида баён этилган қоидалар асосида бошқа фуқаро томонидан имзоланиши мумкин.

Васият қилувчилар номидан қуйидагилар васиятномани имзолай олмайдилар:

— нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;

— васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва эваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

— тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

— саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

— ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар;

— Мулк ўз фойдасига васият қилинаётган фуқаро бу ҳақда васият қилувчининг ўзи томонидан илтимос қилинмаган ҳоллардан ташқари барча ҳолларда васият тузилаётган вақтда иштирок этиши мумкин эмас. Шундай илтимоснинг мавжудлиги ҳақида васият қилувчининг (ёки унинг топшириғига мувофиқ васиятни имзоловчи шахснинг), нотариуснинг имзолари ва нотариал идора муҳри билан тасдиқланган васиятноманинг иккала нусхасига ёзиб қўйилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра нотариус васиятномани унинг мазмуни билан танишмаган ҳолда тасдиқланиши мумкин (махфий васиятнома). Махфий васиятнома ҳақиқий эмас деб топилиш хавфини назарда тутган ҳолда васият қилувчи томонидан ўз қўли билан ёзилиб, уни шахсан ўзи имзолаши шарт. Бу васиятнома нотариус ҳамда икки гувоҳ иштирокида конвертга солиб елимланади, конвертга гувоҳлар имзо қўйиб, ўз фамилиялари, исм-шарифлари ва доимий яшаш жойларини ёзиб қўядилар. Гувоҳлар томонидан имзоланган бу конверт

гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа конвертга солиб елимланади. Унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди (ЎзР ФКни 1125-моддаси).

Махфий васиятнома нотариал ҳаракатлар ёзиладиган реестрда қайд этилиб, алфавитга киритилади ва васиятномалар турадиган нарядда сақланади.

Васият қилувчининг ёзма аризасига биноан васиятнома васият қилувчи ёки нотариус, ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниб, унинг ҳамма нусхалари йўқ қилиниши мумкин. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлиги нотариал шаҳодатлантирилиши керак.

Васиятномани тасдиқлаган нотариус ёки бошқа мансабдор шахс васият қилувчининг фармойишига биноан қилинган васиятномани бекор қилиш ҳақида нотариал ҳаракатлар қайд этиладиган реестрга, алфавитли дафтарга ёзиб қўяди ва уни имзолаб, муҳр билан тасдиқлайди.

105. Васиятномани тасдиқлашда давлат нотариуси васият қилувчига ЎзР ФКнинг 1142-моддаси мазмунини тушунтиради.

106. Васиятномани тасдиқлаш чоғида васият қилувчидан унинг васият қилаётган мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинмайди.

107. Давлат нотариал идорасида, нотариуслар ва Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддасида кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган ва сақлаш учун давлат нотариал идорасига юборилган васиятномаларни ҳисобга олиш учун алифболи дафтар юритилади.

108. Нотариуслар васиятномани тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида ариза олганларида, шунингдек васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинганда бу ҳақда нотариал ҳаракатлар қайд этиладиган реестрга, алифболи дафтарга ва васиятнинг нотариал идорасида сақланаётган нусхасига ёзиб қуядилар.

Васият қилувчи ўзида сақланаётган васият нусхасини тақдим этган тақдирда васиятноманинг бекор қилинганлиги тўғрисида бу нусхага ҳам ёзиб қўйилади, шундан кейин ариза билан бирга (васиятнома ариза билан бекор қилинган бўлса) давлат нотариал идорасида сақланаётган васиятнома нусхасига тикиб қўйилади.

Васиятномани бекор қилиш тўғрисидаги аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлиги нотариал шаҳодатлантирилиши керак.

Агар бекор қилинган васиятнома бошқа нотариал идорада тасдиқланган бўлса, уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза васият қилувчи ёки нотариус томонидан васиятнома тасдиқланган нотариал идорага юборилади.

*19-боб*

## Ишончномаларни тасдиқлаш

109. Нотариуслар бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ишончномаларни гувоҳлантирадилар.

Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи ва куни, ишонч билдирувчи ва вакил қилинаётган шахсларнинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исми (юридик шахснинг тўла номи ва жойлашган жойи) турадиган жойлари, зарур бўлган ҳолларда эса эгаллаб турган лавозимлари кўрсатилиши керак. Адвокатлар номига берилган ишончномаларда адвокатнинг иш жойи (адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси) кўрсатилади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати сўз билан ёзилиб, бу муддат ЎзР ФКнинг 139-моддасида кўрсатилган ҳоллардан ташқари барча ҳолларда уч йилдан ошмаслиги керак.

Амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома тузилган кундан бошлаб бир йил давомида ҳақиқий ҳисобланади.

Тузилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

110. Ишончнома берилган шахс, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилган ҳолда у бу ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

ЎзР ФКнинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари барча ҳолатларда ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома асосий ишончнома тақдим этилган ҳолда нотариал тасдиқланиши керак.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончнома бўйича асосий ишончномада берилган ҳуқуқлардан кўпроқ ҳуққа берилиши мумкин эмас.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончнома-

нинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиқ бўлиши мумкин эмас (ЎзР ФКнинг 140-моддаси).

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончномада асосий ишончнома гувоҳлантирилган вақт ва жой, асосий ишончнома берилган шахснинг ва бу шахс ўз ваколатини ишониб топшираётган кишининг исми, отасининг исми, фамилияси ва истиқомат жойи, зарур ҳолларда эса уларнинг мансаб мавқеи кўрсатилиши керак.

Асосий ишончномада ўзга кишига ишониб топширилганлиги тўғрисида ёзиб қўйилади.

Асосий ишончноманинг нусхаси нотариал идорада қолдириладиган ишончнома нусхасига тикиб қўйилади. Ишончноманинг шундан кейин бошқа шахсга ўтказилишини тасдиқлаш чоғида асосий ишончноманинг нусхасига бу ҳақда ёзиб қўйилади. Бу ҳолатда асосий ишончноманинг нусхаси нотариал идорада қолдирилиши шарт эмас.

111. Фуқароларга текинга имтиёзли равишда берилган енгил автомобиллардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ваколатномалар Республика ижтимоий таъминот вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ижтимоий таъминот бошқармаларининг рухсати билангина гувоҳлантирилади.

112. Ишончнома (ЎзР ФКнинг 141-моддасида) кўзда тутилган тартибда бекор қилинади.

## *20-боб*

## Мерос мулкини қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш

113. Мерос очилган жойдаги нотариус, башарти меросхўрларнинг, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради. Фуқаролар ва ташкилотларнинг хабарлари, шунингдек бошқа нотариал идоралар давлат нотариуслари ва нотариал ҳаракатларни амалга оширадиган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)нинг топшириқлари, аризаларни ҳисобга олиш ва мерос мулкини қўриқлаш юзасидан чоралар кўриш китобида рўйхатга олинади.

Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи, агар бу жой номаълум бўлса, — унинг мулки ёки бу мулкнинг асосий қисми турган жой, мероснинг очилиш жойи деб топилади.

Вақтли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар хизматда, шунингдек доимий истиқомат жойидан ташқаридаги техникумлар ва олий ўқув юртларида ўқиётган талабалар вафот этган тақдирда улар ҳарбий хизматга чақирилгунга ва тегишли ўқув муассасига киргунга қадар доимий яшаб келган истиқомат жойи мерос очилган жой деб топилади.

114. Мерос очилганлиги тўғрисидаги хабарни олган нотариус турар жойи ва иш жойи ўзига маълум бўлган меросхўрларни бу ҳақда хабардор қилишга мажбурдир.

Нотариус бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ошкора маълум қилиш ёки хабар бериш йўли билан меросхўрларни чақиртириши мумкин.

115. Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки унинг маълум бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги давлат нотариуси бу ҳақда мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга ёки фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)га мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топшириқ юборади.

116. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрган нотариус ёки фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) мерос очилган жойдаги нотариал идорасига кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади.

117. Нотариус мерос мол-мулкни қўриқлаш мақсадида уни хатлайди ва меросхўрларга ёки бошқа шахсларга сақлаш учун топширади.

Мерос мол-мулкини хатлаш унда қатнашиш истагини билдирган манфаатдор шахслар ва камида икки холис гувоҳ иштирокида амалга оширилади.

Хатлаш далолатномасида мерос мол-мулкни қўриқлаш юзасидан чоралар кўриш тўғрисида ариза (хабар, топшириқ) олинган кун, хатлаш амалга оширилган кун, хатлашда қатнашаётган кишиларнинг насаби, исми, отасининг исми ва манзилгоҳи, мерос қолдирувчининг насаби, исми, отасининг исми, унинг вафот этган вақти, хатланаётган мулк турган жой, нотариус келгунга қадар уй муҳрлаб қўйилганлиги, шундай бўлса ким томонидан муҳрланганлиги, пломба ёки муҳр бузилган-бузилмаганлиги, хатда санаб ўтилган буюмларнинг ҳар бирини муфас-

сал баёни (оғирлиги, метражи, ранги, ишлаб чиқарган завод ёки фабрика тамғаси, чиқарилган йили, рақами) ва эскирганлик фоизи кўрсатилади. Хатланган буюмларнинг баҳоси уларнинг эскирганлиги ҳисобга олинган ҳолда чакана нарх бўйича, чакана нархлари бўлмаган буюмларнинг баҳоси эса шу соҳадаги мутахассисларнинг хулосасига кўра белгиланади.

Ҳар бир буюмни алоҳида баҳолаб, унинг ҳар бирига муфассал баён бермай, хатланаётган мол-мулкнинг умумий баҳосини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Меросхўрлар қўйилган баҳога рози бўлмасалар, баҳоловчи мутахассисларни таклиф этиш ҳуқуқига эгадирлар. Мутахассиснинг меҳнатига ҳақ меросхўрлар томонидан, улар бўлмаган тақдирда — мерос мулк ҳисобидан тўланади.

Кўчмас мулк, жумладан, уй-жойлар, квартира, корхона, қурилиш ва иншоотлар инвентаризация баҳосига қараб баҳоланади, инвентаризация амалга оширилмаган жойларда эса суғурта баҳосига қараб белгиланади.

Хатлаш далолатномасининг ҳар бир саҳифасида буюм (предметлар)нинг сони ва қиймати якуни чиқарилади, хатлаш тугаллангандан кейин эса буюм (предмет)ларнинг сони ва қийматининг умумий якуни чиқарилади.

Хатлаш далолатномасига вафот этган киши уйидаги (квартирасидаги) ҳамма мол-мулк киритилади. Қўшнилар ва бошқа шахсларнинг айрим буюмларнинг уларга тегишли эканлиги тўғрисидаги аризалари хатлаш актига киритилади. Манфаатдор шахсларга эса ана шу мол-мулкни хатловдан чиқариб ташлаш тўғрисида судга шикоят билан мурожаат қилиш тартиби тушунтирилади.

Агар мулкни хатлаш узилиб қолса, ёки бир неча кун давом этса, нотариус ҳар гал бинони муҳрлайди. Хатлаш далолатномасида хатлашни тўхтатиш сабаблари ва вақти ҳамда унинг яна тикланиши, шунингдек бинони кейинги очиш вақтида пломбалар ва муҳрнинг ҳолати тўғрисида хатлаш далолатномасига ёзиб қўйилади.

Хатлаш далолатномаси охирида мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқарувчининг насаби, исми, отасининг исми, туғилган йили, шахсни гувоҳлантирувчи ҳужжатнинг номи, рақами, берилган вақти, ҳужжатни берган муассасанинг номи, шунингдек мол-мулкни сақлаш топширилган бошқарувчининг, сақловчининг, ҳомий ва бошқа шахснинг турар жойи кўрсатилади.

Хатлаш далолатномаси камида уч нусхада тузилади,

далолатноманинг барча нусхалари нотариус, манфаатдор шахслар, мол-мулкни қабул қилиб олган шахслар холис гувоҳлар томонидан имзоланади.

Хатлаш далолатномасининг бир нусхаси мерос ишига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси тилхат орқали мерос мол-мулкни сақлашга қабул қилган сақловчи, мерос бошқарувчи ёки бошқа шахсга берилади, учинчи нусхаси эса мерос ишига тиркаб қўйилиб, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан бирга меросхўрга берилади.

Мерос мол-мулкни қўриқлаш юзасидан чоралар кўриш борасида содир этилган нотариал ҳаракат, нотариал ҳаракатлар ёзиладиган реестрга навбатдаги рақам остида рўйхатдан ўтказилади ва бу нотариал ҳаракатни содир этганлик учун давлат божи ундирилади.

Агар мерос мол-мулкни сақлаш юзасидан чоралар кўришнинг имконияти бўлмаса (меросхўрлар ва мерос берувчи билан бирга яшайдиган кишилар хатлов ўтказилишига эътироз билдирган, мулк хатлашга тақдим этилмаган ёки мулк олиб кетилган ва шу сингари ҳолларда) нотариус далолатнома тузади ва бу ҳақда манфаатдор шахсларни, зарур ҳолларда эса молия органи ёки прокурорни хабардор қилади.

118. Вафот этган одамда қолган пул маблағлари меросхўрларга берилгунга ёки мерос мол-мулкни мерос олиш ҳуқуқи бўйича давлатга ўтадиган ҳолларда давлат даромадига топширилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси халқ банки муассасаларига давлат нотариал депозит счетига ўтказилади.

Олтин, кумуш, платина ҳамда танга қуюлма ва хом кўринишдаги платина гуруҳига кирувчи металлар, чет эл валютаси ва чет эл валютасига ёздириб олинган тўлов ҳужжатлари (вексеплар, чеклар, переводлар ва шу сингарилар) чет эл фонди бойликлари (акциялар, облигация, уларга купонлар ва шу сингарилар) қимматбаҳо металлар, қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмлар ва маржонлар, шунингдек қимматбаҳо тошлар ва марваридлар меросхўрларга берилгунга ёки мерос мулк мерос олиш ҳуқуқи бўйича давлат ўтган тақдирда давлат даромадига топширилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси халқ банки муассасасида сақлашга топширилади.

Рўйхатга олинган қимматбаҳо ашёлар Ўзбекистон Республикаси халқ банки муассасасига сақлаш учун топширищдан олдин нотариус уни давлат нотариал идорасида юритиладиган қимматбаҳо ашёларни ҳисобга олиш кито-

бига рўйхатга олади. Рўйхат беш нусхада тузилади, улардан уч нусхаси қимматбаҳо ашёлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси халқ банки муассасасига топширилади, тўртинчиси мерос ишига тикилади, бешинчи нусха ва Ўзбекистон Республикаси халқ банки муассасасининг тўлов қоғози меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан меросхўрга берилади.

Агар рўйхатга олиш вақтида фойдаланиши натижасида қийматини йўқотган буюмлар бўлса, меросхўрларнинг розилиги (меросхўрлар бўлмаса) молия органининг розилиги билан рўйхатга олиш далолатномасига киритилмаслиги мумкин. Бу буюмлар далолатномага биноан йўқ қилиниши ёки эски-тускилар қабул қилиш базасига топширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари нотариус томонидан меросхўрларга топширилади, улар бўлмаса тегишли ташкилотларга сотиш учун ўтказилади. Агар бу маҳсулотларни узоқ муддатга сақлаш керак бўлганда озиқ-овқатларни топшириш алоҳида далолатнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Унга нотариус, холислар, ташкилот вакили имзо қўядилар. Тез бузиладиган маҳсулотлар меросхўрлар бўлмаган тақдирда йўқ қилинади, йўқ қилиш тўғрисида ҳам далолатнома тузилади.

Уй ҳайвонлари сақлаб туриш учун меросхўрлар ёки бошқа шахсларга топширилади. Агар меросхўрлар йўқ бўлиб, қўриқловчини тайинлашнинг иложи бўлмаса нотариус уй ҳайвонларини давлат қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхоналари, ташкилотлари, муассасалари маъмуриятига топширади.

Мерос қолдирувчининг мол-мулкини рўйхатлаб бўлгач нотариус нотариал идорада мерос ишининг бор-йўқлигини текширади. Агар йўқ бўлса, нотариус мерос мол-мулкини қўриқлаш юзасидан чоралар кўришни сўраб ёзилган аризани мерос ишларини ҳисобга олиш алифбо китобига рўйхатга киритади ва мерос иши очади.

Мерос мол-мулки ёки мол-мулкнинг асосий қисми жойлашган ердаги нотариус топшириқ олгач уни мерос мол-мулкини қўриқлаш борасида чоралар кўриш учун юборилган аризаларнинг ҳисоби юритиладиган китобда рўйхатга олади ва зудлик билан хатлашга чиқади. Хатлаш далолатномаси тўрт нусхадан кам бўлмаган ҳолда тузилади: бир нусхаси сақлашга чоралар кўрган нотариал идора ишларида қолади, иккинчиси мерос мулкини қўриқлаш учун тайинланганга берилади, икки нусхаси мерос очилган ердаги нотариал идорасига юборилади.

Мерос мулки жойлашган жой бўйича қўриқлаш чораларини кўриш тўғрисидаги топшириқ бўйича марҳумга мерос иши мерос мулки жойлашган ердаги нотариус томонидан юритилмайди.

Энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кам бўлган суммадаги қимматликлар мерос мулкини қўриқлашга тайинланган шахс муҳофазасида қолади.

Давлат нотариал идораси томонидан мерос мулк муҳофазаси тартибида сақлашга қабул қилинган қимматликлар моддий қимматликларни ҳисобга олиш китобида рўйхатга олинади.

Вафот этган одамнинг мулки таркибидан чиққан қурол, (ов қуролидан ташқари) ва портловчи моддалар алоҳида хатлаш бўйича милиция органларига топширилади.

Хатлаш чоғида ҳар бир акция, облигация, вексел ва бошқа қимматбаҳо қоғозларнинг номи, тартиб рақами, сони ва қиймат миқдори хатлаш далолатномасида кўрсатилади.

Омонат китобчалари, давлатга ва бошқаларга тегишли заёмларни сақлаш гувоҳномалари, вафот этган одамнинг гаровхонадаги мулкига берилган гаров патталари хатловларга киритилади ва сақлаш учун меросхўрларга топширилади, агарда меросхўрлар бўлмаган тақдирда — нотариал идорасининг темир қутиларида сақланади.

Агар хатлаш вақтида мерос қолдирувчига тегишли бўлган, бироқ уни сақлаш учун рухсатнома бўлмаган ов қуроли аниқланса, ёхуд бундай ов қуроли ёлғиз яшаган шахсга тегишли бўлса, қурол алоҳида хатловларга киритилади ва милиция органи вакилига топширилади. Мабодо мерос қолдирувчининг ворислари бўлса, нотариус ов қуролини сақлаш учун уларнинг бирига бериши мумкин. Лекин, нотариус шу куннинг ўзидаёқ хатлаш вақтида аниқланган қурол тўғрисида милиция бўлимига хабар бериши мажбурийдир.

Вафот этган мукофотланган шахс ва ўлимдан кейин мукофотланганларга тегишли бўлган орден, медаллар, фахрли тақдимномаларни билдирувчи кўкрак нишонлари ва уларни мукофотланганлигини билдирувчи хужжатлар уларнинг оилаларида хотира сифатида қолдирилади ёки меросхўрлар розилиги билан музейларга топширилиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг мулкини хатлаш вақтида нотариус қандай мулкни оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюм-

лари таркибига киритиш ҳамда қандай мулкни зеб-зийнатлар таркибига киритиш масаласини ҳал этиши керак, чунки қонунчиликда бундай мулкларни кўриниши бўйича ажрими йўқдир.

Буюмларни оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларига ажратиш учун асосий ҳал этувчи белгиси, улардан мерос қолдирувчигина эмас, балки у билан бирга яшаган меросхўрлар кундалик турмушда фойдаланганлигидир. Булар телевизорлар, радиоприёмниклар, маиший электр асбоблари, ошхона идиш-товоқлари, мебель жиҳозлари, ошхона анжомлари, бадиий адабиётлар ва бошқалардир.

Нотариал тажрибада зеб-зийнатлар таркибига қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар, жуда қимматли ва ярим қимматли тошлар, ноёб нарсалар, қимматли кўринишдаги дарахт туридан ясалган мебеллар, асл мўйқалам суратлар, қимматбаҳо гиламлар, шу каби қимматли қийматга эга бўлган идишлар, ноёб китобларнинг махсус тўплами, қимматли нарсалар тўплами ва бошқалар киритилган.

Ушбу буюмни оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари ёки зеб-зийнатлар таркибига киритилиши тўғрисида меросхўрлар ўртасида чиққан низо, буюм кўриниши ҳисобга олинган ҳолда маълум ҳолатга кўра суд томонидан ҳал этилиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг шахсий буюмлари, шу каби касб фаолияти билан боғлиқ бўлган нарсалар (масалан: ёзувчининг ёзув машинкаси, машшоқнинг мусиқа асбоби, шифокорнинг тиббиёт асбоблари ва бошқалар) ҳам хатланади.

Агарда хатланган буюмлар таркибида қимматли қўлёзмалар, адабий асарлар илмий ёки тарихий аҳамиятга эга хатлар бўлган тақдирда, бу ҳужжатлар алоҳида хатлаш далолатномасига киритилиб масъулиятли сақлаш учун топширилади, меросхўрлар бўлмаган тақдирда давлат нотариуси ҳужжатларни ёки ҳужжатлар ёхуд қимматбаҳо буюмлар сақловхонасини муҳрлайди.

119. Мерос таркибида бошқарувни талаб этадиган мол-мулк бўлган тақдирда, шунингдек мерос берувчининг кредиторлари меросхўрлар меросни қабул қилиб олганга қадар даъво билан чиққан ҳолларда давлат нотариал идораси мулк сақловчини тайинлайди. Бу ҳақда давлат нотариуси томонидан имзоланадиган қарор чиқарилади.

120. Давлат нотариуси сақловчиларни, хомийларни ва мерос мулк сақлашга берилган бошқа шахсларни талон-

тарож қилганлик, мерос мулкни ўзгага ўтказганлик ёки яширганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси бўйича жиноий жавобгар бўлиши тўғрисида ва етказилган зарар учун эса моддий жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантиради. Кўрсатилган шахслардан ана шундай огоҳлантириш қилинганлиги тўғрисидаги тилхат олинади. Тилхат мерос мулк сақлашга бериладиган хатлов далолатномасида ёки қарорида ёки мерос мулк бошқарувчисини тайинлаш тўғрисидаги қарорда баён этилиши мумкин.

Мерос мол-мулкини бошқарувчи, хомийлар ёки мерос мулкни сақлаш топширилган бошқа шахслар, агар улар меросхўр бўлмасалар, мерос мол-мулкни сақлаганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳақ миқдори бошқарувчи, хомий ёки мулк сақлаш учун берилган бошқа шахслар билан келишилган ҳолда давлат нотариуси томонидан белгиланади.

Ҳайвонларни сақлаш учун мукофот миқдори белгиланган ҳақдан 50 фоиз кўпайтирилади. Кўрсатиб ўтилган шахсларга мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун зарур харажатлар ҳам тўланади. Бу харажатлар тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ равишда мулкдан фойдаланишдан амалда кўрилган фойда чегириб ташланган ҳолда тўланади.

121. Мерос мол-мулкини қўриқлаш, қонунда белгилаб қўйилган тартибда барча меросхўрларга меросхурлик ҳақида гувоҳномалар берилгунга қадар давом этади.

Давлат нотариал идораси мерос мулкини қўриқлаш юзасидан чора-тадбирлар тўхтатилиши тўғрисида меросхўрларни олдиндан хабардор қилишга, агар мол-мулк ворислик ҳуқуқи асосида давлатга ўтадиган бўлган тақдирда, тегишли давлат органини хабардор қилишга мажбурдир.

122. Давлат нотариал идоралари меросхўрлар меросни қабул қилгунларига қадар, агар у қабул қилинмаган бўлса, давлатга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бергунга қадар мерос мол-мулк ҳисобидан қилинган ЎзР «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 57-моддасида назарда тутилган харажатларни қоплаш учун пул суммасини бериш ҳақида фармойиш берадилар.

Мерос мулк таркибида пул маблағлари бўлмаган тақдирда вафот этган кишидан қолган буюмларни топшириш тўғрисидаги фармойиш берилади. Бу буюмларнинг қиймати қилинган сарф-харажатлар қийматидан юқори бўлмаслиги керак.

Агарда нотариал идорасига дафн этиш билан боғлиқ харажатларни тўлашни сўраб мурожаат қилинса, бу вақтда ворислар меросни қабул қилиб олган бўлсалар (меросни қабул қилиш тўғрисидаги ариза берган, уни идора қилишга киришган бўлсалар) ва ихтиёрий равишда харажатни тўлашни хоҳламасалар, нотариус аризачига меросни қабул қилиб олганларга нисбатан харажатни қоплаш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат этиш тартибини тушунтиради.

Нотариус харажатларни қоплаш учун мерос мол-мулкдан пул ва буюм маблағлари бериш тўғрисидаги фармойишнинг бир нусхасини мерос ишига тикиб қўйиши шарт.

Мерос мол-мулкидан пул ва буюм маблағлари бериш тўғрисидаги фармойиш нотариал ҳаракат ҳисобланмайди. Шунинг учун давлат божи олинмайди.

Қилинган сарф-харажатларни тасдиқлаш учун давлат нотариуси магазинлардан ҳисоб варақаси, даволаш муассасаларидан маълумотнома, дафн маросими ташкил этиш комиссиясининг далолатномаларини, суднинг қонуний кучга кирган қарор нусхасини, мерос очилганлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилишга тўланган тўлов қоғози ва бошқа ҳужжатларни талаб қилади.

123. Мерос очилган жойдаги давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1131, 1156-моддасига мувофиқ мерос очилган кундан бошлаб олти ой мобайнида мерос берувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилади. Даъволар ёзма тарзда баён этилиши ва давлат нотариуси томонидан тегишли талабларнинг келиб тушиши муддатидан қатъи назар қабул қилиниши лозим. Давлат нотариуси тушган даъволар ҳақида меросхўрларни хабардор қилади.

Мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш тўғрисидаги чет эл фуқароларига нисбатан белгиланган тартиб мазкур Қўлланмада баён этилган.

## *21-боб*

## Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш

124. Мерос очилган жойдаги давлат нотариуслари меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган

ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради (ЎзР ФКнинг 1146-моддаси).

Меросни қабул қилиб олиш тўғрисида, ундан воз кечиш ҳақида ёки мерос олиш ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризалар ёзма равишда берилиши керак.

Меросхўрларнинг ана шу аризаларидаги имзосининг ҳақиқийлиги нотариал ҳаракатларни амалга оширадиган органлар томонидан шаҳодатлантирилиши керак.

Меросхўр мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорасига шахсан келиб ариза берган тақдирда, унинг имзоси шаҳодатлантирилиши талаб этилмайди. Бу ҳолда нотариус меросхўрнинг шахсини аниқлайди ва имзонинг тўғрилигини текширади, бу ҳақда аризага ёзиб қўяди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номини, унинг рақамини, берилган вақтини, шу ҳужжатни берган муассасанинг номини, шахснинг туғилган йилини кўрсатади.

Агар ариза почта орқали олиниб, меросхўрнинг имзоси ҳақиқийлиги шаҳодатлантирилмаган бўлса, бу ариза давлат нотариуси томонидан қабул қилинади, меросхўрга эса аризани тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳолда юбориш ёки давлат нотариал идорасига шахсан келиш таклиф этилади.

Бева қолган эр (хотин) нотариал идорага мерос олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб илтимос қилган тақдирда, унга ЎзР Никоҳ ва оила кодексининг 26-моддаси ва ЎзР «Нотариат тўғрисида»ги қонуни 63-моддасининг мазмуни тушунтирилади (агар мулк мерос берувчи билан никоҳда турган вақтда орттирилган бўлса), бу ҳақда мерос ишига ёзиб қўйилади. Бева қолган эрдан (хотиндан) ариза почта орқали олинган тақдирда юқорида тилга олинган моддаларда ифодаланган қоидалар ёзма тарзда юборилади.

125. Мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин берилади, ЎзР ФК 1151-моддасида кўзда тутилган ҳолларда эса, унда кўрсатилган муддатдан илгари берилмайди.

Қонун бўйича, шунингдек васиятнома бўйича мерос олиш вақтида мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, давлат нотариал идорасида гувоҳнома бериш тўғрисида ариза берганлардан ташқари, бошқа меросхўрларнинг йўқлиги тўғрисида маълумотлар бўлган тақдирда олти ойдан эртароқ берилиши мумкин.

Мулк мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган вақтда давлатнинг мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома тегиш-

ли давлат органига мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин берилади.

126. Мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, меросни қабул қилиб олган меросхўрларга, яъни мерос мулкини эгаллашга амалда киришган ёки нотариал идорага меросни қабул қилиш тўғрисида ариза топширганларга берилади.

Қуйидагилар кўчар ва кўчмас мол-мулкка эгалик қилишга киришганлигини исботлайди: ҳокимиятнинг вакиллик органига қарашли бошқармаси ва уй бошқармасининг меросхўр мерос қолдирувчи билан бирга яшаганлиги тўғрисидаги ёки меросхўр томонидан мерос қолдирувчининг мол-мулки олинганлиги ҳақидаги маълумотномаси, молия идорасининг меросхўр мерос очилгандан кейин уй-жой, квартира солиғини тўлаб келаётганлиги ҳақидаги маълумотномаси ёки солиқ тўлаганлигини кўрсатувчи тўлов паттаси, суднинг мерос ўз вақтида қабул қилиб олинганлиги ҳолатини белгиловчи қонуний кучга кирган қарорининг нусхаси ва меросхўр мерос қолдирувчининг мулкига эгалик қилишга киришганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Омонат дафтарчанинг мавжудлиги ҳам мерос мулкка эгалик қилишга киришганлигининг исбот-далили бўлиб хизмат қила олади.

127. Давлат нотариуси қонунга биноан мерос ҳуқуқи гувоҳномасини бериш вақтида мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳолатини, мерос очилган вақт ва жойини, гувоҳнома беришни сўраб ариза топширган шахсларнинг мерос қолдирувчи билан қариндош-уруғчилик ёки бошқа муносабатлари мавжудлигини, мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилаётган мол-мулкнинг таркиби ва турган жойини аниқлайди.

Ана шу ҳолатларнинг тасдиғи сифатида меросхўрлардан тегишли далил исботлар талаб қилинади.

Вафот этганлик ҳолати ва мерос очилган вақт, ФҲДЁ идораларининг мерос қолдирувчи вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, унинг ҳарбий бурчни ўташда ҳалок бўлганлиги тўғрисида ҳарбий қисм қўмондонлиги госпитал маъмурияти, мудофаа ишлар бошқармаси (бўлими) ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бошқа идоралари томонидан берилган хабар ёки ҳужжат билан тасдиқланади. Мерос очилган жой қуйидагилар билан тасдиқланади:

— уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ёки вафот этган киши-

нинг турар жойи номаълум бўлган тақдирда мол-мулк ёки унинг асосий қисми турган жой тўғрисидаги ҳужжат (уй-жойдан фойдаланиш ташкилотининг, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ва шу сингариларнинг маълумотлари).

Меросхўрларда, кўрсатиб ўтилган ҳужжат йўқ бўлган тақдирда давлат нотариуси суднинг мерос очилган жойини белгилаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарорининг нусхасини талаб қилади.

Меросхўрларнинг мерос қолдирувчи билан қариндош-уруғчилик муносабатлари тўғрисида қуйидагилар далолат беради:

— ФҲДЁ идораларининг гувоҳномалари, фуқаролик ҳолатлари ҳақидаги ёзувлардан кўчирмалар, суднинг қариндош-уруғчилик ёки бошқа муносабатлари мавжудлиги ҳолатларини тасдиқловчи қонуний кучга кирган қарорларнинг нусхалари.

Айрим ҳолларда иш ва истиқомат жойидаги давлат муассасалари ва ташкилотларнинг маълумотномалари, агар бу маълумотномалар бошқа ҳужжатлар билан бирга, меросхўрларнинг мерос қолдирувчи билан қариндош-уруғчилик ёки бошқа муносабатларини тасдиқлаган тақдирда.

Агар ўзини мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган деб ҳисоблаган шахс қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилишини сўраган тақдирда, давлат нотариуси бу шахс мерос қолдирувчининг қарамоғида у вафот этганга қадар камида бир йил давомида бўлганлиги, шунингдек мерос очилгунга қадар бу шахс меҳнат қобилиятига эга бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Қарамоғида бўлганлик ҳолати далили сифатида қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин: ижтимоий бўлимнинг боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганлиги ҳақида нафақа тайинлаш тўғрисидаги маълумотномаси, суднинг қарамоғида бўлиш фактини тасдиқловчи қонуний кучга кирган қарорининг нусхаси.

Боқиманданинг кексалиги муносабати билан меҳнатга лаёқатсизлиги паспорт, туғилганлик тўгрисидаги гувоҳнома билан, саломатлик билан боғлиқ меҳнатга лаёқатсизлиги эса нафақа дафтарчаси ёки ВТЕК маълумотномаси билан текширилади.

Агар қонун бўйича бир ёки бир неча меросхўр мерос олишга асос бўладиган қариндош-уруғчилик ёки бошқа

муносабатларда эканлигини курсатадиган ҳужжатларини тақдим этиш имконига эга бўлмаган тақдирда улар мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага меросни қабул қилиб олган ва тегишли ҳужжатларни тақдим этган барча бошқа меросхўрларнинг ёзма равишда берган розилиги билан киритилиши мумкин. Меросхўрларнинг бу розилиги ёзма равишда расмийлаштирилади.

128. Давлат нотариуси васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришда тегишли ҳужжатларни талаб қилиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳолатини, васиятноманинг мавжудлигини, мерос очилган вақт ва жойни, гувоҳнома берилаётган мерос мол мулкнинг таркиби ва турган жойини текширади, меросдан албатта ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқлайди, шунингдек васиятномани тасдиқлаган нотариал идорасидан у бекор қилинмаганлигини текширади.

Агар васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада мерос қолдирувчи билан қариндошлик уруғчилик ёки бошқа муносабатлари кўрсатиб ўтилиши керак бўлса (меросхўрлар хоҳишига биноан), давлат нотариуси шу муносабатларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилади.

129. Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш чоғида васиятноманинг меросхўр тақдим этган ҳақиқий нусхаси ёки дубликати давлат нотариал идорасида қолади. Меросхўрларнинг истагига мувофиқ васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага васиятноманинг нотариал гувоҳлантирилган нусхаси ёки дубликати қўшиб берилади.

130. Агар мерос мулки таркибига уй-жой, квартира, корхона ва бошқа кўчмас мулк кирган бўлса, давлат нотариуси ушбу кўчмас мулкни мерос қолдирувчига тегишлилигини тасдиқловчи эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатини, ТИБ маълумотномасини тақдим этилишини талаб қилади, шунингдек кўчмас мулк жойлашган ердан давлат нотариал идораси ҳужжатлари бўйича мазкур кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказилиши тақиқланганми ёки йўқлигини ёхуд унга арест солинганми ёки йўқлигини аниқлайди. Қарз олинганлиги муносабати билан бошқа шахсга ўтказилиши тақиқланганлиги аниқланган тақдирда давлат нотариуси қарз берган муассасага қарз олувчининг меросхўрларига мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлигини хабар қилади.

Агар уйга суд ёки тергов идоралари томонидан арест солинган бўлса, мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш арест олиб ташлагунга қадар тўхтатилиб турилади.

131. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага махсус рўйхатга олиниши керак бўлган мулкни (автомобиллар, мотоцикллар, моторли қайиқлар ва шу сингариларни) киритиш учун давлат нотариуси ана шу мулкнинг мерос қолдирувчига тегишли эканлиги тўғрисидаги ҳужжатни (техник паспорт, қайиқ гувоҳномаси ва бошқаларни) текширади, бу ҳақда гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага ёзиб қўяди.

132. Давлат нотариуси уй-жойга мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани шу уй жойлашган ердаги ТИБда, автотранспорт воситаларига мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бўлса — давлат автоинспекцияси идораларида рўйхатга олиниши кераклигини тушунтиради.

133. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига кўра ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин.

Гувоҳномани олиш учун уларнинг ҳар бири шахсан келиши шарт эмас, меросхўрларнинг илтимосига мувофиқ гувоҳнома алоқа тармоғи орқали юборилиши мумкин.

134. Давлат нотариуси вояга етмаган ёки муомала лаёқатига эга бўлмаган меросхўрларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги ҳақида турар жойи бўйича уларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида хомийлик ва васийлик идорасига хабар қилади (меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини юборади).

135. Мерос мол-мулкнинг муайян қисмига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олган меросхўрларга уларнинг аризаларига кўра, мерос мулкининг дастлабки берилган гувоҳномада кўрсатилмаган бошқа қисмларига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномалар берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида қўшимча гувоҳнома берилганида, илгариги гувоҳномага киритилмаган меросхўрлар пайдо бўлган тақдирда, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги қўшимча гувоҳномага мулкни қабул қилиб олган барча меросхўрларни ёзма розилиги билан улар ҳам киритилиши мумкин.

136. Давлат нотариал идорасида мерос ишларини ҳисобга олиш китоби юритилади.

Мерос ишларини ҳисобга олиш китобида қуйидагилар қайд этилади: мерос қабул қилиб олиш тўғрисидаги, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш ҳақидаги аризалар. Мерос мулк ҳисобига харажатларни тўлаш тўғрисидаги фармойишлар, меросдан воз кечиш ҳақидаги аризалар, кредиторларнинг даъволари, шунингдек мерос мол-мулкнинг қўриқлашига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги аризалар (шу мулкни сақлаш учун қабул қилинган чоралар). Қайд этилган аризалар асосида вафот этган киши номига иш очилади.

Шундан кейинги барча аризалар (қўшимча аризалар, бошқа меросхўрлар ва кредиторлардан олинган аризалар) ҳам мерос ишларини ҳисобга олиш китобида қайд этилади.

Барча аризаларда улар олинган вақт ва мерос ишининг рақами кўрсатилади.

Мерос ишига меросхўрлардан, бошқа шахслар ва муассасалардан талаб қилиб олинган ҳужжатлар ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси тикиб қўйилади.

*22-боб*

## Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш

137. Нотариус эр-хотиннинг биргаликдаги ёзма аризасига мувофиқ улардан бирига ёки иккаласига никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради.

Гувоҳнома, гувоҳнома берилган кунда эр-хотиннинг мавжуд умумий мулки ҳисобланган мулккагина берилади.

Нотариус гувоҳномани бериш чоғида никоҳ муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатни (никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги паспортга қўйилган белги ва шу сингариларни) талаб қилади.

Мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани сўраб мурожаат қилган шахслар ўртасида никоҳ бекор қилинган бўлса кўрсатиб ўтилган ҳужжатдан ташқари никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат (никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, паспортдаги никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги белгилар ва ҳ. к.) талаб қилинади.

138. Улушига гувоҳнома берилаётган мулкнинг тарки-

бига корхона, уй-жой, квартира (уй-жой, квартиранинг қисми), автотранспорт воситалари ва махсус ҳисобда турадиган (қайд этилиши керак бўлган) бошқа мулк кирган тақдирда нотариус шу мулкнинг эр-хотинга қарашли эканлигини текширади.

Уй-жойга (уй-жойнинг қисми), квартирага эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш чоғида ТИБнинг маълумотномаси, инвентаризация ўтказилмаган жойда эса маҳаллий ҳокимият органлари маълумотномаси ҳам талаб қилинади.

Уйни қуриш ёки капитал таъмирлаш учун берилган қарз муносабати билан уйни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ солинган бўлса, эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома қарз берган тегишли банк муассасаси, хўжалик ҳисоби корхонаси ёки ташкилотнинг рухсати билан берилади.

Нотариус эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани берилгани ҳақида уйга ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатга ёзиб қўяди.

Корхона, уй-жой (уй-жойнинг қисми), квартирага, дала ҳовли, боғ ҳовли, гараж, шу каби бошқа кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, шу уй ва кўчмас мулк жойлашган ердаги нотариус томонидан берилади.

139. Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотинлар умумий мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома иккинчисининг ёзма аризасига мувофиқ, мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, меросни қабул қилиб олган меросхўрлар бу хусусда хабардор қилинади.

Хабарномада эр-хотиннинг улушига эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши сўралаётган умумий мулкнинг таркиби кўрсатилади, мазкур шахснинг мулк талаб қилиши бошқа меросхўр томонидан рад этилган тақдирда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Хабарнома алоқа бўлими орқали юборилади, нотариал идорага келган меросхўрларни эса давлат нотариуси бу ҳақда оғзаки хабардор қилади, бу ҳақда меросхўр сифатида имзо қўйиб ўз ҳиссасини талаб қилаётган шахснинг аризасига ёзиб қўйилади.

Эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома мазкур шахсга никоҳ давомида орттирилган умумий мулкнинг ярмига берилиши мумкин.

Меросни қабул қилган ворисларнинг ёзма аризасига кўра ва марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма розилиги билан мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада вафот этган эрнинг (хотиннинг) ҳам умумий мол-мулкдаги улуши белгиланиши мумкин ёки вафот этган эрга (хотинга) алоҳида мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши мумкин.

Меросни қабул қилиб олган меросхўрлар орасида вояга етмаганлар бўлган тақдирда вафот этган шахснинг турмуш ўртоғига умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома васийлик ва хомийлик органининг ёзма розилиги билан берилади.

140. Эр ёки хотинга уларнинг умумий мол-мулкидаги улушига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш чоғида улардан бирининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, унинг вафот этган шахс билан никоҳда бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат, эр-хотин мулкни никоҳ давомида орттирганликларини тасдиқлайдиган ҳужжат талаб қилинади.

141. Агар мулкнинг таркибида уй-жой, автоулов воситалари ва бошқа мол-мулк бўлган тақдирда мазкур шахсга гувоҳнома бериш чоғида ушбу қўлланманинг 138—139-бандларида баён этилган қоидаларга риоя қилинади.

142. *Давлат нотариуси уй-жой (уй-жойнинг бир қисми)* квартирага эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома шу уй-жой жойлашган ердаги ҳокимиятдан рўйхатта олинишини кераклигини, автоулов воситаларига эгалик қилиш тўғрисидаги гувоҳнома эса ДАН идораларида рўйхатта олинишини кераклиги тушунтирилади.

*23-боб*

## Кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш

143. Банк муассасалари, хўжалик ҳисоби корхоналари ва ташкилотларнинг жисмоний ва юридик шахсларга уй-жойни, квартирани (уй-жой, квартиранинг бир қисмини) ва бошқа кўчмас мулк сотиб олиш ёки тубдан таъмирлаш учун қарзлар берилганлиги тўғрисидаги хабарномалари бўйича уй-жой (уй-жойнинг бир қисми)ни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномаларни гувоҳлантириш чогида, шунингдек қонун билан кўрсатилган бошқа ҳолларда уй-жой жойлашган ердаги давлат нотариуслари шундай уй-жойни

(уй-жойнинг бир қисмини) ёки якка тартибда иморат қурувчилар уй-жой қурилиши жамоаси уйидаги квартирани ўзга шахсга ўтказишга тақиқ қўядилар.

Агар автомашиналар гаров шартномасининг предмети сифатида кўчмас мулк ҳисобланса, уларга нотариус томонидан гаров шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилгунга қадар тақиқ солинади ва бу ҳақда автомашинанинг техник паспортига белги қўйилиб, автомашина рўйхатда турган ДАН органига тақиқнома юборилади.

144. Тақиқ солиш қарз бериш тўғрисидаги банк муассасаси, хўжалик ҳисоби корхонаси ёки хабарномасига шу фармон бўйича ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади. Хабарноманинг давлат нотариуси номидан тақиқ солинганлиги тўғрисидаги ёзуви билан бирга унинг нусхаси шу уй-жой жойлашган ердаги тегишли ТИБга, бошқа нусхаси эса қарз берган банк муассасаси, хўжалик ҳисоби ташкилоти ёки корхонасига юборилади, бир нусхаси эса давлат нотариал идорасида қолади. Уй-жой (уй-жойнинг бир қисми), хонадоннинг гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномага тақиқ қўйиш шу гаровга қўйиш шартномасига ёзиб қўйиш билан амалга оширилади.

Давлат нотариал идораси гаров тўғрисидаги шартномага тақиқ қўйиш тўғрисида уй-жой жойлашган ердаги тегишли ҳокимият (техник инвентаризация бюроси), ҳамда тақиқ солинган мулк жойлашган жойдаги нотариал идорани хабардор қилади.

Тақиқлар қўйиш тақиқларни қайд қилиш реестрида қайд этилади. Бу реестр суд ва тергов идораларининг уй-жойга арест солинганлиги хабарлари ҳам қайд этилади. Тақиқлар ва арестлар қўйиш тўғрисидаги ёзув, тақиқлар ва арестларни ҳисобга олиш алфавитлар дафтарига ҳам ёзиб қўйилади.

145. Давлат нотариуслари банк, хўжалик ҳисобидаги корхона ёки ташкилотнинг қарз тўланганлиги ҳақидаги ёхуд гаров тўғрисидаги шартноманинг бекор қилинганлиги ҳақидаги хабарни олганларидан сўнг кўчмас мулкнинг ўзгага ўтказилишига қўйилган тақиқни олиб ташлайдилар.

Тақиқ олиб ташланганлиги ҳақида мулк жойлашган ердаги ҳокимиятга хабар қилинади, бу ҳақда тақиқ алфавити дафтарига ёзиб қўядилар.

Давлат нотариуси суд ёки тергов идораларининг арест олиб ташланганлиги тўғрисидаги хабарномаларини олганларидан кейин бу ҳақда реестрга ва алфавитли дафтарга ёзиб қўядилар.

*24-боб*

## Ҳужжатларнинг нусхалари ва темаси ва улардан кўчирмалари тўғрилигини гувоҳлантириш

146. Нотариуслар жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини ушбу ҳужжатлар қонунга зид бўлмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамда уларнинг нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш қонун билан тақиқланмаган ҳолдагина шаҳодатлайди.

Паспортлар, уларнинг ўринларини босадиган ҳужжатлар, ҳарбий билетлар, депутатлик гувоҳномаси, хизмат гувоҳномалари, шунингдек нусха кўчиришга йўл қўйилмайдиган бошқа ҳужжатларнинг нусхалари тўғрилигини шаҳодатлаш тақиқланади.

Матни ноаниқ бўлган, ўчирилган, қўшимча сўзлар ёзилган ҳамда кўзда тутилмаган бошқа ўзгартиришлар қилинган ҳужжатларнинг нусхалари шаҳодатланмайди.

147. Кўчирма олинаётган ҳужжатда ўзаро боғлиқ бўлмаган бир нечта алоҳида масалаларга оид қарорлар бўлган тақдирдагина кўчирманинг тўғрилиги шаҳодатланиши мумкин. Кўчирма ҳужжатнинг муайян масалага доир қисмининг тўла матнини акс эттириши керак.

Ҳужжат нусхасидан кўчирилган нусханинг тўғрилигини нотариуслар, башарти аввалги нусханинг тўғрилиги нотариал тартибда шаҳодатланган бўлса ёки ҳужжатнинг нусхаси унинг асл нусхаси тайёрланган корхона, муассаса, ташкилот томонидан берилган бўлса, шаҳодатлайди. Кейинги ҳолатда ҳужжатнинг нусхаси мазкур юридик шахснинг иш қоғозида баён этилган, муҳр босиб тасдиқланган ва унда шу ҳужжатнинг асли мазкур корхона, муассаса, ташкилотда эканлиги ёзиб қўйилган бўлиши керак.

148. Фуқаронинг ҳужжатдаги имзоси ҳақиқийлиги унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги нотариус ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан шаҳодатланган ҳолларда нотариус фуқаро берган ҳужжатнинг нусхаси тўғрилигини шаҳодатлайди.

149. Ҳужжатнинг гувоҳлантирилаётган нусхаси ёки кўчирмаси унинг асли билан солиштирилиб чиқилади.

*25-боб*

## Ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш

150. Нотариус мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Битимнинг мазмуни баён этиладиган шартнома, васиятнома, ваколатнома ва бошқа ҳужжатларда бошқа шахс учун (бу шахс жисмоний камчиликлари, касаллиги ва бошқа сабабларга кўра ўз қўли билан имзо чека олмаган тақдирда) имзо қўйган шахс имзоси хақикийлигини шаҳодатлайди.

151. Жисмоний камчиликлари, касаллиги ва бошқа сабабларига кўра ўз қўли билан имзо қўя олмайдиган шахс учун имзо қўйган шахснинг имзосини шаҳодатлаш чоғида нотариус имзо қўйган кишининг шахсини ҳам, шунингдек имзо қўйишни илтимос қилган кишининг ҳам шахсини аниқлайди.

152. Нотариуслар имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлар эканлар, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки имзо муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайдилар холос.

153. Давлат идорасигина шаҳодатлантирадиган ҳолатлар тасдиқланган (масалан: туғилиш вақти, никоҳдан ўтиш вақти, вафот этганлиги) ҳужжатдаги фуқаро имзосининг ҳақиқийлиги нотариус томонидан шаҳодатлантирилиши мумкин эмас.

Шундай ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлиги, агар бу ҳужжат чет давлат судига ёки бошқа муассасасига тақдим этиш учун мўлжалланган ҳолдагина шаҳодатланиши мумкин.

154. Банк муассасаларига тақдим қилинадиган карточкаларда мансабдор шахслар имзоларининг намуналарини шаҳодатлаш чоғида нотариуслар уларнинг имзоси ҳақиқийлигини ва имзо қўйиш ҳуқуқи ваколатини текширадилар.

Ваколатларнинг тасдиғи сифатида қуйидагилар тақдим этилади: мансабдор шахс тайинланганлиги ҳақидаги буйруқ ёки сайланганлиги тўғрисидаги протокол, белгиланган тартибда тасдиқланган Устав ёки Низом ёхуд юқори ташкилот томонидан раҳбар номига берилган ваколатнома, карточкада шу ташкилот муҳри туширилган нусхаси курсатилиши керак. Ташкилот муҳрга

ога бўлмаган тақдирда бу ҳолатни тасдиқловчи тегишли ҳужжат (хисоб эгасига нисбатан юқори турувчи ташкилот томонидан берилган маълумотнома ва бошқалар) бўлиши керак.

*26-боб*

## Ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга таржимаси тўғрилигини шаҳодатлаш

155. Нотариус тегишли тилларни билган тақдирда ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга таржимаси тўғрилигини шаҳодатлайди. Нотариус тегишли тилларни билмаган тақдирда эса ҳужжат таржимон томонидан таржима қилиниши мумкин. Унинг имзоси ҳақиқийлигини нотариус шаҳодатлайди.

156. Нотариал ҳаракат (битимни тасдиқлаш, нусхаларнинг ва шу сингариларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш)ни амалга ошириш чоғида айни вақтда бошқа тилга таржимаси ҳам қилинадиган бўлса, таржима асл нусха билан бир варақда, яъни иккала матн тик чизиқ билан бўлинган варақда ёнма-ён жойлашиши, асл матн чап томонда, таржима матни эса ўнг томонда бўлиши керак. Таржима қилинаётган бутун матни таржима қилиниши ва имзолар билан тугалланиши лозим, таржимоннинг имзоси таржима остига қўйилади. Шаҳодатлантирувчи ёзув ҳужжатнинг матни ва унинг таржимаси остига битилади. Асл варақдан алоҳида қилинган таржима асл ҳужжатга ип билан тикиб имзо ва нотариал идоранинг муҳри билан мустаҳкамланади.

*27-боб*

## Фуқаронинг тирик эканлигини тасдиқлаш

157. Нотариус фуқаронинг тирик эканлиги фактини унинг шахсий илтимосига кўра ва унинг иштирокида тасдиқлайди.

14 ёшга етмаган ва вояга етмаганнинг тирик эканлик ҳолатини тасдиқлаш уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек уни ўз ҳомийлигига олган муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосига кўра амалга оширилади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганнинг тирик эканлик

фактини тасдиқлаш эса уларнинг ўзларининг илтимосига кўра ҳам амалга оширилиши мумкин.

158. Фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш у нотариал идорасига келганида ҳам шунингдек бу ҳолат нотариус томонидан нотариал идора биноси ташқарисида ҳам амалга оширилиши мумкин (ушбу қўлланманинг 9-банди).

159. Нотариус манфаатдор шахсларга фуқаронинг тирик эканлиги ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.

*28-боб*

## Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш

160. Нотариус фуқаронинг илтимосига мувофиқ унинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди.

14 ёшга тўлмаган вояга етмаган муайян жойда эканлик ҳолатини гувоҳлантириш унинг қонуний вакиллари (ота-оналар, фарзандликка олувчилар, ҳомийлар)нинг илтимосига мувофиқ 14 ёшдан 18 ёшгача булган вояга етмаганнинг муайян жойда эканлигини гувоҳлантириш эса унинг илтимосига мувофиқ қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олувчилари, ҳомийлари)нинг розилиги билан амалга оширилади.

161. Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш у нотариал идорасига келганида ҳам, шунингдек бу ҳолат нотариус томонидан нотариал идора биноси ташқарисида ҳам амалга оширилиши мумкин (ушбу қўлланманинг 9-банди).

162. Нотариус манфаатдор шахсларга фуқаронинг муайян жойда эканлик ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.

*29-боб*

## Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш

163. Нотариус фуқаро тақдим этган фотосуратдаги шахс шу фуқаронинг айнан ўзи эканлигини тасдиқлайди. Бунинг тасдиғи сифатида гувоҳнома берадилар.

164. Фотосурат гувоҳноманинг берилаётган нусхасининг юқори чап бурчагига қўйилиб нотариуснинг имзоси

ва муҳри билан мустаҳкамланади. Бунда муҳр қисман фотосурат устига қисман эса гувоҳнома устига қуйилиши керак.

## *30-боб*

## Ҳужжатни тақдим этилган вақтини тасдиқлаш

165. Нотариус ўзига ҳужжат тақдим этилган вақтни тасдиқлайди. Тасдиқловчи ёзув ҳужжатнинг тақдим этилган иккала нусхасига ҳам ёзилади, улардан бири нотариал идорасининг ишларида қолади. Ҳужжатнинг иккинчи нусхаси йўқ бўлганлиги тақдирда нотариус ҳужжатдан нусха олиб уни нотариал идора ишларига тикиб қўяди, унга ҳам тасдиқловчи ёзув ёзилади.

Айни бир шахс айнан бир вақтда бир неча ҳужжатни тақдим этган тақдирда уларнинг ҳар бирига тасдиқловчи ёзув ёзилади ва тақдим этилган ҳар бир ҳужжат учун давлат божи олинади.

## *31-боб*

## Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш

166. Нотариус жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини олиб бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш учун қабул қилади.

Аризалар нотариал идорасига камида икки нусхада тақдим этилади. Улардан бири топширилганлигини маълум қилиш шарти билан почта орқали юборилади ёки бевосита тегишли шахсларга имзо чектириб топширилади. Бошқа нусхаси нотариал идорасида қолади.

Ариза почта орқали юборилган тақдирда у олувчига нотариуснинг ҳисобли хати билан юборилади. Кузатув хатининг нотариал идораси ишида қоладиган нусхасига шу аризанинг берилганлиги қайд этилган реестрнинг рақами кўрсатилади ва давлат божи тўланганлиги ёзиб қўйилади.

Аризалар почта орқали берилганда, телефакс, компьютер тармоқлари ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб узатилганда кетган харажатларни нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраган шахс тўлайди.

167. Ариза берган шахснинг илтимосига мувофиқ унга ариза топширилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Гувоҳнома шу аризанинг нусхасида ёки алоҳида баён этилиши мумкин.

Гувоҳномада аризага олинган жавобнинг мазмуни ёки жавоб белгиланган муддатда олинмаганлиги кўрсатилиши мумкин. Аризалар ва гувоҳномалар берилганлиги ҳақидаги нотариал ҳаракатларни қайд этиш реестрига ёзиб қўйилади.

## *32-боб*

## Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш

168. Нотариуслар Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 74-моддасида кўзда тутилган ҳолларда кредиторларга бериш учун қарздордан нотариал идораси депозитига пул суммалари ва қимматли қогозларни қабул қиладилар.

Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга мажбурият бажариладиган жойдаги нотариус қабул қилади.

169. Нотариус пул суммаси ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш чоғида қарздорга ўз насаби, исми шарифи (ташкилотнинг номи)ни ва манзилини пул суммалари ва қимматли қоғозлар топширилиши керак бўлган шахснинг номи ва манзилини, мажбурият қандай сабабларга кўра бевосита бажарилмаганлиги ҳақида ёзма ёки оғзаки тарзда хабар қилишини таклиф қилади.

Қарздор бадал тўланиши юзасидан далиллар ва ҳисоб-китобларини кўрсатиб ўтиши ҳам мумкин. Нотариус мажбурият предмети (пул суммалари, қимматли қоғозлар) нотариал идора депозитига қабул қилиш чоғида бадал асосини яъни кредиторнинг ҳуқуқини ва қарздор мажбуриятининг вужудга келиш асосларини текширмайди.

170. Нотариус пул суммалари ёки қимматли қоғозларни депозитга топширган шахсга бадал топширганлиги тўғрисидаги квитанцияни беради.

Қарздорнинг илтимосига мувофиқ тақдим этилган қарздорликни белгиловчи ҳужжатга ҳам бадал тўланганлиги тўғрисида ёзиб қўйилиши мумкин.

171. Нотариус пул суммалари ва қимматли қогозлар олинганлиги тўғрисида кредиторни хабардор қилади ва унинг талабига мувофиқ унга тегишли пул суммалари ёки қимматли қоғозларни беради.

Қарздор кредиторнинг манзилини кўрсатмаган ва бу манзил нотариусга маълум бўлмаган тақдирда қарздор пул бадали тўлаганлиги ёки қимматли қоғозлар топширилганлиги ҳақида кредиторга хабар қилиш мажбуриятини унинг зиммасига юкланиши тўғрисида огоҳлантирилади.

172. Пул суммалари нотариал идорага почта орқали ёки кредит муассасасидан келган тақдирда тушган суммадан тегишли давлат божи ушлаб қолинганидан кейин қолгани депозитга қабул қилинади.

173. Нотариал идораси пул суммалари ва қимматли қоғозларни мажбуриятни бажариш жойи бўйича қабул қилади.

174. Депозитга топширилган пул суммалари ва қимматли қоғозларни, уларни топширган шахс (дебитор)га қайтарилишига тўлов кимнинг фойдасига амалга оширилган бўлса ўша шахснинг ёзма розилиги ёки суднинг қарорига биноан йўл қўйилади.

175. Нотариал идораси ҳисобига депозит маблағларининг сақланиши қуйидаги муддатлар билан чегараланади:

— фуқароларга берилиши керак бўлган депозит маблағлар уч йил давомида сақланади;

— хўжалик ҳисобидаги давлат корхоналари ва ташкилотларига, ширкат ва жамоат ташкилотларига берилиши керак бўлган депозит маблағлар бир йил давомида сақланади.

Давлат ва маҳаллий бюджетдаги муассасаларга берилиши лозим бўлган депозит маблағлар шу маблағлар топширилган йилнинг 31 декабригача, ва шунингдек суд қарори билан ҳал қилувчи қарор чиққан йилнинг 31 декабрига қадар сақланади.

Ана шу муддатлар ўтгандан кейин талаб қилиб олинмаган депозит маблаглар давлат бюджети даромадига ўтказилади. Юқорида кўрсатилган, талаб қилиб олинмаган депозит маблағларни давлат бюджети даромадига ўтказиш ана шу маблагларни сақлаш муддати тугаган ойидан кейинги ойнинг 15 кунигача амалга оширилади.

176. Депозит маблагларни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

## *33-боб*

## Ижро хатларини ёзиш

177. Нотариуслар қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун, манфаатдор шахсларнинг ёзма аризасига мувофиқ қарздорликни белгиловчи ҳужжатларда ижро хатларини ёзади.

Ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

178. Ижро ёзуви қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундириб олувчидан қарздор эканлиги ва бошқа мажбуриятни шубҳасиз тасдиқлаган тақдирда;

2) даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб 3 йилдан кўп вақт ўтмаган тақдирда, юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда эса — бир йилдан кўп вақт ўтмаган тақдирда.

Агар ижро хати берилишига сабаб бўлган талабномада қонун билан бошқа муддат белгиланган бўлса, ижро хати ана шу муддат доирасида берилади.

Ижро хати ёзиш мумкин бўлган муддат ундирувчида қарзни мажбурий ундириш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

179. Нотариус ижро хатини бериш чоғида ижро хатлари асосида қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатида кўрсатилган барча ҳужжатлар тақдим этилганми ёки йўқлигини текширишга мажбур.

180. Ижро хатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ижро хатини ёзаётган нотариус исми-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими;

2) ундириб олувчининг номи ва манзили;

3) қарздорнинг номи ва манзили;

4) ундириб олиш амалга ошириладиган муддат;

5) ундириб олиниши керак бўлган суммалар ёки талаб қилиб олиниши керак бўлган нарсалар, шу жумладан, тўланиши керак бўлган пеня, фоизлар;

6) ундириб олувчи тўлаган ёки қарздордан ундирилиши керак бўлган давлат божи ёки тариф суммалари;

7) ижро хати ёзилган сана (йил, ой, кун);

8) ижро хатининг реестрда қайд этилган тартиб рақами;

9) ижро хатини ёзган нотариуснинг имзоси;

10) нотариуснинг муҳри.

181. Ижро хати қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатда баён этилади. Ижро хати қарздорликни белгиловчи ҳужжатдан алоҳида тарзда амалга оширилмайди.

Агар қарздорликни белгиловчи ҳужжат бўйича қарз қисмларга бўлиб тўланиши лозим бўлган тақдирда ана шу тўланадиган ҳар бир қисм бўйича ижро хати мазкур ҳужжатнинг аслида ёки қарздорнинг шахсий ҳисобидан кўчирмасида баён этилиши мумкин, бундай ҳолларда қарздорликни белгиловчи ҳужжат аслига ундириб олиниши керак бўлган сумма кўрсатилган ҳолда ижро хати ёзилганлиги тўғрисидаги белги қўйилади, унда ижро хати ёзилган кун ва унинг нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрида қайд этилган рақами кўрсатилади.

182. Нотариал идорасида қарз белгиловчи ҳужжатнинг нусхаси ёки қарздорнинг шахсий ҳисобидан кўчирма ва ижро хатининг нусхаси қолади.

Айни бир мажбурият бўйича дастлабки ижро хатидан кейинги ижро хатлари ёзиш чоғида қарздорликни белгиловчи ҳужжат нусхаси такрор тақдим этилмайди. Бундай ҳолларда шахсий ҳисобдан ва асл мажбурият белгиланган ҳужжат аслидан икки нусхада олинган кўчирмани тақдим этиш билан чекланиш мумкин.

Кўчирманинг ижро хати ёзилган бир нусхаси ва мажбурият белгиланган ҳужжат ундириб олувчига қайтарилади, иккинчи нусха эса нотариал идорасида қолади.

183. Бир хил шаклдаги ҳужжатлар бўйича (масалан: банк қарзлари, квартира қарзлари ва шу сингарилар) бир қанча ижро хатлари беришни амалга ошириш чоғида нотариал идорасида қарздорлардан бирининг қарздорлигини белгиловчи ҳужжатнинг бир нусхаси ва қарз ундириб олиш учун ижро хатлари ёзилган қарздорларнинг рўйхатлари қолдирилиши мумкин, бунда қарздорларнинг тўлиқ номи ва манзили, тўлов муддатлари, ижро ёзуви бўйича қарз ундириш суммаси, зарур ҳолларда эса бошқа маълумотлар кўрсатилади.

184. Ижро хатини ёзиш учун қарздорликни белгиловчи ҳужжатдан ташқари ижро хати асосида низосиз тартибда қарз ундириш бўйича ҳужжатлар рўйхатида кўрсатилган бошқа шу хил ҳужжатларни тақдим этиш, зарур бўлган тақдирда бу ҳужжатлар ижро хатига тикиб қўйилмайди, улар нотариал идорасида қолдирилади.

185. Чеклардаги ижро хатлари тўловчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги ҳисоб-

китоб муассасасининг жойлашган жойи бўйича амалга оширилади. Нотариус ижро хатини тўловчи (банкнинг) ёки ҳисоб-китоб муассасасининг имзоси бўлган, шунингдек чек тўлаш учун тақдим этилганлиги ва тўланмаганлиги кўрсатилган тақдирдагина амалга оширади. Ижро хати бериш чоғида чек тўловга ўз вақтида тақдим этилганлиги текширилади.

Ижро хати тўлов (банк томонидан) рад қилинган кундан бошлаб 3 ой давомида берилади. Ижро хати чекни сақловчининг истагига мувофиқ чек берувчига қарши, шунингдек чек бўйича жавобгар шахсга ҳам қарши берилади. Нотариус ижро хати амалга оширилганлиги тўғрисида реестрга белги қўяди ва чек берувчига чек тўланмаганлиги ҳамда ижро ёзуви берилганлиги тўғрисида хабарномани юборади.

186. Қарз ундирувчи ёки қарздор фуқаро бўлган тақдирда ижро ёзуви у амалга оширилган кундан бошлаб 3 йил давомида мажбурий ижро этишга тақдим этилиши мумкин. Бошқа қолган барча талаблар бўйича эса қонун билан бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса — бир йил давомида ижро этишга тақдим қилинади.

Ижро ёзувини тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддасига мувофиқ амалга оширилади.

## *34-боб*

## Векселни протест қилиш. Чекни тўловга тақдим этиш ва чекнинг тўланмаганлигини тасдиқлаш

187. Нотариус пули тўланмаган, акцепт қилинмаган ва акцепт санаси кўрсатилмаган векселни қонун ҳужжатларига мувофиқ протест қилади.

188. Векселларга тўланмаганлик тўғрисидаги протест нотариал идоралари томонидан тўловчининг турар жойи бўйича ёки тўлов жойи бўйича (домицилляштирилган векселлар, яъни тулаш учун учинчи шахснинг қўлида бўлган векселлар) солинади, ноакцепт ва санаси кўрсатилмаган акцепт векселларга протест эса тўловчи жойи бўйича солинади.

189. Тўланмаганлик учун протест солинадиган векселлар нотариал идораси томонидан вексел бўйича тўлаш

вақти ўтган куннинг эртасига, бироқ ана шу муддат ўтгандан кейинги кўпи билан 12 соат ичида солинади. Ноакцепт векселларга протест солиш учун ўтказиладиган ва оддий вексел тўғрисидаги низомга мувофиқ акцептга тақдим этиш учун белгиланган муддатлар давомида, агар вексел акцептга тақдим этилмаган бўлса, ана шу муддат ўтгандан кейин кўпи билан 12 соат ичида солинади. Векселларга протест ўтказиладиган ва оддий вексел тўғрисидаги низомда кўзда тутилган муддатларда амалга оширилади.

190. Нотариус векселни протестга қабул қилиб олган кунда тўловчига ёки домицилиант (домициялашган векселни тўловчи шахс)га векселни тўлаш ёки векселни акцептлаш тўғрисидаги талабни қўяди.

Агар тўловчи (домицилиант) векселни тўлаган тақдирда нотариус унга протест қўймай, векселни уни тўлаган шахсга қайтаради, векселнинг ўзига тўлов ва белгиланган форма бўйича тегишли бошқа суммалар олинганлиги тўғрисида ёзиб қўяди.

Агар тўловчи ўтказиладиган векселга акцепт тўғрисида белги қўйдирган бўлса вексел протест солинмаган ҳолда унинг сақловчисига топширилади.

191. Тўловчи (домицилиант) векселни тўлаш ёки акцептлаштиришдан бош торгган тақдирда ёхуд у нотариал идорага келмаган тақдирда нотариус белгиланган формага вексел тўланмаганлиги ёки акцептланмаганлиги учун унга протест солиш тўғрисида акт тузади ва реестрда тегишли ёзувни амалга оширади, шунингдек векселнинг ўзига у тўланмаганлиги ёки акцептланмаганлиги учун арест солинганлиги ҳақида белги қўяди.

192. Тўловчининг қаердалиги номаълум бўлган тақдирда векселга, тўлов ёки акцепт тўғрисидаги талаб қўйилмаган ҳолда, протест солинади, яъни протест тўғрисидаги актга ва нотариал ҳаракатларни амалга оширишни қайд этиш реестрига тегишли белги қўйилади.

193. Протестланган вексел векселни сақловчига ёки унга ваколатли шахсга берилади.

194. Нотариал идораси тўловчининг турар жойи бўйича тўловга тақдим этилган чекларни 10 кун ўтгандан кейин, чет эл чекларини эса у берилган кундан бошлаб 6 ойдан кейин, бироқ ана шу муддат ўтгандан кейин 12 соатдан кечиктирмай тўлаш учун қабул қилиб оладилар.

Нотариус ўша куниёқ чекни тўлаш учун банкка тақдим этади. Чекни тўламаган тақдирда нотариус чек тўланмаганлигини унга тегишли формадаги ёзувларни

амалга ошириш йўли билан гувоҳлантиради ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига шу ҳақда ёзиб қўяди.

Чекга ана шуларни ёзиб қўйиш билан айни бир пайтда чек берувчига унинг чекини банк тўламаганлиги ва чекда ёзув амалга оширилганлиги ҳақида хабарнома юборади. Чекни сақлаб турувчининг илтимосига кўра нотариус чек тўламаган тақдирда ижро ёзувини амалга оширади.

## *35-боб*

## Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олиш

195. Нотариал идоралари ҳужжатларни сақлаш учун рўйхат бўйича қабул қилиб оладилар.

Рўйхат икки нусхада тузилиб, ҳужжатларни сақлаш учун топширган шахс ва нотариус томонидан имзоланади.

Рўйхатнинг бир нусхаси нотариал идораси ишларида қолади, иккинчи нусхаси эса ҳужжатларни сақлашга топширган шахсга берилади.

Агар ҳужжатлар лозим тарзда ўраб жойлаштирилган бўлса, шахснинг илтимосига кўра нотариус уларни рўйхатсиз ҳам қабул қилиб олиши мумкин. Ҳужжатлар ўрамига нотариуснинг муҳри қўйилади ҳамда у нотариус ва ҳужжатларни топширган шахс томонидан имзоланади. Бундай ҳолларда нотариус ҳужжатлар ўрамининг бут сақланиши учун жавобгар бўлади.

Ҳужжатлар сақлаш учун қабул қилиб олинганлигининг тасдиғи сифатида уларни сақлаш учун топширган шахсга рўйхатнинг нусхаси билан бирга гувоҳнома ҳам берилади.

196. Қабул қилиб олинган ҳужжатлар нотариал идорасининг муҳри билан муҳрланган темир жавон ёки сейфларда алоҳида пакетларда сақланади.

197. Сақлаш учун қабул қилинган ҳужжатлар уни сақлаш учун топширган шахсга ёки унинг қонуний вакилига гувоҳнома ва рўйхатни тақдим этганидан кейин ёки суднинг қарорига биноан қайтарилади.

## *36-боб*

## Денгиз протестларини амалга ошириш

198. Нотариуслар кема эгасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун далил-исботларни таъминлаш мақсадида кема капитанининг кема сузиб бораётган ёки у тўхтаб турган жойда содир бўлган ҳамда

кема эгасининг олдига мулкий талаблар қуйиш учун асос бўлиши мумкин бўлган ҳодиса тўғрисидаги аризасини қабул қиладилар.

199. Денгиз протести тўғрисидаги аризада юз берган ҳодисанинг тафсилотлари ва капитаннинг ўзига ишониб топширилган мулкнинг сақланишини таъминлаш юзасидан кўрган чора-тадбирлари кўрсатилади.

Денгиз протести тўғрисидаги аризада баён этилган ҳолатларнинг тасдиғи сифатида кема капитани ЎзР Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 85-моддасига мувофиқ ариза билан айни бир вақтда кема портга кирган ёки ҳодиса портда юз берган бўлса, у юз бергандан сўнг 7 кундан кечиктирмай нотариусга кўздан кечириш учун кема дафтарини ва капитан томонидан тасдиқланган кема дафтаридан кучирмани тақдим этиши керак.

200. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 86-моддасига мувофиқ денгиз протести тўғрисидаги ариза кема портга келган пайтдан бошлаб 24 соат давомида берилиши керак.

Агар денгиз протести тўғрисида ариза бериш заруратини келтириб чиқарган ҳодиса портда содир бўлган бўлса, протест ҳодиса содир бўлган пайтдан бошлаб 24 соат давомида берилиши зарур.

Протестни белгиланган муддатда беришнинг имкони бўлмаган тақдирда, бунинг сабаблари денгиз протести ҳақидаги аризада курсатилиши керак.

201. Нотариуслар капитаннинг аризаси, кема дафтаридаги маълумотлари, шунингдек капитаннинг ўзини ва кема қўмондонлиги таркибидан камида икки гувоҳни ва кема командаси таркибидан икки гувоҳни сўроқ килиш маълумотлари асосида денгиз протести ҳақида далолатнома тузади ва уни уз имзоси ҳамда гербли муҳр билан тасдиқлайди. Денгиз протести ҳақидаги далолатноманинг бир нусхаси капитанга ёки вакил қилинган шахсга берилади. Унинг капитаннинг аризаси ва кема журналидан кўчирма илова қилинган бошқа нусхаси эса нотариал идорада қолдирилади.

*37-боб*

## Уй-жой очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисида гувоҳномалар бериш

202. Уй-жой иморатини очиқ савдода сотиш ЎзР ФПКнинг 419—429-моддалари асосида амалга оширилади.

Уй-жой очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш чоғида нотариус очиқ савдо тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 426-моддасига мувофиқ судлар томонидан тасдиқланган актнинг нусхасини тақдим этишни талаб қилади.

Гувоҳнома икки нусхада тузилади: уларнинг бири нотариал идорада қолдирилади, иккинчиси эса харидорнинг қўлига берилади. Нотариус унга уй-жой очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ана шу уй жойлашган ердаги ҳокимиятда руйхатдан ўтказилиши кераклигини тушунтиради.

## IV БЎЛИМ

### *38-боб*

### Нотариат тўғрисидаги Қонунни чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланиши

### Чет давлатларнинг қонунларини қўллаш

### Халқаро шартномалар ва битимлар

203. Нотариус Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, халқаро шартномаларга мувофиқ чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллайди.

Нотариус халқаро шартномалар талабларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қилиб олади, шунингдек, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига зид келмаса, уларга бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклда тасдиқловчи устхатлар ёзади.

204. Чет эл фуқароси вафотидан кейин унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қолган мол-мулкини қўриқлаш ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси вафот этганидан кейин чет эл фуқаросига тегишли бўлган мол-мулкни қўриқлаш, шунингдек, бундай мол-мулк хусусида меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳномалар бериш билан боғлиқ ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

205. Нотариус томонидан тасдиқланган, чет элда амал қилишга мўлжалланган, амал қилиш муддати

кўрсатилмаган ишончномалар уларни берган шахс томонидан бекор қилингунга қадар ўз кучида қолади.

206. Давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси билан халқаро шартнома ёки мерос мулкини қўриқлаш тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олувчи битим тузган чет эл давлати фуқароси вафот этганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин (вафот этган шахсни мол-мулки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган тақдирда) тегишли шартнома ёки битимга амал қилган ҳолда ана шу мерос мулкини қўриқлаш юзасидан зарур чораларни кўрадилар, мерос мулкининг миқдори ва қийматини белгилайдилар, меросхўрлар доирасини аниқлайдилар, васиятнома бор-йўқлигини текширадилар, ушбу қўлланманинг 163-бандида белгилаб қўйилган тартибда вафот этган фуқаронинг давлат дипломатик ёки консуллик ваколатхонасига шу ҳақда зудлик билан хабар қиладилар.

Агар халқаро шартномада мулк тўғрисидаги ишни юритиш, вафот этган шахс фуқароси бўлган чет давлатнинг муассасаларининг вазифасига киритилган бўлса, кўчар мерос мол-мулки давлат нотариал идораси томонидан ана шу давлатнинг дипломатик ёки консуллик вакиллигининг талабига мувофиқ унга топширилиши мумкин.

Шартномаларда ишлатилган «кўчириб бўлмайдиган мол-мулк» тушунчаси турли хил иморатларга, қурилма ва автоулов воситаларига, «кўчириб бўладиган мол-мулк» тушунчаси эса — бошқа ҳамма мулкка тааллуқлидир.

207. Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган халқаро шартномаларга мувафиқ чет давлат қонунида кўзда тутилган шакл бўйича тузилган васиятнома васият қилувчи вафот этгандан кейин уни очиш ва эълон қилиш учун нотариал идорага тақдим этилган тақдирда давлат нотариуси васиятноманинг мазмунини эълон қилади, васиятноманинг ҳолати ва мазмуни тўғрисида протокол тузади. Протоколда васиятнома тузилган кун, тақдим этаётган шахснинг номи, ҳужжатнинг ҳолати, унинг муҳрланган ёки очиқ ҳолда тақдим этилганлиги, унда ўчирилган жойлар, тузатишлар ёки бошқа камчиликлар бўлганлиги ёки йўқлиги кўрсатиб ўтилади. Протокол давлат нотариуси ва васиятномани тақдим этган шахс томонидан имзоланади. Ана шу шахслар томонидан васиятноманинг ҳар бир саҳифасига имзо қўйилади. Агар васиятнома нотариусда муҳрланган ҳолда сақланиб келган бўлса, юқорида кўрсатилган барча ҳаракатларни нотариуснинг бир ўзи бажаради.

208. Чет эл маъмурларининг иштироки билан чет элда тузилган ёки улар томонидан берилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси нотариал идоралари Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги органлари томонидан ана шу ҳужжатлар легализация қилинган тақдирда қабул қилинади. Нотариал идоралари шундай ҳужжатларни легализация қилган ҳолда бу нарса Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва халқаро шартномаларида кўзда тутилган тақдирдагина қабул қилинадилар.

Легализация қилинмаган бундай ҳужжатларни нотариал идоралар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикасида иштирок этадиган халқаро шартномаларда кўзда тутилган ҳоллардагина қабул қиладилар (Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 91-моддаси).

209. Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида чет эл адлия идоралари томонидан белгиланган тартибда берилган топшириқларни бажарадилар. Қуйидаги ҳоллар бундан истиснодир:

— топшириқни бажариш Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига зид келадиган ва Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига таҳдид солган тақдирда;

— топшириқни бажариш Ўзбекистон Республикаси нотариал идораларининг ваколат доирасига кирмаган тақдирда.

Чет эл адлия органларининг айрим нотариал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини адо этиш қонунлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқлар билан чет эл адлия идораларига мурожаат қилишлари мумкин.

210. Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг чет эл адлия идоралари билан ўзаро алоқалари тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган халқаро шартномалар ва битимлар билан белгиланади.

Нотариал идоралари ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларда ёки бошқа халқаро шартномалар ва битимларда кўзда тутилган тақдирда бевосита консуллик ҳудуди ана шу давлат нотариал идоралари хизмат фаолияти ҳудуди билан боғлиқ бўлган тақдирда амалга оширилади. Бундан бошқа ҳолларда нотариал идорала-

рининг консуллик ва дипломатик ваколатхоналар билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали амалга оширилади.

211. Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари чет давлатлари органларида иш юритиш учун талаб қилинадиган далил-исботлар билан таъминлайдилар.

Далиллар билан таъминлаш ҳаракатларини бажариш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

212. Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган шартнома ва битимлар нотариал ҳаракатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилганидан бошқа қоидалар белгиланган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида халқаро шартнома ёки битимнинг қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 93-моддасига мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикаси қатнашаётган халқаро шартнома ёки битимда давлат нотариал идоралари ваколати назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилмаган нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил «28» апрелдаги 33/1 қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Ўзбекистон Республикаси Давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг иш юритиш тартиби ҳақида

# ҚЎЛЛАНМА

## I. Умумий қоидалар

1. 1. Нотариусларнинг жисмоний ва юридик шахсларга тез ва аниқ-равшан хизмат кўрсатиши ҳужжатларни сифатли расмийлаштириши нотариусларнинг иш юритишни тўғри йўлга қўйишига боғлиқдир.

1. 2. Ушбу Қўлланма билан барча нотариал идораларда иш юритишнинг ягона тартиби ўрнатилади.

1. 3. Ушбу Қулланма нотариал идоралар иш тажрибаси ва бошқарув ҳужжатларини юритиш талаблари асосида тузилди.

1. 4. Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни (бундан кейин Нотариат тўғрисидаги Қонун)га асосан нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Бинобарин нотариал идораларда иш юритиш ҳам давлат тилида бўлади. Фуқароларнинг талабига кўра нотариус ёки нотариал ҳаракатларни бажарувчи шахс томонидан расмийлаштирилаётган ҳужжат матни рус ёки имконият бўлганда бошқа мақбул бўлган тилда берилади.

1. 5. Нотариал идорада иш юритиш ва иш юритишни тўғри ташкил қилиш учун нотариал идорага раҳбарлик қилувчи нотариус жавобгардир.

1. 6. Бир неча нотариус фаолият кўрсатаётган нотариал идораларда иш юритиш ва ҳужжатгоҳ ишларини олиб бориш катта нотариуснинг буйруғи (фармойиши) билан ходимлардан бирига юклатилади.

Иш юритиш ва ҳужжатгоҳ ишларини олиб бориш юклатилган нотариус ёки бошқа мансабдор шахс ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга кўчирилганда иш юритиш

йиғма жилдлари ва ҳужжатлар янгидан тайинланган шахсга топшириш ва қабул килиб олиш далолатномаси билан топширилади.

1. 7. Мазкур Қўлланмадан ташқари:

— нотариал гувоҳномаларни ва гувоҳлантирувчи ёзувларни тузиш тартиби, нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш учун реестрлар, шунингдек нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа китобларни юритиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги 33/1-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги қўлланма билан тартибга солинади;

— нотариуслар депозитига тушган пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган «Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан депозит операцияларини ҳисобга олиш тартиби ҳақидаги Қўлланма» асосида амалга оширилади.

1. 8. Нотариал идораларда ҳужжатларни ҳисобга олиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш учун қуйидаги китоблар ва журналлар юритилиши лозим:

а) хат-хабарларнинг кириш журнали (№ 1-илова);

б) хат-хабарларнинг чиқиш журнали (№ 2-илова);

## II. Хизмат ҳужжатларини тайёрлаш

2. 1. Нотариал гувоҳномалар, нотариал тартибда тасдиқланадиган битимлар, нотариал тасдиқланиши ёки шаҳодатлантирилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатларнинг матни, уларда тасдиқловчи ёки шаҳодатлантирувчи ёзувлар «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Қўлланма»да баён этилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда ёзилиши керак.

2. 2. Чет элларда ҳаракат қилиш учун мўлжалланган ҳужжатлар Адлия вазирлигининг йўриқнома хатида баён қилинган кўрсатмаларга мувофиқ расмийлаштирилади.

2. 3. Ташкилий-фармойиш бериш мазмунидаги ҳуж-

жатларда ҳужжатнинг номи ва тури, муаллифнинг, ташкилотнинг номи (қоида бўйича ҳужжат бланкасида кўрсатилади) кўрсатилиши керак. Ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштиришда шунингдек, ҳужжатларга саналар қўйиш ва гувоҳлантириш, уларнинг келиб тушиши ва бажарилиши тўғрисида белгилар қўйиш, уларни тегишли манзилларга жўнатилишида маълум қоидалар талабларига риоя қилиниши лозим.

2. 4. Ҳужжат турининг номи (буйруқ, маълумотнома, ҳисобот ва бошқа) ҳар бир ҳужжатда (хатдан ташқари) кўрсатилиши керак.

2. 5. Ҳар қандай А4 (210—297) форматдаги ҳужжатга у қаерга юборилишидан қатъи назар сарлавҳа тузилиши керак.

Сарлавҳа тузувчи, сарлавҳада ҳужжатнинг мазмунини жуда ҳам қисқа ва аниқ ифодалашини таъминлаши лозим.

Хабарнома ва телефонограммага сарлавҳа қўйилмайди.

2. 6. Ҳужжатга манзилни ёзишда қуйидаги қоидаларга риоя этилиши керак:

— ҳужжат муассасага, унинг бўлимига ёки аниқ мансабдор шахсга йўлланиши;

— муассаса ва унинг бўлими номи бош келишикда кўрсатилиши керак;

— ҳужжат жўнатилаётган муассасанинг номидан сўнг у жойлашган манзил тўлиқ кўрсатилади;

— ҳужжат фуқароларга жўнатилаётганда аввал манзили, кейин фамилияси ва исми кўрсатилади;

2. 7. Ҳужжат санаси — кун ва йил рақам билан, ой ҳарфлар билан (20 январ 1997 йил) ёки уч жуфт араб рақамлари (10.02.97) билан кўрсатилади.

Агар ҳужжат махсус иш қоғозида (бланкада) тузилмаса сана имзодан пастда ҳужжатнинг чап томонида ёзилади.

2. 8. Имзо таркибига: имзо қўювчи шахснинг мансаби, шахсий имзоси ва насаби, исми, ота исмининг бош ҳарфлари (давлат катта нотариуси (имзо) Н. А. Восиқов) киради.

Комиссия томонидан тузилган ҳужжатларни имзолашда, ҳужжат тузган шахсларнинг мансаби эмас, комиссия таркибида вазифаларнинг бўлиниши бўйича (комиссия раиси, комиссия аъзолари) кўрсатилади.

2. 9. Ҳужжатга илова ҳужжат матнидан сўнг ҳар бир илованинг неча варақдан ва нусхадан иборат эканлигини ёзилган ҳолда кўрсатилади.

Агар ҳужжат матнида илова борлиги таъкидлаб утилган бўлса, иловада варақларнинг ва нусхаларнинг сони курсатилади.

2. 10. Сўровномага жавоб беришда сўровнома рақами курсатилиши лозим.

## III. Ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш

3. 1. Нотариал идорада ижро килиниши лозим бўлган барча ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилиши керак (шунингдек аризалар ҳам). Нотариал идора фаолияти билан алоқадор бўлмай, ташкилот номига келган хатлар, шахсий ёзишмалар, йиғилишлар тўғрисидаги хабарномалар, табрикномалар, таклифномалар ва шунга ўхшаш ёзишмалар рўйхатдан утказилмайди.

3. 2. Нотариал идораларга хат-хабарларни қабул қилишда улар кўриб чиқилиб, нотўғри келган хат-хабарлар ажратилиб, хат-хабарларни бузилмаганлиги текширилади. Нотўғри жўнатилган хат-хабарлар тегишли жойга жўнатиб юборилади.

Агар бирор ҳужжат ёки унга илова йуқлиги аниқланса, жунатувчига хабар берилади.

Ташкилот номига жўнатилган шахсий ёзишмалар ва хатлардан бошқа барча конвертлар очилади. Қоида бўйича конвертлар жўнатувчининг манзилини, шунингдек жўнатиш вақтини ва хат олинган вактини аниқлаш шарт бўлган ҳоллардан ташқари барча вақтда йўқ қилинади.

3. 3. Кирим қилинган барча ҳужжатларнинг биринчи бети пастки ўнг бурчагига ҳужжатнинг нотариал идорага келиб тушган факти ва вақтини кўрсатувчи рўйхатга олинганлик ҳакидаги штамп (3-илова) қўйилади. Ҳужжатнинг келиб тушган санасининг қўйилиши унинг рўйхатга олиниши деб ҳисобланмайди.

3. 4. Рўйхатга олинмайдиган ҳужжатлар, шу жумладан ташкилот номига йўлланган ва «шахсан» белгиси бўлган ҳужжатлар тегишлилигига қараб берилади.

3. 5. Рўйхатга олиниши лозим бўлган ҳужжатлар кириш ёки чиқиш журналида қайд этилади (1,2-иловалар). Бу ҳужжатларнинг ҳар бирига тушган санадан ташқари шунингдек уни журналда рўйхатдан ўтказилиш тартиб рақами, ҳужжат тўпланадиган (тикиладиган) йиғма жилд (наряд)сони қўйилади.

3. 6. Мерос қабул қилиш, мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш, меросни рад этиш, меросдан воз кечиш, мерос мулки ҳисобидан харажатларни тўлаш, мерос мулкини қўриқлаш чораларини кўриш, кредиторларга талаб билдириш, уй-жойларни бошқага ўтказишга тақиқ қўйилганлиги ҳақидаги хабарлар, турар жойга арест солинганлиги тўғрисидаги суд ва тергов органлари хабарлари, агар улар почта орқали тушган бўлса ёзишмаларни кирим журналида қайд этилади ва нотариусга ижро этишлик учун берилади. Шундан кейин улар «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи» нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қўлланмада белгиланган тартибда навбатдаги рўйхатдан ўтказилиши лозим.

3. 7. Фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятлари барча бошқа ёзишмалар каби ёзишмаларнинг кирим журналида қайд этилади ва ижро этилганидан кейин нотариал идораларнинг номенклатурасида кўрсатилган йиғмажилд (наряд)га тикилади.

3. 8. Рўйхатга олинган ҳужжат у келиб тушган куни нотариал идорага раҳбарлик қилувчи нотариус ёки нотариус томонидан дастлаб кўриб чиқилиши ва алоҳида ҳолатларда эртаси куни кўрилиши лозим.

3. 9. Ҳужжатни кўриб чиққан нотариус уни ижро этиш тартиби ва муддати тўғрисидаги масалани ҳал қилади (ҳужжатни нотариал идора иш юритувига қабул қилади, хат муаллифига мазмунан жавоб берилади ва ҳакозолар).

3. 10. Ҳужжат ундаги кўрсатилган барча масалалар ҳал қилинганда, агар лозим бўлса хат муаллифига жавоб берилганда ижро этилган деб ҳисобланади. Ижро этилган ҳужжатга ижро этилганлиги ва уни йиғмажилд (наряд)га тикиш ҳақида белги қўйилади.

Ижро ҳақидаги белги ҳужжатнинг биринчи варағининг пастки қисмига ёки жой бўлмаганда ҳужжатнинг биринчи варағи орқа томонига жойлаштирилади ва ижро ҳақидаги маълумотни ўзида акс эттиради (агар ижро ҳақида далолат берувчи ҳужжат бўлмаса) шунингдек «йиғмажилдга» деган сўз ва ижро этилган ҳужжат тикилиши лозим бўлган йигмажилд (наряд)нинг рақами ёзиб қўйилади.

3. 11. Чиқарилаётган ҳужжатлар ёзишмаларнинг чиқиш журналида рўйхатдан ўтказилади (илова 2). Чиқарилаётган ҳужжатга ёзишмаларнинг чиқиш журнали бўйича тегишли тартиб рақами ва чиқаётган ҳужжатнинг нусхаси сақланадиган йиғмажилднинг сони қўйилади.

3. 12. Ёзишмалар тегишли жойларга почта ёки хат-ҳужжат ташувчи ходим орқали юборилади. Улар тегишли шахсларга тарқатиш китобига имзо чекиш асосида топширилади (илова 2).

3. 13. Ҳужжатларнинг нусхаларини бериш Ўзбекистон Республикасида Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Қўлланма асосида бажарилади.

## IV. Ҳужжатлар ижроси устидан назорат

4. 1. Ҳужжатларнинг ижро муддати ва сифати, ундаги топшириқлар назоратини нотариал идорани бошқарувчи нотариус ёки нотариус амалга оширади.

4. 2. Ҳокимият ва бошқарув органларидан, газета ва журналлар муҳарририятларидан радио ва телевидениядан, Адлия органларидан, Олий Мажлис депутатларидан, маҳаллий ҳокимият органларидан, кўриб чиқилганлик натижаси ҳақида хабар беришлик кўрсатилиб (илтимос қилиниб) юборилган ҳужжатлар албатта назоратга олинади.

Нотариал идорани бошқарувчи нотариус ёки нотариус томонидан бошқа ҳужжатларга ҳам назорат ўрнатилиши мумкин.

4. 3. Ҳужжатларнинг ижроси бўйича назорат карточкаларда ёки махсус назорат папкалари ёрдамида олиб борилиши мумкин.

## V. Номенклатуралар тузиш ва ишларни (нарядларни) ташкил қилиш

5. 1. Ишлар (нарядлар) номенклатураси ушбу Қўлланмага илова қилинган номенклатуралар намунаси асосида тузилади (4-илова) ва ГОСТ 6 38—72 ва 6. 39—72 асосида расмийлаштирилади (5-илова).

Номенклатураларга нотариал идораларда юритиладиган барча ишлар (нарядлар) шунингдек реестрлар, китоблар, журналлар киритилиши керак.

5. 2. Номенклатура нотариал идорани бошқарувчи нотариус ёки нотариус томонидан тасдиқланади ва туман (шаҳар) архив муассасалари билан келишилади.

Ҳаракатдаги номенклатура ҳар йилнинг охирида аниқланади ва келгуси йилнинг 1 январидан яна ҳаракатга киритилади.

Агар йил давомида нотариал идораларда иш (нарядлар)лар номенклатурасида кўрсатилмаганларни юритиш зарурати пайдо бўлса, улар қўшимча равишда номенклатурага киритилади.

Бунинг учун номенклатурада резерв сонлар кўзда тутилади.

5. 3. Йил якуни бўйича номенклатура охирига юритилган ишлар (нарядлар) сони ҳақида якуний ёзув ёзилади.

Ишлар (нарядлар) номенклатурасининг ушбу нусхаси вақтинчалик сақланадиган ишлар учун ҳисоб-китоб ҳужжати ҳисобланади ва нотариал идоранинг архивида доимий сақланади.

5. 4. Нотариал идораларида мавжуд бўлган барча ҳужжатлар ижро этилганидан кейин ишларга (нарядларга) гуруҳлаштирилади.

5. 5. Бошқа ҳужжатлардан фарқли равишда меросни қабул қилиш ҳақида ёки меросдан воз кечиш ҳақидаги аризалар, мерос ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳномани бериш тўғрисида мерос мулки ҳисобидан харажатларни тўлаш тўғрисида, мерос мулкини қўриқлаш чораларини кўриш ҳақидаги аризалар, шунингдек кредиторларнинг талабномалари алоҳида мерос ишлари шаклига келтирилади, уларнинг ҳар бири алоҳида индекс олади, тегишли ишлар номенклатурасига киритилади, шундан сўнг мерос ишларини рўйхатга олиш китоби (6-илова)да қайд этилади ва унга шу китобдаги тегишли тартиб рақами берилади.

Мерос ишлари (наряди)га мазкур ариза бўйича меросни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар тикиб қўйилади.

Агар мерос ишини расмийлаштириш жорий йилда тугалланмаса, у кейинги йилга шу мазкур рақам билан ўтади ва у қайта рўйхатга олинмайди.

5. 6. Йиғма жилд (наряд)га иш юритишнинг бир йилига оид ҳужжатларни жамлаш лозим. Йиғма жилд (наряд) ичида ҳужжатлар хронологик тартибда систематизацияланади, чунончи жавоб ҳужжати, сўров ҳужжатидан сўнг жойлаштирилиши керак.

5. 7. Йиллик режалар ва ҳисоботлар қачон тузилганлигидан қатъи назар мазмунан қайси йилга тааллуқли бўлса, ўша йилнинг нарядига жойлаштирилади.

5. 8. Йиғма жилдга унга алоқадор бўлмаган ҳужжатлар, шунингдек, ҳужжат лойиҳалари ва қорамаларини қўшиб қўйишга йўл қўйилмайди.

## VI. Ҳужжатларнинг нотариал идорада сақланиши ва уларни келгусида давлат архивида сақлаш учун топширишга тайёрлаш

6. 1. Нотариал ҳужжатлар (гувоҳномалар, шартномалар, ишончномалар ва бошқалар), нотариал ҳаракатларни бажаришга асос бўлган ҳужжатлар, шунингдек, реестрлар ва рўйхатга олиш китоблари давлат архивига топширилишига қадар 10 йил давомида давлат нотариал идорасида сақланади.

6. 2. Жорий иш юритиш реестрлари, мерос ишлари, нарядлари ва тугалланган ишлар ҳужжатгоҳга топширилишига ёки йўқ қилинишига қадар ҳужжатларни чангдан, қуёш нури таъсиридан сақлайдиган ва яхши сақланишини таъминлайдиган ёпиладиган шкафларда сақланиши керак.

6. 3. Наряддан бирон-бир ҳужжат олиш ва беришга йўл қўйилмайди.

Истисно тариқасида (суд, прокуратура, тергов ва суриштирув идораларининг талабига кўра улардаги жиноий ёки фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ равишда) УзР ЖПКнинг 157—168-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда олиниши керак бўлган ҳужжатларнинг албатта нотариал гувоҳлантирилган нусхаси тузилиб, суд сўровномаси ёки ҳужжатни олиш тўғрисидаги баённома ишга тикилган ҳолда ҳужжатларни олишга йўл қўйилади.

6. 4. Бажарилган нотариал ҳаракатлар тўғрисида маълумотномалар ва ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 6-моддаси талабига риоя қилинган ҳолда берилади.

6. 5. Йил тугаши билан нотариал идорада иш юритиш учун жавоб берадиган мансабдор шахс томонидан ишларни ҳужжатгоҳда сақлашга тайёрланади: ишдаги ҳужжатлар систематизациялаштирилади (зарур бўлганда, қайта шакллантирилади), йиғма жилд (наряд)лар расмийлаштирилади, доимий равишда ва узоқ сақланадиган ишлар мустаҳкам қилиб муқоваланади, ҳужжатлар тахланиб, мустаҳкам ип билан (3—4 жойдан тешиб) тикилади.

6. 6. Йиғмажилд охирида алоҳида тоза варaққа қуйидаги шаклда ёзув ёзиб қўйилади: «Йиғма жилдда (нарядда) 5 та варақ тикилган ва бойланган. Ҳужжатгоҳ учун жавобгар шахслар — имзо, сана.»

6. 7. Йиғмажилд муқовалари 7-иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

Ишдаги (наряд) варақлар сони гувоҳлантирувчи ёзувдаги маълумотлар асосан рақамларда кўрсатилади.

Доимий равишда сақланадиган нарядлар (иш) муқоваларидаги ёзувлар аниқ, ёруғликка чидамли сиёх ёки туш билан ёзилиши лозим.

6. 8. Доимий сақланувчи ишларга рўйхат тузилади. Рўйхат йиллик бўлимлардан тузилган бўлиб, уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисида зарур маълумотларни ўз ичига олган ҳолда нарядлар сарлавҳалари рўйхатини ифодалайди.

Рўйхат 8 ва 9-иловада берилган шаклда 4 нусхада тузилади, 5-рақамигача юритилиб, тегишли ҳужжатгоҳ муассасаси билан келишилган ҳолда тугатилади.

6. 9. Ҳужжатларни сақлашга тайёргарлик кўриш билан бир вақтда йўқ қилиниши керак бўлган ҳужжатлар ажратиб олинади.

Йўқ қилиниш учун ҳужжатлар танлаб олиниши далолатнома билан расмийлаштирилади (илова 10).

6. 10. Ҳужжатларни бундан кейин давлат ҳужжатгоҳида сақлаш учун тайёрлаш кўриш жараёнида илмий ва тажрибавий қимматга эга бўлган ҳужжатлар экспертиза қилинади ва уларни бундан буёнига асраш ёки йўқ қилиш масаласи ҳал этилади.

Ҳужжатлар қимматлилигини экспертиза қилиш ва ҳужжатгоҳга материалларни сақлаш учун ёки йўқ қилиниши учун танлаб олиш Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти Адлия бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан уч кишидан иборат бўлган эксперт комиссияси томонидан амалга оширилади.

6. 11. Эксперт комиссияси ўзи хакидаги Низомга асосан ўз ишини ташкиллаштиради. Ҳужжатларни давлат ҳужжатгоҳида доимий сақлаш ёки йўқ қилиниши учун танлаб олишда эксперт комиссияси амалдаги қоидалар, Бош архив бошқармасининг ишларнинг номенклатураси ва руйхатлари ҳамда ҳужжатлар билан ишлашни ташкиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли кўрсатмаларига амал қилади.

6. 12. Тасдиқланган рўйхатга мувофиқ нотариал идора белгиланган муддатда рўйхатда кўрсатилган барча йиғмажилдлар (наряд)ни давлат ҳужжатгоҳига топшириши керак.

6. 13. Архив муассасаси томонидан доимий равишда

сақланадиган ишларнинг рўйхати тасдиқланганидан сўнг ҳужжатларни йўқ қилиш амалга оширилади.

6. 14. Давлат архивига топширилиши керак бўлган наряд (йиғмажилд)ни расмийлаштириш бўйича барча ноаниқ масалалар юзасидан тегишли архив ходимлари билан маслаҳатлашиши лозим.

*1-илова.* 1. 8. 3. 5.-бандларга

## Ёзишмаларнинг кирим дафтари

| Тартиб рақами | Ҳужжат келган сана ва рақами | Ҳужжат қаер-дан келган | Қисқа мазму-ни | Ижро ҳақида белги | Ҳуж-жат тикил-ган йиғма-жилд рақами | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |

*2-илова.* 1. 8., 3. 11.-бандларга

## Ёзишмаларнинг чиқиш дафтари

| Тартиб рақами | Ҳужжат-нинг чиқиш санаси ва рақами | Ҳужжат кимга йўлланган | Қисқа мазмуни | Ижро-си ҳақида белги | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |

*3-илова.* 3. 3-бандга

## Рўйхатга олинганлик штампи

| |
|---|
| Нотариал идора |
| сана |
| индекс |

*4-илова.* 5. 1.-бандга

## Давлат нотариал идоралари йиғмажилд (наряд)ларининг тахминий номенклатураси

1. Иш юритиш, йиғилиш баённомалари, буйруқлар ва бошқа маъмурий-хўжалик масалалари.

1—1. Юқори турувчи ташкилотларнинг буйруқ ва кўрсатмалари.

1—2. Иш режалари ва уларнинг бажарилиши ҳақида маълумотномалар.

1—3. Статистик ҳисобот ва нотариал идоранинг ишлари ҳақидаги тушунтириш хатлари. Нотариал идорани текшириш натижалари ҳақидаги маълумотнома ва далолатномалари. Фуқаролар йиғинларига методик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги маълумотномалар.

1—4. Муассаса ва ташкилотлар билан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масаласи бўйича ёзишмалар. Нотариал идора ишларини ташкил қилиш бўйича аризалар, таклифлар ва уларга берилган жавоблар.

1—5. Нотариал идораларнинг молиявий хўжалик фаолияти ҳужжатлари.

1—6. Нотариал идора ишларининг номенклатураси.

1—7. Ҳужжатгоҳга топширилган ҳужжатларнинг руйхати.

1—8. Хат-хабарлар кирим дафтари.

1—9. Хат-хабарлар чиқиш дафтари.

1—10. Нотариал ҳаракатларни уйда бажариш учун нотариусларни чақириш ва иш вақтида ходимларни хизмат юзасидан четга чиқишини ҳисобга олиш дафтари.

2. Нотариал ҳаракатларни турлари бўйича

2—1. Шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер участкаларини бериш ҳақида шартномалар.

2—2. Корхона, турар-жой ва бошқа кўчмас мулкларни тасарруф этиш шартномалари.

2—3. Гаров шартномалари, уларни гувоҳлантириш учун асос бўлган ҳужжатлар.

2—4. А/М воситалари ва мотоциклларни тасарруф этиш шартномалари.

2—5. Турар-жойни, корхона ва бошқа кўчмас мулкни тасарруфдан чиқаришга тақиқ қўйиш ва тақиқни олиб ташлаш бўйича фармойиш (арест).

2—6. Бошқа шартномалар.

2—7. Ишончномалар.

2—8. Нотариал тасдиқланган васиятномалар ва Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалар.

2—9. Мерос ишлари.

2—10. Эр-хотиннинг умумий мулкдаги ҳиссасига бўлган эгалик ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳномалар.*

2—11. Шахсни тирик ва маълум жойда эканлиги, фуқарони суратда тасвирланган шахсга ўхшашлиги фактларини тасдиқлаш тўғрисидаги, ҳужжатларни сақлашга олиш ҳақидаги гувоҳномалар.

2—12. Ҳужжатларни тақдим этиш вақтини тасдиқлаш бўйича ҳужжатлар.

2—13. Фуқароларнинг, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг аризаларини бошқа фуқароларга, муассаса, корхона ва ташкилотларга бериш бўйича ҳужжатлар.

2—14. Депозит операцияларни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар.

2—15. Ижро ёзувлари билан бирга унга тегишли бўлган ҳужжатлар.

2—16. Денгиз протестлари ҳақидаги актлар.

2—17. Векселни протест қилиш ҳақидаги актлар.

### 3. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатлар.

3—1. Мерос мулкини қўриқлаш чораларини кўриш бўйича аризалар.

3—2. Жамғарма банк бошқармаси ва жамғарма банклари билан омонатлар масалалари бўйича ёзишмалар. Муассасалар ва фуқаролар билан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича ёзишмалар.

3—3. Нотариал ҳаракатни бажаришни рад этиш ҳақидаги қарорлар.

3—4. Ҳужжатларни экспертизага жўнатиш ҳақида қарорлар.

3—5. Нотариал идорада сақланаётган ҳужжатлардан дубликат бериш ва реестрлардан кўчирма бериш ҳақида аризалар.

3—6. Нотариал ҳаракатларини рўйхатга олиш учун реестрлар.

3—7. Мол-мулкни ўзгага ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилишни шу жумладан суд ва тергов органлари томонидан мулкларга қўйилган тақиқ ва арестни рўйхатга олиш учун махсус реестр китоби.

---

* Эр-хотиннинг умумий мулкдаги ҳиссага бўлган мулкка эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома нотариал идорада мерос иши очилиши билан боғлиқ равишда тирик қолган эр (ёки хотин)га берилган бўлса у мерос ишига тикиб қўйилади.

3—8. Мерос ишларини рақамлар бўйича ҳисобга олиш китоби.

3—9. Мерос ишларини ҳисобга олиш алифбо китоби.

3—10. Васиятномаларни ҳисобга олиш алифбо китоби.

3—11. Мол-мулкни ўзгага ўтказишни ва мол-мулкка тақиқ қўйиш ва тақиқни бекор қилишни ҳисобга олиш алифбо китоби.

3—12. Мерос мулкини қўриқлаш бўйича чоралар кўриш аризаларини ҳисобга олиш китоби.

3—13. Мерос мулкини қўриқлаш чораларини кўришда қийматли нарсаларни ҳисобга олиш китоби.

*5-илова.* 5. 1-бандга

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

_______________________________ нотариал идора

(номи)

ИШ НОМЕНКЛАТУРАСИ

Сана 19 ___ йилга индекс

| Иш индекси | Ишнинг номланиши | Ишнинг сони | Сақлаш муддатлари ва рўйхат бўйича рақамлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |
| | | | | |

Юритилган ишларнинг миқдори ва турлари ҳақидаги жамловчи ёзув

| Сақлаш муддати бўйича | Жами | Шу жумладан муддати ўтган |
|---|---|---|

Доимий

Вақтинча (10 йилдан ортиқ)

Вақтинча (10 йилгача)

жами

Имзо

Архив муассасаси билан келишилганлиги ҳақида белги (тамға)

*6-илова.* 5. 5-бандга

Мерос ишларини рўйхатга олиш китоби

| Ишнинг тартиб рақами | Ариза тушган сана | Марҳумнинг ф. о. и. | Ўлган вақти | Аризачининг ф. о. и. | Мерос ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома берилган сана | Ҳисобдан чиқариш санаси | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |

*7-илова.* 6. 7-бандга

____________________ = фонд
____________________ = рўйхат
____________________ = иш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
______________________________ нотариал идораси
Иш № __________ ____________ жилд

________________________________________________

Ишнинг номланиши

_____________ йил
_____________ варақда
_____________ сақланади

_______________ = фонд
_______________ = рўйхат
_______________ = иш

*8-илова.* 6. 8-бандга

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
__________________________________ нотариал идораси
Фонд ________________________________
(ҳужжатгоҳда тўлдирилади)
Рўйхат рақами __________________________
доимий сақлаш ишлари
____________________________ йиллар учун

Рўйхат сарлавҳа варағи

*9-илова.* 6. 8-бандга

«Тасдиқланган»
ЭПК баённомаси __________________
________

ҳужжатгоҳ номи
«____» _________________ 199___ йил
№ ______________

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
_______________________________ нотариал идораси

__________________ = руйхат
Доимий сақланадиган ишлар
199 _______ йил учун

| Тартиб рақами | Ишнинг индекси | Ишнинг сарлавҳаси | Сана-лар | Варақлар сони | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |

Ушбу булимга киритилган ____________________ ишлар
(рақамлар билан)
__________ дан ____________ гача
_____________________________________________________
(тузувчининг лавозими, фамилияси, исми,. ота исми)
__________________ йил учун руйхат булимига якуний ёзувни тасдиқлайман:
Имзо ______________________________
(иш юритиш учун жавобгар шахснинг
______________________________
лавозими, фамилияси, исми, ота исми)
______________________________
Эксперт комиссияси раисининг имзоси
«___»_______________19 ____ йил

Келишилган:
_______________
Нотариус
Йиллик руйхат булими шакли

*10-илова.* 6. 9-бандга
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

________________________________
нотариал идора номи

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
____________________
Нотариуснинг Ф. И.О.
Имзоси
Санаси

ҲУЖЖАТЛАРНИ ВА ИШЛАРНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ ХАҚИДА

ДАЛОЛАТНОМА

«___»____________ 19 ___ й. Индекс __________

______________________________________________
(тузилган жойи)

Асос: Буйруқ № _______ «___» __________ 199 ____ йил
Тузилган: Эксперт комиссияси томонидан
Комиссия раиси _________________________
(лавозими, фамилияси, исми)
Комиссия аъзолари ______________________
(лавозими, фамилияси, исми)
_________________________
Иштирок этганлар ________________________
(лавозими, фамилияси, исми)
_________________________
Комиссия ____________ рўйхатни раҳбарлик-
(рўйхатнинг номи)
ка олиб, амалий аҳамияти ва илмий-тарихий қимматини йўқотган ҳужжатлар ва ишларни йўқ қилишга ажратди:

______________________________________________
(келгусида сақлаш учун яроқсиз бўлган ҳужжатлар йиғилиб қолган нотариал идорасининг номи)

давоми

| Тартиб рақами | Иш ва ҳужжатнинг йили | Ҳужжат ва ишнинг сарлавҳаси, номенклатура бўйича индекси, рўйхати | Тушунтириш | Ҳужжатлар ва ишларнинг сони (жилд) | Рўйхат бўйича моддалар рўйхати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |

Жами ишлар ______________________________

(рақамлар ва сўзлар билан)

Эксперт комиссиясининг раиси

Имзо ______________________________

(фамилияси, исми, ота исми)

Аъзолар: Имзолар ______________________________

(фамилияси, исми, ота исми)

---

Ҳужжатлар йўқ қилиш учун қабул қилиш ва топшириш далолатномаси бўйича қайта «___» ________________
19 ____ йилда ишлаб чиқаришга топширилди.

Эксперт комиссияси раиси
«___»____________ 19 ____ йил Имзо

## Нотариал идораларда юритиладиган баъзи китоблардан намуналар

### МЕРОС ИШЛАРИНИНГ АЛИФБО ТАРТИБИДАГИ КИТОБИ

| Марҳумнинг фамилияси, исми, *ота исми* | Ўлган санаси | Мерос ишининг рақами | (Алифбо *тартиби* бўйича кўрсатилади) |
|---|---|---|---|
| | | | А<br>Б<br>В |

## ВАСИЯТНОМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ АЛИФБО ТАРТИБИДАГИ КИТОБИ

| Васият қилувчининг фамилияси, исми, ота исми | Васиятнома тасдиқланган сана | Реестрга қайд этилган рақами | Васиятнома бекор қилинганлиги ҳақидаги белги | (Алифбо тартиби бўйича) |
|---|---|---|---|---|
| | | | | А |
| | | | | Б |

## ТУРАР ЖОЙЛАРНИ ТАСАРРУФДАН ЧИҚАРИШНИ ТАҚИҚЛАШ ВА АРЕСТ СОЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ АЛИФБО ТАРТИБИДАГИ КИТОБИ

| Уй эгасининг фамилияси, исми, ота исми | Реестрга қайд этилган рақами | Тақиқ (арест) солинган ёки олинганлиги ҳақидаги белги | (Алифбо тартиби бўйича) |
|---|---|---|---|
| | | | А<br>Б<br>В<br>Г |

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳайъатининг
1997 йил 28 апрелдаги
33/1-қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

Ўзбекистон Республикаси шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги

# ҚЎЛЛАНМА

Ушбу қулланма Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик Кодексига асосан ишлаб чиқилди.

## I БЎЛИМ

### Умумий қоидалар

1. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддасига асосан, аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари, оқсоқоллари қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1) васиятномаларни тасдиқлайди;

2) ишончномаларни тасдиқлайди, автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

3) мерос мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;

4) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно;

5) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

2. Фуқаролар йиғини раислари нотариал ҳаракатларни амалга ошириш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Нотариат тўғрисидаги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларига

ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларга амал қиладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари нотариал ҳаракатларни бажариш юзасидан фуқаролар йиғини раисларига услубий раҳбарлик қиладилар.

Фуқаролар йиғинлари раисларининг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби ушбу Қўлланмада, Нотариат тўғрисидаги Қонунда ва бошқа Қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан нотариал расмийлаштирилаётган ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Давлат герби акс эттирилган, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йигинларининг номлари қайд этилган муҳр босилади (қўйилади).

3. Фуқаролар йиғинлари раисларининг, шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам, ошкор қилиш тақиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар, (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириги билан амалга оширилган бўлса ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг ёзма талабига биноан юритаётган ишлар бўйича берилади.

Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар Қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш юклатилган фуқаролар йигинлари раислари нотариал ҳаракатни расмийлаштириш учун мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши; уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши; юридик жиҳатдан бехабарлик жисмоний ва юридик шахслар зарарига фойдаланилмаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари

ҳақида уларни огоҳлантириши; Қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши; нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлиги аниқланган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокуратурага бу ҳақда хабар қилиши; зарур ҳолларда фуқаролар йигини раислари нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида мурожаат қилган шахсларнинг илтимосига мувофиқ ҳужжатлар лойиҳаларини тузишлари ва улардан кўчирмаларни тайёрлашлари, ҳужжатлардан нусхалар тайёрлашлари, шунингдек нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришлари керак.

5. Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади.

Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига асосан фуқаролар йиғини раислари томонидан рус тилида ёхуд имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

## II Б Ў Л И М

### Нотариал ҳаракатларни амалға оширишнинг асосий қоидалари

6. Нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларда нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғини раислари томонидан амалга оширилади.

7. Нотариал ҳаракатлар фуқаролар йигини биносида амалга оширилади. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра фуқаролар йиғини раиси ҳузурига бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Агар нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғини биносидан ташқарида бажарилса, ҳужжатнинг гувоҳлантирувчи ёзувида ва нотариал ҳаракатларни қайд этиш реестрида нотариал ҳаракат амалга оширилган жой ёзилади ва манзилгоҳи кўрсатилади (масалан: васиятнома қуйидаги манзилда: Яллама қишлоғи, Навоий кўчасидаги 15-уйда расмийлаштирилди).

8. Нотариал ҳаракатлар давлат божи тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

9. Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қушимча маълумотларни талаб қилиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарурати бўлганда кечиктирилиши мумкин, шунингдек фуқаролар йиғини раисларида мурожаат этувчининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёхуд шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб, ёки спиртли ичимликларни ёхуд наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди, деб ҳисоблаш учун асоси бўлган, лекин шу фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилгани тўғрисида суднинг қарори бўлмаган тақдирда кечиктириши мумкин.

Фукаролар йиғини раислари зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фукаролик-процессуал кодексининг 291-моддасига асосан шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Бундай ҳолда фуқаролар йиғини раиси бу иш судда кўриб чиқилишигача нотариал ҳаракатни амалга оширишни тўхтатиб туради.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлгунига қадар тўхтатиб турилади.

10. Фуқаролар йиғини раислари нотариал ҳаракатни амалга ошириш вақтида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг шахсини аниқлайдилар. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг шахси уларнинг паспортига асосан аниқланади. Ҳужжатлардан нусхалар ва уларнинг кўчирмаларини тасдиқлашда шахсини фуқароларнинг шахсини белгиловчи ҳужжатига асосан аниқлаши мумкин.

16 ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг шахси уларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилари) паспортидаги ёзувларга ёки туғилиш гувоҳномаларига асосан аниқланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг шахси ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан берилган шахсий гувоҳнома ёки ҳарбий билет асосида аниқланади.

Чет элда доимий яшовчи, вақтинча яшаш учун Ўзбекистонга келган фуқароларнинг шахси уларнинг

умумфуқаролик чет эл паспортига асосан аниқланади. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларнинг шахси Ўзбекистон ҳудудида яшашга берилган ҳужжатга ёки ички ишлар бўлимида қайддан ўтганлиги тўғрисида белги қўйилган миллий паспортига биноан аниқланади.

11. Ариза ва бошқа ҳужжатлардаги имзо фуқаролар йиғини раислари ҳузурида қўйилади.

Агар фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра нотариал тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса, бу ҳужжатларни унинг топшириғига кўра, унинг ўзи ва фуқаролар йиғини раиси ҳузурида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бундай ҳолда нотариал ишни бажаришни илтимос қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзо чека олмаганлиги сабаблари ёзиб қўйилиши лозим. Мабодо нотариал ишни бажариш учун мурожаат қилган фуқаро саводсиз ёки кўзи ожиз бўлса, фуқаролар йиғини раиси ҳужжатнинг матнини унга ўқиб бериши ва бу ҳақда ҳужжатга ёзиб қўйиши лозим.

Агар нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган қулоғи кар, соқов ёки кар-соқов фуқаро саводсиз бўлса, нотариал ҳаракатни амалга оширишда улар билан сўзлаша оладиган ва ариза ёки бошқа ҳужжатнинг мазмуни уни тузишда иштирок қилган қулоғи кар, соқов ёки кар-соқовнинг хоҳишига мос эканлигини ўз имзосини қўйиб тасдиқлаши мумкин бўлган саводли шахс иштирок қилиши шарт.

12. Фуқаролар йиғини раислари ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, (бувалар, бувилар), туғишган ака-укалар, опа-сингиллар) улар билан ҳомийлик ва васийлик билан боғлиқ бўлган шахслар номига ва улар номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмасдирлар.

Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатлар нотариал идораларда ёки исталган бошқа фуқаролар йиғини раислари томонидан амалга оширилади.

Мазкур банддаги кўрсатмаларни бузган ҳолда амалга оширилган нотариал ҳаракатлар амалдаги қонунга биноан ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

13. Фуқаролар йиғини раислари ўчирилган, қўшимчалар киритилган, сўзлари ўчирилган ва изоҳ берилмаган бошқа ўзгартириши бўлган ҳужжатларни, шунингдек

қаламда ёзилган ҳужжатларни нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қабул қилмайдилар. Бир варақдан ортиқ бўлган ҳужжат ип ўтказиб тикилган, варақлари рақамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак.

Нотариал гувоҳлантириладиган ҳужжатларнинг матни аниқ ва равшан ёзилиши керак, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар жуда бўлмаганда бир марта сўз билан, фуқароларнинг насаби, исми ва отасининг исми, юридик шахсларнинг номлари ҳамда уларнинг манзилгоҳи кўрсатилган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши керак. Ҳужжатдаги охиригача тўлдирилмаган сатрлар ва бошқа бўш жойларга чизиқ тортиб қўйилади, қўшимча ва тузатишлар тегишли шахслар имзоси олдидан изоҳланиши керак. Ўзгартириш васият қилувчи томонидан фуқаролар йиғини раиси олдида ёзилиши ва гувоҳлантирувчи ёзув охирида такрорланиши лозим. Ҳужжат матнига киритилиб, томонлар имзоламайдиган тузатишлар гувоҳлантирувчи ёзув охирида фақат фуқаролар йигини раислари томонидангина изоҳланади. Тасдиқланадиган ёки шаҳодатлантириладиган ҳужжат нотўғри ёки хато ёзилган бўлса, фуқаролар йиғини раиси мурожаат қилган шахсга уни тузатишни ёки янгисини ёзишни таклиф қилади. Мурожаат қилувчининг илтимоси билан ҳужжат матни фуқаролар йиғини раислари томонидан тузилиши мумкин.

Тасдиқланаётган ёки шаҳодатлантирилаётган ҳужжат бир варақдан ортиқ бўлган тақдирда, улар ип ўтказилиб тикилиб, саҳифалари эса рақамланиб, фуқаролар йиғинининг гербли муҳри қўйилган ҳолда раиснинг имзоси билан тасдиқланади.

14. Фуқаролар йиғини раислари фақат ушбу қўлланманинг 1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тасдиқлаб тасдиқловчи (гувоҳлантирувчи) ёзувларни амалга оширадилар. Бу ҳужжатлар улар томонидан имзоланиб, фуқаролар йиғинининг гербли муҳри босилади.

Тасдиқловчи ёзув матни ёзув машинкасида ёки қўлда, ўчирмасдан аниқ қилиб ёзилиши мумкин, очиқ жойларга чизиқ тортиб қўйилиши, қўшимча ёзувлар ва бошқа тузатишлар изоҳланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларни амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар қўйилиши мумкин.

Тасдиқловчи ёзув ҳужжатга (ишончнома, васиятнома ва бошқалар) фуқаронинг имзосидан кейин ёки варақнинг орқа томонига ёзилади.

Агар тасдиқловчи ёзув ҳужжат матни ёзилган вараққа сиғмаган тақдирда ҳужжатга бириктириб қўйилган алоҳида қоғозда тўла баён этилиши мумкин. Бунда ҳужжат матни баён этилган варақ ва гувоҳлантирадиган ёзув ёзилган варақ ип ўтказиб тикилиб рақамланади ва фуқаролар йиғини раиси имзоси билан тасдиқланиб, гербли муҳри босилади.

15. Фуқаролар йиғини раислари томонидан амалга ошириладиган барча нотариал ҳаракатлар рўйхатга олиш реестрида қайд этилади. Ҳар бир нотариал ҳаракатга алоҳида тартиб рақами берилади, қайд этилган нотариал ҳаракат рақами албатта фуқаролар йигини раиси томонидан бериладиган ҳужжатларда ва гувоҳлантирувчи ёзувларда кўрсатилади.

Нотариал ҳаракатлар рўйхатга олинадиган реестрдаги рақамлаш ҳар бир календарь йил бошида биринчи номердан бошланади.

Реестрлар ип ўтказиб тикилиши, уларнинг саҳифалари рақамланиши керак. Саҳифаларнинг сони юқори турувчи ҳокимиятнинг ваколатли ходими имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

Нотариал тартибда расмийлаштирилаётган ҳужжат нотариал ҳаракатни амалга оширган фуқаролар йигини раиси томонидан имзолангандан кейингина нотариал ҳаракатлар реестрига қайд этилади. Реестрга қалам билан ёзиш ёки ўчиришларга йўл қўйилмайди. Очиқ қолган жойларга чизиқ тортилиши, тўғриланган жойлари нотариал ҳаракатни амалга оширган фуқаролар йиғини раиси томонидан изоҳланиб, муҳр босилиши лозим. Фуқаролар йиғини раисининг буйруғига биноан нотариал ҳаракатларни амалга оширишни қайд этиш китобига ёзиш шу йиғиннинг мансабдор шахсига юклатилиши мумкин.

16. Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йигини раислари жисмоний ё юридик шахсларнинг топшириғига ёки дахлдор нотариал ҳаракатлар бажарилган, шунингдек ишлаб чиқаришда жиноий ёки фуқаролик ишлари бўлган суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органларининг ёзма талабномаларига биноан нотариал ҳаракатлар қайд этилганлиги тўғрисида реестрлардан кўчирмалар берадилар.

Реестрдан олинган кўчирма, нотариал ҳаракат бажарган фуқаролар йигини раиси томонидан имзоланиб, гербли муҳр босилади.

17. Нотариал ҳаракат бажарган фуқаролар йиғини раи-

си томонидан нотариал тартибда расмийлаштирилиб бе рилган ҳужжат йўқолган тақдирда, жисмоний ёки юриди шахснинг ёхуд дахлдор нотариал ҳаракатлар бажарга шахсларнинг ёзма аризаси бўйича йўқолган ҳужжатнин нусхаси берилади.

Ҳужжат нусхасида ҳужжатнинг тўла матни бўлиш шарт. Ҳужжат нусхасидаги шаҳодатлантирувчи ёзув Ўзбе кистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белги ланган талаблар бўйича амалга оширилади.

Васиятнома нусхаси васият қилувчига, у вафот этган дан кейин эса васиятномада кўрсатилган меросхўрлар васият қилувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилгандан сўнггина берилади.

18. Нотариал ҳаракатларни амалга оширувч фуқаролар йиғини раислари нотариал ҳаракатларни амал га ошириш чоғида фуқаролар ёки айрим мансабдор шах лар тақдим этган ҳужжатларда қонунни бузилганлигин аниқласалар зарур чоралар кўриш учун бу ҳақда тегишл муассаса, корхоналар, ташкилотлар ёки прокурорларга ха бар қиладилар.

Агар тақдим этилган ҳужжатнинг айнанлиги фуқаро лар йиғини раисларида шубҳа туғдирса, улар бу ҳужжатн ушлаб қолишга ва уни экспертизага юборишга хакли дирлар.

Бу ҳолда фуқаролар йиғини раиси ҳужжатни эксперти зага юбориш тўғрисида қарор чиқариб, унда:

— қарор чиқарилган кун;

— қарор чиқарган фуқаролар йиғини раисининг исм ва фамилияси ҳамда фуқаролар йиғинининг номи;

— ҳужжатнинг номи, у кимнинг номига берилганли ги;

— нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ҳужжа ким томонидан берилганлиги (фамилияси, исми ва тура жойи);

— ҳужжатни экспертизага юбориш заруратини келти риб чиқарган ҳолатлар;

— ҳужжатни экспертиза қилиш учун қаерга (қайс эксперт муассасасига) юборилаётганлиги;

— экспертиза ҳал этиши учун қўйилган саволла кўрсатилиши лозим.

19. Нотариал ҳаракатларни амалга оширадига фуқаролар йиғини раислари:

— амалга ошириш ғайри қонуний бўлган тақдирда яъни бундай ҳаракат нотариал органда бажарилмайдиган,

ёки бошқа нотариал органда амалга оширилиши керак бўлган ёхуд бошқа фуқаролар йиғини раислари томонидан бажарилиши ёки нотариал ҳаракатни амалга оширишни муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс сўраб мурожаат қилган тақдирда, ёки тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатларга эга бўлмаган вакил шундай ҳаракатни амалга оширишни сўраб илтимос қилган тақдирда ва бошқа ҳолатларда рад этадилар;

— нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этилган ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқ келмаса ёки унда фуқароларнинг қадр-қимматини ерга урадиган маълумотлар мавжуд бўлса бундай ҳужжатлар қабул қилинмайди.

20. Нотариал ҳаракатларни амалга ошираётган фуқаролар йиғини раислари нотариал ҳаракат бажарилиши рад этилган шахсга унинг талабига кўра ёзма равишда рад этиш сабабларини изоҳлаб манфаатдор шахсга нотўғри бажарилган нотариал ҳаракат ёки нотариал ҳаракатни бажаришни рад этиш қарори устидан Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 294-297-моддаларига биноан шу фуқаролар йиғини жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) судига шикоят қилиш тартибини тушунтиради.

Бажарилган нотариал ҳаракат асосида манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқ тўғрисида келиб чиқадиган низолар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ даъво ишини юргазиш тартибида қараб чиқилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғини раисларининг нотариал ҳаракатларнинг моҳиятига тааллуқли бўлмаган ҳаракатлари устидан тушган (нотариал ҳаракатларни бажариш муддатларининг бузилганлиги, белгиланган қабул соатларига риоя этилмаганлиги, одобсизлик кўрсатилганлиги ва ҳоказолар тўғрисидаги) шикоятлар юқори турувчи ҳокимият томонидан маъмурий йўл билан кўриб чиқилади.

21. Барча нотариал тартибда тасдиқланган васиятномалар, ишончномалар, мерос қолган мулкни рўйхатга олиш актларининг нусхалари фуқаролар йигинидаги йиғмажилдларда (нарядларда) сақланади.

22. Нотариал ҳаракатларни бажариш тўғрисида мурожаат қилган фуқароларнинг, уларнинг вакилларининг ёки давлат муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг, жамоа хўжаликлари ва бошқа жамоа ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар,

реестрда ҳужжатнинг номи, унинг рақами, качон берилганлиги ва ҳужжатни берган муассасанинг номи ёзиб қуйилгач қайтариб берилади.

23. Фуқаролар йиғини раислари томонидан бажарилган нотариал ҳаракатлар учун, шунингдек васиятнома, ишончнома, аризаларнинг лойиҳаларини тузиб, ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаб, улардан кўчирмалар олиб берилганлик, ҳужжатларнинг дубликатларини берганлик учун манфаатдор шахслардан амалдаги қонунларга мувофиқ давлат божи ундирилади.

24. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасига кўра фуқаролар йиғини раислари нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун бошқа жойга борганида, манфаатдор шахслар унинг транспорт харажатларини тўлайдилар.

25. Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғини раислари тарафлар тақдим қилган васиятнома, ишончнома, ариза лойиҳаларининг маъноси ва моҳиятини уларга тушунтириб беришлари ҳамда лойиҳаларнинг мазмуни тарафларнинг ҳақиқий ниятларига мос тушиш-тушмаслигини текшириб кўришлари шарт.

## Васиятномаларни тасдиқлаш

26. Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғини раислари муомалага лаёқатли фуқароларнинг васиятномаларини васият қилувчининг ўзи ҳозир бўлганида тасдиқлайдилар. Васиятномани вакил орқали тасдиқлаш мумкин эмас. Бир неча шахслар номидан тузилган васиятнома ҳам тасдиқланиши мумкин эмас.

Васиятнома ёзма равишда бўлиб, васиятноманинг тузилган жойи ва вақти кўрсатилган ва васият қилувчи ўз қўли билан имзолаган бўлиши лозим (ЎзР ФКнинг 1120—1124-моддалари). Агар васият қилувчи жисмоний камчиликлари, бетоблиги сабабли ёки бошқа бирор сабаб билан васиятномага ўз қўли билан имзо чеколмаса, шу Қўлланманинг 2-бандида кўрсатилган қоидаларга биноан, васиятномага бошқа фуқаро имзо чекиши мумкин.

Васият қилувчининг ўрнига:

— васиятномани тасдиқловчи фуқаролар йиғини раислари;

— васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, невара-

ри ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

— тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

— саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

— ёлғон гувоҳлик берганлик учун илгари судланган шахслар, васиятномани имзолай олмайдилар. Васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан фуқаролар йиғини раислари томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сўзларидан фуқаролар йиғини раислари томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан фойдаланиши мумкин (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказо).

Васият қилувчининг сўзларидан фуқаролар йиғини раислари томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини фуқаролар йиғини раислари олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний камчиликлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига фуқаролар йиғини раислари томонидан ўқиб эшиттирилади, бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра васиятнома фуқаролар йиғини раислари томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан тасдиқланади (махфий васиятнома).

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий санамаслик хавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва фуқаролар йиғини раислари иштирокида конвертга солиниб, конверт елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини доимий турар жойини кўрсатган ҳолда конвертга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган конверт гувоҳлар ва фуқаролар йиғини раисларининг иштирокида бошқа конвертга солинади ва бу конверт ҳам елимланиб, унга фуқаролар йиғини раиси гувоҳлантирувчи ёзуви ёзиб қўяди.

Васиятномани тасдиқлашда фуқаролар йиғини раиси васият қилувчига ЎзР ФКнинг 1142-моддасини — яъни: мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олинган

болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, жумладан уни фарзандликка олганлар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан бирига тегишли лозим бўлган улушнинг камида ярмини мажбурий улуш тарзида мерос қилиб олишга ҳуқуқлари борлигини тушунтирадилар.

Мажбурий улуш олиш хукукига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Агар васиятнома фақат жамғарма — Халқ банкида сақланаётган пул учун тузилган бўлса, унда ЎзР ФКнинг 1142-моддаси мазмуни васият қилувчига тушунтирилмайди, чунки васиятномада кўрсатилган жамгарма пули мерос мулкига кирмайди.

Деҳқон (фермер) хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини мерос қилиб олиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган булмаса, ушбу Кодекс қоидалари билан тартибга солинади (ЎзР ФКнинг 1115-моддаси).

27. Васиятномани тасдиқлаш вақтида васият қилинадиган мулкка васият қилувчининг ҳуқуқини тасдиқлайдиган далиллар тақдим этилиши талаб қилинмайди.

28. Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғини раислари томонидан тасдиқланган васиятномаларни ҳисобга олиб бориш учун алифболи дафтар юритилиши лозим.

29. Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йигини раисларига илгари тасдиқланган васиятномани бекор қилиш тўғрисида ариза тушганида, шунингдек илгари тасдиқланган васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома қилганида нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғини раислари бу ҳақда нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига, алифболи дафтарга ва фуқаролар йиғинида сақланаётган васиятнома нусхасига ёзиб қўяди. Агар васият қилувчи ўз қўлидаги васиятнома нусхасини тақдим қилса, шу нусха устига ҳам васиятноманинг бекор қилинганлиги тўғрисида ёзиб қўйилади, кейин ўша нусха ариза билан (агар васиятнома ариза ёзиш йўли билан бекор қилинган бўлса) биргаликда васиятноманинг фуқаролар йиғинидаги нусхасига қўшиб қўйилади.

Васиятномани бекор қилиш тўғрисидаги аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлиги нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Агар бекор қилинган васиятнома бошқа фуқаролар йиғинида (нотариал идорасида) тасдиқланган бўлса, васиятномани бекор қилиш тўғрисидаги ариза васият қилувчи томонидан ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғини раислари томонидан шу васиятномани тасдиқлаган фуқаролар йиғинига (нотариал идорасига) юборилади.

## Ишончномаларни тасдиқлаш

30. Ишончнома деб учинчи шахслар ҳузурида вакиллик қилиш учун бир шахс томонидан бошқа бир шахсга бериладиган ёзма ваколатга айтилади. Битимни тузиш учун берилган ёзма ваколат бевосита ваколат берувчи номидан учинчи шахсга тақдим этилиши мумкин. Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш учун берилган ишончнома, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, нотариал тасдиқланиши керак. Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома унинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларига биноан ваколат берилган бошқа шахс томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади. Давлат мулки ёки муниципал мулкка асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак. Юридик шахснинг талабига биноан унинг номидан бериладиган ишочномалар нотариал тасдиқланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда ишончномани имзолаган мансабдор шахснинг ваколатлари текширилиши керак.

31. Фуқаролар йигини раислари бир ёки бир неча шахс номидан, бир шахс ёки бир неча шахс номига ёзилган ишочномани тасдиқлайдилар. Бир неча шахслар номидан берилган ишончнома агар унда кўрсатилган ҳаракатлар ваколат берувчи шахсларнинг ҳар бирини эмас, ҳаммасининг бир турдаги манфаатларига тааллуқли бўлгандагина тасдиқланади (масалан: бир неча ворисларнинг номидан уларнинг мерос ишларини юритиш учун ишончнома беришлари). Ишончноманинг матнида унинг ёзилган жойи ва вақти, вакилнинг ҳамда ишонч билдирувчининг фамилиялари, исмлари, оталарининг исмлари ва яшаб турган

жойи курсатилиши лозим. Адвокат номига берилган ишончномада адвокатнинг ишлаб турган жойи (юридик консультация) ҳам кўрсатилади.

Юридик шахс номидан берилган ишончномада юридик шахснинг тўлиқ номи, раҳбар органини манзили ва ишончномани имзолаган шахснинг мансаби кўрсатилиши шарт. Ишончноманинг амалда бўлиш муддати уч йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Агар ишончноманинг амалда бўлиш муддати кўрсатилмаган бўлса, ишончнома тузилган кундан эътиборан бир йил давомида амалда бўлади. Ёзилган вақти кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмасдир. (ЎзР ФКнинг 139-моддаси). Вакил ўзига ваколат берган шахс номидан шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айни бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас, тижорат вакиллиги бўлган ҳоллар бундан мустасно.

32. 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар номидан, шунингдек суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилган кишилар номидан ишончномаларни уларнинг ота-оналари, болаликка олувчилари ёки ҳомийлари тузадилар (ЎзР ФКнинг 29-моддаси).

33. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар номидан ишончномалар уларнинг ота-оналари, болаликка олувчилари, ёки ҳомийлари розилиги билан тузилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин. (ФК 27-м). 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва ҳомийларининг розилигисиз қуйидаги ишончномаларни бериш ҳуқуқига эгалар:

— ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;

— фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;

— қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

— текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар.

34. Ваколатни бировга ўтказиш тартибида бериладиган ишончнома, ваколатни бировга ўтказиш ҳуқуқи кўрсатилган асосий ишончнома тақдим қилинганида ёки асосий ишончнома бўйича вакил юз берган шароит оқибатида (вакилнинг оғир бетоблиги, табиий офат муно-

сабати билан вакил топшириқни бажара олмаганлиги ва бошқа шу сингари сабаблар билан), ишончнома берган шахснинг манфаатини муҳофаза қилиш учун ваколатни бировга ўтказишга мажбур эканлиги исбот қилинганида, тасдиқланиши мумкин.

Ваколатни бировга ўтказиш тартибида берилган ишончномада асосий ишончномадаги ҳуқуқлардан ортиқ ҳуқуқ берилиши мумкин эмас.

Ваколатни бировга ўтказиш тартибида берилган ишончноманинг муддати асосий ишончноманинг амалда бўлиш муддатидан ошмаслиги лозим (ФКнинг 140-м). Ваколатни бировга ўтказиш тартибида берилган ишончномада асосий ишончноманинг тасдиқланган вақти ва жойи ҳам кўрсатилиши лозим. Асосий ишончномага ваколатнинг бировга ўтказилганлиги тўғрисида ёзиб қўйилади.

## Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш

35. Фуқаролар йиғинлари раислари меросхўрлар, раддия олувчилар, кредиторлар ёки давлат манфаатлари тақозо этган тақдирда мерос очилган жой бўйича (мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаш жойи, у номаълум бўлганда мерос мол-мулкининг ёки уни асосий қисми жойлашган жойда) фуқаро ёки ташкилотларнинг хабари ёхуд ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкини сақлаш юзасидан чоралар кўрадилар. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрган фуқаролар йиғинининг раиси мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорасига кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади.

36. Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки мол-мулкнинг қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги давлат нотариуси бу ҳақда мерос мулки жойлашган ердаги давлат нотариал идораси ёки фуқаролар йиғинлари раисларига уни сақлаш юзасидан чоралар кўриш тўғрисида топшириқ юборади. Фуқаролар йиғинлари раислари давлат нотариал идорасини мерос мулки мавжуд жойда ана шу чоралар кўрилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

37. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида хабар ёки ариза ёзма ё оғзаки берилиши мумкин. Тушган хабар (ариза) мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш

тўғрисидаги рўйхат китобига дархол қайд этилиши лозим.

38. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги хабар (ариза) олинганида қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

— мерос очилиш жойи, мерос мулкнинг таркиби ва жойлашган жойини аниқлаш;

— манзили маълум бўлган меросхўрларни мерос очилганлиги ва мерос мол-мулкининг рўйхатга олиниши ҳақида хабардор қилиш;

— мерос қолдирувчининг вафот этганлик факти ўлим ҳақидаги гувоҳномага асосан аниқланади ва унинг нусхаси асли билан тўғрилигига имзо қуйилиб, йигмажилдга (нарядга) тикилади, агар ўлим ҳақидаги гувоҳномани дарҳол кўрсатиш имкони бўлмаса мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳақидаги аниқ маълумот бўлса, мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш;

— мерос мол-мулкни хатлаш ҳақида турар-жой органи, маҳаллий ҳокимият, зарур бўлган ҳолларда ички ишлар бўлими ходимлари ёки манфаатдор шахсларни хабардор қилиш;

— мерос мол-мулкнинг меросхўри давлат эканлигига тахминий асослар мавжуд бўлганда, рўйхатлаш ҳақида молия ва солиқ органларини хабардор қилиш;

— мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир дастлабки чора-тадбирлар кўрилганлигини аниқлаш (мол-мулк турган бинонинг муҳрланганлиги, кимга ва ким томонидан сақлаш учун топширилганлиги ва бошқа чоралар).

39. Мерос мулкини хатлаш, унда қатнашиш истагини билдирган манфаатдор шахслар ва камида икки холис гувоҳ иштирокида амалга оширилади.

40. Хатлаш далолатномасида мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўгрисида ариза (хабар) олинган кун, хатлаш амалга оширилган кун, хатлашда қатнашаётган кишиларнинг исми, шарифи ва турар жой манзили, мерос қолдирувчи шахснинг исми, шарифи, унинг вафот этган вақти ва хатланаётган мулк турган жой, уй муҳрлаб қўйилганми ва ким томонидан муҳрланганлиги, пломба ёки муҳр бузилган-бузилмаганлиги, хатда санаб ўтилган буюмларнинг ҳар бирини муфассал баёни ва баҳоси ҳамда эскирганлик фоизи кўрсатилади. Хатланган буюмларнинг баҳоси уларнинг эскирганлиги ҳисобга олинган ҳолда давлат чакана

нархлари буйича, чакана нархлари бўлмаган буюмларнинг баҳоси эса шу соҳа мутахассисларининг хулосаларига кўра белгиланади. Меросхўрлар қўйилган баҳога рози бўлмасалар, баҳоловчи мутахассисларни таклиф этиш ҳуқуқига эгадирлар. Мутахассиснинг меҳнатига ҳақ меросхурлар томонидан тўланади. Далолатноманинг ҳар бир саҳифасида буюмларнинг сони, қиймати ва якуни чиқарилади, хатлаш тугаллангандан сўнг буюмларнинг сони ва қийматининг умумий якуни чиқарилади. Хатлаш далолатномасига вафот этган шахс хонадонидаги ҳамма мулки киритилади. Қўшнилар ва бошқа шахсларнинг айрим молларининг уларга тегишли эканлиги тўғрисидаги аризалари ҳам хатлаш далолатномасига киритилади. Манфаатдор шахсларга эса ана шу мулкни хатловдан чиқариб ташлаш тўғрисида судга шикоят билан мурожаат қилиш тартиби тушунтирилади. Мулкни хатлаш узилиб қолса ёки бир неча кун давом этса бино ҳар гал муҳрланади. Хатлов далолатномасида хатлашни тўхтатиш сабаблари ва вақти ҳамда унинг яна тикланиши, шунингдек бинони кейинги очиш вақтида пломбалар ва муҳрнинг ҳолати тўғрисида ёзиб қўйилади. Далолатнома охирида мулк сақлаш учун топширилган шахснинг исми-шарифи, шахсини гувоҳлантирувчи ҳужжатнинг номи, рақами, берилган вақти, ҳужжатни берган муассасанинг номи, шунингдек мулкни сақловчининг турар-жойи кўрсатилади. Далолатнома камида уч нусхада тузилади, бир нусхаси мулкни сақлаш учун топширилган шахсга берилади, иккинчи нусхаси мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорасига юборилади, учинчиси эса фуқаролар йиғини раисида қолдирилади.

41. Мерос таркибида бошқарувни талаб этадиган мулк (уй жой, уй ҳайвонлари ва бошқалар) бўлган тақдирда, шунингдек мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар меросни қабул қилиб олгунга қадар даъво билан чиққан ҳолда фуқаролар йиғинлари раислари мулкнинг бошқарувчисини тайинлайди.

42. Мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган шахслар мерос мол-мулкни талон-тарож қилганлик, бошқа шахсга берганлик ёки яширганлик учун ва меросхўрларга зарар етказганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади. Кўрсатилган шахслардан ана шундай огоҳлантириш қилинганлиги тўғрисида тилхат олинади. Тилхат мерос мулк сақлашга бериладиган хатлаш далолатномасида ёки мерос мулк сақловчиларни

(бошқарувчиларни) тайинлаш тўғрисидаги қарорда баён этилиши мумкин.

43. Мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулкни сақлаш учун топширилган сакловчилар ва бошқа шахслар, агар меросхўр бўлмасалар, мерос мол-мулкни сақлаганлик учун меросхўрлардан ҳақ олишга хақлидир. Кўрсатиб ўтилган шахсларнинг мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун қилган зарур ҳаракатлари ҳам коплана-ди, бунда мол-мулкдан фойдаланиш хисобига амалда олинган фойда чегириб ташланади (Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 55-моддаси). Мерос мол-мулк қўриқланиши ва уни бошқариш, шунингдек мерос очилганлиги ҳақидаги хабарни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни тўлашга мерос очилган жойдаги давлат нотариуси томонидан фармойиш берилади.

44. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар фуқаролар йиғинларида мерос мулкини қуриқлаш тартибида сақлаш учун қабул қилиб олинган бойликлар — бойликларни ҳисобга олиш дафтарида қайд этилади. Мерос қолдирувчининг мулки таркибидан чиққан қурол (ов қуролидан ташқари) ва портловчи моддалар алоҳида хатлаш бўйича ички ишлар органларига топширилади. Хатланган мулк таркибида қимматбаҳо қўлёзмалар, адабий асарлар, тарихий ёки илмий аҳамиятли хатлар бўлган тақдирда бу ҳужжатлар алоҳида хатловларга киритилади ва меросхўрларга ёки тегишли ташкилотларга маъсулиятли сақлаш учун топширилади, зарур ҳолларда масалан: меросхўрлар бўлмаган тақдирда фуқаролар йиғини раиси ҳужжатларни ёки ҳужжатлар ёхуд қимматли буюмлар сақлов хонасини муҳрлайди.

45. Мерос мулкни сақлаш, мулк барча меросхўрлар томонидан қабул қилингунча давом этади. Агар у қабул қилинмаган бўлса, қонунда белгилаб қўйилган меросни қабул қилиш муддати ўтгунга қадар давом этади. Агар мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорасига олдинги навбатдаги ворислари меросни қабул қилмаганидан сўнг вужудга келадиган ворислик ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар мурожаат этганида меросни қўриқлаш чора-тадбирлари меросни қабул қилиш муддати ўтгандан кейин ҳам давом эттирилади. Бундай ҳолда мерос мулкини сақлаш чора-тадбирлари давом эттирилади, лекин бу муддат мерос қабул қилиш ҳуқуқининг бошқа меросхўрларга ўтиш учун белгиланган муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак. Бу ҳақда давлат нотариуси мерос очилган жойдаги фуқаролар йиғинига хабар беради.

46. Фуқаролар йиғини раислари мерос мулкини сақлаш чора-тадбирининг тўхтатилганлиги ҳақида мерос очилган жойдаги давлат нотариусига, меросхўрларга ва бошқа манфаатдор шахсларга хабар бериши шарт.

47. Агар мерос мулкини қуриқлаш юзасидан чоралар кўриш имконияти бўлмаган тақдирда (меросхўрлар ва мерос қолдирувчи билан бирга яшайдиган кишилар хатлаш ўтказилишига эътироз билдирган, мулкни хатлашга тақдим этмаган ёки мулк олиб кетилган ва шу сингари ҳолларда) фуқаролар йиғини раиси бу ҳақда далолатнома тузади ва манфаатдор шахсларга уларга тегишли лозим бўлган мерос мулкини талаб қилиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш тартиби тушунтирилади.

## Ҳужжатлар нусхаларининг ва улардан кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш

48. Фуқаролар йиғини раиси жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ҳужжатларнинг нусхаларини ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини ушбу ҳужжатлар қонунга зид бўлмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамда уларнинг нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш қонун билан тақиқланмаган ҳолдагина шаҳодатлайди.

49. Кўчирма олинаётган ҳужжатда ўзаро боғлиқ бўлмаган бир неча алоҳида-алоҳида масалаларга оид қарорлар мавжуд бўлган тақдирдагина кўчирманинг тўғрилиги шаҳодатлантирилиши мумкин. Кўчирма ҳужжатнинг муайян масалага доир қисмининг тўла матнини акс эттириши керак.

50. Фуқаронинг ҳужжатдаги имзоси ҳақиқийлиги нотариал тартибда ёки мазкур фуқаро ишлаб ёки ўқиб турган ташкилот, у яшаб турган уй-жой бошқармаси томонидан гувоҳлантирилган бўлсагина ушбу ҳужжатларнинг нусхаси фуқаролар йиғини раиси томонидан шаҳодатлантирилади.

51. Мазмуни қонун талабларига жавоб бермайдиган, шунингдек қонун талабларини бузиб берган ҳужжатлар нусхалари ҳамда матни ноаниқ бўлган, ўчирилган, қўшимча сўзлар ёзилган ҳамда кўзда тутилмаган бошқа ўзгартиришлар қилинган, шунингдек қалам билан ёзилган ҳужжатларнинг нусхалари шаҳодатлантирилмайди.

52. Ҳужжатнинг гувоҳлантирилаётган нусхаси ёки

кўчирмаси унинг асли билан солиштириб чиқилади. Нусханинг матни асл ҳужжат матни билан бир хил бўлиши керак. Ҳужжатга босилган муҳр ҳужжат берган юридик шахснинг номига мос келиши шарт.

53. Ҳужжат нусхаси ёки унинг кўчирмасини шаҳодатлантириш чоғида эгасининг шахсан келиши талаб этилмайди. Фуқаролар йиғини раиси ҳужжат тақдим этган фуқаронинг шахсини аниқлайди.

54. Ҳужжатларнинг нусхаларидан кўчирилган нусхаларнинг тўғрилигини аввалги нусханинг тўғрилиги нотариал тартибда шаҳодатлантирилган ёки ҳужжатнинг нусхаси унинг ҳақиқий асли келиб чиққан юридик шахс томонидан берилган тақдирда шаҳодатлантирилади. Кейинги ҳолатда ҳужжатнинг нусхаси мазкур юридик шахс иш қогозида бланкида баён этилиши, муҳрланиб, ана шу ҳужжатнинг асли мазкур юридик шахсда эканлиги ёзиб қўйилиши лозим.

55. Бир саҳифадан ортиқ бўлган ҳужжатлар ип ўтказиб тикилиб, саҳифаланиб, муҳр билан тасдиқланади.

## Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини гувоҳлантириш

56. Фуқаролар йиғини раислари мазмуни Қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайдилар. Қоидага кўра фуқароларнинг турли ташкилотларга ёзган аризаларидаги имзоларнинг ҳақиқийлиги гувоҳлантирилади: нотариал идораларига юбориладиган мерос ишлари билан боғлиқ бўлган аризалари, мулкка эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган аризалар (турмуш ўртоғининг биргаликда орттирилган мулкни тасарруф этишга розилиги, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечиш ва бошқалар), оилавий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган аризалар (никоҳни бекор қилишга розилик, фарзандликка олиш, хомий тайинлаш ва бошқалар). Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги ариза нотариал тартибда шаҳодатлантирилиши шарт.

57. Фуқаролар йиғинлари раиси имзони ҳақиқийлигини шаҳодатлантирар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки фақат имзонинг муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайди.

58. Мансабдор шахснинг имзоси шаҳодатлантирилаётганда унинг ваколати текширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳайъатининг
1997 йил 28 апрелдаги
33/1 қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

## Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги

## ҚЎЛЛАНМА

### Умумий қоидалар

Васиятнома — фуқаронинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкини ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини ўзи вафот этган тақдирда бошқа шахсга ўтказиш хусусидаги хоҳиш-истагини билдиришдир.

Ишончнома деб учинчи шахслар ҳузурида вакиллик қилиш учун бир шахс томонидан бошқа бир шахсга бериладиган ёзма ваколатга айтилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 26-моддасига биноан қуйидагилар нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилади:

— касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаниш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаётган фуқароларнинг ушбу касалхоналар, госпиталларда ва бошқа даволаш муассасаларининг бош шифокорлари, уларнинг тиббиёт бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ва бош шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

— Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юрган кемаларда сафарда бўлган фуқароларнинг шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

— қидирув экспедицияларида ёки шунга ухшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

— Ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар жойлашган, нотариуслар мавжуд бўлмаган пунктларда эса шу қисмларда ишловчи ҳарбий хизматчи бўлмаган шахслар-

нинг, уларнинг оила аъзоларининг ҳамда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари:

— Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ёки қамоқдаги шахсларнинг тегишли муассасаларини бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари.

Юқорида санаб ўтилган васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар таркиби кенгайтириб талқин этилишига йўл қўйилмайди.

Даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаётган, қидирув ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқаролар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш масалалари бўйича умумий асосларда давлат нотариал идораларига ёки хусусий нотариусга, нотариал идоралари бўлмаган аҳоли пунктларида эса маҳаллий ҳокимият органи ёки фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органининг юқори мансабдор шахсига мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Мансабдор шахслар васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш чоғида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг буйруқ ва қўлланмаларига, давлат ҳокимиятининг ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида чиқарган актларига, шунингдек ушбу қўлланмага амал қилишга мажбурдирлар.

3. Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғига кўра амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги

маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратуранинг, тергов органларининг ёзма равишдаги талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади.

Фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4. Мансабдор шахс васият қилувчига ёки ваколат берувчига тегишли нотариал ҳаракатни амалга оширишда ёрдам беради.

Шу мақсадда мансабдор шахс:

— васиятнома ва ишончномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни уларга тушунтиради;

— ушбу ҳужжатларни тасдиқлаш муносабати билан вужудга келадиган оқибатлар тўғрисида огоҳлантиради;

— мансабдор шахслар фуқароларнинг илтимосига кўра керакли ҳолларда васиятнома ва ишончномалар лойиҳасини тузадилар;

— уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тартибини тушунтиради.

## Васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари

5. Мансабдор шахс 18 ёшга тўлган фуқароларнинг оғзаки аризасига биноан уларнинг васиятномалари ва ишончномаларини тасдиқлайди.

6. Амалдаги қонунларга биноан қайд этилган никоҳда бўлган 18 ёшга тўлмаган фуқароларнинг васиятномалари ва ишончномалари тасдиқланиши мумкин.

Васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлашда мансабдор шахс васият қилувчи ва ваколат берувчиларнинг шахсини аниқлайди ва ёшини текширади.

Васият қилувчи ва ваколат берувчининг шахси, унинг шахсига нисбатан ҳар қандай шубҳаларни истисно этадиган паспорти ёки бошқа ҳужжатларга асосан аниқланади.

Васиятнома ёки ишончномани тасдиқлаш вақтида сурункали руҳий касаллиги, руҳий фаолиятининг вақтинчалик бузилиши, ақлий заифлиги ёки бошқа касаллик оқибатида ўз фаолиятига жавоб бера олмайдиган ёки

бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган шахслар номидан васиятнома ёки ишончнома тасдиқланмайди.

Руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги сабабли шахснинг суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган қарори қонуний кучга кирганидан кейин унинг номидан васиятнома ва ишончномани тасдиқлаш рад этилиши мумкин.

Шахснинг спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик моддаларни суиистеъмол қилиши оқибатида суд томонидан уни муомала лаёқати чекланган деб топилганлиги тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори маълум бўлса, унинг номидан васиятнома ёки ишончномани гувоҳлантирилиши рад этилиши зарур.

7. Васиятнома ёки ишончномани тасдиқлаш олдидан мансабдор шахс уни овоз чиқариб ўқиб беради ёхуд васият қилувчининг ёки ваколат берувчининг ўзи ҳужжат лойиҳасини ўқиб чиқади. Агар васият қилувчи ёки ваколат берувчи ҳужжат лойиҳасининг матнига рози бўлса, у мансабдор шахс иштирокида уни имзолайди.

8. Васият қилувчи ёки ваколат берувчи жисмоний нуқсони, касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳужжатни имзолай олмаса, унинг топшириғига мувофиқ, унинг ўзи ва мансабдор шахс иштирокида ҳужжат ўзга фуқаро томонидан имзоланиши мумкин. Бунда васиятнома ёки ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжатдаги имзодан олдин ёзиб қўйилиши шарт.

Шахснинг фойдасига васиятнома тузилганда ёки бекор қилинганда ушбу шахс, шу шахснинг турмуш ўртоғи, фарзандлари, ота-онаси, набиралари ва эваралари, васият қилувчининг қонуний ворислари, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган, саводсиз, илгари сохта кўргазма берганлиги учун судланган кишилар — васиятномани тузиш чоғида иштирок этишлари ва ҳужжатни васият қилувчи ўрнига имзолашлари ман этилади.

Васиятнома ёки ишончномани тасдиқловчи мансабдор шахс ҳам васият қилувчи ёки ваколат берувчининг ўрнига ҳужжатни имзолаши ман этилади.

9. Васиятнома ва ишончнома тоза ва аниқ қилиб ёзув машинкаси ёки сиёҳли ручкада ёзилиши керак. Васиятнома, ишончнома ва уни тасдиқловчи ёзув матнида ўчириб ёзилишига йўл қўйилмайди.

Васиятнома ёки ишончномага тузатишлар киритилга-

нида васият қилувчи ёки ваколат берувчи томонидан имзоланиш олдидан изоҳланиши керак.

10. Васиятнома ёки ишончнома қонун талабларига мувофиқ бўлмаган, яъни амалдаги қонунларни четлаб ўтиш мақсадида ёки давлат ва жамиятнинг манфаатларига атайлаб зид ҳолда амалга оширилаётган тақдирда, мансабдор шахс бундай нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади.

Мансабдор шахс васиятнома ёки ишончномани тасдиқлаб беришни сўраб мурожаат қилган шахснинг илтимосига кўра рад этиш сабабини ёзма равишда баён этишлари ва унинг устидан шикоят қилиш тартибини тушунтиришлари лозим.

11. Мансабдор шахслар ҳаракатлари устидан шикоят ҳарбий қисм, санаторий, қариялар ва ногиронлар уйлари, озодликдан маҳрум этиш жойлари, экспедициялар жойлашган ердаги судга берилади. Кема капитанининг васиятнома ёки ишончномани нотўғри тасдиқлаганлиги устидан шикоят кема рўйхатга олинган порт жойлашган ердаги судга берилади.

12. Мансабдор шахс ўз номига ва ўз номидан, турмуш ўртоғининг номига ва унинг номидан, турмуш ўртоғи ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-оналари, фарзандлари, набиралари, туғишган ака-укалари ва опа-сингиллари) номидан ва уларнинг номига, васийлик ва хомийлик қилиш орқали у билан боғланган шахслар номига ва улар номидан васиятномаларни ва ишончномаларни тасдиқлашга ҳақли эмасдирлар.

Ушбу қоидани бузган ҳолда тасдиқланган васиятнома ёки ишончномалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

13. Мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятнома ва ишончномалар шундай ҳаракатларни қайд этиш учун тутилган махсус китобга киртилади (1-илова). Васиятнома ёки ишончнома қайд этилган тартиб рақами тегишли васиятнома ёки ишончноманинг иккала нусхасидаги тасдиқловчи ёзувга қўйилади.

## Васиятномани тасдиқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

14. Тасдиқланаётган васиятнома бир кишининг номидан тузилиши керак. Бир неча кишининг (эр-хотин, ака-укалар, опа-сингиллар ва бошқалар) номидан тузилган васиятномалар тасдиқланиши мумкин эмас. Ҳомийнинг

ўз хомийлигидаги шахс номидан, шунингдек ишончнома асосида васиятномани тасдиқлашга йўл қўйилмайди, чунки амалдаги қонунларга асосан васиятнома васият қилувчининг ўзи қатнашганидагина тасдиқланиши мумкин.

15. Фуқаро васиятномасини тасдиқлашни илтимос қилганида, мансабдор шахс васият қилувчининг хохишига кўра уни Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1135—1143-моддалари билан аниқланадиган қонун бўйича ворислари доираси билан таништиради ва қуйидаги ҳуқуқларини тушунтиради:

а) васият бўйича ўзининг бутун мулкини ёки унинг бир қисмини (жумладан: оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари ҳам) қонун билан белгиланадиган ворислар доирасига кирадиган ёхуд кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шунингдек давлатга, юридик шахсларга ёки фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларига қолдириши, васиятномада қонуний ворисларидан бирини, бир нечасини ёки ҳаммасини мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкинлигини (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1120-моддаси);

б) агар васиятнома бир неча кишининг номига тузилган бўлса, васият қилувчи васиятномада мулкнинг уларга тегадиган улушини кўрсатиб бериши;

в) васият қилувчи истаган пайтида васиятнома сақланаётган нотариал идорага ариза бериш йўли билан васиятномани ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Васият қилувчи янги васиятнома тузиш йўли билан ҳам аввалги васиятномани қисман ёки тўлиқ бекор қилиши мумкин.

Васият қилувчининг ёзма топшириғи билан ўзи, нотариус ёки мансабдор шахс томонидан васиятноманинг ҳамма нусхалари устига бекор қилинганлиги ҳақида устхат ёзиб қўйилади.

Мансабдор шахс Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 1142-моддасига асосан васият қилувчининг вояга етмаган ва меҳнатга қобилиятсиз фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари ҳам, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз: эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини мажбурий ҳисса қилиб олишга бўлган ҳуқуқини тушунтиришга мажбурдир. Мажбурий ҳиссанинг ҳажмини аниқлаш вақтида оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмла-

ридан иборат бўлган мерос мулкининг қиймати ҳам ҳисобга олинади.

16. Васиятномани тузишда унинг маъносидан келиб чиқиб ушбу қулланмага илова қилинаётган 2—4-намуналардан бири қўлланиши мумкин:

— агар васият қилувчи узининг барча мол-мулкини васият қилмоқчи бўлса, васиятнома 2-иловада кўрсатилган намунадагига ўхшатиб тузилади;

— агар васият қилувчи уз мулкининг бир қисмини васият қилмоқчи булса, васиятнома 3-иловада кўрсатилган намунадагига ўхшатиб тузилади;

— агар васият қилувчи ўз мулкининг бошқа қисмига тааллуқли бўлмаган маълум турини васият қилмоқчи булса, васиятнома 4-иловада кўрсатилган намунадагига ухшатиб тузилади.

17. Васиятнома икки нусхада тузилади ва гувоҳлантирилади. Васиятномада: тузилиш жойи ва вақти, васият қилувчининг исми-шарифи, яшаш манзили паспорт ёки уни ўрнини босувчи ҳужжати асосида тўлиқ кўрсатилади.

18. Васиятнома васият қилувчи томонидан имзоланганидан сўнг мансабдор шахс уни тасдиқлайди. Васиятномани тасдиқлашда унга тегишлича шаклдаги тасдиқловчи ёзув ёзиб қўйилади.

Васият қилувчи саводли бўлса ва васиятномани ўзи имзоласа 5-иловада кўрсатилган шаклдаги тасдиқловчи ёзув ёзилади.

Ушбу қўлланманинг 8-бандида назарда тутилган ҳолларда, яъни васиятнома васият қилувчининг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан имзоланса, тасдиқловчи ёзув 6-иловага ўхшаш тарзда васият қилувчининг васиятномани шахсан имзолай олмаслик сабабини кўрсатган ҳолда ёзилади.

Тасдиқловчи ёзув васият қилувчининг имзоси остига ёки васиятноманинг орқа томонига ёхуд алоҳида қогозга ёзилиши мумкин.

Тасдиқловчи ёзув алоҳида қоғозга ёзилганда, шунингдек васиятнома матни бир неча варақка ёзилган ҳолларда, васиятноманинг ҳамма варақлари тикилиб, саҳифаланганлиги тўғрисида тегишли ёзув ёзилиб, мансабдор шахс имзоси билан тасдиқланади. (Масалан: «беш варақда гикиб муҳрланди» мансабдор шахснинг номи, имзоси ва мухри).

Тасдиқловчи ёзув ҳам мансабдор шахс томонидан им-

золанади ва шу муассасанинг муҳри билан тасдиқланади. Васиятномага рецептлар, касаллик варақалари ва бошқа махсус мақсадлардан фойдаланишга мўлжалланган муҳрлар қўйилиши мумкин эмас.

Васиятномани васият қилувчи шахс томонидан тузилиши, имзоланиши ва мансабдор шахс томонидан тасдиқланиши бир кунда амалга оширилиши шарт.

Мансабдор шахс тасдиқловчи ёзувда васиятномани васият қилувчи шахс томонидан имзоланган ва тасдиқланган кунинигина эмас, балки соатини ҳам кўрсатиши мумкин.

19. Бош шифокор (унинг тиббиёт бўйича ўринбосари ёки навбатчи шифокор) бир вақтнинг ўзида даволовчи шифокор бўлган ҳолларда, васиятнома у томонидан даволовчи шифокор сифатида эмас, балки бош шифокор (унинг тиббиёт бўйича ўринбосари ёки навбатчи шифокор) сифатида тасдиқлашади.

Васиятномани тасдиқловчи навбатчи шифокорнинг имзоси қўшимча тасдиқланмайди.

20. Васиятномани тасдиқлаш чогида васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек васият қилувчининг васият қилинаётган шахс билан қариндошлик асосларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинмайди. Бегона шахслар фойдасига ҳам васият қилиниши мумкин.

21. Васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахс васиятноманинг бир нусхасини васият қилувчининг қўлига беради, иккинчи нусхасини эса васият қилувчининг охирги истиқомат жойидаги нотариал идорасида сақлаш учун юборади (топширади).

Агар васият қилувчи Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаса ёки унинг доимий жойи номаълум бўлса, васиятнома Тошкент шаҳар Биринчи давлат нотариал идорасига юборилади.

22. Халқ банки ёки бошқа банкда жамғармаси бўлган фуқаро уни қонун билан белгиланган ворислар доирасига кирадиган ёки кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шунингдек давлатга ёки бошқа юридик шахсга, ўз-ўзини бошқариш органига васиятнома бўйича қолдириши мумкин.

Бу ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 1142-моддаси қоидалари қўлланилмайди, яъни жамғарма васият қилинган ҳолатда у мерос мулки таркибига кирма-

ганлиги сабабли, васият қилувчининг вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз фарзандлари (шу жумладан фарзандликка олинганлар ҳам), шунингдек меҳнатга лаёқатсиз бўлган эр ёки хотини, ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва қарамоғида бўлган шахслар ундан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

23. Жамғарма васият қилинганда қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

— агар жамгарманинг ҳаммаси васият қилинса, васиятномада унинг аниқ миқдори кўрсатилмай, жамғарма васият қилинаётганлиги кўрсатилади;

— агар жамгарманинг маълум бир қисми васият қилинса, васиятномада унинг улуши кўрсатилади;

— жамғарма миқдори омонатчининг ўлимига қадар ўзгариб туриши туфайли, васиятномада жамгарманинг аниқ миқдори кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

## Ишончномаларни тасдиқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

24. Мансабдор шахс бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахсга ишончномаларни тасдиқлайдилар.

Бир неча шахслар номидан берилган ишончнома агар унда кўрсатилган ҳаракатлар ваколат берувчи шахсларнинг ҳар бирини эмас, ҳаммасининг бир турдаги манфаатларига тааллуқли бўлгандагина тасдиқланади (Масалан: бир неча ворисларнинг номидан уларнинг мерос ишларини юритиш учун ишончнома беришлари).

Ишончномани тасдиқлашда манфаатдор шахс фуқарога берган ишончномасини бекор қилиш ҳуқуқини тушунтиради.

Ваколат берувчи ўзи берган ишончномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда ваколат берган шахс ишончнома қайси муассаса, ташкилот ёки корхонага тақдим этиш учун берилган бўлса, шу муассаса, ташкилот ёки корхонага берган ваколатларини бекор қилинганини билдириб ёзма равишда ариза юборади.

25. Ишончномалар иловада кўрсатилган намуналардан бири асосида тузилади:

— мулкни умумий бошқариш учун бериладиган ишончномалар (7-илова);

— уй-жойни сотиш учун (9-илова);

— ойлик иш ҳақини олиш учун (9-илова);

— ворислик ҳуқуқи гувоҳномаси олиш учун (10-илова). Бошқа масалалар бўйича бериладиган ишончномалар ҳам юқорида кўрсатилган (7—10-иловалар) намуналар асосида тузилиши мумкин. Мансабдор шахс васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлашни рад этишда Ўзбекистон Республикасида Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддаси асосида унинг сабабларини ёзма равишда баён этади. Рад этишнинг намунавий шакли 13-иловада кўрсатилган.

26. Ишончнома икки нусхада тасдиқланади. Ишончнома матнида унинг тузилиш жойи ва вақти, ваколат берувчи ва ваколат олувчининг исми-шарифлари ва истиқомат жойлари кўрсатилади. Ваколат олувчининг истиқомат жойи ваколат берувчининг сўзларига асосан кўрсатилиши мумкин. Автоулов воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларда ваколат олувчининг истиқомат жойи унинг ҳужжатлари асосида кўрсатилади.

Берилиш куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

27. Ишончноманинг амал қилиш муддати уни берган шахс томонидан белгиланади, лекин бу муддат уч йилдан ортиқ бўлмаслиги керак. Агар ишончномада уни амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у берилган кунидан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Ишончноманинг амал қилиш муддати сўз билан ёзилади.

28. Ишончномада ваколат олувчига берилган ваколатлар аниқ кўрсатилиши керак.

Ишончнома уни бераётган шахс томонидан имзоланганидан кейингина мансабдор шахс томонидан тасдиқланади. Тасдиқловчи ёзув 11 ва 12-иловалардаги шакллардан бири асосида ёзилади.

29. Ишончнома ваколат берувчи шахс қўлига берилади ёки унинг илтимосига кўра ва унинг ҳисобидан ваколат олувчи шахсга юборилади.

30. Мансабдор шахс томонидан васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлаганлиги учун давлат божи ундириш кўзда тутилмаган.

*1-шакл*

**Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 26-моддасига асосан нотариал тасдиқланганга тенглаштирилган васиятномалар ва ишончномаларни рўйхатга олиш**
**КИТОБИ**

| Тартиб рақами | Тасдиқлаш санаси | Васият қил. ёки ишончн. берувчининг ф. и. о. ва яшаш жойи | Васиятнома ёки ишончноманинг қисқача мазмуни | Ҳужжатни олганлик ҳақида имзо ёки ҳужжатни меросхўрларга жўнатилганлиги | Васиятномани қайси давлат нотариал идорасига жўнатилганлиги ҳақида белги |
|---|---|---|---|---|---|
| № 1 | 15.02.97. | Каримов Фаттах Тошкент ш. Беруний, 19 | Барча мол-мулкини ўғли Каримов Умар Фаттоховичга васият | | Бир нусхаси Тошкент шаҳар Юнусобод 1-давлат нот. идорасига |

*2-шакл*

# ВАСИЯТНОМА

Бир минг туққиз юз туқсон еттинчи йил биринчи март куни

Мен, ________________________________________

(Васият қилувчининг фамилияси, исми, ота исми

________________________________________

ва яшаш жойи)

________________________________________

(даволаш ёки Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган васият қилувчи гурган бошқа муассасанинг номи)

даволаниб туриб, ўлимим эҳтимолига кўра, қуйидаги фармойишимни (топшириғимни) бераман.

Ўлимимга қадар менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни, уни қаерда жойлашганлигидан ва нимадан иборатлигидан қатъи назар,

________________________________________ га

(васият қилинувчи(лар)нинг фамилияси, исми, ота исми)

васият қилиб қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси мазмуни менга тушунтирилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилиб имзоланди ва биттаси

________________________________________

(Васият қилувчининг охирги доимий яшаш жойидаги давлат нотариал идорасининг номи)

давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилади, бошқаси васият қилувчига берилади.

Васият қилувчининг
имзоси: ______________________________

*3-шакл*

# ВАСИЯТНОМА

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил биринчи март куни

Мен,_________________________________________
(Васият қилувчининг фамилияси, исми, ота исми

_______________________________________________
ва яшаш жойи)

___________________________________________ да
(даволаш ёки Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган васият қилувчи турган бошқа муассасанинг номи)

даволаниб туриб, ўлимим эҳтимолига кўра, қуйидаги фармойишимни (топшириғимни) бераман.

Ўлимимга қадар менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни, уни қаерда жойлашганлигидан ва нимадан иборатлигидан қатъи назар шу жумладан, уй-жойимни (уй-жойнинг манзили кўрсатилиши мумкин)
___________________________________________ га
(васият қилинувчи(лар)нинг фамилияси, исми, ота исми)

васият қилиб қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси мазмуни менга тушунтирилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди ва биттаси

_______________________________________________
(Васият қилувчининг охирги доимий яшаш жойидаги давлат нотариал идорасининг номи)

давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилади, бошқаси васият қилувчига берилади.

Васият қилувчининг
имзоси: ______________________________

*4-шакл*

# ВАСИЯТНОМА

Бир минг туққиз юз тўқсон еттинчи йил биринчи март куни

Мен, ______________________________________________
Васият қилувчининг фамилияси, исми, ота исми

______________________________________________
ва яшаш жойи)

______________________________________________ да
(даволаш ёки Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган васият қилувчи турган бошқа муассасанинг номи)

даволаниб туриб, ўлимим эҳтимолига кўра, қуйидаги фармойишимни (топшириғимни) бераман.

Менга тегишли бўлган ______________________________
(васият қилиб қолдирилаётган

______________________________________________
мулкнинг номи, лозим бўлса жойлашган манзили)

______________________________________________ га
(васият қилинувчи(лар)нинг фамилияси, исми, ота исми)

васият қилиб қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси мазмуни менга тушунтирилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди ва биттаси

______________________________________________
(Васият қилувчининг охирги доимий яшаш жойидаги давлат нотариал идорасининг номи)

давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилади, бошқаси васият қилувчига берилади.

Васият қилувчининг имзоси: ______________________

*5-шакл*

**Васият қилувчи томонидан шахсан имзоланган васиятномани тасдиқловчи ёзуви**

199 ____ йил «___» __________________________ куни.

Ушбу васиятномани мен, __________________________

_____________________________________ тасдиқладим.
(муассасанинг номи, васиятномани тасдиқловчи мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми, ота исми)

Васиятнома фуқаро_______________________________

___________________________________________________
(васият қилувчининг фамилияси, исми, ота исми)

томонидан менинг ҳузуримда имзоланди.

Васият қилувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхат китобига ____________ рақами билан қайд этилди. (Васиятномани тасдиқловчи мансабдор шахснинг лавозими, имзоси).

(Муассасанинг гербли муҳри)

*6-шакл*

**Васият қилувчининг илтимосига кўра бошқа шахслар томонидан имзоланган васиятномани тасдиқловчи ёзуви**

199 ___ «___» _____________ куни.

Ушбу васиятномани мен, __________________________

_____________________________________ тасдиқладим.
(муассасанинг номи, васиятномани тасдиқловчи мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми, ота исми)

Фуқаро ____________________________________ нинг
(васият қилувчининг фамилияси, исми, ота исми)

___________________________________________________

(саводсизлиги, касаллиги, кўзи ожизлиги ва ҳ.) туфайли унинг илтимосига кўра ва менинг ҳузуримда васиятномани фуқаро

______________________________________________
(васиятномани васият қилувчининг илтимосига кўра имзолаган шахснинг фамилияси, исми, ота исми)

имзолади.

Васият қилувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Васиятномага имзо чекувчининг шахси аниқланди.

Рўйхат китобига ______________ рақами билан қайд этилди.

(Васиятномани тасдиқловчи
мансабдор шахснинг
лавозими, имзоси).

(Муассасанинг гербли муҳри)

*7-шакл*

Мулкни бошқариш бўйича
ишончномани намунавий матни

ИШОНЧНОМА

Навоий вилояти, Учқудуқ шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон олтинчи йил сентябрь ойининг бешинчи куни.

Мен, қуйида имзо чекувчи, Учқудуқ шаҳри, С. Раҳимов кўчаси, 15-уйнинг 8-хонадонида яшовчи Норов Султон Каримович ушбу ишончнома билан Самарқанд шаҳар, Тинчлик кўчаси 15-уйда яшовчи Каримова Лола Йўлдошевнага менинг барча мол-мулкимни, унинг нимадан иборат эканлиги ва қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, бошқаришга ва тасарруф этишга ваколат бераман.

У шу ваколатни бажариши юзасидан қонун билан тақиқланмаган барча битимларни тузиши, жумладан: сотиб олиши, сотиши, ҳадя этиши, ҳадя сифатида қабул қилиши, айирбошлаши, гаровга қўйиши, уй-жойлар ва бошқа мулкларни гаровга олиши, тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириши, меросни қабул қилиши ёки ундан воз кечиши, барча шахслар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлардан шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўлинмаларидан, бошқа банклар, алоқа бўлимлари ва телеграф-

лардан барча асослар бўйича, менга тегишли мулкларни, пулларни (омонат), қимматбаҳо қоғозларни, ва ҳужжатларни қабул қилиши, менинг банкдаги ҳисоб рақамимдан фойдаланиши, почта, телеграф ва бошқа барча турдаги корреспонденцияларни олиши, давлат муассасалари, кооператив ва жамоат ташкилотларида менинг номимдан ишларимни олиб бориши, шунингдек, барча суд муассасаларида қонун доирасида даъвогарга, жавобгарга, учинчи шахсга, ва жабрланувчига берилган барча ҳуқуқлар билан менинг ишларимни олиб бориши, жумладан даъвони қисман ёки тўлиқ тан олмаслик, даъвони тан олиш даъво предметини ўзгартириш, келишув битими тузиш, суд қарори устидан шикоят келтириш, ижро варақасини ундиришга тақдим этиш, мулк ёки пулни қабул қилиш ҳуқуқига эга

Ишончнома УЧ ЙИЛЛИК МУДДАТга берилди.

Имзо: ______________________________

(Агар ишончномада муддати кўрсатилмаса, ишончнома берилган кундан бошлаб бир йил муддатда амал қилади).

*8-шакл*

Уй-жойни сотишга ишончномани
намунавий матни

## ИШОНЧНОМА

Навоий вилояти, Учқудуқ шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон олтинчи йил сентябр ойининг бешинчи куни.

Мен, қуйида имзо чекувчи, Учқудуқ шаҳри, С. Раҳимов кўчаси, 15-уйнинг 8-хонадонида яшовчи Норов Султон Каримович ушбу ишончнома билан Самарқанд шаҳар, Тинчлик кўчаси 15-уйда яшовчи Каримова Лола Йўлдошевнага менга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 26-мавзе, 21-уйнинг 18-хонадонини ўзи истаган нарх ва шартлар асосида сотишига ваколат бераман.

Унга лозим бўладиган барча маълумотномаларни олиш, олди-сотди шартномасини тузиш ва имзолаш, менга тегиши лозим бўлган пулларни олиш ва ушбу ваколатни бажариш юзасидан лозим бўладиган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини бераман.

Ушбу ишончнома ваколатларни бировга ўтказиш ҳуқуқисиз (ҳуқуқи билан) ОЛТИ ОЙЛИК муддатга берилди.

Имзо: ________________________________________

*9-шакл*

## ИШОНЧНОМА

Навоий вилояти, Учқудуқ шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон олтинчи йил сентябр ойининг бешинчи куни.

Мен қуйида имзо чекувчи, Учқудуқ шаҳри, С. Раҳимов кўчаси, 15-уйнинг 8-хонадонида яшовчи Норов Султон Каримович ушбу ишончнома билан юқоридаги манзилда яшовчи Каримова Лола Йўлдошевнага

________________________________________ дан
(қайси муассаса, корхона ёки ташкилотнинг кассасидан олинади)

1997 йилнинг ____________________ ойи учун менга тегишли бўлган иш ҳақини олишига ваколат бераман.

Иш ҳақини олганлик ҳақида менинг ўрнимга имзо қўйиш ва ушбу ваколатни бажариш юзасидан лозим бўладиган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини бераман.

Имзо: ________________________________________

*10-шакл*

Мулк ҳуқуқи гувоҳномасини олишга ишончномани намунавий матни

## ИШОНЧНОМА

Навоий вилояти, Учқудуқ шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон олтинчи йил сентябр ойининг бешинчи куни.

Мен, қуйида имзо чекувчи, Учқудуқ шаҳри, С. Раҳимов кўчаси, 15-уйнинг 8-хонадонида яшовчи Норов Султон Каримович ушбу ишончнома билан юқоридаги манзилда яшовчи Каримова Лола Йўлдошевнага Навоий вилояти, Учқудуқ шаҳар давлат нотариал идорасидан

марҳум отам Норов Каримдан қолган мулкка мерос ҳуқуқи гувоҳномаси олишга мерос мулкини олиш ҳуқуқи билан ваколат бераман.

Ушбу ваколатни бажариш учун менинг номимдан ариза бериши, лозим бўладиган бошқа маълумот ва ҳужжатларни олиши ва мен учун имзо қўйиш ҳуқуқини бераман.

Имзо: ______________________________

*11-шакл*

**Ишончнома берувчи томонидан шахсан имзоланган ишончномани тасдиқловчи ёзуви**

1997 йил «___» _________ куни ушбу ишончномани мен, ____________________________________ тасдиқладим.

(муассасанинг номи, ишончномани тасдиқловчи мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми, ота исми)

Ишончнома фуқаро ______________________________

(ваколат берувчининг фамилияси, исми, ота исми)

томонидан менинг ҳузуримда имзоланди.

Ваколат берувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхат китобига ____________ рақами билан қайд этилди.

(Ишончномани тасдиқловчи мансабдор шахснинг лавозими, имзоси)

(Муассасанинг гербли муҳри)

*12-шакл*

**Ваколат берувчининг илтимосига кўра бошқа шахслар томонидан имзоланган ишончномани тасдиқловчи ёзуви**

1997 йил «____» _________куни ушбу ишончномани мен, ____________________________________ тасдиқладим.

(муассасанинг номи, ишончномани тасдиқловчи мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми, ота исми)

Фуқаро______________________________________ нинг

(ваколат берувчининг фамилияси, исми, ота исми)

___________________________________________________
(саводсизлиги, касаллиги, кўзи ожизлиги ва ҳ.)

туфайли унинг илтимосига кўра ва менинг ҳузуримда ишончномани фуқаро

___________________________________________________
(ишончномани ваколат берувчининг илтимосига кўра имзолаган шахснинг фамилияси, исми, ота исми)

имзолади.

Ваколат берувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Ишончномага имзо чекувчининг шахси аниқланди.

Рўйхат китобига ____________ рақами билан қайд этилди.

Ишончномани тасдиқловчи
мансабдор шахснинг
лавозими, имзоси

(Муассасанинг гербли муҳри)

*13-шакл*

**Васиятномани тасдиқлашни рад этишнинг намунавий матни**

«____» ____________199 ___ йил

Мен, ___________________________________________
(муассасанинг номи, лавозими, фамилияси и. о.)

___________________________________________________
(мурожаат қилган шахснинг яшаш жойи, фамилияси, исми, ота исми)

нинг васиятномани тасдиқлаш ҳақидаги илтимосини кўриб чиқиб, ___________________________________

___________________________________________________

___________________________________________ сабабли
(рад этиш асослари кўрсатилади)

Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 38-моддасига асосан васиятномани тасдиқлашни рад этаман. Ушбу рад этиш юзасидан ўн кунлик муддат давомида ______________________________

__________________________ шикоят қилиниши мумкин.
(суднинг номи кўрсатилади)

Мансабдор шахснинг лавозими, имзоси

(Муассасанинг муҳри)

*14-шакл*

**Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризанинг намунавий шакли**

______________________________

(нотариал идоранинг номи)
давлат нотариал идорасига

______________________________

(ариза берувчи — васият қилган шахс)
_____________________________ да
(нинг охирги доимий яшаш жойи)
яшовчи ______________________
_____________________________ дан
(фамилияси, исми, ота исми)

АРИЗА

Менинг номимдан
____________________________________________________________
(васиятнома тасдиқланган муассаса ва
____________________________________________________________
васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахснинг лавозими, тасдиқланиш вақти)

тасдиқланган васиятномани ушбу аризам билан бекор қиламан.

1997 йил «____» ______________________

Имзо:________________________________________________
(ариза берувчининг фамилияси, и. о. ва имзоси)

# НОТАРИАЛ ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРИШ ТАРТИБЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳайъатининг
1997 йил «__28__» апрелдаги
__33- __ қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Ўзбекистон Республикаси Давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда стажировка ўташ тартиби тўғрисида

# НИЗОМ

Ушбу Низом давлат нотариал идораларида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда стажировка ўташ билан боғлиқ масалаларни тартибга солади.

1. Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идораси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида бир йилдан кам бўлмаган стажировка муддатини ўтаган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия олиш учун малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланиши мумкин.

2. Уч йилдан кам бўлмаган юридик мутахассислик стажига эга бўлган шахслар учун стажировка муддати Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳокимиятлари адлия бошқармаларининг (кейинчалик матнда адлия органи) қарори билан 6 ойдан кам бўлмаган муддатгача қисқартирилиши мумкин.

Стажёрнинг касаллик ёки унинг бошқа узрли сабабларга кўра стажировка муддатини ўтамай қолган вақтларида стажировка муддати Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари адлия бошқармалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри нотариуслар Палаталари Қарори билан узайтирилиши мумкин.

3. Адлия органи фақат давлат нотариал идорасидагина стажёрлик лавозимига тайинлашни амалга оширади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус стажёрлик лавозимига қабул қилиш масаласини мустақил ҳал этади,

ҳамда бу ҳақда адлия органини 3 кун мобайнида хабардор қилади.

4. Стажёрлар нотариус ёрдамчиси, консультант лавозимига меҳнат шартномаси (контракт) асосида тайинланиши мумкин. Давлат нотариал идораларида стажёрлар меҳнатига адлия органининг иш ҳақи фондидан ҳақ тўланади.

5. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусда стажировка нотариус ва стажировка ўташ хоҳишини билдирган шахс ўртасида тузилган шартнома (контракт) асосида амалга оширилади.

Стажёрнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меҳнат шартномаси (контракт) билан белгиланади.

6. Давлат нотариал идорасида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусда стажировка ўтаётган шахс меҳнат шароитларига, иш стажи, иш вақти, таътил ва ижтимоий суғурта бўйича нафақага нисбатан нотариуслар учун белгиланган ҳамма ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Стажёрларга нисбатан ички меҳнат интизоми Қоидалари тадбиқ қилинади.

7. Стажёрлар иши устидан бевосита раҳбарликни, адлия органи буйруғи билан ушбу вазифа зиммасига юкланган нотариус томонидан амалга оширилади.

Нотариус томонидан ушбу вазифани амалга ошириш учун адлия органи томонидан мансаб маошига устамалар белгиланиши мумкин.

Давлат нотариуси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус бир вақтнинг ўзида иккитадан кўп бўлмаган стажёр ишига раҳбарлик қилиши мумкин.

8. Стажёрнинг вазифасига қуйидагилар киради: нотариал ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, келувчиларни қабул қилиш, тақдим этилган ҳужжатларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш, нотариал ҳаракатларни амалга оширишни бўйича фуқаролар ва юридик шахсларга маслаҳатлар бериш, қонунчилик ҳисоботи бўйича иш юритиш, банк тузилмаларининг муайян нотариал ҳаракатнинг характери ва сифати хусусида берилган юридик характерга молик сўровларига жавоблар тайёрлаш, статистик ва молиявий ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш, архив ишларини юритиш.

Стажёр нотариал амалиётни умумлаштиришда қатнашади ва уни амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

9. Стажировка мобайнида стажёр қуйидагиларни ўзлаштириши лозим:

— Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунини;

— Қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг асосий норматив актларини;

— Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг нотариат фаолиятини тартибга солиш бўйича қўлланмалари, буйруқлари ва кўрсатмаларини;

— нотариал амалиёт ва нотариал ҳаракатларни амалга ошириш қоидаларини;

— меҳнат жамоаси ва фуқаролар билан бўладиган ўзаро муносабатларда ахлоқий нормаларга риоя этиш.

10. Стажировка туталланиши билан раҳбар унинг якунлари хусусида хулоса тузади. Унда стажёрнинг стажировка жараёнидаги олган умумий тайёргарлик даражаси, амалий кўникмалари ва билими, шунингдек, стажёрнинг мустақил ишлашга тайёргарлиги ўз ифодасини топиши керак.

Хулосанинг бир нусхаси тегишли равишда адлия органида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусда сақлаш учун қолдирилади, бошқаси стажировкани ўтаган шахсга берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳайъатининг
1997 йил «_28_» апрелдаги 33-
қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

## Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиялари тўғрисида

## НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари қошида нотариат бўйича малака комиссиялари ташкил этилади.

Бу комиссиялар нотариал фаолият билан шуғулланиш

ҳуқуқига талабгор шахслардан имтиҳон олиш, интизомий ишларни кўриш ва нотариат фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўради.

2. Малака комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг буйруқлари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тажрибали амалиетчи нотариуслар ва адлия ходимларидан 5 тадан 9 кишига қадарли таркибда уч йиллик ваколат муддати билан тузилади.

Комиссия таркибига лавозими бўйича Қорақалпоғистон Адлия вазирининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари адлия бошқармалари бошлиқларининг нотариат бўйича ўринбосари, Нотариал палата тузилган чогда эса унинг ҳудудий бўлими раҳбари ҳам киритилади.

3. Комиссия аъзолари ўз таркибидан комиссия раиси ва унинг ўринбосарини сайлайдилар.

4. Малака комиссияси масъул котиблигига тегишинча Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ходимларидан бири сайланади.

5. Комиссия мажлисларининг даврийлигини комиссия раиси заруратдан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Лекин, комиссия мажлиси ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилмоғи лозим.

Малака имтиҳонини топшириш хусусида ариза мавжуд бўлган ҳолатда у берилган вақтидан бошлаб бир ой давомида кўриб чиқилиши керак.

6. Малака имтиҳонини топшириш хусусидаги ариза Ўзбекистон Республикасининг олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида белгиланган муддатли стажировкани ўтаган фуқароларидан қабул қилиниши мумкин.

7. Малака имтиҳонини топшириш учун қуйидаги шахслардан стажировка муддатини ўташ талаб этилмайди:

а) ариза бериш пайтида адлия органларида нотариатга раҳбарлик билан боглиқ ишларни бажариб турган олий юридик маълумотли шахслар (адлия органлари раҳбарлари, нотариат бўлими бошлиқлари, нотариат бўйича мутахассислар ва бошқалар).

б) олий юридик маълумотга эга бўлган ва давлат нота-

риуси сифатида бир йилдан кам бўлмаган муддат ишлаган шахслар, уларнинг нотариуслик фаолияти билан шуғулланмай қўйган муддатларидан қатъи назар.

Ушбу тоифадаги шахсларнинг аризаларига тавсифнома ёки охирги иш жойидан таърифнома қўшилади.

Юқоридагилардан аввал нотариус бўлиб ишлаб қонун талабларини бузганлиги учун ишдан бўшатилган шахслар мустасно.

8. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига талабгор шахснинг малака имтиҳонига қўйиш тўғрисидаги аризаси унинг яшаш жойидаги ёки ишлашни мақсад қилиб қўйган жойидаги тегишли адлия органига берилади.

9. Аризага қуйидагилар илова қилинади: а) Дипломнинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси; б) Ушбу Низомнинг 7-бандида санаб ўтилган шахслардан бошқа шахсларнинг стажировкани ўтаганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тавсифнома) таърифнома;

в) 3x4 ҳажмдаги икки дона фотосурат. Аризани бериш чоғида аризачининг шахси ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши шарт.

10. Берилган аризалар тақдим этилган ҳужжатлар билан солиштириб кўрилади, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборотлар Марказидан аризачининг судланган судланмаганлиги хусусидаги маълумот сўралади. Берилган аризалар махсус рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинади. Малака имтиҳони тайинлангандан сўнг имтиҳонни ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида унинг ўтказилишидан 10 кундан кеч бўлмаган муддат давомида ариза берган шахсга хабар берилади.

Аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва имтиҳон топширишга ҳужжатларни тайёрлашни малака комиссиясининг масъул котиби амалга оширади.

11. Имтиҳон топшириладиган кун ариза берувчи шахсга аризачининг фотосурати елимланган имтиҳон варақаси берилади.

12. Имтиҳон ёзма шаклда амалга оширилади. Имтиҳон билетида мавжуд бўлган барча саволларга тўлиқ жавоб берилиши лозим. Малака комиссиясининг масъул котиби баённома юритади, ушбу баённомага комиссия аъзолари томонидан берилган қўшимча саволлар ва имтиҳон топширувчининг жавоблари киритилади. Баённомага имтиҳон топширувчининг имтиҳон билети саволларига ёзма жавоби қўшиб қўйилади.

Баённома малака комиссиясининг раиси ва масъул котиби томонидан имзоланади.

13. Малака комиссияси ўтказилган имтиҳон натижалари бўйича шахснинг нотариал фаолиятини амалга оширишга касбий тайёргарлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Комиссия қарори имтиҳонда иштирок этган комиссия аъзоларининг барчаси томонидан имзоланади ва тегишли адлия органида сақлаш учун қолдирилади.

Қарорнинг нусхаси аризачига имтиҳон топширилган кундан бошлаб уч кунлик муддатда берилиши лозим.

14. Малака комиссияси агар унинг мажлисида аъзоларининг учдан икки қисмидан оз бўлмаган қисми иштирок этаётган бўлса қарор чиқаришга ваколатли бўлади.

15. Малака комиссиясининг қарори мажлисда иштирок этаётган малака комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овоз бериш имтиҳон топширувчининг йўқлигида очиқ равишда ўтказилади. Комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари баённомага киритилади.

16. Комиссиянинг масъул котиби томонидан малака комиссияси Қароридан нусха бериш чоғида нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия олиш тартиби ёки қарордан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади, бу имтиҳон топширганнинг тилхати билан тасдиқланади.

17. Малака имтиҳонини топшира олмаган шахс малака комиссиясининг Қарори устидан унга ушбу Қарорнинг нусхаси топширилган кундан бошлаб бир ой мобайнида апелляция комиссиясига шикоят қилиши мумкин.

18. Малака имтиҳонини топшира олмаган шахснинг илтимосига кўра комиссия қарори нусхаси топширилган кундан 10 кун ўтиши билан унга аризага илова қилинган барча ҳужжатлар (тўлов тўланганлиги ва пул қабул қилиб олинганлиги хусусидаги банк ҳужжатидан ташқари) қайтарилади.

Талаб қилиб олинмаган ҳужжатлар тегишли адлия органининг иш юритувида малака комиссияси Қарор қабул қилган кундан бошлаб бир йил мобайнида сақланади.

19. Малака имтиҳонини топшира олмаган шахс яна қайта малака имтиҳонига имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб бир йил ўтганидан сўнг қўйилиши мумкин.

20. Нотариус лавозимини эгаллашлик ҳуқуқини бериш бўйича танлов ўтказиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳокимиятлари Адлия бошкармаларига берилганида танлов ушбу Низом асосида тузилган комиссиялар томонидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия
вазирлиги ҳайъатининг
1997 йил «28» апрелдаги
33_ қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

## Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида

## Н И З О М

Ушбу Низом билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия бериш, уни тўхтатиш ва бекор қилиш жараёни тартибга солинади.

1. Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунига мувофиқ нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олий юридик маълумотга эга бўлган, стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинчалик матнда адлия органлари) томонидан малака комиссияларининг қарорига асосан берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Конуни қабул қилинган кунда нотариус бўлган шахсларга нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия малака имтиҳонлари топширилмасдан берилади.

2. Лицензияни олиш учун талабгор малака имтиҳонини топширган кундан бошлаб бир ой мобайнида адлия органига шахсан лицензия бериш хусусидаги аризани тақдим қилади.

Аризага малака комиссиясининг қарори, малака комиссияси масъул котиби томонидан тақдим этиладиган

ҳуж жатлар, шунингдек лицензия олиш учун давлат божи тўланганлиги ҳамда пул қабул қилинганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати илова қилинади.

Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳамма ҳужжатлар тегишли адлия органлари томонидан рўйхатга олинади.

Талабгордан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишини талаб этиш тақиқланади.

3. Лицензия олиш учун талабгор шахснинг аризасига мувофиқ равишда унинг малака имтиҳонини муваффақиятли топширганидан сўнг адлия органи ариза берилган кундан бошлаб 20 иш куни мобайнида малака комиссияси масъул котиби томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида лицензия бериш масаласини кўриб чиқади.

Муайян ҳолларда, аризачи томонидан ариза бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, шунингдек, келган материалларни қўшимча, шу жумладан, мустақил экспертиза ўтказилган чоғда адлия органи ушбу муддатни 10 иш кунидан кўп бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

4. Лицензия беришга ваколатли адлия органи аризани кўриб чиқиб натижалари бўйича лицензия бериш, лицензия беришни рад қилиш ёки аризани кўрмасдан қолдириш хусусида қарор қабул қилишга ҳақли.

Лицензия олиш учун тақдим этилган материалларда ҳақиқатга мувофиқ келмайдиган маълумотлар борлиги маълум бўлсагина лицензияни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Лицензия беришни рад этишга бошқа сабабларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги сабаби бўйича йўл қўйилмайди.

Лицензия бериш тўғрисидаги ариза агар у ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмасдан берилган бўлса, кўрмасдан қолдирилади.

Лицензия бериш рад этилган ёки ариза кўрмасдан қолдирилган тақдирда, малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор ушбу қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

Лицензия беришни рад этиш хусусидаги Қарор асослантирилган бўлиши лозим ва аризачига Қарор қабул қилинганидан сўнг 3 кундан кечиктирилмасдан ундан нусха берилади.

Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган шароит ўзгариб, адлия органининг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги Қарори ҳақиқий эмас деб топилганда, лицензия бериш тўғрисидаги аризани такроран кўриб чиқишга йўл қўйилади.

5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан белгиланган шаклда берилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида амалда бўлади.

Бериладиган лицензияга нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия беришнинг Давлат реестрига киритиладиган рўйхат рақами берилади.

Лицензия адлия органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланади ва бу органнинг муҳри билан тасдиқланади.

Реестрларнинг сақланиш муддати 75 йил. Лицензия бланкаси ушбу лицензия бериладиган территорияга тегишлиликни кўрсатувчи абривкатура серияси, лицензиянинг тартиб рақами ва ҳисоб серияси тақдим этувчига қимматли қоғоз даражасида ҳимояланиш даражасига эга бўлган қатъий ҳисобот ҳужжати ҳисобланади. Лицензия бланкларини сақлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш чоғида, ушбу фаолият билан шугулланиш истагини билдирган шахс энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида давлат божи тўлайди.

7. Лицензия йўқотилган ҳолда унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати берилиши учун лицензия бериш учун белгиланган давлат божи умумий миқдорининг 50 фойизи миқдорида тўлов олинади.

8. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олган шахс давлат нотариал идорасида нотариуслик лавозимига тайинлангандан сўнг, нотариал фаолиятни амалга оширишга, шунингдек, хусусий нотариал амалиёти билан муайян территорияда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилгандан сўнг ҳақли.

Нотариусга нотариал фаолиятни муайян территорияда амалга ошириш ваколатини бериш танлов асосида амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

9. Нотариуснинг давлат нотариал идорасидаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг нотариал ҳаракатларни амалга оширилганлик ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги хизматлар кўрсатганлик учун олган пул маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа молиявий тушумлари унинг фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбаи ҳисобланади.

10. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чогида нотариуслар, улар давлат нотариал идорасида ишлайдими ёки хусусий амалиёт билан шуғулланадими қатъи назар бир хил ҳуқуқларга эгалар.

Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимияти адлия бошқармалари лицензия берувчи орган сифатида нотариуснинг муайян лицензия бўйича фаолияти устидан назоратни амалга оширадилар.

Нотариус томонидан Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуни талаблари бузилган ҳолда, адлия органи малака комиссиясига унга нисбатан интизомий чора куриш учун тақдимнома киритади.

12. Лицензияга эга бўлган лекин, уч йил мобайнида нотариуслик лавозимидаги ишга киришмаган нотариус нотариал фаолиятни амалга оширишга фақат малака имтиҳонини такроран топширгандан сўнггина йўл қўйилади.

Имтиҳон натижасига қараб адлия органи лицензия амал қилишини янгилаш ёки уни бекор қилиш ҳақида Қарор чиқаради.

13. Лицензияни берган Адлия органлари Нотариал фаолиятни амалга оширишни давом эттиришга ҳалақит қиладиган шароитлар, ҳолатлар характеридан келиб чиқиб, малака комиссияларининг хулосасига асосан лицензия амал қилишини ушбу Низомда кўрсатилган тартибда тўхтатиш ёки уни бекор қилишга ҳақлидир.

14. Лицензия амал қилишини тўхтатиш нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини ушбу фаолиятни амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлган бутун даврга ёки йўл қўйилган хатоларни тугатиш шарти билан олти ойгача муддатга тақиқлашни билдиради.

15. Лицензия амал қилишини тўхтатиш нотариус жиноий жавобгарликка тортилган ҳолда унинг айбланувчи тартибида жавобгарликка тортилиши билан ва суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадарли ёки уни оқловчи асослар бўйича жиноий жавобгарликдан озод этилгунга қадарли адлия органи Қарорига асосан амалга оширилиши мумкин.

16. Лицензия амал қилишининг тўхтатилиши адлия органи томонидан малака комиссиясининг интизомий жазо сифатидаги Қарорига асосан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳолатда нотариус лицензия амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор олгандан сўнг адлия органи белгиланган муддатда ушбу органга унинг лицензияси амал қилишини тўхтатиш тўғрисида Қарор қабул қилиш учун асос бўлган камчилик ва хатоларни тугатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

17. Лицензияни амал қилишини тўхтатилишига олиб келган шароит ва ҳолатлар нотариус учун ижобий бўлган томонга ўзгарганда, лицензиянинг амал қилиши малака комиссияси хулосасига асосан адлия органи раҳбарининг қарори билан тикланади.

18. Лицензиянинг бекор қилиниши (тугатилиши) нотариал фаолиятни амалга оширишни тақиқланганлигини билдиради.

Лицензияни бекор қилиниши лицензияни берган орган томонидан қуйидаги асослар бўйича амалга оширилади:

— нотариуснинг ўз ваколатларини бекор қилиш хусусидаги аризасига кўра;

— нотариус Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

— белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

— нотариусга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

— лицензия олиш чоғида нотариус томонидан ноқонуний ҳаракатлар қилинганлигини тасдиқловчи ҳолатлар ошкор бўлиб қолганда;

— нотариус томонидан касб ахлоқи нормалари муттасил равишда бузилган ёки у томонидан қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилган ҳолатларда малака комиссияси қарори асосида.

Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариус билан

меҳнат шартномасини бекор қилиниши, шунингдек, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус томонидан иш жойи ёки яшаш жойини ўзгартирилиши нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган лицензияни бекор қилинишига олиб келмайди.

19. Адлия органи лицензия амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш ҳақида Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 кунлик муддат мобайнида бу ҳақда нотариусга ёзма шаклда хабар беради.

Бу ҳолатда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус зудлик билан тегишли солиқ органини адлия органининг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги Қарори тўғрисида хабардор қилишга, 10 кун мобайнида лицензияни уни берган органга қайтаришга ва ўзида сақланаётган ҳамма ҳужжатларни адлия органининг Қарори асосида бошқа нотариусга топшириши шарт.

20. Лицензия амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги Қарор тегишли адлия органи раҳбари (ёки раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланади.

21. Лицензияни амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги Қарор устидан шикоят ушбу Қарорни олинган кундан бошлаб бир ойлик муддат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки судга берилиши мумкин.

22. Лицензияларнинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги ахборот жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишини олдини олиш мақсадида, адлия органи томонидан маҳаллий матбуотда ва «Инсон ва Қонун» газетаси саҳифаларида эълон қилинади.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун бериладиган ҳамма лицензияларга умумий реестр юритади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги ҳайъатининг
1997 йил «28» апрелдаги 33-
қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

## Нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш ҳамда нотариус ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида

## НИЗОМ

Ушбу Низом нотариус лавозимини таъсис этиш, тугатиш, нотариал округдаги нотариуслар лавозимининг сонини белгилаш хамда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш учун танлов ўтказиш билан боглиқ масалаларни тартибга солади.

1. Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 16-моддасига кўра нотариуснинг фаолият курсатиш ҳудуди (нотариал округ) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинмасига мувофиқ белгиланади.

2. Нотариус лавозими Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ёки тегишли адлия бошқармаси бошлиғининг асослантирилган тақдимномаси эътиборга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади.

3. Нотариал округдаги нотариал идоралар ва нотариуслар лавозимининг сони, шу жумладан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар сони ҳам заруратдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади. Бу масалани ҳал қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва тегишли адлия бошқармаси фикри, тақдимномалари эътиборга олиниши мумкин.

4. Нотариусга (давлат нотариуслари, шунингдек, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга) муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссияси ёки Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари қошидаги малака комиссиялари томонидан ўтказилади.

Танловнинг мақсади нотариуслик лавозимига чуқур касбий билимга эга бўлган, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мажбуриятларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга лаёқатли мутахассисларни танлаб олишдан иборат.

5. Нотариус лавозими бўшаб қолганда ёки янги нотариус лавозими таъсис этилганида тегишли адлия органи маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали, танлов ўтказиладиган кундан камида бир ой илгари эълон беради.

6. Танловда Ўзбекистон Республикасининг олий юридик маълумотли, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқаролари қатнашишлари мумкин.

Лицензия олган, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаронинг малака имтиҳонини қайта топширгандан кейингина танловда иштирок этишга ҳақи бор.

Лицензияга эга бўлган ва нотариус ёрдамчиси бўлиб ишлаб келаётган шахс қайта имтиҳон топширмайди.

Шунингдек, лицензияга эга бўлган ва адлия органларида ёки нотариал палата нотариусларга раҳбарлик қилиш, илмий-амалий, услубий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ лавозимларда ишлаётган шахслар ҳам қайта имтиҳон топширмайдилар.

7. Танловда қатнашишни ихтиёр этган шахс адлия органи раҳбарига ариза беради.

Аризага меҳнат дафтарчасидан кўчирма, ўталган стажировка якунлари бўйича хулоса, ёки нотариуснинг нотариусликка талабгорнинг нотариус ёрдамчиси сифатидаги фаолияти тўғрисидаги таърифномаси (отзыв), малака (апелляция) комиссияси Қарори нусхаси, шунингдек, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия илова қилинади.

Талабгорнинг хоҳишига кўра аризага илмий даража хусусидаги дипломлар, илмий ишлар, шунингдек, матбуотда эълон қилинган, чоп этилган мақолалар рўйхати ҳам илова қилиниши мумкин.

8. Ҳар бир номзод бўйича комиссия мажлисида раислик этувчи унинг меҳнат фаолияти ўталган стажировка якунлари бўйича хулоса ёки нотариуснинг нотариусликка талабгорнинг нотариус ёрдамчиси сифатидаги фаолияти хусусидаги таърифномаси тўғрисида қисқача маълумот беради.

9. Танлов яширин овоз бериш шаклида ўтказилади. Танловда иштирок этаётганларнинг барчасини фамилиялари яширин овоз бериш бюллетенига киритилади. Номзодга муносабат номзоднинг бюллетендаги фамилиясини чизиш ёки чизмасдан колдириш билан ифода этилади. Бюллетенлар мажлисда қатнашган комиссиянинг ҳамма аъзолари иштирокида очилади. Овозлар тенг бўлиб қолганда номзод рад этилган ҳисобланади.

Ҳар бир номзод бўйича овоз бериш натижалари комиссия аъзолари ва номзодлар иштирокида эълон қилинади.

Ўтказилган овоз бериш натижаси бўйича тузилган баённома комиссия раиси ва масъул котиби томонидан имзоланиб, танлов ҳужжатларига қўшилади.

10. Комиссия Қарори агар овоз беришда комиссия таркибининг 2/3 қисмидан кам бўлмаган қисми қатнашгандагина ҳақиқий бўлади.

Иштирок этган комиссия аъзоларининг 50 фоиздан кам бўлмаган, кўпчилик овозини олган номзод танловдан ўтган ҳисобланади.

11. Комиссиянинг танловдан ўтганлик тўғрисидаги Қарори адлия органининг талабгорни нотариус лавозимига тайинлаши ёки хусусий нотариал амалиёт билан шуғулланишига рухсат берилишига асос бўлади.

12. Танловдан ўтмаган талабгорларнинг номзодлари комиссиянинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқишга тавсия қилинади ва умумий асосларда танловда қатнашиши учун ижозат берилади.

Бу ҳолатда аввал топширилган ҳужжатларга қўшимча ҳужжатларни талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

13. Танловнинг натижалари тўғрисида масъул котиб, унда қатнашган шахсларга комиссия Қароридан нусха бериш билан хабар беради.

14. Танлов натижалари тўғрисидаги комиссия қарори устидан шикоят келтирилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳайъатининг
1997 йил «28» апрелдаги
33-қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Апелляция комиссияси тўғрисида

## НИЗОМ

Ушбу Низом нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига даъвогар шахсларнинг малака имтиҳонини қабул қилувчи малака комиссиялари қарорлари устидан шикоятлари ва бошқа аризаларини кўриб чиқувчи апелляция комиссиясини ташкил этишни ва бу комиссиянинг фаолиятини тартибга солади.

1. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига талабгорлардан малака имтиҳонини қабул қилувчи малака комиссиялари қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида апелляция комиссияси ташкил этилади.

2. Апелляция комиссияси тажрибали нотариуслар ва Адлия вазирлигининг мутахассис ходимларидан 11 киши таркибида 3 (уч) йиллик ваколат муддати билан тузилади.

Нотариал палата тузилганида апелляция комиссияси таркибига нотариал палата аъзолари ҳам киритилади. Бунда нотариал палата аъзоларидан номзодлар унинг раҳбари билан келишилади.

3. Апелляция комиссияси раиси ва ўринбосари комиссия аъзолари таркибидан уларнинг ўзлари томонидан сайланади.

4. Комиссия аъзоси бўлган Адлия вазирлиги ходимларидан бири апелляция комиссиясининг масъул котиби этиб сайланади.

5. Апелляция комиссияси йиғилиши муддатлари заруратдан келиб чиққан ҳолда лекин ҳар чоракда камида бир маротаба унинг раиси томонидан чақирилади.

6. Малака комиссияларининг қарорлари устидан шикоят ва аризалар малака комиссияси қарорининг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой давомида берилиши лозим.

Апелляция комиссияси шикоят ва аризаларни кўриб чиқишда тегишли малака комиссиясидан аризачининг малака имтиҳонини топшириши билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни талаб қилиб олади.

Зарур ҳолларда апелляция комиссияси қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиши мумкин.

7. Ариза ва шикоятлар махсус китобда қайд этилиши ва берилган кунидан бошлаб бир ойлик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Алоҳида ҳолларда заруратдан келиб чиқиб апелляция комиссияси қайта имтиҳон тайинлаши мумкин. Бундай ҳолларда комиссия мажлиси ўтказилишидан 10 кун илгари аризачига қайта имтиҳон тайинланганлиги ҳақида хабар берилади.

Ҳужжатларни қайта имтиҳонга тайёрлаш, аризачини имтиҳон ўтказиладиган кун ва жойи ҳақида хабар қилиш ишларини апелляция комиссиясининг масъул котиби бажаради.

8. Қайта имтиҳон эълон қилинганида аризачига фотосурати елимланган имтиҳон варақаси берилади.

9. Апелляция комиссиясининг қарори билан имтиҳон ёзма ёки оғзаки тарзда ўтказилиши мумкин.

Апелляция комиссиясининг аъзолари билет юзасидан ҳам, нотариат қонунчилиги бўйича ҳам имтиҳон топширувчига савол бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Апелляция комиссиясининг масъул котиби томонидан юритиладиган баённомага комиссия аъзоларининг саволлари ва имтиҳон топширувчининг жавоблари ҳам киритилади.

Баённома комиссия раиси ва масъул котиби томонидан имзоланади.

10. Апелляция комиссияси шикоят ва аризани текширилиши юзасидан ёки ўтказилган қайта имтиҳон бўйича малака комиссиясининг қарорини тасдиқлаш ёки бу қарорни бекор қилиб аризачига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилади.

11. Апелляция комиссияси томонидан малака комиссиясининг қарори тасдиқланган ҳолда аризачига малака комиссиясининг қарори чиққан кундан бошлаб бир йилдан сўнг қайта имтиҳонга қўйилиши мумкинлиги тушунтирилади.

12. Агар апелляция комиссияси томонидан малака комиссиясининг қарори бекор қилиниб, аризачига лицен-

зия бериш ҳақида қарор қабул қилинса у ҳолда апелляция комиссияси қарорининг нусхаси тегишли адлия органига аризачига лицензия беришлик учун юборилади.

13. Апелляция комиссиясининг қарори комиссия мажлисида қатнашган барча комиссия аъзолари томонидан имзоланиб, сақлаш учун Адлия вазирлигида қолдирилади.

14. Апелляция комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми комиссия мажлисида иштирок этган тақдирда қарор қабул қилишга ҳақли.

15. Апелляция комиссиясининг қарори унинг мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш очиқ овоз бериш йўли билан аризачининг иштирокисиз ўтказилади. Апелляция комиссияси қабул қилган қарор ҳақида комиссия мажлиси якунида эълон қилинади.

16. Апелляция комиссиясининг қарори устидан бир ой мобайнида судга шикоят келтирилиши мумкин.

17. Апелляция комиссиясининг аъзолари малака комиссияларининг мажлисларида маслаҳат овози билан қатнашиш ҳуқуқига эга.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Апелляция комиссиясига нотариуслик лавозимини эгаллашлик ҳуқуқини бериш бўйича танлов ўтказиш ваколати ҳам юклатилади.

Танлов ўтказиш қоидалари «Нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш ҳамда нотариус ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

# НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРДАН НАМУНАЛАР

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари битим деб юритилади.

Нотариал амалиётда бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама битимлар (шартномалар) булиши мумкин.

Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Масалан, васиятнома, ишончнома, кафиллик ва ҳоказолар.

Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак.

Битимлар огзаки ёки ёзма (оддий ёзма ёки нотариал) тасдиқланган шаклда тузилади.

Битимни нотариал тасдиқлаш ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади. Қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

1) қонунда кўрсатилган ҳолларда,

2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан қурилаётган уй-жой қурилиш тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Уйнинг бир неча квартираларга хизмат қиладиган умумий хоналари, хусусан устун ва тўсинлар, механик, электр, санитария техника ва квартира ташқарисидаги ёки ичкарисидаги ўзга қурилмалари кўп квартирали уйдаги квартира эгаларига улушли мулк ҳуқуқи тарзида тегишли бўлиб, квартира эгаси уй-жой умумий мол-мулкига эгалик ҳуқуқидаги ўз улушини тасарруфдан чиқаришга, шунингдек бу улушнинг квартирага бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда бошқа шахсга ўтишига олиб келувчи ўзга ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтида вужудга келади.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Сотувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасини муҳим шарти бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Икки ва кўптомонлама битимларнинг бир тури айирбошлашдир. Айирбошлаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

Агар айирбошлаш шартномасидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, айирбошланадиган товарлар тенг қийматли деб тахмин қилинади, уларнинг топшириш ва қабул қилиш харажатларини эса ҳар бир ҳолда тегишли мажбуриятларни бажарадиган тараф амалга оширади.

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинган тақдирда баҳоси айирбошлашга тақдим қилинаётган товар баҳосидан паст бўлган товарни топшириши лозим бўлган тараф, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, товар ёки товарни тасарруф қилиш ҳужжатлари топширилгандан сўнг кечиктирмасдан баҳолардаги фарқни тўлаш лозим.

Ҳадя шартномаси ҳам битимларнинг бир тури бўлиб, бундай шартномага мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёйинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Бирор бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон бир шахсни мулкий мажбуриятдан

озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси деб тан олинади.

Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарсасини аниқ кўрсатмасдан ўзини мол-мулкини ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳадя этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома уз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Умумфойдали мақсадлар қилинган ҳадя хайр-эҳсон ҳисобланади. Хайр-эҳсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя муассасаларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга, хайрия илмий ва ўқув муассасаларига, фондлар, музейлар ва бошқа маданият муассасаларига, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга, шунингдек давлатга ва бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қилиниши мумкин.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Хайр-эҳсон қилувчи мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилганида бу мол-мулкдан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим, юридик шахсларга хайр-эҳсон қилганда эса бу шартни қўйиш мумкин. Бундай шарт бўлмаганида мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилиш оддий ҳадя деб ҳисобланади, қолган ҳолларда эса хайр-эҳсон қилинган мол-мулкдан ҳадя олувчи унинг вазифасига мувофиқ фойдаланади.

Битимларнинг ўзига хос яна бир тури бу умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни квартирани бошқа шахсга бериш шартномасидир.

Бундай шартномага мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соглиғи туфайли меҳнатга лаеқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (унинг бир қисми)ни квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, улар-

нинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Бериладиган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми) квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, олувчи шартнома амал қилиб турган даврда бу уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сотиш, ҳадя қилиш, гаровга қўйиш ва уй (уйнинг бир қисми), квартирага мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бу уй (уйнинг бир қисми), квартирага олувчининг қарзлари бўйича ундириш қаратилмайди.

Умрбод таъминлаш билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича бошқа шахсга берувчидан олинган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг тасодифан нобуд бўлиши олувчини шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди.

Олувчи вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганида ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

## ШАРТНОМА ВА БИТИШУВЛАР

### УЙ-ЖОЙНИ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг йигирма бешинчи куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 54-уйда яшовчи Насретдинов Садириддин Сирожитдинович ва Тошкент вилояти,

Янгийўл тумани, Соҳибкор жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Раҳмонов Сағдулла Раҳимович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Мен, Насретдинов Садириддин Сирожитдинович, Чиноз тумани, Олмазор қурғони, Навоий кўчасидаги 600 квадрат метрли ер майдонига жойлашган 54-рақамли уй-жойимни сотдим, мен Раҳмонов Сағдулла Раҳимович эса юқорида кўрсатилган манзилдаги уй-жойни сотиб олдим.

Олди-сотди қилинаётган уй-жой яшаш майдони 72 квадрат метр бўлган 4 та хона, 2 та дахлиз ва олди ойнабанд айвондан иборат битта бир қаватли, пишиқ гиштдан қурилган уйдан иборат бўлиб, уйнинг умумий фойдали майдони 110 квадрат метр. Шунингдек, ҳовлида ёзги ва қишги ошхона, омборхона, қозонхона, ҳаммом ва ҳожатхона бор ва бу Чиноз тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасининг 1997 йил 12 майдаги маълумотномаси билан тасдиқланади.

2. Сотилаётган уй-жой менга, Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичга Чиноз тумани давлат нотариал идораси томонидан 1995 йилнинг 4 апрелида реестрга 1221-рақами билан қайд этиб берилган ва Чиноз тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасида 1995 йил 5 апрелидан 4554 рақами билан рўйхатга қўйилган мерос ҳуқуқи гувоҳномасига асосан тегишлидир.

3. Уй-жойнинг инвентар нархи 23500 (йигирма уч минг беш юз) сўм бўлиб, томонлар уни 40000 (қирқ минг) сўмга баҳоладик ва мен, Насретдинов Садириддин Сирожитдинович, сотилган уй учун Раҳмонов Сағдулла Раҳимовичдан кўрсатилган миқдордаги пулни ушбу шартномани имзолаш арафасида тўлиқ олдим.

4. Ушбу шартнома тузилгунга қадар олди-сотди қилинаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган ва бу уй-жой юзасидан ҳеч қандай низо ва тақиқлар йўқ.

5. Сотилаётган ушбу уй-жойда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар йўқ.

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185-моддасига кўра ушбу шартнома тегишли Техник инвентаризациялаш Маҳкамасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб уй-жойни сотиб олувчида мулк ҳуқуқи вужудга келади.

7. Ушбу шартномани тузиш учун лозим бўладиган

харажатларни сотиб олувчи — Раҳмонов Сағдулла Раҳимович тўлайди.

8. Шартнома уч нусхада тузилиб имзоланди, бири Чиноз давлат нотариал идорасида қолдирилади, бошқалари сотиб олувчи С. Р. Раҳмоновга берилиб, бир нусхаси шартнома рўйхатга қўйилган ТИМда қолдирилади.

| | | |
|---|---|---|
| ИМЗОЛАР: | Насретдинов Садириддин Сирожитдинович | (имзоси) |
| | Раҳмонов Сағдулла Раҳимович | (имзоси) |

## УЙ-ЖОЙНИНГ БИР ҚИСМИНИ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг йигирма бешинчи куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қурғони, Навоий кўчасидаги 54-уйда яшовчи Насретдинов Садириддин Сирожитдинович ва Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Соҳибкор жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Раҳмонов Сағдулла Раҳимович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Мен Насретдинов Садириддин Сирожитдинович, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 600 квадрат метрли ер майдонига жойлашган 54-рақамли уй-жойимни иккидан бир қисмини сотдим, мен Раҳмонов Сағдулла Раҳимович эса юқорида кўрсатилган манзилдаги уй-жойнинг иккидан бир қисмини сотиб олдим.

Юқоридаги манзилдаги ҳовлида яшаш майдони 72 квадрат метр бўлган 4 та хона, 2 та даҳлиз ва олди ойнабанд айвондан иборат битта бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган уйдан иборат бўлиб, уйнинг умумий фойдали майдони 110 квадрат метр. Шунингдек, ҳовлида ёзги ва қишги ошхона, омборхона, қозонхона, ҳаммом ва ҳожатхона бор ва бу Чиноз тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасининг 1997 йил 12 майдаги маълумотномаси билан тасдиқланади.

2. Юқорида тавсифланган тўлиқ уй-жой менга, Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичга Чиноз тумани давлат нотариал идораси томонидан 1996 йилнинг 8 апрелида реестрга 1242-рақами билан қайд этиб берилган ва Чиноз тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасида 1996 йил

15 апрелидан 4334 рақами билан рўйхатга қуйилган уй-жойни олди-сотди шартномасига асосан тегишлидир.

3. Ушбу шартномага асосан юқорида тавсифланган уй-жойнинг уй-жой қурилиши режасида кўрсатилган қуйидаги қисми яъни, «Б» литрдаги умумий фойдаланиш майдони 64,5 квадрат метр, яшаш майдони 48 квадрат метр бўлган пишиқ ғиштдан қурилган бир қаватли уй, «Д» литрдаги ёзги ошхона, «Е» литрдаги омборхона ва шу бинолар жойлашган ҳамда фойдаланишда бўлган 280 квадрат метрли ер майдони Раҳмонов Сағдулла Раҳимовичнинг эгалигига ўтади.

4. Уй-жойнинг сотилаётган иккидан бир қисмининг инвентар нархи 12250 (ун икки минг икки юз эллик) сўм бўлиб, томонлар уни 25000 (йигирма беш минг) сўмга баҳоладик ва мен, Насретдинов Садириддин Сирожитдинович уйнинг сотилган иккидан бир қисми учун Раҳмонов Сагдулла Раҳимовичдан кўрсатилган миқдордаги пулни ушбу шартномани имзолаш арафасида тўлиқ олдим.

5. Ушбу шартнома тузилгунга қадар олти-сотди қилинаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган ва бу уй-жой юзасидан ҳеч қандай низо ва тақиқлар йўқ.

6. Уй-жойнинг сотилаётган қисмида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар йўқ.

7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185-моддасига кўра ушбу шартнома тегишли Техник инвентаризациялаш Маҳкамасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб уй-жойни сотиб олувчида мулк ҳуқуқи вужудга келади.

8. Ушбу шартномани тузиш учун лозим бўладиган харажатларни сотиб олувчи — Раҳмонов Сағдулла Раҳимович тўлайди.

9. Шартнома уч нусхада тузилиб имзоланди, бири Чиноз давлат нотариал идорасида сақланади, бошқалари сотиб олувчи С. Р. Раҳмоновга берилиб, бир нусхаси шартнома рўйхатга қўйилган ТИМда қолдирилади.

| | | |
|---|---|---|
| ИМЗОЛАР: | Насретдинов Садириддин Сирожитдинович | (имзоси) |
| | Раҳмонов Сағдулла Раҳимович | (имзоси) |

## УМУМИЙ ҲИССАЛИ УЙ-ЖОЙДАГИ УЛУШНИ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг йигирма бешинчи куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 54-уйда яшовчи Насретдинов Садириддин Сирожитдинович ва Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Соҳибкор жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Раҳмонов Сағдулла Раҳимович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Мен Насретдинов Садириддин Сирожитдинович, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 600 квадрат метрли ер майдонига жойлашган 54-рақамли уй-жойни менга тегишли бўлган иккидан бир қисмини сотдим, мен Раҳмонов Сағдулла Раҳимович эса юқорида кўрсатилган манзилдаги уй-жойни иккидан бир қисмини сотиб олдим.

2. Юқоридаги манзилдаги ҳовлида яшаш майдони 72 квадрат метр бўлган 4 та хона, 2 та дахлиз ва олди ойнабанд айвондан иборат битта бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган умумий фойдали майдони 110 квадрат метр бўлган уй, умумий фойдали майдони 64,5 квадрат метр, яшаш майдони 48 квадрат метр бўлган 3 та хона, 1 та дахлиз ва олди очиқ айвондан иборат битта бир қаватли пишиқ ғиштдан қурилган уй. Шунингдек, ҳовлида ёзги ва қишги ошхона, 2 та омборхона, қозонхона, 2 та ҳаммом ва ҳожатхона бор ва бу Чиноз тумани Техник инвентиризациялаш маҳкамасининг 1997 йил 12 майдаги маълумотномаси билан тасдиқланади.

3. Уй-жойнинг Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичга тегишли бўлган иккидан бир қисми уй-жой қурилиши режасида кўрсатилган қуйидагилардан иборат яъни, «Б» литрдаги умумий фойдаланиш майдони 64,5 квадрат метр, яшаш майдони 48 квадрат метр бўлган пишиқ ғиштдан қурилган бир қаватли уй, «Д» литрдаги ёзги ошхона, «Е» литрдаги омборхона ва фойдаланувчилар ўртасидаги келишувга асосан 280 квадрат метрли ер майдони.

4. Юқорида тавсифланган уй-жойнинг иккидан бир қисми менга, Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичга Чиноз тумани давлат нотариал идораси томонидан 1996 йилнинг 8 апрелида реестрга 1242-рақами билан қайд этиб берилган ва Чиноз тумани  Техник инвентаризациялаш

маҳкамасида 1996 йил 15 апрелидан 4334 рақами билан рўйхатга қўйилган меросга мулкини бўлиш тўғрисидаги шартномага асосан тегишлидир.

5. Ушбу шартномага асосан юқорида тавсифланган уй-жойнинг уй-жой қурилиши режасида кўрсатилган қуйидаги қисми яъни, «Б» литрдаги умумий фойдаланиш майдони 64,5 квадрат метр, яшаш майдони 48 квадрат метр бўлган пишиқ ғиштдан қурилган бир қаватли уй, «Д» литрдаги ёзги ошхона, «Е» литрдаги омборхона ва шу бинолар жойлашган ҳамда фойдаланишда бўлган 280 квадрат метрли ер майдони Раҳмонов Сагдулла Раҳимовичнинг эгалигига ўтади.

6. Уй-жойнинг сотилаётган иккидан бир қисмининг инвентар нархи 12250 (ўн икки минг икки юз эллик) сўм бўлиб, томонлар уни 25000 (йигирма беш минг) сўмга баҳоладик ва мен, Насретдинов Садириддин Сирожитдинович, уйнинг сотилган иккидан бир қисми учун Раҳмонов Сағдулла Раҳимовичдан кўрсатилган миқдордаги пулни ушбу шартномани имзолаш арафасида тўлиқ олдим.

7. Ушбу шартнома тузилгунга қадар олти-сотди қилинаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган ва бу уй-жой юзасидан ҳеч қандай низо ва тақиқлар йўқ.

8. Уй-жойнинг сотилаётган қисмида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар йўқ.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185-моддасига кўра ушбу шартнома тегишли Техник инвентаризациялаш Маҳкамасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб уй-жойни сотиб олувчида мулк ҳуқуқи вужудга келади.

10. Ушбу шартномани тузиш учун лозим бўладиган харажатларни сотиб олувчи — Раҳмонов Сағдулла Раҳимович тўлайди.

11. Шартнома уч нусхада тузилиб имзоланди, бири Чиноз давлат нотариал идорасида сақланади, бошқалари сотиб олувчи С. Р. Раҳмоновга берилиб, бир нусхаси шартнома рўйхатга қўйилган ТИМда қолдирилади.

ИМЗОЛАР: Насретдинов Садриддин Сирожитдинович ______ (имзоси)

Раҳмонов Сағдулла Раҳимович ______ (имзоси)

## УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ БИЛАН УЙ-ЖОЙНИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

Узбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг йигирма бешинчи куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қурғони, Навоий кўчасидаги 54-уйда яшовчи 1922 йилда туғилган, Насретдинов Садириддин Сирожитдинович ва Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Соҳибкор жамоа хужалиги ҳудудида яшовчи Раҳмонов Сагдулла Раҳимович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Мен Насретдинов Садириддин Сирожитдинович, Чиноз тумани, Олмазор қўргони, Навоий кўчасидаги 600 квадрат метрли ер майдонига жойлашган 54-рақамли уй-жойимни Раҳмонов Сагдулла Раҳимовични эгалигига топшираман.

Юқоридаги манзилдаги ҳовлида яшаш майдони 72 квадрат метр бўлган 4 та хона, 2 та даҳлиз ва олди ойнаванд айвондан иборат битта бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган уй бўлиб, уйнинг умумий фойдали майдони 110 квадрат метр. Шунингдек, ҳовлида ёзги ва қишги ошхона, омборхона, қозонхона, ҳаммом ва ҳожатхона бор ва бу Чиноз тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасининг 1997 йил 12 майдаги маълумотномаси билан тасдиқланади.

2. Бу уй-жой менга, Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичга Чиноз тумани давлат нотариал идораси томонидан 1985 йилнинг 4 апрелида реестрга 1221-рақами билан қайд этиб берилган ва Чиноз тумани ТИМсида 1985 йил 10 апрелда 2123 рақами билан рўйхатга қўйилган Мерос ҳуқуқи гувоҳномасига асосан тегишлидир.

3. Уй-жойнинг инвентар нархи 23500 (йигирма уч минг беш юз) сўм бўлиб, биз уни 40000 (қирқ минг) сумга баҳоладик.

4. Мен, Раҳмонов Сағдулла Раҳимович, фуқаро Насретдинов Садриддин Сирожитдиновични умрбод озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, унга қараб туриш ва шу уйдаги ҳажми 14 квадрат метр бўлган ва уй режасида А-3 билан белгиланган хонадан бепул фойдаланиши учун ажратиб бериш мажбуриятини оламан.

5. Моддий ёрдамнинг барча турини томонлар ҳар ойда 800 (саккиз юз) сўм микдорида белгиладик.

6. Уй-жойни олувчи шартнома икки томонлама амал қилиб турган даврда бу уйни сотишга, ҳадя қилишга, гаровга қўйишга ҳақли эмас. Бу уйга олувчининг карзлари бўйича ундириш қаратилмайди.

7. Олинган ушбу уй-жойни тасодифан нобуд бўлиши олувчини шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди.

8. Ушбу шартнома томонларнинг келишувига биноан нотариал идорада, томонлардан бирининг шартнома шартларини бажармаганлари тақдирда ва бу борада ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9. Ушбу шартнома тузилгунга қадар умрбод таъминлаш шарти билан топширилаётган мазкур уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган ва бу уй-жой юзасидан ҳеч қандай низо ва тақиқлар йўқ.

10. Умрбод таъминлаш шарти билан топширилаётган ушбу уй-жойда Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичдан бошқа Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар йўқ.

11. Томонларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 530—534 моддалари мазмуни тушунтирилди.

12. Ушбу шартномани тузиш учун лозим бўладиган харажатларни Раҳмонов Сагдулла Раҳимович тўлайди.

13. Шартнома уч нусхада тузилиб имзоланди, бири Чиноз давлат нотариал идорасида қолдирилади, бошқалари уй-жойни олувчи С. Р. Раҳмоновга берилиб, бир нусхаси шартнома рўйхатга қўйилган ТИМда қолдирилади.

| | | |
|---|---|---|
| ИМЗОЛАР: | Насретдинов Садириддин Сирожитдинович | (имзоси) |
| | Раҳмонов Сағдулла Раҳимович | (имзоси) |

## УЙ-ЖОЙНИ АЙИРБОШЛАШ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг йигирма бешинчи куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 54-уйда яшовчи Насретдинов

Садириддин Сирожитдинович ва Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Соҳибкор жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Раҳмонов Сагдулла Раҳимович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Биз, фуқаролар Насретдинов Садириддин Сирожитдинович ва Раҳмонов Сағдулла Раҳимович ўзларимизга тегишли бўлган уй-жойларни ўзаро айирбошладик.

2. Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичга тегишли бўлган, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кучасидаги 600 квадрат метрли ер майдонига жойлашган 54-рақамли уй-жой яшаш майдони 72 квадрат метр бўлган 4 та хона, 2 та дахлиз ва олди ойнабанд айвонли битта бир қаватли, пишиқ гиштдан қурилган уйдан иборат бўлиб, уйнинг умумий фойдали майдони 110 квадрат метр. Шунингдек, ҳовлида ёзги ва қишги ошхона, омборхона, қозонхона, ҳаммом ва ҳожатхона бор ва бу Чиноз тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасининг 1997 йил 12 майдаги маълумотномаси билан тасдиқланади. Бу уй-жой Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичга Чиноз тумани давлат нотариал идораси томонидан 1995 йилнинг 4 апрелида реестрга 1221-рақами билан қайд этиб берилган ва Чиноз тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасида рўйхатга қўйилган Мерос ҳуқуқи гувоҳномасига асосан тегишлидир.

3. Бу уй-жойнинг инвентар нархи 23500 (йигирма уч минг беш юз) сўм бўлиб, ушбу шартномага асосан юқорида кўрсатилган уй-жойга бўлган эгалик ҳуқуқи Раҳмонов Сағдулла Раҳимовичга ўтади.

4. Раҳмонов Сағдулла Раҳимовичга тегишли бўлган, Янгийул тумани, Соҳибкор жамоа хўжалиги, Оқ-олтин маҳалласидаги 1200 квадрат метрли ер майдонига жойлашган 14-рақамли уй-жой яшаш майдони 92 квадрат метр бўлган 5 та хона, 2 та дахлиз ва олди ойнабанд айвонли битта бир қаватли, пахса девордан қурилган уйдан иборат бўлиб, уйнинг умумий фойдали майдони 132 квадрат метр. Шунингдек, ҳовлида ёзги ва қишги ошхона, омборхона, иккита бостирма, молхона, қозонхона, ҳаммом ва ҳожатхона бор ва бу Янгийўл тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасининг 1997 йил 15 майдаги 124-сонли маълумотномаси билан тасдиқланади ва бу уй-жой Раҳмонов Сагдулла Раҳимовичга Янгийўл тумани Ҳокимининг 1994 йилнинг 24 апрелидаги ҚАРОРИга асосан тегишли бўлиб, бу Қарор Янгийўл тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасида рўйхатга қўйилган.

5. Бу уй-жойнинг инвентар нархи 27750 (йигирма етти минг етти юз эллик) сўм бўлиб, ушбу шартномага асосан юқорида кўрсатилган уй-жойга бўлган эгалик ҳуқуқи Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичга ўтади.

6. Айирбошлаш қўшимча тўловларсиз амалга оширилади.

7. Ушбу шартнома тузилгунга қадар айирбошланаётган уй-жойлар бошқа шахсларга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган ва бу уй-жойлар юзасидан ҳеч қандай низо ва тақиқлар йўқ.

8. Айирбошланаётган уй-жойларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар йўқ.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185-моддасига кўра ушбу шартнома тегишли Техник инвентаризациялаш Маҳкамасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб уй-жойни айирбошловчиларда мулк ҳуқуқи вужудга келади.

10. Нотариус бизларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 497—501 моддалари мазмунини тушунтирди.

11. Ушбу шартномани тузиш учун лозим бўладиган харажатларни томонлар тенг миқдорда тўлайдилар. Шартнома беш нусхада тузилиб имзоланди, бири Чиноз давлат нотариал идорасида қолдирилади, бошқалари томонларга берилади ва шартнома рўйхатга қўйиладиган ТИМларида қолдирилади.

ИМЗОЛАР: Насретдинов Садириддин Сирожитдинович ________ (имзоси)

Раҳмонов Сағдулла Раҳимович ________ (имзоси)

## УЙ-ЖОЙНИ ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил йигирма бешинчи май куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 54-уйда яшовчи Насретдинов Садириддин Сирожитдинович ва шу манзилда яшовчи Насретдинов Салоҳиддин Садириддинович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Мен, Насретдинов Садириддин Сирожитдинович, Чиноз тумани, Олмазор қўргони, Навоий кўчасидаги 600 квадрат метрли ер майдонига жойлашган 54-рақамли уй-жойимни ўғлим Насретдинов Салоҳиддин Садириддиновичга ҳадя қилдим.

Ҳадя қилинаётган уй-жой яшаш майдони 72 квадрат метр бўлган 4 та хона, 2 та дахлиз ва олди ойнабанд айвонли битта бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган уйдан иборат бўлиб, уйнинг умумий фойдали майдони 110 квадрат метр. Шунингдек, ҳовлида ёзги ва қишги ошхона,омборхона, қозонхона, ҳаммом ва ҳожатхона бор ва бу Чиноз тумани Техник инвентаризациялаш маҳкамасининг 1997 йил 12 майдаги маълумотномаси билан тасдиқланади.

2. Ҳадя қилинаётган уй-жой менга, Насретдинов Садириддин Сирожитдиновичга Чиноз тумани давлат нотариал идораси томонидан 1985 йилнинг 4 апрелида реестрга 1221-рақами билан қайд этиб берилган уй-жойни олди-сотди шартномасига асосан тегишлидир.

3. Мен, Насретдинов Салоҳиддин Садириддинович отам Насретдинов Садириддин Сирожитдинович ҳадя қилган уй-жойни миннатдорчилик билан қабул қилдим.

4. Уй-жойнинг инвентар нархи 23500 (йигирма уч минг беш юз) сўм.

5. Ушбу шартнома тузилгунга қадар ҳадя қилинаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган ва бу уй-жой юзасидан ҳеч қандай низо ва тақиқлар йўқ.

6. Ҳадя этилаётган уй-жойда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган фуқаролар: Насретдинов Садириддин Сирожитдинович ва Насретдинова Зулайҳо Абдуллаевна.

7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185-моддасига кўра ушбу шартнома тегишли Техник инвентаризациялаш Маҳкамасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб ҳадяни қабул қилувчида мулк ҳуқуқи вужудга келади.

8. Ушбу шартномани тузиш учун лозим бўладиган харажатларни Насретдинов Садириддин Сирожитдинович тўлайди.

9. Шартнома уч нусхада тузилиб имзоланди, бири Чиноз давлат нотариал идорасида қолдирилади, бошқалари

хадяни қабул килувчига берилиб, бир нусхаси шартнома рўйхатга қўйилган ТИМда қолдирилади.

| ИМЗОЛАР: | Насретдинов Садириддин Сирожитдинович | (имзоси) |
|---|---|---|
| | Насретдинов Салоҳиддин Садириддинович | (имзоси) |

## АВТОМАШИНАНИ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн саккизинчи апрел куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчасидаги 48-уйнинг 25-хонадонида яшовчи Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович ва Қуқон шаҳар, Фурқат кўчасидаги 56-уйда яшовчи Охунжонов Нурулла Ҳамдамович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Мен, Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович, Янгийўл туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими томонидан 1993 йилнинг 24 февралида берилган ГЕ 434545 рақамли техник паспортга асосан менга тегишли бўлган Москвич 412 маркали, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, шассиси рақами 545445, двигатели рақами 434323, кузови рақами 545445, ранги қизил, давлат рақамли белгиси И 42 24 ТШ бўлган автомашинамни сотдим, мен Охунжонов Нурулла Ҳамдамович юқорида кўрсатилган автомашинани сотиб олдим.

2. Юқорида кўрсатилган автомашина 75 от кучига эга бўлиб, томонлар уни 20000 (йигирма минг) сўмга баҳоладик ва ана шу нархга сотилди.

3. Мен, Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович, сотилган автомашина учун Охунжонов Нурулла Ҳамдамовичдан юқоридаги миқдордаги пулни мазкур шартномани имзолаш арафасида тўлиқ олдим.

4. Ушбу шартномага қадар олди-сотди қилинаётган автомашина бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода бўлмаган, тақиқ ва арест солинмаган.

5. Ушбу шартномани тузиш учун бўладиган харажатларни Охунжонов Нурулла Ҳамдамович тўлайди.

6. Ушбу шартнома Н. Х. Охунжоновга юқоридаги автомашинани Янгийўл туманлараро рўйхатлаш ва

имтиҳон олиш бўлимидан рўйхатдан чиқариш ҳуқуқини беради.

7. Ушбу шартнома ДАН органларида рўйхатга қўйилиши лозим. Шартнома уч нусхада гузилиб, бири Чиноз давлат нотариал идорасида сақланади, қолганлари автомашинани рўйхатдан чиқариш ва рўйхатга қўйиш учун Н. Х. Охунжоновга берилади.

| | | |
|---|---|---|
| ИМЗОЛАР: | Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович | ________ (имзоси) |
| | Охунжонов Нурулла Ҳамдамович | ________ (имзоси) |

## АВТОМАШИНАЛАРНИ АЙИРБОШЛАШ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн саккизинчи апрел куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчасидаги 48-уйнинг 25-хонадонида яшовчи Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович ва Қўқон шаҳар, Фурқат кўчасидаги 56-уйда яшовчи Охунжонов Нурулла Ҳамдамович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Биз, Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович ва Охунжонов Нурулла Ҳамдамович ўзларимизга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган автомашиналаримизни ўзаро айирбошладик.

2. Янгийўл туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими томонидан 1993 йилнинг 24 февралида берилган ГЕ 434545 рақамли техник паспортга асосан Раҳматуллаев Ҳамиджон Расуловичга тегишли бўлган Москвич 412 маркали автомашина 1983 йилда ишлаб чиқарилган, шассиси рақами 545445, двигатели рақами 434323, кузови рақами 545445, ранги қизил, давлат рақамли белгиси И 42 24 ТШ.

Охунжонов Нурулла Ҳамдамовичга ГЖ 344323 рақамли Қўқон рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими томонидан 1992 йилнинг 21 августида берилган техник паспортга асосан тегишли бўлган ВАЗ 2101 маркали автомашина 1978 йилда ишлаб чиқарилган, шассиси рақами 542432, двигатели 654524, кузови рақами 231221, ранги оқ, давлат рақамли белгиси Ж 45 54 ФЕ.

3. Юқорида кўрсатилган Х. Р. Раҳматуллаевга тегишли Москвич 412 русумли автомашина 75 от кучига, Н. Х. Охунжоновга тегишли ВАЗ 2101 русумли автомашина 64 от кучига эга бўлиб, томонлар айирбошлашни қўшимча тўловларсиз амалга оширдик.

4. Ушбу шартномага асосан Москвич 412 русумли юқорида кўрсатилган автомашинага эгалик ҳуқуқи Н. Х. Охунжоновга, ВАЗ 2101 русумли автомашинага бўлган эгалик ҳуқуқи Х. Р. Раҳматуллаевга ўтади.

5. Ушбу шартномага қадар айирбошланаётган автомашиналар бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода бўлмаган, ва уларга тақиқ ва арест солинмаган.

6. Ушбу шартномани тузиш учун бўладиган харажатларни томонлар тенг миқдорда тўлайдилар.

7. Ушбу шартнома шартномани имзоловчиларга ўзларининг эгалигига ўтадиган автомашинани рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимидан рўйхатдан чиқариш ҳуқуқини беради.

8. Шартнома беш нусхада тузилиб, бири Чиноз давлат нотариал идорасида сақланади, қолганлари автомашинани рўйхатдан чиқариш ва рўйхатга қўйиш учун томонларга берилади.

| | | |
|---|---|---|
| ИМЗОЛАР: | Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович | (имзоси) |
| | Охунжонов Нурулла Ҳамдамович | (имзоси) |

## АВТОМАШИНАНИ ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн саккизинчи апрел куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчасидаги 48-уйнинг 25-хонадонида яшовчи Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович ва Қўқон шаҳар, Фурқат кўчасидаги 56-уйда яшовчи Раҳматуллаев Нурулла Ҳамдамович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Мен, Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович, Янгийўл туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими томонидан 1993 йилнинг 24 февралида берилган ГЕ 434545 рақамли техник паспортга асосан менга тегишли бўлган

Москвич 412 маркали, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, шассиси рақами 545445, двигатели рақами 434323, кузови рақами 545445, ранги қизил, давлат рақамли белгиси И 42 24 ТШ бўлган автомашинамни набирам Раҳматуллаев Нурулла Ҳамдамовичга ҲАДЯ қилдим.

2. Мен, Раҳматуллаев Нурулла Ҳамдамович юқорида кўрсатилган автомашинани БОБОМДАН ҲАДЯ сифатида миннатдорчилик билан қабул қилдим.

3. Ҳадя қилинаётган автомашина 75 от кучига эга.

4. Ушбу шартномага қадар ҳадя қилинаётган автомашина бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қуйилмаган, низода бўлмаган, тақиқ ва арест солинмаган.

5. Ушбу шартномани тузиш учун буладиган харажатларни томонлар тенг миқдорда тулайдилар.

6. Ушбу шартнома Н. Х. Раҳматуллаевга юқоридаги автомашинани Янгийўл туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимидан рўйхатдан чиқариш ҳуқуқини беради.

7. Шартнома уч нусхада тузилиб, бири Чиноз давлат нотариал идорасида сақланади, қолганлари автомашинани рўйхатдан чиқариш ва руйхатга қуйиш учун Н. Х. Охунжоновга берилади.

| | | |
|---|---|---|
| ИМЗОЛАР: | Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович | (имзоси) |
| | Охунжонов Нурулла Ҳамдамович | (имзоси) |

## Бошқа турдаги шартномалар

### КОМПЬЮТЕРНИ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг ўн саккизинчи март куни

Биз, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 45-уйнинг 54-хонадонида яшовчи Рашидов Ханжар Комилович ва Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчасидаги 56-уйда яшовчи Холматов Даврон Қурбонович қуйидагилар туғрисида ушбу шартномани туздик:

1. Мен, Рашидов Ханжар Комилович ўзимга тегишли бўлган «АГАТ» компьютерини сотдим, мен, Холматов Даврон Қурбонович эса бу компьютерни сотиб олдим.

2. Рашидов Ханжар Комилович шартномани тузиш чоғида сотаётган компьютерини унга тегишлилиги ҳақидаги ҳужжатни тақдим этмади. Юқорида курсатилган компьютерни томонлар 15000 (ун беш минг) сумга баҳоладик ва ўша нархга сотилди. Мен, Рашидов Ханжар Комилович сотилган компьютер учун пулни Холматов Даврон Қурбоновичдан тулиқ миқдорда шартнома имзоланиши арафасида олдим.

3. Мен, Рашидов Ханжар Комилович сотилаётган компьютерни ушбу шартнома тузилгунга қадар бошқа шахсга ўтказилмаганлигини, гаровга қўйилмаганлигини, низода эмаслигини, тақиқ ва арест солинмаганлигини маълум қиламан...

4. Шартномани тузиш учун бўладиган харажатларни Д. Қ. Холматов тўлайди.

5. Шартнома уч нусхада тузилиб, бири Чиноз давлат нотариал идорасида сақланади, қолганлари томонларга берилади.

ИМЗОЛАР: Рашидов Ханжар Комилович ______ (имзоси)

Холматов Даврон Қурбонович ______ (имзоси)

## Бошқа турдаги шартномалар

### БУЮМЛАРНИ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг ун саккизинчи март куни

Биз, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчасидаги 56-уйда яшовчи Мамедов Якуб Қурбонович ва Чиноз шаҳри, Ўзбекистон кўчасидаги 5-уйда яшовчи Рашидов Ханжар Комилович ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Ҳақиқатдан ҳам мен, Мамедов Якуб Қурбонович фуқаро Рашидов Ханжар Комиловичга «Фотон» русумли рангли телевизоримни 2500 (икки минг беш юз) сўмга, «Саратов» музлатгичини 2000 (икки минг) сўмга, 2Х3 ҳажмдаги 2 (икки) дона Хива гиламни 2500 (икки минг беш юз)сўмга, жами юқоридаги буюмларимни 7000 (етти минг) сўмга сотдим, мен, Рашидов Ханжар Комилович эса ҳақиқатдан ҳам юқоридаги буюмларни сотиб олдим.

2. Мамедов Якуб Қурбонович шартномани тузиш

чогида сотаётган буюмларни унга тегишлилиги ҳақидаги ҳужжатни тақдим этмади.

3. Мен, Мамедов Якуб Қурбонович, юқорида курсатилган буюмлар учун Рашидов Ханжар Комиловичдан 7000 (етти минг) сўм пулни тўлиқ миқдорда шартнома имзоланиши арафасида олдим.

4. Мен, Мамедов Якуб Қурбонович, сотилаётган юқорида қайд этиб ўтилган буюмларни ушбу шартнома тузилгунга қадар бошқа шахсга утказилмаганлигини, гаровга қуйилмаганлигини, низода эмаслигини, тақиқ ва арест солинмаганлигини маълум қиламан.

5. Шартномани тузиш учун буладиган харажатларни Х. К. Рашидов тулайди.

6. Шартнома уч нусхада тузилиб, бири Чиноз давлат нотариал идорасида сақланади, қолганлари томонларга берилади.

ИМЗОЛАР: Мамедов Якуб Қурбонович ______ (имзоси)

Рашидов Ханжар Комилович ______ (имзоси)

## Мерос мулкини бўлиш ҳақида

### ШАРТНОМА

Узбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг ун иккинчи куни

Биз, Чиноз шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 25-уйда яшовчи Комилов Шуҳрат Қаҳрамонович ва Чиноз шаҳри, Узбекистон кўчаси 26-уйда яшовчи Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновналар ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Биз, Чиноз шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 25-уйда яшовчи Комилов Шуҳрат Қаҳрамонович ва Чиноз шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 26-уйда яшовчи Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновналар Чиноз тумани давлат нотариал идораси томонидан 1997 йил 10 майда реестрга 815-рақамда қайд этиб берилган қонун бўйича меросга булган ҳуқуқ тугрисидаги гувоҳномага асосан отамиз Комилов Қаҳрамоннинг мерос мулклари бўлган Чиноз шаҳри, У. Юсупов кучаси 25-рақамли уй-жойга ҳамда ВАЗ 2106 русумли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автомашинага тенг ҳиссадаги меросхўр ҳисобланамиз.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1150-моддасига асосан биз мулкни қуйидагича тақсимладик ва ушбу шартномага асосан:

а) фуқаро Комилов Қаҳрамоннинг эгалигига Чиноз шаҳри, У. Юсупов кўчасидаги 600 квадрат метрли ер майдонига жойлашган 25-рақамли ҳовли-жой берилади. Бу ҳовлида турт хона олди очиқ айвонли, яшаш майдони 65 кв. метр, умумий фойдаланиш майдони 92 кв. метр бўлган бир қаватли пишиқ ғиштдан қурилган уй, ёрдамчи бинолардан ёзги ва қишги ошхона, омборхона, қозонхона ва ҳаммом бор. Уй-жойнинг инвентар баҳоси 35850 (уттиз беш минг саккиз юз эллик) сўм.

б) фуқаро Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновнанинг эгалигига ВАЗ 2106 русмли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, двигатели рақами 0897890, шасси рақами 0567865, кузови рақами 2456067, ранги оқ, давлат рақамли белгиси А 37 73 ТШ бўлган автомашина ўтади.

3. Мен, Комилов Шуҳрат Қаҳрамонович, мерос мулки булган уй-жойни қиммати баланд булганлиги учун келишувимизга кўра ўртадаги тафовут 10000 (ўн минг) сумни ушбу шартномани расмийлаштириш жараёнида Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновнага бердим, мен, Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновна курсатилган миқдордаги пулни олдим.

4. Шартномани расмийлаштириш билан боғлиқ булган харажатларни Комилов Шуҳрат Қаҳрамонович тулайди.

5. Ушбу шартнома беш нусхада тузилиб имзоланди, бири Чиноз давлат нотариал идорасида сақланади, иккитаси Комилов Ш. Қ.га ва иккитаси Раҳматова С. Қ.га берилади.

ИМЗОЛАР: Комилов Шуҳрат Қаҳрамонович (имзоси)

Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновна (имзоси)

## Шартномани бекор қилиш ҳақидаги

## КЕЛИШУВ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Бир минг туққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг ун иккинчи куни

Биз, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Самарқанд

кучасидаги 48-уйнинг 25-хонадонида яшовчи Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович ва Қўқон шаҳар Фурқат кучасидаги 56-уйда яшовчи Охунжонов Нурилла Ҳамидовичлар ушбу келишувга биноан шартномани қуйидагилар ҳақида тўздик:

1. Биз томонимиздан 1997 йил апрел ойининг 18-кунида тузилиб, Чиноз давлат нотариал идорасида тасдиқланиб, реестрга 405 рақами билан қайд этилган, Москвич-412 русумли, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамли белгиси И 42 24 ТШ бўлган автомашинани олди-сотди шартномасини бекор қиламиз.

2. Мен, Х. Р. Раҳматуллаев кўрсатилган автомашинани, мен, Н. Х. Охунжонов эса автомашина учун тўланган пулни тулиқ миқдорда қайтариб олдим.

3. Ушбу келишувни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни томонлар тенг миқдорда тўлайдилар.

4. Шартнома уч нусхада тузилиб, тасдиқланди ва бири Чиноз давлат нотариал идорасида сақланади, қолганлари томонларга берилади.

| | | |
|---|---|---|
| ИМЗОЛАР: | Раҳматуллаев Ҳамиджон Расулович | ______ (имзоси) |
| | Охунжонов Нурилла Ҳамидович | ______ (имзоси) |

## МЕРОСНИ ХАТЛАШ

Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонунига асосан мерос очилган жойдаги нотариус жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриши лозим.

Агар мерос қолдирувчининг мулки ёки унинг бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақда мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинининг раисига мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топшириқ юборади. Нотариус мерос мол-мулкини қуриқланиши учун рўйхатга олади (хатлайди).

Хатлаш далолатномасида мерос мол-мулкни қўриқлаш юзасидан чора кўриш тўғрисидаги ариза олинган кун, хатлаш амалга оширилган кун, хатлашда ишти-

рок этаётган кишиларнинг насаби, исми, отасининг исми ва манзилгоҳи, мерос қолдирувчининг насаби, исми, отасининг исми, вафот этган вақти, хатланаётган мулклар турган жой, мерос мулкининг нотариус келгунга қадарли бўлган ҳолати, хатланаётган буюмларнинг муфассал баёни, эскирганлик фойизи кўрсатилиб ўтилади. Буюмларнинг баҳоси уларнинг эскирганлиги ҳисобга олинган ҳолда чакана нарх бўйича, чакана нархлари бўлмаган буюмларнинг баҳоси эса шу соҳадаги мутахассисларнинг хулосасига кўра белгиланади.

Меросхўрлар қўйилган баҳога рози булмасалар, баҳоловчи мутахассисларни таклиф этиш ҳуқуқига эгадирлар. Хатлаш далолатномасининг ҳар бир саҳифасида буюмлар сони ва қийматининг якуни чиқарилади, хатлаш тугаллангандан кейин эса буюмларнинг сони ва қийматининг умумий якуни чиқарилади.

Хатлаш далолатномаси охирида мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқарувчи (сақловчи)нинг насаби, исми, отасининг исми, туғилган йили, турар жойи ва уни шахсини гувоҳлантирувчи ҳужжат ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Хатлаш далолатномаси камида уч нусхада тузилиб, хатлашда иштирок этган барча шахслар —нотариус, манфаатдор шахслар, мол-мулкни сақлаш учун қабул қилган шахс, холис гувоҳлар томонидан имзоланади.

## Мерос мулкини хатлаш

### ДАЛОЛАТНОМАСИ

Чиноз шаҳри, 1997 йилнинг апрел ойи 19 куни,
соат 10 дан 45 дақиқа ўтганда

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев, Чиноз шаҳри, Бирлик маҳалла қўмитасининг раиси Эшонқулов Шодмоннинг берган маълумотига асосан 1997 йилнинг апрел ойи 15 кунида вафот этган Камолов Қаҳрамонга тегишли бўлған мулкни, унинг қизи Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновна ҳамда холислар — шу маҳаллада яшовчи фуқаролар Абдуллаева Шаҳноза Каримовна, Маҳмудова Малика Жўраевна, Сотиболдиев Ҳамроқуллар иштирокида хатладим.

**Марҳумнинг ворислари:**

Қизи — Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновна, Тошкент шаҳар, Юнусобод даҳаси, 5-мавзедаги 45-уйининг 56-квартирасида яшайди.

Ўғли — Камолов Шуҳрат Қаҳрамонович, Москва шаҳрида яшайди.

Нотариус ҳозир бўлгунга қадарли мерос мулки жойлашган уй-жой 1997 йил апрел ойининг 16 кунида шу маҳалла қўмитасининг раиси томонидан беркитилиб, муҳрланган. Муҳр бузилмаган, калитлар маҳалла қўмитасининг раиси Эшонқулов Шодмонда сақланган.

Мерос мулки жойлашган уй-жой икки хона, олди ойнабанд айвонли ҳовли бўлиб, марҳумнинг эгалигида бўлган.

Уйга кираверишдаги ойнабанд айвонда ва даҳлиз саналган биринчи хонада хатлашга аризигулик ҳеч нарса йўқ. Уйнинг 3Х5 ҳажмдаги катта хонасида қуйидаги мулклар борлиги аниқланди.

| Тартиб рақами | Мулкнинг номи ва унинг тавсифи | мулкнинг сони | мулкнинг баҳоси | изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Сандиқлар-фойдаланишда бўлган | 2 | 200 | 50% ярокли |
| 2 | Икки тахмон кўрпа | 8 | 800 | 50% |
| 3 | Хива гилами | 1 | 2500 | 80% |
| 4 | Палос | 2 | 600 | 30% |
| 5 | Юмшоқ матрасли кроват | 1 | 300 | 50% |
| 6 | Стол (доира шаклида) | 1 | 200 | 50% |
| 7 | Юмшоқ стуллар | 4 | 400 | 50% |
| 8 | Кийим жавони | 1 | 500 | 50% |
| 9 | Оқ-қора тасвирдаги «Рекорд» телевизори | 1 | 1000 | 50% |
| 10 | Фойдаланишдаги идиш товоқлар | 25 | 1000 | 50% |
| 11 | Омонат дафтарчаси | 2 | 4000 | |
| | Жами: | 44 | 11500 | |

Ушбу далолатнома уч нусхада тузилди

Далолатномани тузишда иштирок этганлар:

С. Тоғаев (имзо)
С. Раҳматова (имзо)
Ш. Абдуллаева (имзо)
М. Маҳмудова (имзо)
Х. Сотиболдиев (имзо)

Хатлаш далолатномасида 11 тартиб рақами билан қайд этилган 2 та омонат дафтарчаси омонат (кассасида) бисотхонасига сақлаш учун топшириш мақсадида нотариус томонидан олинди.

Далолатномани тузишда иштирок этганлар:

С. Тоғаев (имзо)
С. Раҳматова (имзо)
Ш. Абдуллаева (имзо)
М. Маҳмудова (имзо)
Х. Сотиболдиев (имзо)

Ушбу далолатномада кўрсатилган мулкларни сақлаш чорасини кўриш бўйича жавобгарликни марҳумнинг Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 5-мавзедаги 45-уйнинг 56-квартирасида яшовчи қизи Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновна ўз зиммасига олди. Унга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1144-моддаси ва ЖКнинг 167-моддаси мазмуни давлат нотариуси томонидан тушунтирилди.

Хатлаш далолатномаси кўрсатилган мулкларни сақлаш мерос мулкини бошқариш мажбуриятини қабул қилдим.

(имзо) С. Раҳматова

1997 йил апрел ойининг 19 куни соат 14 дан 40 дақиқа ўтганда хатлаш тугалланди.

Мерос ишларини рўйхатга олиш китобига 434 рақами билан қайд этилди

Давлат нотариуси:

(имзо) С. Тоғаев

Далолатномани бир нусхасини олдим.

(имзо) С. Раҳматова

## Мерос мулкини сақлаш чорасини кўриш имконияти бўлмаганлиги ҳақида

## ДАЛОЛАТНОМА

Чиноз шаҳри, 1997 йил май ойининг 19 куни, соат 10 дан 45 дақиқа ўтган

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев, Москва шаҳрида яшовчи Комилов Шуҳратнинг отаси, 1997 йил май ойининг 15 кунида вафот этган Комилов Қаҳрамоннинг мерос мулкини сақлаш чорасини кўриш ҳақидаги аризасига биноан, Чиноз шаҳри, У. Юсупов кўчаси 25-уйда яшовчи марҳумнинг хотини Комилова Шаҳноза, ҳамда холислар — шу маҳаллада яшовчи фуқаролар Абдуллаева Шаҳноза Каримовна, Маҳмудова Малика Жўраевна, Сотиболдиев Ҳамроқуллар иштирокида ушбу далолатномани туздик:

Марҳум Комилов Қаҳрамон Чиноз шаҳар У. Юсупов кўчасидаги 25-уйда 1995 йилдан буён никоҳда бўлган хотини Комилова Шаҳноза билан умрининг охиригача яшаб келган.

Марҳумнинг хотинига меросга бўлган ҳуқуқ нормалари тушунтирилиб, марҳумнинг ўғли томонидан берилган ариза таништирилганида у марҳумнинг мерос мулкини кўрсатишдан бош тортиб, уни қимматга эга бўлган ҳеч қандай мулки бўлмаганлигини, уйдаги унинг шахсий буюмлари эса фойдаланишдаги уй-рўзғор буюмлари бўлиб, қимматга эга эмаслигини маълум қилди.

Юқоридагиларга асосланиб, мерос мулкини сақлаш чораси кўрилмади.

Давлат нотариуси: (имзо) С. Тоғаев

Марҳумнинг хотини (имзо) Ш. Комилова

Холислар: 1 (имзо) Ш. Абдуллаева
2 (имзо) М. Махмудова
3 (имзо) Х. Сотиболдиев

# ҚОНУН ВА ВАСИЯТ БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМАЛАР

Мерос — бу марҳум фуқарога (мерос қолдирувчига) тегишли бўлган мулкни бошқа шахслар (унинг ворислари)га ўтишдир.

Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек Фуқаролик кодекси белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси бешта навбатдаги меросхўрларни белгилаган. Агар қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган бўлса, унга тегишли улуш унинг авлодларига тақдим қилиш ҳуқуқи асосида ўтади.

Мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамогида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига киради. Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, меҳнатга қобилиятсиз боқимлар ворисликка чақирилаётган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар. Бундай ҳолатда меҳнатга қобилиятсиз боқимларнинг ҳаммаси биргаликда кўпи билан мероснинг тўрттадан бир қисмини мерос қилиб оладилар.

Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворисларга
бериладиган меросга бўлган
ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

## ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА

## ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн бешинчи май куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан 1996 йилнинг 15 апрелида вафот этган Комилов Қаҳрамоннинг мулкига унинг Чиноз шаҳар, У. Юсупов кўчаси 25-уйда яшовчи ўғиллари Комилов Шуҳрат Қаҳрамонович, Комилов Суръат Қаҳрамонович ва Чиноз шаҳар, Ўзбекистон кўчаси 26-уйда яшовчи қизи Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновналар тенг ҳиссадаги меросхўр эканликларини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки:

Чиноз шаҳри, У. Юсупов кўчасидаги 600 кв. метр ер майдонига жойлашган 25-рақамли ҳовли-жойдан иборат бўлиб, бу ҳовлида тўрт хона олди айвонли, яшаш майдони 65 кв. метр, умумий фойдали майдони 90 кв. метр бўлган битта бир қаватли уй бўлиб, ҳовлида ёрдамчи бинолардан ёзги ва қишги ошхона, омборхона ва ҳаммом бор, ва бу Чиноз туман Техник инвентаризация бюросининг 1997 йил 10 апрелидаги 137-сонли маълумотномаси билан тасдиқланади.

Юқоридаги уй-жой мерос қолдирувчига Чиноз туман ҳокимининг 1992 йилнинг 12 мартидаги 125-сонли, Чиноз тумани ТИБсида рўйхатга қўйилган қарорига асосан тегишлидир.

Мерос мулки бўлган юқорида кўрсатилган уй-жойнинг инвентар баҳоси 35850 (ўттиз беш минг саккиз юз эллик) сўм.

Мазкур гувоҳнома Чиноз тумани ТИБсида рўйхатга қўйилиши шарт.

Реестрга 1150-рақами билан қайд этилди.
Давлат божи ундиришдан Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Давлат божи тўғрисидаги Қонунининг 4-моддаси, 3-қисми «д» бандига асосан озод этилди.
12-сонли мерос иши

Гербли муҳр ——— (имзо) Давлат нотариуси

Тақдим қилиш ҳуқуқи буйича ворисларга бериладиган қонун бўйича мерос бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

## ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА

## Г У В О Ҳ Н О М А

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг ўн бешинчи куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135, 1140-моддаларига асосан 1996 йилнинг 15 апрелида вафот этган Комилов Қаҳрамоннинг мулкига унинг невaралари — 1996 йилнинг 25 февралида вафот этган ўғли Комилов Шавкат Қаҳрамоновичнинг фарзандлари — Чиноз шаҳар, У. Юсупов кўчаси 25-уйда яшовчи Комилов Шуҳрат Шавкатович, Комилов Суръат Шавкатович ва Чиноз шаҳар, Ўзбекистон кўчаси 26-уйда яшовчи Раҳматова Сурайё Шавкатовналар тенг ҳиссадаги меросхўр эканликларини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки:

Чиноз шаҳри, У. Юсупов кўчасидаги 600 кв. метр ер майдонига жойлашган 25-рақамли ҳовли-жойдан иборат бўлиб, бу ҳовлида тўрт хона олди айвонли, яшаш майдони 65 кв. метр, умумий фойдали майдони 90 кв. метр бўлган битта бир қаватли уй бўлиб, ҳовлида ёрдамчи бинолардан ёзги ва қишги ошхона, омборхона ва ҳаммом бор.

Юқоридаги уй-жой мерос қолдирувчига Чиноз туман ҳокимининг 1992 йилнинг 12 мартидаги 125-сонли қарорига асосан тегишли бўлиб, Чиноз туман Техник инвентаризация бюросининг 1997 йил 10 апрелидаги 137-сонли маълумотномаси билан тасдиқланади.

Мерос мулки бўлган юқорида кўрсатилган уй-жойнинг инвентар баҳоси 35850 (ўттиз беш минг саккиз юз эллик) сўм.

Мазкур гувоҳнома Чиноз туман ТИБсида рўйхатга қўйилиши шарт.

Реестрга 1240-рақами билан қайд этилди.

358 сўм 50 тийин миқдорида давлат божи ундирилди.

12-сонли мерос иши

Гербли муҳр ______ (имзо) Давлат нотариуси

Меросхўрнинг меросхўрлар жумласидан бўлган бошқа шахслар фойдасига меросдан воз кечганида бериладиган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

## ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА

## Г У В О Ҳ Н О М А

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн бешинчи май куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан 1996 йилнинг 15 апрелида вафот этган Комилов Қаҳрамоннинг мулкига унинг Чиноз шаҳар, У. Юсупов кўчаси 25-уйда яшовчи ўғли Комилов Шуҳрат Қаҳрамонович мерос мулкининг 1/3 учдан бир қисмига шунингдек, Комилов Суръат Қаҳрамоновични унинг фойдасига воз кечган мерос мулкини 1/3 учдан бир қисмига ҳам, жами мерос мулкининг 2/3 учдан икки қисмига ва Чиноз шаҳар, Ўзбекистон

кўчаси 26-уйда яшовчи қизи Раҳматова Сурайё Қаҳрамоновна мерос мулкининг 1/3 учдан бир қисмига меросхўр эканликларини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки:

Чиноз шаҳри, У. Юсупов кўчасидаги 600 кв. метр ер майдонига жойлашган 25-рақамли ҳовли-жойдан иборат бўлиб, бу ҳовлида тўрт хона олди айвонли, яшаш майдони 65 кв. метр, умумий фойдали майдони 90 кв. метр бўлган битта бир қаватли уй бўлиб, ҳовлида ёрдамчи бинолардан ёзги ва қишги ошхона, омборхона ва ҳаммом бор ва бу Чиноз туман Техник инвентаризация бюросининг 1997 йил 10 апрелидаги 137-сонли маълумотномаси билан тасдиқланади.

Юқоридаги уй-жой мерос қолдирувчига Чиноз туман ҳокимининг 1992 йилнинг 12 мартидаги 125-сонли, Чиноз туман ТИБсида 1992 йил 15 мартда рўйхатга қўйилган Қарорига асосан тегишли.

Мерос мулки бўлган юқоридаги уй-жойнинг инвентар баҳоси 35850 (ўттиз беш минг саккиз юз эллик) сўм.

Мазкур гувоҳнома Чиноз туман ТИБсида рўйхатга қўйилиши шарт.

Реестрга 1150-рақами билан қайд этилди.

358 сўм 50 тийин миқдорида давлат божи ундирилди.

12-сонли мерос иши

Гербли муҳр ______ (имзо) Давлат нотариуси

Мажбурий улушга бериладиган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ
тўғрисидаги гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

## ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА

## Г У В О Ҳ Н О М А

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн бешинчи май куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан 1996 йилнинг 15 апрелида вафот этган Комилов Қаҳрамондан қолган мулкнинг 1/4 тўртдан бир қисмига унинг Чиноз шаҳар, У. Юсупов кўчаси 25-уйда яшовчи вояга етмаган, 1989 йилда туғилган ўғли Комилов Шуҳрат Қаҳрамонович меросхўр эканлигини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки:

Чиноз шаҳри, У. Юсупов кўчасидаги 600 кв. метр ер майдонига жойлашган 25-рақамли ҳовли жойдан иборат бўлиб, бу ҳовлида тўрт хона олди айвонли, яшаш майдони 65 кв. метр, умумий фойдали майдони 90 кв. метр бўлган битта бир қаватли уй бўлиб, ҳовлида ёрдамчи бинолардан ёзги ва қишги ошхона, омборхона ва ҳаммом бор ва бу Чиноз тумани Техник инвентаризация бюросининг 1997 йил 10 апрелидаги 137-сонли маълумотномаси билан тасдиқланади.

Юқоридаги уй-жой мерос қолдирувчига Чиноз туман ҳокимининг 1992 йилнинг 12 мартидаги 125-сонли, Чиноз туман ТИБсида 1992 йил 15 мартдан рўйхатга қўйилган Қарорига асосан тегишли.

Мерос мулки ҳисобланган юқоридаги уй-жойнинг инвентар баҳоси 35850 (ўттиз беш минг саккиз юз эллик) сўм.

Юқорида кўрсатилган мерос мулкининг 3/4 тўртдан уч қисмига васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳали берилгани йўқ.

Ушбу гувоҳнома Чиноз туман ТИБсида рўйхатга қўйилиши шарт.

Реестрга 1150-рақами билан қайд этилди.

Давлат божи ундиришдан Ўзбекистон Республикасининг

1992 йилги Давлат божи тўғрисидаги Қонунининг

4 моддаси, 3 қисми «д» бандига асосан озод этилди.

12-сонли мерос иши

Гербли муҳр ______ (имзо) Давлат нотариуси

### Баъзи меросхўрларга тегишли бўлган улушларни ажратиб, очиқ қолдирилган ҳолларда бериладиган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

# ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн бешинчи май куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан 1996 йилнинг 15 апрелида вафот этган Комилов Қаҳрамондан қолган мулкнинг 1/2 иккидан бир қисмига унинг Чиноз шаҳар, У. Юсупов кўчаси 25-уйда яшовчи ўғли Комилов Шуҳрат Қаҳрамонович меросхўр эканлигини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки:

Чиноз шаҳри, У. Юсупов кўчасидаги 600 кв. метр ер майдонига жойлашган 25-рақамли ҳовли-жойдан иборат бўлиб, бу ҳовлида тўрт хона олди айвонли, яшаш майдони 65 кв. метр, умумий фойдали майдони 90 кв. метр бўлган битта бир қаватли уй бўлиб, ҳовлида ёрдамчи бинолардан ёзги ва қишги ошхона, омборхона ва ҳаммом бор.

Юқоридаги уй-жой мерос қолдирувчига Чиноз туман ҳокимининг 1992 йилнинг 12 мартидаги 125-сонли қарорига асосан тегишли бўлиб, Чиноз туман Техник инвентаризация бюросининг 1997 йил 10 апрелидаги 137-сонли маълумотномаси билан тасдиқланади.

Мерос мулкининг инвентар баҳоси 35850 (ўттиз беш минг саккиз юз эллик) сўм.

Юқорида кўрсатилган мерос мулкининг 1/2 иккидан бир қисмига васиятнома бўйича мерос бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳали берилгани йўқ.

Ушбу гувоҳнома Чиноз тумани ТИБсида рўйхатга қўйилиши шарт.

Реестрга 1150-рақами билан қайд этилди.

Давлат божи ундиришдан Ўзбекистон Республикасининг

1992 йилги Давлат божи тўғрисидаги Қонунининг

4-моддаси, 3-қисми «д» бандига асосан озод этилди.

12-сонли мерос иши

Гербли муҳр ______ (имзо) Давлат нотариуси

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

## ВАСИЯТНОМА БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДАГИ

## Г У В О Ҳ Н О М А

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн тўққизинчи май куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Чиноз давлат нотариал идорасида 1995 йилнинг 27 ноябрида тасдиқланиб, реестрга 1025 рақами билан қайд этилган васиятномага асосан 1996 йилнинг 27 ноябрида вафот этган Қаюмов Ғафурнинг васиятномада кўрсатилган мулкига Чиноз шаҳар, Усмон Носир кўчаси 25-уйда яшовчи фуқаро Абдуллаева Шаҳноза Каримовна меросхўр эканлигини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки ВАЗ 2106 маркали 1991 йилда ишлаб чиқарилган, двигатели рақами 0987890, шассиси 0567856, кузови рақами 2456067, ранги оқ, давлат рақамли белгиси А 37 73 ТШ бўлган автомашинадан иборат.

Юқоридаги автомашина мерос қолдирувчига Янгийўл туманлараро рўйхатга қўйиш ва имтиҳон олиш ДАН бўлимида 1991 йил 25 ноябридан рўйхатда турувчи ГЕ 234543 рақамли техник паспортга асосан тегишлидир.

Мерос мулки бўлган автомашина «Узавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг 1997 йил 25 апрелдаги баҳолаш далолатномасига кўра 25850 (йигирма беш минг саккиз юз эллик) сўмга баҳоланган.

Мазкур гувоҳнома автомашинани қайта рўйхатдан ўтказиш учун ДАН органларига тақдим этилиши шарт.

Реестрга 1757 рақами билан қайд этилди.
5170 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.
25-сонли мерос иши

Давлат нотариуси ________ (имзо) С. Тоғаев

## ЭР-ХОТИННИНГ БИРГАЛИКДАГИ УМУМИЙ МУЛКЛАРИДАГИ УЛУШЛАРИГА МУЛК ҲУҚУҚИ ГУВОҲНОМАСИНИ БЕРИШ

Эр-хотиннинг биргаликдаги никоҳлари давомида орттирилган мулклари уларнинг умумий мулклари ҳисобланади. Улар бу мулкларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилишда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Эр-хотиндан бирига никоҳ тузилгунига қадар тегишли бўлган ёки никоҳ давомида улардан бири ҳадя сифатида олган, ёхуд улардан бирига мерос бўлиб ўтган мулклар уларнинг ҳар бирини алоҳида мулки ҳисобланади.

Эр-хотиннинг ҳар иккалаларига қилинган ҳадя уларнинг биргаликдаги умумий мулклари ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома гувоҳнома берилаётганда эр-хотинга тегишли бўлган умумий мулккагина берилади.

Эр-хотиндан бирининг вафоти туфайли иккинчисига умумий мулкдан улушига мулк ҳуқуқи гувоҳномаси мерос очилган жойдаги нотариал идора томонидан берилади.

Эр-хотин ўртасидаги умумий мулкдан ҳиссага мулк ҳуқуқи гувоҳномасини олиш ихтиёрий бўлиб, турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг қолган эр ёки хотин мулк ҳуқуқи гувоҳномасини олишдан воз кечиши мумкин.

Нотариал идоралар томонидан бошқа турдаги гувоҳномалар ҳам берилади. Булар жумласига Мулкларни очиқ савдодан сотиб олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома, Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Аризани топширганлик ҳақидаги гувоҳнома, Фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқловчи гувоҳнома, Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқловчи гувоҳнома, Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш ҳақидаги гувоҳнома киради.

Эр-хотиннинг аризаларига кўра уларнинг умумий мулкларидаги улушига бериладиган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби

МУЛК ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн тўққизинчи апрел куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Ўзбекистон Республикаси «Никоҳ ва оила» кодексининг 25-моддасига асосан ҳамда Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 25-уйда яшовчи эр-хотин фуқаролар Маҳмудов Мўминжон Жабборович ва Маҳмудова Малика Жўраевналарнинг биргаликдаги никоҳдаги ҳаётлари давомида орттирилган мулкларига ҳар иккалалари тенг ҳиссада мулкдор эканликларини тасдиқлайман.

Мулк ҳуқуқи ҳар қайсисига тенг ҳиссада тасдиқланиб берилаётган юқорида қайд этилган эр-хотиннинг умумий мулклари Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 700 кв. метрли ер майдонига жойлашган 25-рақамли уй-жойдан иборат бўлиб, бу ҳовлида битта бир қаватли тўртта яшаш хонаси, битта даҳлизи, айвони бўлган умумий фойдали майдони 120 кв. метр, яшаш майдони 68 кв. метрли уй, ёзги ва қишки ошхона, бостирма, омборхона ва ҳаммом бор. Юқоридаги уй-жой Чиноз тумани хокимининг 1994 йилги 125-ф Қарорига асосан Маҳмудова Малика Жўраевнанинг номига қайд қилинган ва бу қарор Чиноз туман ТИМсида 1994 йил 23 октябрда 1223 рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Реестрга 1250 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тогаев

### Эр ёки хотиннинг аризасига кўра умумий мулкларидаги улушига бериладиган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

### МУЛК ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн тўққизинчи апрел куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Ўзбекистон Республикаси «Никоҳ ва оила» кодексининг 25-моддасига асосан 1995 йилнинг 25 мартида вафот этган фуқаро Маҳмудов Мўминжон Жабборовичнинг беваси, Чиноз тумани, Олмазор қўргони, Навоий кўчасидаги 25-уйда яшовчи фуқаро Маҳмудова Малика Жўраевнага биргаликдаги никоҳдаги ҳаётлари давомида орттирилган мулкларининг иккидан бир қисми мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлигини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома билан фуқаро Маҳмудова Малика Жўраевнага кўрсатилган ҳиссадаги мулк ҳуқуқи берилаётган умумий мулк Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 700 кв. метрли ер майдонига жойлашган 25-рақамли уй-жойдан иборат бўлиб, бу ҳовлида битта бир қаватли тўртта яшаш хонаси, битта даҳлизи, айвони бўлган умумий фойдали майдони 120 кв. метр, яшаш майдони 68 кв. метрли уй, ёзги ва қишки ошхона, бостирма, омборхона ва ҳаммом бор. Юқоридаги уй-жой Чиноз тумани Ҳокимининг 1994 йилги 125-ф Қарорига асосан Маҳмудов Мўминжон Жабборовичнинг номига қайд қилинган ва бу қарор Чиноз туман ТИМсида 1994 йил 23 октябрда 1223 рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Мазкур гувоҳнома Чиноз тумани ТИМсида рўйхатга қўйилиши шарт.

Реестрга 1250 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев

### Бошқа гувоҳномалар

### Мулкларни очиқ савдодан сотиб олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

## ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри
Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн саккизинчи апрел куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нота-

риуси С. А. Тогаев Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 426-моддасига асосан ва Чиноз тумани судининг судьяси томонидан 1997 йил 12 февралда тасдиқланган уй-жойни очиқ савдода сотилганлиги тўғрисидаги далолатнома нусхасига биноан Чиноз шаҳри, С. Раҳимов кўчаси 17-уйда яшовчи фуқаро Эшқобилов Норқобилга Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Охунбобоев кўчасидаги 25 уй-жой мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлигини тасдиқлайман.

Юқорида кўрсатилган манзилдаги уй-жой 700 кв. метрли ер майдонига жойлашган бўлиб, тўртта яшаш хонаси, айвони, даҳлизи бўлган битта бир қаватли уйдан иборат. Ҳовлида шунингдек, ёрдамчи бинолардан: ҳаммом, ошхона, омборхона ва ҳожатхона бор.

Бу уй-жой аввал фуқаро Сотиболдиев Хамроқулга Чиноз туман ҳокимининг 1992 йил 24 мартдаги 137-ф сонли, Чиноз тумани ТИМсида 1992 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилган Қарорига асосан тегишли бўлиб, бу Чиноз туман Техник инвентаризация маҳкамасининг 1997 йил 10 февралидаги 159-сон маълумотномаси билан тасдиқланади.

Уй-жойнинг инвентар нархи 27500 (йигирма етти минг беш юз) сўм бўлиб у фуқаро Эшқобилов Норқобил томонидан 52000 (эллик икки минг) сўмга сотиб олинди.

Ушбу гувоҳнома Чиноз туман ҳокимиятининг Техник инвентаризациялаш маҳкамасида рўйхатга қўйилиши лозим.

Реестрга 1725 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тогаев
муҳр

**Фуқаронинг тирик эканлигини тасдиқловчи гувоҳнома**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

## Г У В О Ҳ Н О М А

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил йигирма бешинчи апрел куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев фуқаро Камолова Шаҳодатни тирик эканлигини ва у Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Навоий кўчасидаги 45-уйда яшаётганлигини тасдиқлайман.

Фуқаро Камолова Шаҳодат бугун соат 15 дан 20 минут ўтганда юқорида зикр этилган нотариал идорага шахсан келди.

Унинг шахси аниқланди.

Реестрга 1245 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухр

Вояга етмаган шахснинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш ҳақидаги гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон етинчи йил йигирма еттинчи январ куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев 1985 йилда туғилган фуқаро Мажидов Мавлон Юсуповични тирик эканлигини ва Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғи, Пахтакор кўчасидаги 24-уйда яшаётганлигини тасдиқлайман.

Фуқаро Мажидов Мавлон Юсупович бугун соат 11 дан 15 минут ўтганда онаси Оқилова Сожиданинг кузатувида менинг ҳузуримга келди.

Гувоҳномада кўрсатилган фуқароларнинг шахслари аниқланди.

Реестрга 1021 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тогаев
мухр

**Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш ҳақида гувоҳнома**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўттизинчи апрел куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Фарғона вилояти, Маргилон шаҳар, Бобур кўчаси 56-уйда яшовчи фуқаро Аҳмадалиев Акбарали Турсуналиевични бугун 1997 йилнинг 30 апрели куни соат 10 дан 20 минут ўтганда Чиноз шаҳар, Дўстлик кўчаси 25-уйда жойлашган Чиноз давлат нотариал идорасида бўлганлигини тасдиқлайман.

Унинг шахси аниқланди.

Реестрга 1109 рақами билан қайд этилди.

60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев

мухр

**Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш ҳақидаги гувоҳнома**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз туқсон еттинчи йил ўттизинчи апрел куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев, ушбу фотосуратда акс эттирилган шахс уни тақдим этган, Қарши шаҳри, Амир Темур

кўчаси 28-уйда яшовчи фуқаро Қудратов Шуҳрат Калонович билан айнан эканлигини тасдиқлайман.

Фотосуратни тақдим қилганнинг шахси аниқланди.

Реестрга 1107 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
муҳр

Ҳужжатларни сақлаш учун
қабул қилиб олганлик ҳақида гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил ўн биринчи апрел куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев, Чиноз шаҳри, Усмон Носир кўчаси 79-уйда яшовчи фуқаро Салимов Раҳимжон Солиевич бугун 1997 йилнинг 11 апрел куни Чиноз шаҳар Дўстлик кучасидаги 25-уйда жойлашган Чиноз давлат нотариал идорасига 3 (уч) ой муддатга илова қилинаётган рўйхат бўйича ҳужжатларни сақлаш учун топширганлигини тасдиқлайман.

Ҳужжатларни сақлаш учун топширган кишининг шахси аниқланди.

Реестрга 1132 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
муҳр

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширилганлиги ҳақидаги гувоҳнома**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил йигирма тўртинчи апрел куни

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 73-моддасига асосан фуқаро Абдуллаев Равшан Содиқовичнинг Чиноз тумани халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва хомийлик бўлимига фарзандликка бериш масаласини унинг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраб ёзган аризаси мен томонимдан 1997 йилнинг 22 апрел куни Чиноз тумани халқ таълими бўлимига топширилганлигини тасдиқлайман.

Ариза берувчининг шахси аниқланди.

Реестрга 1022 рақами билан қайд этилди.

60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тогаев

мухр

## ВАСИЯТНОМАЛАР ВА УЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ

Васиятнома — бу фуқаронинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкини ёки бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродасидир. Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятномани вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки уни муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кириш-кирмаслигидан қатъи назар бир ёки бир неча шахсга, юридик шахсларга, давлатга ёхуд фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақлидир. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

Васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр хулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли.

Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган ғайри қонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди.

Васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ўз саломатлигининг аҳволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Васият қилувчи васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёхуд ундан воз кечиши ёки нолойиқ меросхўр сифатида мерос олишдан четлаштирилиши эҳтимолини, шунингдек васиятнома бўйича меросхўр мерос қолдирувчининг қонуний шартларини бажармаслиги эҳтимолини

назарда тутган ҳолда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин. Ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис этиб тайинланиши мумкин.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

## ВАСИЯТНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи май куни

Мен, Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлогида яшовчи Мамарасулов Сулаймон ушбу васиятномам билан қуйидаги топширигимни бераман.

1. Менинг вафотим олдидан менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни унинг нималардан иборатлигидан ва қаерда жойлашганлигидан қатъи назар жияним Мамарасулов Шуҳрат Жўраевичга васият қилиб қолдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147 моддасига асосан меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб имзоланди. Бири васият қилувчи Мамарасулов Сулаймонга берилади, иккинчиси сақлаш учун нотариал идорада қолдирилади.

ИМЗО: Мамарасулов Сулаймон ________ (имзоси)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

## ВАСИЯТНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи май куни

Мен, Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғида яшов-

чи Мамарасулов Сулаймон ушбу васиятномам билан қуйидаги топширигимни бераман.

1. Менинг вафотим олдидан менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни унинг нималардан иборатлигидан ва қаерда жойлашганлигидан қатъи назар хотиним Мамарасулова Саломатхон ва ўғлим Мамарасулов Шуҳрат Сулаймоновичларнинг ҳар иккалаларига тенг ҳиссада васият қилиб қолдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига асосан меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариуас томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузиб имзоланди. Бири васият қилувчи Мамарасулов Сулаймонга берилади, иккинчиси сақлаш учун нотариал идорада қолдирилади.

ИМЗО: Мамарасулов Сулаймон ______ (имзоси)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

## ВАСИЯТНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи май куни

Мен, Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлогида яшовчи Мамарасулов Сулаймон ушбу васиятномам билан қуйидаги топшириғимни бераман.

1. Менинг вафотим олдидан менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни унинг нималардан иборатлигидан ва қаерда жойлашганлигидан қатъи назар жиянларим Мамарасулов Шуҳрат Жўраевич ва Мамарасулов Шавкат Жўраевичларнинг ҳар иккалаларига тенг ҳиссада васият қилиб қолдираман.

2. Уларга менга тегишли бўлган кутубхонамни (китобларимни) Эски Тошкент қишлоғидаги 26-ўрта мактабга топшириш мажбуриятини юклайман.

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147 моддасига асосан меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузиб имзоланди. Бири васи-

ят қилувчи Мамарасулов Сулаймонга берилади, иккинчиси сақлаш учун нотариал идорада қолдирилади.

ИМЗО: Мамарасулов Сулаймон (имзоси)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

## ВАСИЯТНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи май куни

Мен, Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғи, Пахтаобод кўчаси 24-уйда яшовчи Мамарасулов Сулаймон ушбу васиятномам билан қуйидаги топшириғимни бераман.

1. Менга тегишли бўлган мол-мулкимдан Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғи, Пахтаобод кўчасидаги 24-рақамли уй-жойимни ўғлим Мамарасулов Шуҳрат Сулаймоновичга, ГЕ серияли 455434 рақамли Янгийўл туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимида 1994 йилнинг 24-апрелидан руйхатда турувчи техник паспортга асосан менга тегишли бўлган Москвич 412 маркали, оқ рангли, давлат рақамли белгиси Н 54—56 ТШ бўлган автомашинамни ўғлим Мамарасулов Шавкат Сулаймоновичга васият қилиб қолдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига асосан меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга булганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузиб имзоланди. Бири васият қилувчи Мамарасулов Сулаймонга берилади, иккинчиси сақлаш учун нотариал идорада қолдирилади.

ИМЗО: Мамарасулов Сулаймон (имзоси)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

## ВАСИЯТНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи май куни

Мен, Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғи, Пахтаобод кўчаеи 24-уйда яшовчи Мамарасулов Сулаймон ушбу васиятномам билан қуйидаги топшириғимни бераман.

1. Менга тегишли бўлган мол-мулкимдан Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғи, Пахтаобод кўчасидаги 24-рақамли уй-жойимни ўғилларим Мамарасулов Шуҳрат Сулаймонович ва Мамарасулов Шавкат Сулаймоновичга ҳар иккалаларига тенг ҳиссада васият қилиб қолдираман.

2. Менинг вафотим олдидан менга тегишли бўлган бошқа барча мол-мулкимни унинг нималардан иборатлигидан ва қаерда жойлашганлигидан қатъи назар қизим Саидова Шоҳиста Сулаймоновнага васият қилиб қолдираман.

3. Мен кўрсатган меросхўрлардан бирортаси вафот этган ёки меросни қабул қилмаган тақдирда у(лар)нинг ҳиссасини набирам Мамарасулов Султонмурод Шуҳрат ўғлига ўтишини васият қиламан.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига асосан меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузиб имзоланди. Бири васият қилувчи Мамарасулов Сулаймонга берилади, иккинчиси сақлаш учун нотариал идорада қолдирилади.

ИМЗО: Мамарасулов Сулаймон ________ (имзоси)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

## ВАСИЯТНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи май куни

Мен, Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғи, Пахтаобод кўчаси 24-уйда яшовчи Мамарасулов Сулаймон ушбу васиятномам билан қуйидаги топшириғимни бераман.

1. Менинг вафотим олдидан менга тегишли бўлган бошқа барча мол-мулкимни унинг нималардан иборатлигидан ва қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, шунингдек, Чиноз тумани Эски Тошкент қишлоғи, Пахтаобод кўчасидаги никоҳимиз даврида орттирилган ва хотиним

Мамарасулова Саломатхон номига расмийлаштирилган уй-жойимизнинг менга тегишли бўлган 1/2 қисмини қизим Саидова Шоҳиста Сулаймоновнага васият қилиб қолдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига асосан меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

3. Саводсизлигим туфайли илтимосимга кўра васиятномани менинг ўрнимга Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғида яшовчи фуқаро Охунжонов Султонмурод Ҳакимович имзолайди. Васиятнома матни менга овоз чиқариб ўқиб эшиттирилди.

Васиятнома икки нусхада тузиб имзоланди. Бири васият қилувчи Мамарасулов Сулаймонга берилади, иккинчиси сақлаш учун нотариал идорада қолдирилади.

ИМЗО: Мамарасулов Сулаймон ______ (имзоси)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

## ИШОНЧНОМАЛАР ВА УЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишоночнома ҳақиқий эмас.

Ишоночнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берилган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Автомототранспорт воситасидан фойдаланиш учун

### ИШОНЧНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма бешинчи май куни

Мен, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Яллама қишлоги, М. Пўлатов кўчасидаги 48-уйда яшовчи Ахатов Турғунбой Маҳкамович ушбу ишончнома билан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий мавзесидаги, 25-уйнинг 35-хонадонида яшовчи фуқаро Шорасулов Шотурсун Шоаҳмедовичга Янгийўл туманлараро рўйхатга қўйиш ва имтиҳон олиш бўлимида рўйхатда турувчи ГЕ 434554 рақамли техник паспортга асосан менга тегишли ВАЗ-21061 маркали, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, шассиси рақами 212343, двигатели рақами 2323434, кузови рақами 453534, ранги оқ, давлат рақамли белгиси С 24 42 ТШ бўлган, автомашинамдан фойдаланишга, автомаши-

нанинг техник ҳолатидан хабардор бўлиб туришга, ДАН органларида менинг вакилим бўлишга ва ушбу ваколатни бажариш учун лозим бўлган барча ҳаракатларни амалга оширишга ваколат бераман.

Ишончнома ваколатни бошқа шахсга ўтказиш ва сотиш ҳуқуқисиз бир йиллик муддатга берилди.

ИМЗО: Ахатов Турғунбой Маҳкамович
Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

### Автомототранспорт воситасидан фойдаланиш ва сотиш учун

## ИШОНЧНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма бешинчи май куни

Мен, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Яллама қишлоги, М. Пўлатов кўчасидаги 48-уйда яшовчи Ахатов Турғунбой Маҳкамович ушбу ишончнома билан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий мавзесидаги, 25-уйнинг 35-хонадонида яшовчи фуқаро Шорасулов Шотурсун Шоаҳмедовичга Янгийўл туманлараро рўйхатга қўйиш ва имтиҳон олиш бўлимида рўйхатда турувчи ГЕ 434554 рақамли техник паспортга асосан менга тегишли ВАЗ-21061 маркали, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, шассиси рақами 212343, двигатели рақами 2323434, кузови рақами 453534, ранги оқ, давлат рақамли белгиси С 24 42 ТШ бўлган автомашинамдан фойдаланишга ва лозим бўлган ҳолда ўзи истаган нарх ва шартлар асосида сотишга ваколат бераман.

Ушбу ваколатни бажариши учун унга менинг номимдан ҳар қандай ташкилотларга ариза билан мурожаат этиш, лозим бўлган ҳар қандай ҳужжатларни олиш, имзо қўйиш, олти-сотди шартномасини тузиб имзолаш, сотилган автомашина учун пулни олиш ҳуқуқини бераман.

Ишончнома ушбу ваколатни бажариш билан боглиқ бўлган яна бошқа барча ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи билан бир йиллик муддатга берилди.

ИМЗО: Ахатов Турғунбой Маҳкамович
Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

Уй-жойни сотиш учун

## ИШОНЧНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма бешинчи май куни

Мен, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Яллама қишлоғи, М. Пўлатов кўчасидаги 48-уйда яшовчи Ахатов Турғунбой Маҳкамович ушбу ишончнома билан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий мавзесидаги, 25-уйнинг 35-хонадонида яшовчи фуқаро Шорасулов Шотурсун Шоаҳмедовичга Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 12 мавзедаги 45-уйнинг менга тегишли бўлган 32-хонадонини ўзи истаган нарх ва шартлар асосида сотишига ваколат бераман.

Унга ушбу ваколатни бажариши учун лозим бўлган ҳар қандай ҳужжатларни олиш, менинг номимдан ариза билан мурожаат қилиш, имзо қўйиш, олти-сотди шартномасини тузиб имзолаш, сотилган уй-жой учун пулни олиш ҳуқуқини бераман.

Ишончнома ушбу ваколатни бажариш билан боғлиқ бўлган яна бошқа барча ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи билан бир йиллик муддатга берилди.

ИМЗО: Ахатов Турғунбой Маҳкамович

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

**Уй-жой (квартира) сотиб олиш учун**

## ИШОНЧНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма бешинчи май куни

Мен, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Яллама қишлоғи, М. Пўлатов кўчасидаги 48-уйда яшовчи Ахатов Турғунбой Маҳкамович ушбу ишончнома билан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий мавзесидаги, 25-уйнинг 35-хонадонида яшовчи фуқаро Шорасулов Шотурсун Шоаҳмедовичга менинг номимга Тошкент шаҳрининг исталган ҳудудидан, ўзи хоҳлаган нарх ва шартлар асосида квартира (уй-жой) сотиб олишга ваколат бераман.

Унга ушбу ваколатни бажариши учун лозим бўлган ҳар қандай ҳужжатларни олиш, менинг номимдан ариза билан мурожаат қилиш, имзо қўйиш, олти-сотди шартномасини тузиб имзолаш, сотиб олинган квартира (уй-жой) учун пулни тўлаш ҳуқуқини бераман.

Ишончнома ушбу ваколатни бажариш билан боғлиқ бўлган яна бошқа барча ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи билан бир йиллик муддатга берилди.

ИМЗО: Ахатов Турғунбой Маҳкамович

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

Пенсия пулини олиш учун

## ИШОНЧНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма бешинчи май куни

Мен, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий мавзесидаги, 25-уйнинг 35-хонадонида яшовчи фуқаро Шорасулов Шотурсун Шоаҳмедович ушбу ишончнома билан Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Навоий кўчасидаги 25-уйда яшовчи Шорасулов Шомаҳмуд Шотурсуновичга Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 59-алоқа бўлимидан бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг январь-июнь ойлари учун менга тегишли бўлган пенсия пулимни олишига, пенсия пулини олганлиги учун имзо қўйишига ва ушбу ваколатни бажариши учун лозим бўлган бошқа ҳаракатларни бажаришига ишонч билдираман.

ИМЗО: Ахатов Турғунбой Маҳкамович

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

**Жамғармадан пулини олиш учун**

## ИШОНЧНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг йигирма бешинчи май куни

Мен, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий мавзесидаги, 25-уйнинг 35-хонадонида яшовчи фуқаро Шорасулов Шотурсун Шоаҳмедович ушбу ишончнома билан Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Навоий кўчасидаги 25-уйда яшовчи Шорасулов Шомаҳмуд Шотурсуновичга Халқ банкининг Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги бўлимида менинг номимдаги ҳисоб рақамида сақланаётган жамгарма пулидан 3000 (уч минг) сўмни олишга, пулни олганлиги учун имзо қўйишига ва ушбу ваколатни бажариш учун лозим бўлган бошқа ҳаракатларни бажаришига ишонч билдираман.

ИМЗО: Ахатов Турғунбой Маҳкамович

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

## ҲУЖЖАТЛАРНИ ШАҲОДАТЛАШ

Кўпгина ҳолларда фуқаролар ва мансабдор шахслар корхона, ташкилот ва муассасаларга аризалар ва бошқа ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни топширадилар. Шунда тақдим қилинган ҳужжат шу ҳужжат кимнинг номидан ёзилган бўлса, ўша шахс томонидан имзолангандигига ишонч ҳосил қилиш зарурати туғилади. Лекин ҳар доим ҳам бунинг иложи бўлмайди, чунки ҳужжат бошқа шахс томонидан келтириб топширилиши ёки почта орқали юборилган бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни нотариусларга ва шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раисларига ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш ваколатини юклаган (қонуннинг 23, 24, 25, 67-моддалари). Нотариус мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Нотариус имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки имзо муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайди.

Тақдим қилинган ҳужжатларда битимнинг мазмуни акс эттирилган бўлса, бундай ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлиги шаҳодатлантирилмайди, балки фуқароларга тушунтирилиб, зарур бўлган битим шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

## ТУРЛИ АРИЗАЛАР

Тошкент вилояти, Чиноз туман
давлат нотариал идорасига
Чиноз тумани, *Яллама*
қишлоғи, М. Пўлатов
кўчасидаги 48-уйда яшовчи
Ахатова Мақсудахондан

### АРИЗА

Мен, Ахатова Мақсудахон, ушбу ариза билан турмуш ўртоғим Ахатов Турғунбой Маҳкамович томонидан биргаликдаги турмушимиз давомида олинган ВАЗ 21061 русумли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамли белгиси Е 55 44 ТШ бўлган автомашинамизни унинг ўзи хоҳлаган нарх ва шартлар асосида сотишига розилигимни билдираман.

Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг йигирма бешинчи куни.

ИМЗО: Ахатова Мақсудахон ____________ (имзоси)

Марғилон шаҳар давлат нотариал идорасига
Чиноз тумани, Эски Тошкент
қишлоғи, Соҳибкор кўчаси
45-уйда яшовчи
Мамарасулов Сулаймондан

### АРИЗА

Ушбу ариза билан мазкур нотариал идорада 1995 йил 17 ноябр куни тасдиқланиб реестрда 1417 рақами билан қайд этилган васиятномамни бекор қиламан.

Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг йигирма бешинчи куни.

ИМЗО: Мамарасулов Сулаймон ____________ (имзоси)

Марғилон шаҳар давлат нотариал идорасига
Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоги, Самарқанд кўчаси 45-уйда яшовчи
Сулаймонов Мамарасулдан

## АРИЗА

Мен, Сулаймонов Мамарасул, 1997 йил март ойининг 22 кунида вафот этган отам Саидрасулов Сулаймоннинг меросхўри сифатида унинг мулкини тасарруф этишга киришмадим ва мерос мулкидан ҳисса олишни хоҳламайман.

Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг йигирма бешинчи куни.

ИМЗО: Сулаймонов Мамарасул ________ (имзоси)

Маргилон шаҳар давлат нотариал идорасига
Чиноз тумани, Эски Тошкент, қишлоғи, Самарқанд кўчаси 45-уйда яшовчи
Сулаймонов Мамарасулдан

## АРИЗА

Мен, Сулаймонов Мамарасул, 1997 йил март ойининг 22 кунида вафот этган отам Саидрасулов Сулаймоннинг меросхўри сифатида ундан қолган мерос мулкидан менга тегиши керак бўлган ҳиссадан Раҳмонова Сурайё Сулаймоновна фойдасига воз кечаман.

Чиноз шаҳри, бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил май ойининг йигирма бешинчи куни.

ИМЗО: Сулаймонов Мамарасул ________ (имзоси)

## ТАҚИҚНОМАЛАР

### ТАҚИҚНОМА

1997 йил апрел ойининг 25-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев, Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 32-моддасига асосан ва фуқаро Исматов Жаҳонгир Исмоиловичга уй-жой қуриш учун 150000 (бир юз эллик минғ) сўм миқдорида ссуда берилганлиги ҳақидаги хабарномага биноан ссуда тўлиқ қайтарилмагунга қадар Чиноз шаҳар, Усмон Носир кўчасидаги 32-уй-жойни бошқага ўтказилишини тақиқлайман.

Реестрга 2211 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тогаев

Гербли муҳр

### ТАҚИҚНОМА

1997 йил апрел ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев, Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 32-моддасига асосан ва юқорида зикр этилган нотариал идорада 1997 йил 25 апрел куни тасдиқланиб, реестрга Г-124 рақами билан қайд этилган Гаров шартномасига биноан ушбу шартнома шартлари тўлиқ бажарилмагунга қадар Чиноз шаҳар Усмон Носир кўчасидаги 32-уй-жойни бошқага ўтказилишини тақиқлайман.

Реестрга 2211 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев

Гербли муҳр

## ТАҚИҚНОМА

1997 йил апрел ойининг 25-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев, Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 32-моддасига асосан ва ушбу Гаров шартномаси тасдиқланиши муносабати билан ушбу шартнома шартлари тўлиқ бажарилмагунга қадар фуқаро Ибрагимов Самиғжон Солижоновичга тегишли бўлган Чиноз шаҳар Усмон Носир кўчасидаги 32-уй-жойни бошқага ўтказилишини тақиқлайман.

Реестрга 2211 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев

Ғербли муҳр

## ПРОТЕСТЛАР

Акцепти саналмаган
вексел протести

Чиноз шаҳри, 1997 йилнинг 23 март куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев, № 455 А белгили ўтказилувчи векселнинг қонуний ушлаб турувчиси бўлган «Узмевасабзавот» давлат акционерлик жамияти бошқарувининг 1997 йил 24 мартда берилган № 85 ишончномасига асосан ҳаракат қилаётган унинг вакили Назаров Маҳкам Юнусовичнинг илтимосига кўра «Ғаллабанк» томонидан 1996 йил 25 март куни Тошкент шаҳрида бир йиллик тўлов муддати билан берилган № 455 А белгили, қиймати 100000 (юз минг) сўмлик вексел вексел тўловчи «Ғаллабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан санаси кўрсатилмасдан акцептланганлигини тасдиқлайман.

Векселни санаси курсатилмасдан акцептланганлиги муносабати билан ҳамда оддий ва ўтказилувчи вексел тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк томонидан 1995 йил 30 май куни тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 31 май куни 147-рақам билан рўйхатга олинган қўлланманинг 25-

моддасини қўллаб, юқорида айтиб ўтилган векселни акцепт санаси кўрсатилмаган деб(лиги учун) протест келтираман.

Реестрга 2121 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев

Гербли муҳр

Акцептланмаган
вексел протести

Чиноз шаҳри, 1997 йилнинг 23 март куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев, № 545 Б белгили ўтказилувчи векселнинг қонуний ушлаб турувчиси бўлган «МЕЗОН» кичик корхонаси маъмурияти томонидан 1997 йил 22 феврал куни берилган № 75 ишончномасига асосан ҳаракат қилаётган унинг вакили Назаров Маҳмуджон Каримовичнинг илтимосига кўра «Ғаллабанк» томонидан 1996 йил 25 март куни Тошкент шаҳрида бир йиллик тўлов муддати билан берилган № 545 Б белгили, қиймати 100000 (юз минг) сўмлик векселни, менга мурожаат қилган шахс томонидан, вексел тўловчи «Ғаллабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимига акцептлаш учун тақдим этилганида акцептланмаганлигини тасдиқлайман.

Векселни акцептланмаганлиги муносабати билан ҳамда оддий ва ўтказилувчи вексел тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 1995 йил 30 май куни тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 31 май куни 147-рақам билан рўйхатга олинган қўлланманинг 44-моддасини қўллаб, юқорида айтиб ўтилган векселни акцепт санаси кўрсатилмаган деб(лиги учун) протест келтираман.

Реестрга 1212 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тогаев

Ғербли муҳр

Вексел бўйича тўлов амалга
оширилмаганлиги ҳақида протест

Чиноз шаҳри, 1997 йилнинг 23 март куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев, № 545 Б белгили ўтказилувчи векселнинг қонуний ушлаб турувчиси бўлган «МЕЗОН» кичик корхонаси маъмурияти томонидан 1997 йил 22 феврал куни берилган № 75 ишончномасига асосан ҳаракат қилаётган унинг вакили Назаров Маҳмуджон Каримовичнинг илтимосига кўра «Ғаллабанк» томонидан 1996 йил 25 март куни Тошкент шаҳрида бир йиллик тўлов муддати билан берилган № 545 Б белгили, қиймати 100000 (юз минг) сўмлик векселни, менга мурожаат қилган шахс томонидан, вексел тўловчи «Ғаллабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимига 1997 йил 22 март куни вексел бўйича тўловни амалга оширишни талаб қилиб тақдим этилганида тўлов амалга оширилмаганлигини тасдиқлайман.

Вексел бўйича тўлов амалга оширилмаганлиги муносабати билан ҳамда оддий ва ўтказилувчи вексел тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 1995 йил 30 май куни тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 31 май куни 147-рақам билан рўйхатга олинган қўлланманинг 44-моддасини қўллаб, юқорида айтиб ўтилган векселни акцепт санаси кўрсатилмаган деб(лиги учун) протест келтираман.

Реестрга 1212 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев

# НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРДАГИ ТАСДИҚЛОВЧИ ЁЗУВЛАРДАН НАМУНАЛАР

### Шартномадаги тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев томонларнинг эрки-иродаларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартномани томонлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Томонларнинг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
120 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тогаев
мухр

### Вакил томонидан тузилиб, имзоланадиган шартномадаги тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев томонларнинг хоҳиш-истакларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартнома менинг ҳузуримда имзоланди. Шартномани имзолаганларнинг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Шунингдек, вакилнинг ваколати текширилди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
120 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тогаев
мухр

**Автомашинани сотиш, айирбошлаш ва ҳадя қилиш шартномаларидаги тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев томонларнинг хоҳиш-истакларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартномани томонлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Томонларнинг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Шунингдек, сотилаётган (ҳадя этилаётган, айирбошланаётган) автомашинани сотувчига (ҳадя қилувчига, айирбошловчиларга) тегишлилиги текширилди.

Ушбу шартнома тегишли Давлат автомобил назорати органларида рўйхатга қўйилиши лозим.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
4800 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
муҳр

**Юридик шахснинг вакили иштирокида тузиладиган шартномадаги тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев томонларнинг хоҳиш-истакларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартномани томонлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Шартномани имзолаганларнинг шахслари аниқланди, уларнинг муомалага лаёқатлиликлари текширилди., яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида хеч қандай маълумотлар йўқ

Шунингдек, «Олмазор» ҳиссадорлик жамиятининг ҳуқуқ лаёқати ва унинг вакилининг ваколати текширилди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
1200 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухр

Ота-оналари (фарзандлика олувчилари ва ҳомийлари) розилиги билан ҳаракат қилаётган 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар иштирокида тузиладиган шартномалардаги тасдиқловчи ёзувлар

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев томонларнинг эрки-иродаларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартнома фуқаро Абдуллаев Шавкат Раҳимович ва вояга етмаган, 1981 йилнинг 25 апрелида тугилган Раҳматов Фарҳод Ваҳобович томонидан, онаси Раҳматова Феруза Комиловнанинг розилиги ва иштирокида менинг ҳузуримда имзоланди.

Томонларнинг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалға ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Фуқаро Раҳматова Феруза Комиловнанинг шахси аниқланди ва ваколати текширилди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
120 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухр

Жисмоний камчилиги, касаллиги, саводсизлиги каби сабаблар билан шартномани шахсан имзолай олмайдиган фуқаролар иштирокида тузилган шартномалардаги тасдиқловчи ёзувлар

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани

мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев томонларнинг эрки-иродаларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартнома менинг ҳузуримда имзоланди. Томонларнинг шахслари, шунингдек, фуқаро Абдуллаев Шавкат Набиевичнинг саводсизлиги сабабли унинг топшириғига кўра шартномани имзолаган фуқаро Саидкаримов Саидабзал Рафиқовичнинг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
120 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тогаев
мухр

**Фуқаролар ўртасида уй-жойларни сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш ҳақидаги шартномалардаги тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев томонларнинг эрки-иродасига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартномани томонлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Томонларнинг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йуқ.

Шунингдек, сотилаётган (ҳадя этилаётган айирбошланаётган) уй-жойни фуқаро Рашидов Қаҳрамонга тегишлилиги текширилди.

Ушбу шартнома уй-жой жойлашган жойдаги туман (шаҳар) Техник инвентаризация бюросида рўйхатга қўйилиши лозим.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
4800 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳр

**Юридик шахслар иштирокида тузиладиган уй-жойларни тасарруф этиш билан боғлиқ шартномалардаги тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев томонларнинг эрки-иродаларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартномани томонлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Шартномани имзолаганларнинг шахслари аниқланди, уларнинг муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Шунингдек, «Олмазор» ҳиссадорлик жамиятининг ҳуқуқ лаёқати ва унинг вакилининг ваколати ҳамда сотилаётган (ҳадя этилаётган, айирбошланаётган) уй-жойнинг фуқаро Назаров Мамараимга тегишлилиги текширилди.

Ушбу шартнома уй-жой жойлашган жойдаги туман (шаҳар) Техник инвентаризация бюроларида рўйхатга қўйилиши лозим.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
4200 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тогаев
муҳр

**Жисмоний камчилиги, касаллиги, саводсизлиги ёки шунга ўхшаш бошқа сабабларга кўра шартномани шахсан имзолай олмайдиган фуқаролар иштирокида тузилган уй-жойларни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган шартномалардаги тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани

мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев томонларнинг эрки-иродаларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартнома менинг ҳузуримда имзоланди. Томонларнинг шахслари аниқланди, уларнинг муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Шунингдек, ўзга шахсга ўтказилаётган уй-жойнинг фуқаро Абдуллаев Шавкат Набиевичга тегишлилиги текширилди. Фуқаро Абдуллаев Шавкат Набиевичнинг касаллиги сабабли унинг топшириғига кўра шартномани имзолаган фуқаро Саидкаримов Саидабзал Рафиқовичнинг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.

120 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
мухр

### Вакил иштирокида тузиб имзоланган уй-жойни тасарруф этиш билан боғлиқ шартномалардаги тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев томонларнинг эрки-иродаларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартнома менинг ҳузуримда имзоланди. Шартномани имзолаганларнинг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Шунингдек, сотилаётган (ҳадя этилаётган, айирбошланаётган) уй-жойни Аҳмедов Раҳматжон Ҳакимовичга тегишлилиги ҳамда вакилнинг ваколати текширилди.

Ушбу шартнома уй-жой жойлашган туман (шаҳар) Техник инвентаризация бюросида рўйхатга қуйилиши лозим.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
4800 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухр

Шартнома матни баён қилинган тилни билмайдиган шартнома қатнашчисига шартнома матнини бир тилдан бошқа тилга нотариус томонидан огзаки таржима қилиб берилган шартномадаги тасдиқловчи ёзувлар

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев томонларнинг эрки-иродаларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартномани томонлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Томонларнинг шахслари аниқланди, уларнинг муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ

Шунингдек, шартномани ҳақиқатдан ҳам ўзбек тилидан рус тилига оғзаки таржима қилиб берганлигимни шаҳодатлайман.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
4200 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухр

Шартнома матни баён қилинган тилни билмайдиган шартнома қатнашчисига шартнома матнини бир тилдан бошқа тилга таржимон томонидан огзаки таржима қилиб берилган шартномадаги тасдиқловчи ёзувлар

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу шартномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариу-

си С. А. Тоғаев томонларнинг эрки-иродаларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартномани томонлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Томонларнинг шахслари аниқланди, уларнинг муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Шунингдек, шартномани ўзбек тилидан рус тилига огзаки таржима қилиб берган, менга таниш бўлган таржимон Раҳматуллаев Анваржон Азимовични имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
4200 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тогаев
мухр

Келишувни тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу келишувни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг нотариуси С. А. Тоғаев томонларнинг хоҳиш-истакларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Келишувни томонлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Томонларнинг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
120 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
мухр

Мажбуриятдаги
тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу мажбуриятни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев фуқаро Раҳмонберди Каримбердиевич Нурматовнинг эрки-иродасига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Мажбуриятни фуқаро Нурматов Раҳмонберди Каримбердиевич менинг хузуримда имзолади. Унинг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
муҳр

Васиятномадаги
тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу васиятномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев Солиева Дилдора Раҳимовнанинг эрки-иродасига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Васиятномани фуқаро Солиева Дилдора Раҳимовна менинг ҳузуримда имзолади. Васият қилувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
30 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тогаев
муҳр

**Жисмоний камчилиги, касаллиги, саводсизлиги ёки бошқа сабабларга кўра шахсан васиятномани имзолай олмайдиган васият қилувчининг топшириғига кўра бошқа шахс васиятномани имзолагандаги васиятномани тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу васиятномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев Абдуллаев Шавкат Раҳимовичнинг эрки-иродасига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Васият қилувчи фуқаро Абдуллаев Шавкат Раҳимовичнинг кўзи ожизлиги сабабли, унинг илтимосига кўра, васиятномани фуқаро Раҳматова Феруза Комиловна менинг ҳузуримда имзолади.

Васият қилувчининг ва васиятномани имзоловчининг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
30 сум миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
мухр

**Фуқаро томонидан берилган ишончномани тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев Валиев Абдураҳим Самадовичнинг эрки-иродасига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Ишончномани фуқаро Валиев Абдураҳим Самадович менинг ҳузуримда имзолади. Унинг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш

даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
120 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухр

**Ишончномага асосан ҳаракат қилувчи вакил томонидан имзоланган ишончномадаги тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Саидқосимов Саидусмон Саидабзалович ҳамда унинг вакилининг хоҳиш-истакларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Ишончнома фуқаро Саидқосимов Саидусмон Саидабзаловичнинг номидан ишончномага асосан ҳаракат қилувчи унинг вакили фуқаро Ниёзов Абдураҳмон Абдусатторович томонидан менинг ҳузуримда имзоланди.

Ишончномани имзоловчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ваколати текширилди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
600 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухр

**Юридик шахс томонидан берилган ишончномага асосан ҳаракат қилувчи томонидан имзоланган ишончномадаги тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев тасдиқладим.

Ишончномани «ШАРҚ ТОНГИ» кичик корхонаси номидан ишончномага асосан ҳаракат қилувчи унинг вакили фуқаро Мирсоатов Мирабзал Мирзоҳидович менинг ҳузуримда имзолади. Ишончномани имзоловчининг шахси аниқланди, унинг муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ваколати текширилди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
30 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухр

**Вояга етмаган (14 ёшгача бўлган) шахснинг қонуний вакили берган ишончномани тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойнинг 25-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев тасдиқладим.

Ишончномани вояга етмаган, 1985 йилнинг 12 апрелида туғилган фуқаро Солиева Дилдора Раҳимовнанинг қонуний вакили сифатида ҳаракат қилаётган онаси Солиева Мастура Равшановна менинг ҳузуримда имзолади. Унинг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ваколати текширилди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
30 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухр

Ўзи ва вояга етмаган 14 ёшгача бўлган фарзандлари номидан ҳаракат қилаётган фуқаро томонидан берилган ишончномани тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев тасдиқладим.

Ишончномани ўзи ва вояга етмаган 1985 йилнинг 12 апрелида туғилган ўғли Валиев Абдураҳим Самадович ҳамда 1987 йилнинг 12 майида туғилган қизи Валиева Санобар Самадовна учун уларнинг қонуний вакили сифатида ҳаракат қилаётган фуқаро Валиева Муҳаббат менинг ҳузуримда имзолади. Унинг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ваколати текширилди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
120 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
мухри

Ота-онасининг (фарзандликка олувчилари, васийларининг) розилигига кўра ҳаракат қилаётган 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан бериладиган ишончномани тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев тасдиқладим.

Ишончнома отаси — Саидқосимов Саидабзал Саидраҳимовичнинг розилигига кўра ҳаракат қилаётган, вояга етмаган 1981 йилнинг 15 мартида туғилган Саидқосимов Саидусмон Саидабзалович томонидан менинг ҳузуримда имзоланди. Унинг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди. Саидқосимов Саидабзал Саидраҳимовичнинг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал

ҳаракатини амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ваколати текширилди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
600 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
муҳр

**Жисмоний камчилиги, касаллиги, саводсизлиги ёхуд бошқа шу каби сабабларга кўра ишончномани шахсан имзолай олмайдиган фуқаролар берган ишончномаларни тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев Мирсоатов Мирабзал Мирзоҳидовичнинг эрки-иродасига кўра ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Фуқаро Мирсоатов Мирабзал Мирзоҳидовичнинг касаллиги сабабли ва унинг топшириғига кўра ишончномани фуқаро Набиев Неъматжон Зокирович менинг ҳузуримда имзолади. Ишончнома берувчи ва уни имзоловчининг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
30 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
муҳр

Телеграмма-ишончномани
тасдиқловчи ёзув

Чиноз давлат нотариал идорасида 1997 йилнинг 20 майида тасдиқланган.

Реестр 2343.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳри

Ҳужжат нусхасини аслига
тўғрилигини шаҳодатлаш

1997 йил май ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси Тогаев С. А., ҳужжатнинг ушбу нусхаси аслига тўғри эканлигини шаҳодатлайман.

Шаҳодатланаётган нусхада ўчириб тўғриланган, қўшимча ёзилган, ўчирилган сўзлар ва изоҳ берилмаган тузатишлар ва бошқа ҳоллар йўқ.

Реестрга 2244 рақами билан қайд этилди.
30 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳри

Ҳужжатдан олинган кўчирманинг аслига
тўғрилигини шаҳодатлаш

1997 йил май ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси Тоғаев С. А., «ОЛМАЗОР» ҳиссадорлик жамиятининг Низомидан олинган ушбу кўчирмани аслига тўғри эканлигини шаҳодатлайман.

Шаҳодатланаётган кўчирмада ўчириб тўғриланган, қўшимча ёзилган, ўчирилган сўзлар ва изоҳ берилмаган тузатишлар ва бошқа ҳоллар йўқ.

Реестрга 2244 рақами билан қайд этилди.
30 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳри

### Ҳужжат нусхасидан қилинган нусхани тўғрилигини шаҳодатлаш

1997 йил май ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси Тоғаев С. А., ушбу нусхани ҳужжатнинг нусхасига тўғри эканлигини шаҳодатлайман.

Тақдим этилган ва шаҳодатлантирилаётган нусхада ўчириб тўғриланган, қўшимча ёзилган, ўчирилган сўзлар ва изоҳ берилмаган тузатишлар ва бошқа ҳоллар йўқ.

Реестрга 2244 рақами билан қайд этилди.
30 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
мухри

### Фотонусхани тўғрилигини шаҳодатлаш

1997 йил 22 май куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев ушбу фотонусхани аслига тўғри эканлигини шаҳодатлайман.

Реестрга 2244 рақами билан қайд этилди.
30 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
мухри

### Имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш

1997 йил май ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев фуқаро Маҳмудова Дилфуза Умаровнанинг менинг ҳузуримда қўйган имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлайман. Ҳужжатни имзоловчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Реестрга 3322 рақами билан қайд этилди.
15 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳри

### Ишончномага асосан ҳаракат қилаётган шахснинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлаш

1997 йил 22 май куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев, фуқаро Маҳмудова Дилфуза Умаровна номидан ишончномага асосан ҳаракат қилаётган фуқаро Маҳмудов Мухторжон Мақсудовичнинг менинг ҳузуримда қўйган имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Ҳужжатни имзоловчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ваколати текширилди.

Реестрга 3322 рақами билан қайд этилди.
15 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тогаев
муҳри

### Юридик шахс вакилининг имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлаш

1997 йил май ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев, «ШАРҚ ТОНГИ» кичик корхонасининг ижрочи директори Маҳмудов Мухторжон Мақсудовичнинг менинг ҳузуримда қўйган имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Ҳужжатни имзоловчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ваколати текширилди.

Реестрга 3322 рақами билан қайд этилди.
15 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳри

**Ота-онасининг (фарзандликка олувчилари, хомийларининг) розилиги билан ҳаракат қилаётган 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахснинг имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлаш**

1997 йил май ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев, вояга етмаган 1981 йилнинг 12 мартида туғилган фуқаро Маҳмудова Дилфуза Умаровнанинг отаси Маҳмудов Умар Мақсудовичнинг розилигига кўра менинг ҳузуримда қўйган имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Ҳужжатни имзоловчининг шунингдек, Маҳмудов Умар Мақсудовичнинг шахси аниқланиб, муомалага лаёқатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ваколати текширилди.

Реестрга 3322 рақами билан қайд этилди.
15 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳри

**Жисмоний камчилиги, касаллиги, саводсизлиги ёки бошқа шу каби сабабларга кўра ҳужжатни имзолай олмайдиган шахснинг топшириғига кўра имзо қўйган шахснинг имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлаш**

1997 йил май ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев, фуқаро Маҳмудова Дилфуза Умаровнанинг касаллиги сабабли ва унинг топширигига кўра унинг ўрнига менинг

ҳузуримда имзо қуйган фуқаро Усмонов Мансур Мақсудовичнинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Фуқаро Усмонов Мансур Мақсудовичнинг ва фуқаро Маҳмудова Дилфуза Умаровнанинг шахслари текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йуқ.

Реестрга 3322 рақами билан қайд этилди.
15 сум миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ——— (имзо) С. Тоғаев
муҳри

## Телеграф орқали бериладиган ҳужжатда имзо ҳақиқийлиғини шаҳодатлаш

1997 йил май ойининг 22-куни Чиноз давлат нотариал идорасида имзо ҳақиқийлиги шаҳодатлантирилди.

Реестр 2332

Давлат нотариуси ——— (имзо) С. Тогаев
муҳри

## Нотариус ўзи билган тилга қилинган таржиманинг тўғрилигини шаҳодатлантириши

1997 йил май ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев, ушбу матннинг инглиз тилидан ўзбек тилига қилинган таржимаси ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Реестрга 3322 рақами билан қайд этилди.
15 сум миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ——— (имзо) С. Тоғаев
муҳри

Таржимоннинг имзосини
ҳақиқийлигини шаҳодатлаш

1997 йил май ойининг 22-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев, менга таниш бўлган таржимон Маҳмудова Дилфуза Умаровнанинг имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Реестрга 3322 рақами билан қайд этилиб 30 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухри

Ҳужжатни тақдим этилган
вақтини тасдиқлаш

Мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев фуқаро Раҳимов Саидғани Ғофурович томонидан 1997 йил 22 май куни соат 15 дан 45 минут ўтганда юқорида номи зикр этилган нотариал идорада ушбу ҳужжатни тақдим этганлигини тасдиқлайман.

Реестрга 1221 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухри

Векселдаги тўловни
тасдиқловчи ёзув

Чиноз шаҳри, 1997 йил 22 май куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси, қиймати 10000 сўм бўлган ушбу вексел бўйича векселни ушлаб турувчига бериш учун 5 фойиз чиқимлари учун 500 сўм чегириб ташлаб, жами 9500 сўм олинганлигини тасдиқлайман.

Реестрга 1222 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
мухри

**Чек буйича тулов амалга оширилмаганлигини тасдиқловчи ёзув**

Чиноз шаҳри, 1997 йил 12 май, мен Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси ушбу чек Ўзтадбиркорбанкнинг Чиноз тумани бўлимига тақдим этилган бўлиб, тўлов амалга оширилмаганлигини тасдиқлайман.

Реестрга 1313 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳри

**Нотариал расмийлаштирилган ҳужжатлардан бериладиган дубликатларни тасдиқловчи ёзув**

1997 йил май ойининг 21-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома (шартнома, васиятнома, ишончнома ва ҳоказо)нинг ушбу дубликатини йўқотилган гувоҳнома (шартнома, васиятнома, ишончнома ва ҳоказо)нинг ўрнига бердим.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома (шартнома, васиятнома, ишончнома ва ҳоказо) шу давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан 1985 йил 22 август куни реестрга 213 рақами билан қайд этиб берилган.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома (шартнома, васиятнома, ишончнома ва ҳоказо)нинг бир нусхаси нотариал идорада сақланмоқда.

Дубликатни олган шахснинг шахси аниқланди. (ваколати текширилди).

Реестрга 1133 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳри

Реестрдан олинган кўчирма ҳақиқийлигини
шаҳодатлаш

1997 йил май ойининг 21-куни мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев Чиноз давлат нотариал идорасининг 1995 йилги нотариал ҳаракатларни қайд этиш реестрининг 4 китоби, 2121 реестр рақами билан қайд этилган жойидан олинган ушбу кўчирмани ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Реестрга 1212 рақами билан қайд этилди.
60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
мухри

**Автомашинани (бошқа мулкларни) сотиш ҳуқуқи билан ишончнома бераётган шахснинг шу автомашинага (ишончнома берилаётган бошқа мулкка) даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлган турмуш ўртоғи бор бўлган ҳолдаги ишончномани тасдиқловчи ёзув**

1997 йил апрел ойининг 24-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тогаев тасдиқладим.

Ишончномани фуқаро Валиева Абдураҳим Самадович менинг ҳузуримда имзолади. Унинг шахси аниқланди, шахсий мулоқат давомида муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Шунингдек, унинг фуқаро Валиева Санобар Раҳмоновна билан қонуний никоҳда туриши ва у ҳам сотиш ваколати берилаётган автомашинага даъво қилиш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланди.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
6000 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
мухри

Автомашинани (бошқа мулкларни) сотиш ҳуқуқи билан ишончнома бераётган шахснинг шу автомашинага (ишончнома берилаётган бошқа мулкка) даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлган турмуш ўртоғининг розилиги олинган ҳолдаги ишончномани тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 24-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев тасдиқладим.

Ишончномани фуқаро Валиев Абдураҳим Самадович менинг ҳузуримда имзолади. Унинг шахси аниқланди, шахсий мулоқат давомида муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Шунингдек, унинг фуқаро Валиева Санобар Раҳмоновна билан қонуний никоҳда туриши аниқланди. Валиева Санобар Раҳмоновнани автомашинани сотишга розилик аризаси олиниб, реестрга 1204 рақами билан қайд этилган ва ушбу нотариал идорада сақланмоқда.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
6000 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси ______ (имзо) С. Тоғаев
муҳри

Автомашинани (бошқа мулкларни) сотиш ҳуқуқи билан ишончнома бераётган шахснинг шу автомашинага (ишончнома берилаётган бошқа мулкка) даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлган турмуш ўртогининг йўқлиги ва бу ҳақда унинг ёзма аризаси бўлган ҳолдаги ишончномани тасдиқловчи ёзув

1997 йил апрел ойининг 25-куни ушбу ишончномани мен, Чиноз давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С. А. Тоғаев тасдиқладим.

Ишончномани фуқаро Валиев Абдураҳим Самадович менинг ҳузуримда имзолади. Унинг шахси аниқланди, шахсий мулоқат давомида муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги

ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Шунингдек, унинг сотиш ҳуқуқи берилаётган автомашинага даъво қилувчи хотини йўқлиги аниқланди ва ундан бу ҳақда ариза олиниб, реестрга 1204 рақами билан қайд этилган ва ушбу нотариал идорада сақланмоқда.

Реестрга 1205 рақами билан қайд этилди.
6000 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси (имзо) С. Тоғаев
муҳри

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда, унутилаёзган қадриятларимиз тикланмоқда ва янги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келмоқда.

Энг қувончли томони шундаки, халқимиз ўзлигини англаб етмоқда. Эндиликда маданият ва маърифат яна қайтадан ўз ўрнини топмоқда. Халқнинг умумий маданияти билан бирга унинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли китобида ҳуқуқий маданият масаласига алоҳида тўхталиб, «Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади» — деб кўрсатади.

Бу фикрлар ва Президентнинг қатор маърузаларида баён қилинган ҳуқуқий маданият концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармонида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Бу фармонда ҳуқуқий маданиятни кўтариш ва аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш иши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Кўрсатилган фармоннинг ижросини таъминлашда, жа-

миятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарбияни яхшилаш ишларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига шу жумладан нотариусларга ҳам катта маъсулият юкланади.

Одатда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақида гап кетганда нотариат эсланмайди. Холбуки, фуқаролар ҳуқуқини муҳофазалашда нотариатнинг ўзига хос салмоқли ўрни бор. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ўз фаолиятларида кўпроқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан шуғуллансалар, нотариат ҳуқуқ бузилишини олдини олишга, фуқароларнинг шунингдек, юридик шахсларнинг ҳам мулкий ва шахсий ҳуқуқларини ўзига хос усуллар билан ҳимоялашга хизмат қилади.

Нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Унга низосиз ҳуқуқлар ва фактларни тасдиқлаш, шаҳодатлаш ва келажакда фуқаролик ҳуқуқларини бузилиши эҳтимолини олдини олиш мақсадида бу ҳуқуқларини қонунда белгиланган тартиб ва шаклда ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни бажариш вазифаси юклатилган.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар нотариуслар томонидан ҳуқуқий жиҳатдан юксак савияда расмийлаштирилса, фуқаролар ёки юридик шахслар ўртасида низолар келиб чиқишини олди олинади ва бу борадаги ишлар судларда анча камаяди ёки бу тоифадаги ишлар судда кўрилганида ҳам нотариус томонидан амалдаги қонунларга асосан тасдиқланган ҳужжат ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Низоли фуқаролик ишларини фуқаролик процесси жараёнида томонларнинг тортишувига асосан кўриб чиқадиган судлардан фарқли ўлароқ, нотариус низосиз ҳуқуқлар ва фактларни тортишувларсиз, якка тартибда, унга тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш йўли билан ҳуқуқ ва фактларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғрилигини аниқлаб нотариал фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 1-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан

шуғулланувчи нотариуслар амалга оширадилар. Демак, эндиликда хусусий нотариал фаолият билан шуғулланишга қонун даражасида рухсат берилди.

Ҳар бир фуқаро ўзининг мулк ва мерос масалаларида қалб тўридаги сирлари билан нотариусга мурожаат этади. Нотариус ҳамманинг дардини эшитиши лозим, лекин бирортасини ошкор қилиши мумкин эмас. Қонун талаби ҳам шундай. Шунинг учун бу соҳага ҳалол ва пок, юксак инсоний фазилатларга эга бўлган билимли ва кенг мушоҳадали мутахассисларни танлаб олиш керак деган фикрга келинди.

Давлат нотариуслигига ҳам хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусликка талабгор учун ҳам қўйиладиган талаблар бир хил. Яъни, Ўзбекистон Республикасида нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, амалиётчи нотариус хузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси тайинланиши мумкин.

Қолаверса, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлганларга нотариуслик ваколатларини бериш танлов асосида амалга оширилиши ҳам қонунда белгилаб қўйилган.

Ўйлаймизки, мана шундай тартибда нотариуслик ваколатларини беришлик бу соҳада ҳалол ва пок, чуқур касбий билимга эга бўлган, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилишга лаёқатли мутахассислар билан нотариуслар сафини кенгайтиришга ва пировардида фуқаролар ва юридик шахсларга ортиқча навбатлар ва сансалорликларсиз, ҳуқуқий жиҳатдан юқори даражали нотариал хизмати кўрсатишга олиб келади.

Нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашидан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланишидан қатъи назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эгадир. Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга бўлади.

Чунки нотариус у хоҳ давлат нотариал идорасида ишласин хоҳ хусусий амалиёт билан шуғуллансин нотариал ҳаракатларни тасдиқлар экан давлат берган ваколатга асосан битимлар ёки бошқа нотариал ҳаракатларни давлатнинг амалдаги қонунлари доирасида эканлигини тас-

диқлаб, гувоҳлантириб берадии ва давлат герби туширилган муҳр билан мустаҳкамлайди.

Ҳурматли китобхонлар, муҳтарам нотариуслар. Ушбу тўпламда нотариал ҳаракатлардан ва нотариал ҳаракатларни тасдиқловчи ёзувлардан берилган намуналар аниқ белгилаб қўйилган мажбурий тарздаги матнлар эмас.

Турли хилдаги битимларни, васиятномаларни ва ҳоказоларни фуқаролар, юридик шахслар ўз хоҳишлари ва эрк-иродаларига кўра, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ ва атрофлича баён этган ҳолда уларни қониқтирадиган тарзда гузадилар.

Лекин, нотариус уларга ушбу ҳужжатларни қонунга мос равишда бўлишлигида, бу ҳужжатлар нотариал тартибда расмийлаштирилганидан сўнг келтириб чиқарадиган оқибатларини англаб етишларида яқиндан ёрдам бериши зарур.

Шунингдек, нотариус унга тақдим қилинган ҳужжатлардан тузилаётган битимларда ҳуқуқ ва фактларни низосизлигини аниқлаган тақдирдагина уни тасдиқлайди.

Қолаверса, нотариал тасдиқланадиган хужжатларда зарур бўлган маълумотлар бўлишини таъминлашга нотариус масъулдир.

Аввалги қонун ва меъёрий хужжатларда тасдиқловчи ёзувлар ҳам белгиланган маълум бир шаклда бўлиши талаб этилган бўлса, эндиликда тасдиқловчи ёзувларни матнини тузиш нотариуснинг ўзига ҳавола этилган.

Чунки бу нотариуснинг у ёки бу нотариал ҳаракатни тасдиқлаганлигини билдирувчи ёзув бўлиб, бу тасдиқловчи ёзувда баъзи бир маълумотлар албатта кўрсатилиши керак. Масалан, нотариал ҳаракатнинг номи (шартнома, васиятнома, ишончнома, ҳужжатнинг нусхаси ва ҳоказо), у тасдиқланган куни, ойи, йили, лозим бўлса соати, нотариал ҳаракат амалга оширилган жой, нотариуснинг фамилияси, исми, отасининг исми, нотариал ҳаракатни амалга оширувчилар ва улар ҳақида баъзи бир маълумотлар, улушли ва биргаликдаги мулкнинг бошқа эгалари ва уларни битим тузилаётган мулк юзасидан билдирган фикрлари, нотариал ҳаракат нотариал тасдиқланганидан кейин махсус рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлса бу ҳақда кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, нотариал ҳаракат қайд этилган реестр рақами, нотариал ҳаракатни тасдиқлаганлик учун тўланган давлат божи (хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар эса тариф бўйича ҳақ) тўланганлиги

ҳақида кўрсатилиб, нотариуснинг имзоси ва муҳри қўйилиши керак. Тасдиқловчи ёзув матни мазмунан чиройли, ихчам ва маъноли қилиб тузилиши лозим.

Ўйлаймизки, муҳтарам нотариусларимиз нотариал тасдиқланадиган ҳужжатларни лойиҳасини ва тасдиқловчи ёзувлар матнини тузишга ижодий ёндошадилар.

Қонун доирасида баъзи бир нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслардан ҳам улар томонидан бажариладиган нотариал ҳаракатларни ёки нотариал тасдиқланганга тенглаштирилган ҳужжатларни қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган тартибда амалга оширишлари лозимлигини таъкидлаб ўтамиз.

Токи, биз хизмат қилаётган, озодлиги ва ободлиги йўлида меҳнат қилаётган Ватанимизнинг азиз фукаролари, юридик шахслар бирор-бир идорадан қонунларга ва амалдаги тартибларга риоя этилмай берилган ҳужжатларни олиб иккинчи бир идорада сарсон-саргардонликка дуч келмасинлар.

Ҳурматли ҳамюртларимизга эса, ўзларининг мулк ва мерос ҳуқуқларини ўз вақтида албатта нотариал идораларга мурожаат этиб расмийлаштиришларини, нотариал хизматдан кенг фойдаланган ҳолда васиятномалар тузиш ва тасдиқлашда нотариусларга мурожаат этишларини тавсия этамиз. Шунингдек, Сиз ўз юмушларингизни бажариб улгуролмаётган бўлсангиз, баъзи ҳолларда бу юмушларни нотариал тасдиқланган ишончнома орқали ўзингизни ишончли вакилингизга топширишингиз мумкин.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 110-моддасига асосан қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича битимларни нотариал тасдиқлаш шартлигини эслатиб ўтамиз.

Ёдингизда тутинг, битимларни нотариал тартибда тасдиқлаш Сизнинг ҳуқуқларингизни бузилишини олдини олади.

Азиз китобхонлар! Ушбу тўплам нотариат туғрисида ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни ва уларни қўллаш жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган нотариал ҳаракатлар шакллари намуналарини беришга бўлган дастлабки уриниш бўлиб, камчиликлардан холи бўлмаслиги табиийдир. Тўплам юзасидан фикр-мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармасига юборишларингизни сўраймиз.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3

Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни . . . . . . . . . . . . . . . 5
Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кўчирмалар) . . . . . . . . . . . . . 41
Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қўлланмалар . . . . . . . . 96
Ўзбекистон Республикаси Давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида қўлланма . . . . . . . . . . . . 97
Ўзбекистон Республикаси Давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг иш юритиш тартиби ҳақида қўлланма . . . . . . . . . . . . . . . . 192
Ўзбекистон Республикаси шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қўлланма . . . . . . . . . . . . 211
Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги қўлланма . . . . 231
Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш тартиблари тўғрисидаги Низомлар . . . . 252
Ўзбекистон Республикаси Давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда стажировка ўташ тартиби тўғрисида Низом . . . . . . . . . . . . . . . 253
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиялари тўғрисида Низом . . . . . . . . . 255
Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида Низом . . . 259
Нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш ҳамда нотариус ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида Низом . . . . . 265

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Апелляция комиссияси тўғрисида Низом . . 268
Нотариал ҳаракатлардан намуналар . . . . . . . . 271
Шартнома ва битишувлар . . . . . . . . . 275
Меросни хатлаш . . . . . . . . . . . . 293
Қонун ва васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномалар . . . . . . . . . 298
Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкларидаги улушларига мулк ҳуқуқи гувоҳномасини бериш . 306
Мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар . . . 306
Васиятномалар ва уларни тасдиқлаш . . . . . 314
Ишончномалар ва уларни тасдиқлаш . . . . . 320
Ҳужжатларни шаҳодатлаш . . . . . . . . . 325
Турли аризалар . . . . . . . . . . . . . 326
Тақиқномалар . . . . . . . . . . . . . 328
Протестлар . . . . . . . . . . . . . . 329
Нотариал ҳаракатлардаги тасдиқловчи ёзувлардан намуналар . . . . . . . . . . . . . . . 332

Махсус нашр
Ўзбек тилида

ЎЗБЕКИСТОНДА НОТАРИАТ

Муҳаррир *Дилбар Дадажон қизи*
Рассом *А. Баҳромов*
Техник муҳаррир *М. Саидова*

Босмахонага 28.10.97 й. да берилди. Босишга 20.01.98 й. да рухсат этилди. Қоғоз бичими 84х108 $^{1}/_{32}$. Босма табоғи 11,5. Шартли босма табоғи 19,32 л. Нашриёт босма табоғи 20,36. Адади 10000. Буюртма 1813. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» нашриети, 700047, Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.